

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УЎК: 821.512.133.06 (091)

Адизова Икболлой Истамовна

Увайсий шеърларида поэтик тафаккурнинг янгилиги

10.02.00 – Ўзбек адабиёти

**Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим
этилган диссертация**

Тошкент - 2020

Мундарижа

Кириш.....3-15

Асосий қисм:

1-боб. Мумтоз адабий анъана ва индивидуал ижодий тафаккур – поэтик мазмун янгиланишининг асоси.

1.1 Поэтик мазмун янгиланишида мумтоз адабий анъаналарнинг ўрни.....16-41

1.2 Лирик қаҳрамон табиатининг поэтик мазмун янгиланишига таъсири.....41-79

2-боб. Бадиий образ янгиланишида Увайсийнинг адабий-эстетик мезонлари

2.1 Мумтоз поэтик анъана синтези – бадиий образ янгиланишининг асоси.....80-105

2.2 Бадиий образ янгиланишида ирфоний рамзларнинг ўрни.....106-126

3-боб. Увайсий шеъриятида поэтик жанрлар такомилли ва бадиий маҳорат

3.1 Ғазал ва мусаммат жанрларида анъана ва новаторлик.....126-162

3.2 Увайсийнинг кичик жанрлар ва дostonнависликдаги маҳорати.....162-201

4-боб. Шоира шеъриятида поэтик шакл янгиланиши ва бадиий санъатлар такомилли

4.1 Қофия ва радиф Увайсий шеъриятида поэтик шакл янгиланишининг адабий-эстетик асоси202-223

4.2 Шоира лирикасида бадиий санъатлар такомилли..... 223-245

Хулоса.....246-252

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....253-265

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабий тафаккури тараққиётида поэтик мазмун ва шакл янгиланишининг адабий-эстетик асослари, поэтик анъана синтези каби масалалар долзарб муаммолардан бири сифатида тадқиқ этиб келинмоқда. Ижодкор поэтик тафаккурининг янгиланиши анъаналарга ёндашувнинг, лирик қаҳрамон табиатининг, бадиий образлар тадрижининг, жанрлар такомилли ва поэтик шакллارнинг янгиланишига асос бўлади. Жаҳон адабиётида шундай ижодкорлар борки, улар ижодидаги адабий-эстетик янгиланиш бутун миллий адабиётнинг янгиланишига, янада юксак босқичга кўтарилишига замин яратади. Бундай ижодий фаолиятларни ўрганиш дунё адабий-эстетик олами тараққиёти билан боғлиқ кўплаб илмий муаммоларнинг ечимини топишда муҳимдир.

Дунё шеършунослик тарихида адибларнинг ижодий лабораторияларини ўрганиш, улардаги ўзига хосликнинг анъанавийликка муносабати масалаларини талқин этиш зарурий илмий хулосалар чиқаришга асос бўлиб келган. Асарларни мазкур йўналишда таҳлил этиш адабиётшунослик илмининг мавзу, бадиий образ, жанр, вазн каби назарий масалаларини янада аниқлаштиришга, такомиллаштиришга хизмат қилади. Шу сабабли ҳам жаҳон адабиётшунослигида олиб борилаётган ишлар салмоғидан келиб чиқиб, бу йўналишда ўзбек мумтоз адабиёти вакиллари фаолиятини ўрганиш ва қайта баҳолаш давр талаби бўлиб қолмоқда. Хусусан, Жаҳонотин Увайсий ижодига шу нуқтаи назардан ёндашув ҳам долзарбдир.

Мустақиллик шарофати билан мумтоз адабиётимизни чуқур илмий-назарий, матн ва манбаларни бадиийлик мезонлари асосида янгича нуқтаи назар билан тадқиқ этиш муҳим мақомга кўтарилди. Жумладан, Жаҳонотин Увайсий асарлари ҳам кенг қамровли, теран моҳиятни ўзида мужассамлаштирган фалсафий-ирфоний маънолардан холи эмас. Хусусан, ишқ мавзуси олам, одам ва Оллоҳ муносабатларини ўзида уйғунлаштиради. Агар уни фақат инсоннинг инсонга муносабати тарзида англасак, шоира

фикр-ғояларидан узоқлашиб, унинг нуқтаи назари, дунёкараши ва ҳаётий хулосаларини нотўғри тушунамиз. Шу боис, шоира лирик меросини тасаввуф таълимоти ғоялари нуқтаи назаридан қайта баҳолаганимизда, унинг мутасаввуф шоира эканлиги аён бўлади. Шундан келиб чиқиб, шоира ижодини ўрганишда асарлари замиридаги кўпқатламли маънолар қамрови, ғоявий ранг-баранглик, тасаввуф билан боғлиқ теран мазмун ва ирфонийлик, бадий маҳорат, тимсоллар кўлами ва моҳияти, жанрлар такомилли, қофия, радиф қўллашдаги ўзига хосликлари каби ўнлаб масалалар алоҳида эътибор қаратишни тақозо қилади. Диссертациянинг вазифаси сифатида мазкур муаммоларни махсус ва ҳар томонлама ўрганишнинг қўйилиши тадқиқотнинг янгилигини ва долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ – 2789-сон, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ – 2909-сон, 2017 йил 24 майдаги «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқи ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ – 2995-сон, 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги ПҚ – 3271-сон Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги «Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари» 124-Ф-сон мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида»ги фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5850-сон фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа

меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация Республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹

Жаҳон адабиётшунослигининг Шарқ мумтоз адабиёти, адабий муҳитлар, мумтоз образлар олами, шеъриятда қофия, радиф, бадий санъатларнинг ўрни каби муҳим муаммоларни ўрганиш борасидаги тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказларида, хусусан, Ankara Universitesi, Istanbul Universitesi (Туркия); Oxford, Kembridj universitetlari (Буюк Британия); Балх давлат университети (Афғонистон); Aligarh Muslim University, Delhi University (Ҳиндистон); Azerbaijan milli elmler akademiyasi Nizami adina adabiyat institute (Озарбайжон); Институт восточных рукописей в Санкт-Петербурге (Россия); Институт Востоковедение АН Украины им. А. Крымского (Украина); Институти забон, адабиёт, шарқшиносӣ ва мероси хаттии ба номи Рӯдакӣ (Тожикистон); ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат Шарқшунослик университети, Самарқанд давлат университети, Бухоро давлат университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида олиб борилмоқда.

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://arts.unimelb.edu.au/nceis>; <https://www.westernsydney.edu.au>; <https://slc.umd.edu/persian/about>; <http://nelc.uchicago.edu>; <https://nelc.osu.edu>; <http://ut.ac.ir>; <http://www.um.ac.ir>; <https://www.amu.ac.in>; <http://www.du.ac.in/du>; <http://www.istanbul.edu.tr/tr>; <https://www.ankara.edu.tr>; <http://gazi.edu.tr>; <https://www.orientalstudies.az/ru>; <http://literature.az/?lang=aze>; <http://www.kaznu.kz/ru>; www.iaas.msu.ru; <https://www.ivran.ru>; <https://spbu.ru>; www.orient.spbu.ru/ru; <http://www.orientalstudies.ru>; <http://oriental-studies.org.ua/uk/home>; <http://zoa.dmt.tj>; <http://iza.tj/ru/institut-yazyka-literatury-vostokovedeniya-i-pismennogo-naslediya-im-rudaki>; <http://tashgiv.uz/ru/>; <http://navoiy-uni.uz/uz-k>; <http://www.samdu.uz> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Дунё шеършунослигида лирик қаҳрамон, бадий образ ва рамзлар муносабатида янгилашлар, жанрлар эволюцияси ва генезиси очиб берилган (Оксфорд университети, دانشگاه تهران, İstanbul Üniversitesi, Gazi Üniversitesi, Azərbaycan milli elmler akademiyası Nizami adına ədəbiyyat İnstitutu, Институти забон, адабиёт, шарқшиносӣ ва мероси хаттии ба номи Рӯдакӣ, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети).

Жаҳон адабиётшунослигида ижодий жараён хусусиятларини, ижодий лабораторияларни янгича ёндашув ва концепциялар ёрдамида тадқиқ этиш учун қуйидаги йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда: Шарқ мумтоз поэтикасининг ўзига хос хусусиятлари, лирик жанрларнинг анъанавий қонуниятлари ва тарихий такомил босқичлари, тасаввуф таълимоти, тимсолларнинг рамзий маънолари, мумтоз шеърятда поэтик анъана синтезининг намоён бўлиш мезонларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётида асарлар синовидан ўтган буюк асарларга поэтик тафаккурнинг янгилаш маҳсули сифатида баҳо берилади. Зеро, эски қолипларда яратилган асар ўқувчига янгилик бермайди. Уни ўзига жалб қилолмайди. Шу билан боғлиқ равишда жаҳон адабиётшунослигида поэтика, бадий ижоддаги янгилаш, анъана ва новаторлик масалаларини чуқур ўрганиш тақозо этилади.

Дунёнинг кўплаб адабиётшунослари яратган илмий тадқиқотларда манбаларга шу нуқтаи назардан қаралганлигини кузатамиз. Асарларда мавзунинг қўйилиши, образ яратиш тамойиллари, жанрларнинг такомил хусусиятлари каби масалаларнинг фундаментал асоси, тараққиётини белгилаш бўйича жаҳон ва қардош халқлар адабиётшунослигида муайян илмий изланишлар олиб борилган.

И.Ю.Крачковский, Д.В.Фролов, Д.С. Лихачев, Б.В. Томашевский, Л.И. Тимофеев, И.В.Стеблева, Ян Парандовский, Ю.М. Лотман, А.Б. Куделин, В.М. Жирмунский, Ю. Боров, Н.Ю.Чалисова (Россия), Ҳ.Блошман

(Германия), Д.Де Уис (АҚШ), М.Симидчева (Канада), Р.Мусулмонкулов, У.Тоиров (Тожикистон), Ш.С.Калиева (Қозоғистон) каби олимлар ўз тадқиқотларида мумтоз поэтика, анъана ва новаторлик, образ ва жанрлар билан боғлиқ муаммоларни кун тартибига қўйиб, уларга доир ўз карашларини билдириб ўтганлар².

Дунё адабиётшунослигида мавжуд адабий-эстетик тафаккур маҳсуллари Жаҳонотин Увайсий ҳаёти ва ижодини ўрганиш, асарларида илгари сурилган мавзу ва ғоялар моҳиятини ёритишда ҳам асос бўлиб хизмат қилди. Шоира меросини баҳолаш унинг ҳаётлик давридаёқ бошланган. Давр адабий ҳаёти ҳақида маълумот берувчи Фазлий Намангонийнинг «Мажмуаи шоирон» тазкирасида ҳам унинг фаолиятига муносабат билдирилган³. Шоиранинг ўз асарларида ҳам унинг тақдири, асарларининг яратилиш тарихи, бадиий ниятлари борасида маълумотларни учратамиз⁴.

Ўзбек адабиётшунослигида шоира ижодини изчил илмий йўналишда ўрганиш ўтган асрнинг 30-йилларида Чўлпоннинг «Увайсий»⁵ мақоласининг эълон қилиниши билан бошланган. 1960-йилларга келиб, Увайсий асарларини тадқиқ этиш янги босқичга кўтарилди. Адабиётшунос

² Крачковский И.Ю. Арабская поэтика в IX веке / Изб. Соч., – М. – Л.: Академия наук, Т. II. 1956; Фролов Д.В. Арабская филология. – М.: Языки славянской культуры, 2006; Фролов Д.В. Классический арабский стих. История и теория аруда. – М.: Наука. 1991; Лихачев Д.С. Избранные работы в трех томах. Том I. Поэтика Древнерусской литературы. – Л.: Художественная литература, 1987. Томашевский Н. Традиция и новизна. – М.: Художественная литература, 1981; Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. – М.: Просвещение, 1976; Стеблева И.В. Семантика газелей Бабура. – М.: Наука, 1982; Парандовский Ян. Алхимия слова. – М.: Наука, 1972; Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста. Структура стиха. – Л.: Просвещение. 1972; Куделин А. Б. Классическая арабо-испанская поэзия. – М.: Наука, 1973; Жирмунский В.М. Избранные труды. Теория литературы Поэтика Стилистика. – Л.: Наука, 1977; Боров Ю. Эстетика литературы. – М.: Наука, 2003; Blochmann H. Prosody of the Persians according to Saifi, Jami and other writers. Calcutta, 1872; DeWeese D. The Predecessors of Nava'i in the «Funun al-balagah» of Shaykh Ahmad b. Khudaydad Tarazi: a neglected source on Central Asian literary culture from the fifteenth century // Turkish studies, edited by Sinasi Tekin, 2005, volume 29; Simidchieva M. Imitation and Innovatsion in Timueid Poetics: Kashifi's Badayi al-afkar and Predecessors, al-Mu'jam and Hada'iq al-sihr // Iraninan Studies, volume 36, number 4, 2003; Чалисова Н.Ю. Персидская поэзия на весах поэтики // Шамс Кайс Рази. Свод правил персидской поэзии. – М.: Восточная литература, 1997; Мусулманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика (X-XV вв.). – М.: Наука, 1989; Тухлиев Б. Вопросы поэтики «Кутадгу билиг» Юсуфа Хас Хаджиба. – Т., 2004.

³ Фазлий. Мажмуаи шоирон. Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги ШИ кўлөзмалар фонди, инв. № 358.

⁴ Увайсий. Девон. – Т.: Фан, 1959; Увайсий. Девон. – Т.: Ўзбекистон бадиий адабиёт нашриёти, 1963; Увайсий. Кўнгил гулзори. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983; Увайсий шеърятдан. – Т.: Ўзбекистон МК нашриёти, 1980. Ўзбек шоирлари баёзи. Увайсий. Нодира. – Т.: Фан, 1993. Увайсий. Мазмун маъдани. Шеърлар. – Т.: Академнашр, 2010.

⁵ Чўлпон. Увайсий. – Ёрқин турмуш. – Тошкент, 1933, 3-сон, 23-бет.

Э.Иброҳимова томонидан шоира таржимаи ҳоли ва адабий мероси тадқиқига бағишланган номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди⁶. Махсус монография чоп этилди⁷. Профессор И. Ҳаққуловнинг ўтган асрда яратилган «Увайсий шеърляти»⁸ рисолаи ҳам диққатга сазовор. Шоиранинг шеърлари илк бор «Ўзбек адабиёти хрестоматияси»⁹, «Ўзбек поэзияси антологияси»¹⁰ каби мажмуа ва хрестоматияларда чоп этила бошланди. Алоҳида девон ҳолида ҳам бир неча бор нашр бўлган. Шоира таваллудига 240 йил тўлаётганига қарамай, асарларига қизиқиш, уни илмий тадқиқ этиш сусайгани йўқ. Айниқса, асарларининг мунтазам чоп этилаётгани буни исботлаб турибди¹¹. Аммо асарларининг йиғма матни ёки танқидий матни ҳалигача амалга оширилмаган. Бу вазифани бажариш адабиётшунос олимларимиз олдида турган энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Адабиётшунослигимизда Увайсий ижодига бағишланган сўнгги махсус илмий тадқиқотнинг яратилганига қарийб 40 йил бўлди¹². Шу жиҳатдан, изланишларда унинг дунёқараши, асарлари моҳияти, ижтимоий ҳаётга муносабати масалаларининг ёритилишида мубоҳасали ўринлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, асарларини синфий номутаносиблик зиддиятлари билан боғлаш, ҳақиқий ишқни мажозий ишқ сифатида талқин этиш ҳолатлари кўзга ташланади. Мустақиллик шарофати билан адабиётшунослик фани кўтарилган мақомдан туриб бугун Увайсий каби ўзига хос маҳорат соҳибларининг ижодий фаолиятларини қайта кўриб чиқиш зарурати пайдо бўлди. Шоира ижодини, ундаги маъноларни, бадиий тасвирдаги ифода мукамаллигини ўрганиш муҳим мазмун касб этмоқда. Уларни теран англаш

⁶ Э.Иброҳимова. Увайсий ижодига доир. Филология фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.. – Тошкент: 1959.

⁷ Э.Иброҳимова. Увайсий. Монография. – Т.: Фан, 1963.

⁸ И.Ҳаққулов. Увайсий шеърляти. – Т.: ФАН, 1982.

⁹ Ўзбек адабиёти хрестоматияси, II жилд. – Т.: Фан, 1945.

¹⁰ Ўзбек поэзияси антологияси. – Т.: Бадиий адабиёт, 1948.

¹¹ Увайсий. Девон. – Т.: Фан, 1959; Увайсий. Девон. – Т.: Ўзбекистон бадиий адабиёт нашриёти, 1963;

Увайсий. Кўнгил гулзори. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983; Увайсий шеърлятидан. – Т.: Ўзбекистон МК нашриёти, 1980; Ўзбек шоирлари баёзи. Увайсий. Нодира. – Т.:Фан, 1993; Увайсий. Мазмун маъдани.Шеърлар. – Т.: Академнашр, 2010.

¹² И.Ҳаққулов. Увайсий шеърляти. – Т.: ФАН, 1982.

ва талқин этиш адабиётшунослигимиздаги энг долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот режасининг «Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи ва фольклорини тадқиқ этишнинг долзарб масалалари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Увайсий шеъриятида поэтик тафаккурнинг янгиланиш тамойилларини белгилашда муҳим вазифани бажарувчи мумтоз адабий анъаналарнинг ўрни, лирик қаҳрамон табиати, рамз ва образ муносабати, тимсол яратиш маҳорати, жанрлар такомилли, дostonнависликдаги ўзига хослиги, қофия, радиф ва бадий санъатларни қўллаш тамойиллари масалаларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Увайсий поэтик тафаккурининг янгиланишида салафларнинг ўрни, анъана ва новаторлик масаласини ўрганиш, асарларидаги мавзу қамрови, ғоялар қўламини қайта баҳолаш;

лирик қаҳрамон табиатининг тадрижий такомиллашуви, ўзига хос характер хусусиятлари, тимсоллар билан муносабати масалаларини тадқиқ этиш;

шоира шеърияти тимсоллар тизимидаги муштараклик ва янгиланиш, рамзийлик, ирфоний моҳиятни очиш мезонларини белгилаш;

жанрлар поэтикаси ва тараққиёти, ғазал такомилли, мусаммат турларига муносабат, кичик жанрлардаги хослик ва янгиланиш, ўзбек дostonчилигида шоира ижодининг ўрнини очиб бериш;

шоира назмида қўлланилган қофия ва радифнинг анъанавийлиги ҳамда ўзига хослиги, уларнинг ижодкор бадий ниятини амалга оширишдаги ўрни ва вазифасини ёритиш;

Увайсий шеъриятида маъно, мазмун ва бадиий санъатлар уйғунлиги, услубий ўзига хосликнинг намоён бўлиш мезонларини таҳлил этиш.

Тадқиқотнинг объекти. Жаҳонотин Увайсий девонларининг ҳозиргача нашр этилган барча нусхалари ва ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган шоира девонининг 1837 рақамли, Фазлий Намангоний қаламига мансуб «Мажмуаи шоирон» тазкирасининг 358 рақамли қўлёзма манбалар тадқиқот объекти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини Увайсий шеъриятида поэтик тафаккурнинг янгилигини анъана ва новаторлик, лирик қаҳрамон табиати, жанрлар таракқиёти, тимсол, қофия, радиф ва бадиий санъатларни қўллаш тамойиллари заминида ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тарихий-қиёсий, биографик, семантик-структурал, герменевтик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Жаҳонотин Увайсий шеъриятида мумтоз анъанага индивидуал ижодий тафаккур мезонларидан келиб чиқиб ёндашиш поэтик мазмуннинг янгилигини учун асос вазифасини ўтаганлиги мисоллар орқали илмий далилланган;

шоира шеъриятининг тимсоллар тизимидаги янгилиниш, мавжудларига ўзгача ракурсдан қараш тамойиллари ҳамда рамз ва образ муносабатлари кесимида май, соқий, бозор, ишқ каби тушунчалар махсус, кенг қамровда очиб берилган;

Увайсий ижодида анъанавий жанрлар янги қирраларининг кашф этилиши ва янада такомиллашув имкониятлари, ҳарора ғазал, фард, мусаллас, чистон каби ноёб жанрларнинг ўрни ҳамда таракқиётида шоира маҳоратининг ўзига хос юксалганлиги асосланган;

шоира шеъриятида қофия, радиф ва бадиий санъатларнинг қўлланишида услубий ўзига хосликлар, улардан фойдаланишда бадиийлик

мезонлари ва ирфоний маъноларни ойдинлаштириш тамойиллари аниқланган;

Увайсий дostonларининг Шарқ мумтоз адабиёти сайёр сюжетлари тизимидаги ўрни, етакчи воқелик таркибидаги лирик жанрлар, лирик чекинишларнинг ўзига хос композицион ва бадий ифода хусусиятлари илк бор қиёсий аспектда мисоллар билан исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Жаҳонотин Увайсий поэтик тафаккурининг янгиланишида анъананинг ўрни аниқланиб, новаторлик мезонлари белгиланган;

Ўзбек мумтоз адабиётида лирик қахрамон табиати ва ижодкор шахсияти муносабатлари Увайсий асарлари асосида назарий жиҳатдан тизимлаштирилган;

Увайсий назмида қўлланилган мумтоз образлар кўлами таснифланиб, уларни талқин этиш тамойиллари илмий далилланган;

шоира ижодида мумтоз бадий жанрлар такомилли, улардаги янгиланиш омиллари илмий асосланган;

дostonлари илк бор кенг қамровда, махсус тадқиқ этилган;

қофия, радиф, бадий санъатлар ижодкор ниятини амалга оширишда етакчи бадий восита эканлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Шарқ мумтоз бадийят илмига, Жаҳонотин Увайсий ижодий фаолиятига оид ўзбек ва хорижий олимлар томонидан амалга оширилган фундаментал илмий-назарий қарашлар кенг ўрганилгани; тадқиқот жараёнига бирламчи манбалар, хусусан, ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган Увайсий девонининг 1837 рақамли ягона қўлёзма нусхаси, Фазлий Намангоний қаламига мансуб 358 рақамли «Мажмуаи шоирон» тазкираси каби қўлёзмаларнинг ишга жалб қилингани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Жаҳонотин Увайсий адабий меросини

поэтик тафаккурнинг янгиланиши; бадий маҳорат нуқтаи назаридан илк бор кенг қамровда, махсус талқин этилиши; асарларининг тасаввуф таълимоти ғоялари билан боғлиқликда ўрганилиши; дostonларининг илк бор илмий таҳлил доирасига тортилиши; тадқиқот натижалари, ундаги таҳлил усуллари, тимсол ва жанр қўллашдаги анъана ва янгилик муносабати борасидаги кузатишлар ўзбек мумтоз адабиёти тарихи ва назариясини янада бойитишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация хулосалари ва тавсияларидан олий ўқув юртлари учун «Ўзбек адабиёти тарихи», «Мумтоз поэтика асослари», «Бадий матн поэтикаси» каби дарслик ва қўлланмалар яратиш, маъруза ва семинар машғулотлари мазмунини бойитиш, малакавий битирув ишлари, магистрлик диссертациялари ёзишда, маънавий кадриятларимизнинг ўрни ҳақида маърузалар ўқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Увайсий шеъриятида поэтик тафаккурнинг янгиланиши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Жаҳонотин Увайсий ижодида адабий таъсир, мумтоз образлар қўлами борасидаги илмий-назарий хулосалардан Ф1-02 рақамли «Адабиётшунослик тарихининг фундаментал тадқиқи» (2012-2016) мавзудаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 21 сентябрдаги 89-03-3420-сонли маълумотномаси). Натижада, Увайсий шеърияти миллий маънавиятимиз, кадриятларимизни бойитишда муҳим адабий ҳодиса бўлиб, уни чуқур ўрганиш мумтоз адабиёт тарихи ва адабиётшунослигининг кўплаб долзарб муаммоларини ечишга хизмат қилган;

поэтик ифода усулларига оид қарашлар, жанрлар такомилли, қофия, радиф ва бадий санъатларнинг қўлланилиш тамойилларига доир илмий-назарий хулосалар ва тавсиялардан А-1-118 рақамли «Навоий образининг тасвир ва талқинларига оид ўқув қўлланмасини тайёрлаш ва нашр этиш» (2015-2017) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон

Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 21 сентябрдаги 89-03-3420-сонли маълумотномаси). Натижада, бадиий ижоддаги поэтик тафаккурнинг янгиланиши билан боғлиқ янгича талқинлар, илмий ечимлар ва хулосалар Алишер Навоий «Хамса» дostonларини қиёсий ўрганишда муҳим назарий манба вазифасини ўтаган;

тадқиқот мазмуни юзасидан эълон қилинган мақолалардаги муҳим илмий-назарий хулосалардан ИТД-1-098 рақамли «Ёшлар маънавиятини шакллантиришда Алишер Навоий адабий-педагогик қарашларининг ўрни ва аҳамияти» (2012-2014) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 21 сентябрдаги 89-03-3420-сонли маълумотномаси). Натижада, Қўқон адабий муҳити вакиллари асарлари билан қиёсий аспектда ўрганилиши Навоий ижодининг кўлами ва маҳорат қирраларини кенг камровда намоён этиш ва ёшларимизни миллий, умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш имконини берган;

диссертация натижаларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston» телеканалида туркум кўрсатувлар сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 14 сентябрдаги 22-4-35-78-сонли маълумотномаси). Натижада, кўрсатувлар илмий-назарий маълумотлар билан бойитилиб, уларнинг илмий-маърифий савияси ошган;

тадқиқот натижаларидан «Ўзбек адабиёти тарихи (XVI-XIX аср I ярми)» 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш йўналиши бўйича бакалаврият босқичи талабалари учун дарслик яратишда муаллиф сифатида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 20 июль 654-сонли буйруғига асосан нашр этилган).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 12 та республика илмий-назарий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 45 та илмий иш эълон қилинган. Шулардан 2 та монография (1 таси хорижда), 1 та рисола, 1 та дарслик, 1 та ўқув қўлланма, ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 10 таси республика ҳамда 1 таси хориждаги илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 254 саҳифадан иборат.

I БОБ. Мумтоз адабий анъана ва индивидуал ижодий тафаккур – поэтик мазмун янгиланишининг асоси

1.1. Поэтик мазмун янгиланишида мумтоз адабий анъаналарнинг ўрни

Жаҳон адабий-эстетик тафаккури таракқиётида умуммиллий илмий-назарий масалалар мавжуд. Булардан бири ҳар бир ижодкорнинг индивидуаллигини белгилаб берувчи поэтик мазмуннинг янгиланиши ҳодисасидир. Поэтик нуқтаи назарнинг индивидуаллашуви бадиий адабиётдаги таракқиёт мезонидир. Ҳаёт ҳодисаларига ёндашувнинг ва мавжуд анъанавий ечимларнинг ўзгача ракурсга эга бўлиши воситасидагина адабиёт ва поэтик мазмун янгиланади. Биз жаҳон адабиётининг энг машҳур ижодкорлари адабий мероси намуналарини кузатсак, барчаларининг ютуқлари асосини ана шу анъаналар заминидан униб чиқувчи янгича қарашлар, ечимлар ва хулосалар ташкил этишининг гувоҳи бўламиз.

Дунё адабиётидаги поэтик тафаккурнинг янгиланиши масаласини адабиётшунослар ижодий лабораторияларни ўрганиш, анъана ва новаторлик муносабатини таҳлил этиш мобайнида ойдинлаштиришга ҳаракат қилишади. Албатта, ҳар бир ижодкор меросидаги ўзига хос хусусиятларни аниқлаш, унинг ўзигача бўлган анъаналарга муносабатини ўрганишдан бошланади. Чунки “Новаторлик ҳар доим ҳам янгилик кашф этиш эмас, балки у анъанага алоҳида эътибор билан қараш ва айни пайтда, хотирада уни тиклаш ҳамда у билан ўхшаш бўлмаслик”дир¹³. Анъанавийлик ва адиблар ижодини қиёслаш мобайнида уларнинг адабиёт оламига олиб кирган янгиликлари, ижодларининг ўзига хос қирралари, маҳорати намоён бўлиб боради. Зеро,

¹³ Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста. Структура стиха. – Л.: Просвещение, 1972, стр. 130.

таниқли адабиётшунос олим У. Норматов “новаторликни ўйлаб чиқариб бўлмайди. У энг яхши анъаналардан ўсиб чиқиши керак”¹⁴, деган эдилар.

Жаҳонотин Увайсий ижодий такомилли ҳақида фикр юритилар экан, унинг улуғ салафлар асарларидан ўрганган сабоқлари; устозлари ғояларига, тимсоллар оламига, бадий тасвир воситаларига муносабати; ёндашув тарзи; уларга қайта, янгича ҳаёт бағишлаш тамойиллари каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиш тақозо этилади. Шоира ижодий такомиллида анаъананинг мақомини белгилашда, у яратган назираларнинг ўрни муҳимдир. Маълумки, назира бир шоирнинг бошқа бир шоир асарига айни қофия ва вазнда ёзилган битигидир. Анъанавийлик ва назиранавислик Шарқ мумтоз адабиётининг хос хусусиятидир. Сиртдан қараганда, бу тақлид ёки такрор бўлиб туюлиши мумкин. Аммо мумтоз адабиётда адабий таъсир масаласи теран тадқиқотларни тақозо этадиган адабий ҳодисадир. Мумтоз илмий рисоаларни, тазкираларни кузатсак, бунинг турли даража ва кўринишлари борлигини англаймиз. Анъанавийликни илмий тадқиқ этган Турк олими Юсуф Четиндоғ таъсирланишнинг 12 турини кўрсатиб ўтади (интиҳол, маънойи тарош, салҳ, илмом, сиркати шеър, маънойи ҳайида, иқтибос, нақл, таворуд, назира, таҳзил, тазмин). Буларнинг айримлари ижобий, айримлари эса адабиётдаги салбий ҳодиса сифатида баҳоланади¹⁵.

Адабиётда адабий таъсирланиш натижасини икки тоифага ажратиш мумкин. Биринчиси, уни юксак мақомга кўтара олган ва унинг заминиде бутунлай янги, оригинал асарни майдонга келтира олган ижодкорлар. Булар ижобий баҳога муносиблар. Иккинчидан, бунга қарама-қарши ўлароқ, адабий таъсирланиш жараёнида тақлид доирасидан чиқа олмай қолиб кетган шоирлар. Булар мумтоз адабиётшуносликда салбий баҳога сазовор бўлишган.

Аммо ижобий маънодаги адабий таъсирланиш ҳамиша адабиётнинг тараққий этишида муҳим ўринга эга бўлиб келган. Айниқса, XV-XVI

¹⁴ Норматов У. Ижодкорнинг дахлсиз дунёси. – Т.: Мумтоз сўз, 2008, 16-бет.

¹⁵ Юсуф Четиндоғ. Алишер Навоий ва усмонли шеърляти. – Т.: Мухаррир, 2011.

асрлардан бошлаб назиранавислик кучайган. Усмонли турк адабиётида махсус назира – мажмуалар ҳам тузилган. Машхур турк шоири Аҳмад Пошшонинг Алишер Навоий томонидан юборилган 33 ғазалига назира боғлаши билан бу адабий ҳодиса анъанавий тусга кирган. Ўзбек мумтоз адабиётида бундай назира-мажмуалар XIX асрда Хива ва Қўқон адабий муҳитларида ҳам тузилганлиги илмда маълум. Чунки бу ҳодисадан “асосий мақсад ўзидан олдингини ривожлантирган ҳолда янгилаш”¹⁶дан иборатдир.

Маълумки, Шарқ мумтоз адабиёти анъанавий, собит фикрлар дунёсига эга адабиёт. Ана шу тафаккур оламида у олам, одам ва Оллоҳ муносабатлари билан боғлиқ, инсонда инсониятни уйғотиш салоҳиятига эга, тасаввуфий ва дунёвий моҳиятга молик кўламдор ва рангин дунёларни кашф этади. Қатъий қонуниятларни ўзгартирмасдан оламшумул, умумбашарий ғояларни бунёд этади. Шундай хусусиятларидан келиб чиқиб, турк олими Огоҳ Сирри Левенд уни “мазмун ва тушунча адабиёти”¹⁷ дейди. Ҳилми Ёвуз эса, “мумтоз шеърият рамзларга бой ва қоидапараст эканлиги, тизимни ўзгартирмасдан доимо янгилашиб борган”¹⁸лигини эътироф этади. Ўзбек мумтоз адабиётининг ҳайратланарли жиҳати ҳам шундаки, у чекланган қонуниятлар ичидан ҳам ноёб янгиликлар кашф эта олган. Бири бирини такрорламайдиган, оригинал асарлар яратилган. Адабиётимизнинг бу хусусияти, айниқса, назиранависликда аниқроқ намоён бўлган. Такрор ва анъана. Анъана – бу такрор эмас. Анъана – янги адабиётнинг асоси, жавҳари вазифасини бажарган.

Адабий таъсир масаласини ўрганишда биз кўпинча назира, татаббуъ, тахмис каби йўналишда яратилган асарларни таҳлиллаш йўлидан борамиз. Бадиият талқини билан шуғулланувчи олимлар адабий таъсирланишнинг турли хиллари мавжудлигини таъкидлашган. Жумладан, 1. Интиҳол 2. Илмом 3. Масҳ ва салҳ 4. Таҳзил 5. Таворуд 6. Ҳайида. Аммо улар ўртасида

¹⁶ Ўша асар, 17-б.

¹⁷ Огоҳ Сирри Левенд. Девон адабиёти: калималар ва рамзлар, мазмунлар ва мафҳумлар. – Истанбул, 1984, 83-б./ Қаранг: Ю.Четиндоғ. Алишер Навоий ва усмонли шеърияти. – Т.: Мухаррир, 2011, 17-б.

¹⁸ Ҳилми Ёвуз. Ёзув, тил ва санъат. – Истанбул, 1996, 122-б./ Қаранг: Ю.Четиндоғ. Алишер Навоий ва усмонли шеърияти. – Т.: Мухаррир, 2011, 17-б.

катъий чегара йўқ. Таъсирланишнинг мазкур турларидан таворуд, илмом, салҳ кабилар назиранинг таркибида ҳам учраши мумкин. Назиранавис ғазалнинг шаклий хусусиятларини олишдан ташқари, маъновий томонларидан ҳам таъсирланади. Аммо уни айнан ўзлаштириш, албатта, коидага зид бўлади. Бу интиҳол, яъни ўғирлик дейилади. Шу сабабли ҳақиқий назирани шоирларимиз мустақил, янги асар даражасига кўтариб ижод қилишга ҳаракат қилишган. Бундай усул ижодий мусобақа мақомида турган. Адабиётни яна бир янги, бақувват асар билан бойитган. Назиранависнинг маҳорат даражасини кўрсатишга ҳам хизмат қилган.

Бу борада Навоий ўзга ижодкор асаридаги мазмун ва маънодан фойдаланишни маъқул кўрмаган. У “Хуш эрмас эл сунгунча рахш сурмак ёки ҳамул ерда эмас гул истамак хўб”, дея бундай вазиятни танқид қилган. Аммо шунга қарамасдан, шоир ижодий меросини кузатсак, унда ҳам анъаналарни давом эттириш мақсадида назира, татаббуъ ва тахмислар яратилганлигини кузатамиз. Бунга Навоий ижодий мусобақа, маҳорат қирраларини намоён этиш майдони, милтиллаган маъно нуруни алангалатиш, шуълалантириш, уни янада мукамал шаклга келтириш воситаси сифатида қараганини кўраамиз.

Маълумки, баъзан адабиётшуносликда анъанавийликка, хусусан, назиранависликка биров салбий назар билан қараш ҳолатлари сезилади. Аммо бу тўғри эмас. Янгилик ҳеч қачон бўш майдонда юзага келмаган. Янги адабиёт ҳамиша анъанавийликдан озикланади. У, албатта, анъанавийликнинг бағридан униб ўсиб чиқади. Анъанавийлик асосида адабиёт тараққиётнинг янги поғоналарига кўтарилади. Назиранавислик мавжудни мавжлантириш, эскини ривожлантириб, янгини яратиш демакдир. Назиранавислик туфайли турғун адабий асар ҳаракатга, жунбушга келади, янги ҳаётини бошлайди. Шундай экан, мумтоз адабиётимиздаги назиранавислик намуналарини теран тадқиқ этиш йўлидан боришимиз лозим. Чунки улар новаторликка бориш, янгиланиш йўлларида сабоқ беради. Ижодкорларимизни ижоднинг юксак чўққилари сари етаклашга хизмат қилади.

Жумладан, Увайсий девонидаги назиралар тажрибаси ҳам буни исботлайди. Шоира Навоий, Амирий, Нодира, Жомий, Лутфий, Фузулий каби кўплаб ижодкорларнинг энг машҳур ғазалларига назиралар боғлаган. Жумладан, Алишер Навоийнинг “Бадоеъ ул-васат” девонида “Боғ аро гўё сабо солмиш эди жонон иси, Ким, етишгач гул иси, мен топтим андин жон иси” матласи билан бошланувчи бир ғазали бор. Ўзбек адабиёти тарихида мазкур ғазалга кўплаб ижодкорлар назира боғлашган. Бу, айниқса, Қўқон адабий муҳитида ўзига хос анъанага айланган. Ўзига хос адабий мусобақа тусини олган. ”Унга Зокиржон Фурқат назира, Рожий ва Нодим мухаммас, Нодим яна, ўз навбатида, Рожийнинг тазминли мухаммасига мусамман ёзган эди”¹⁹. Ушбу тажриба асосида Увайсий ва Амирий ҳам ўзига хос назира яратишган.

Бизга маълумки, Фазлий Намангонийнинг “Мажмуаи шоирон” тазкираси, маълум маънода, назира–мажмуа; назира, татаббулар жамламасидир. Тазкиранинг яратилиш тамойилидан келиб чиқиб, ундан мазкур ғазалга боғланган кўплаб назиралар ҳам ўрин олган. Жумладан, Амирийнинг “иси” радифли ғазали ҳам тазкирада муносиб ўрин тутган.

Амирийнинг мазкур ғазали 9 байтдан иборат. Навоий ғазали билан ҳажм жиҳатидан тенг. Иккала асар ҳам рамали мусаммани маҳзуф (фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоилун) вазнида яратилган. Асарлар мазмун жиҳатидан ҳам бир-бирига яқин. Амирий асарида Навоий қўллаган қофияларнинг биттаси (биринчи байтдаги “жон” сўзи) ишлатилган, холос. Иккала асарда ҳам биринчи байт мазкур қофия билан зийнатланган. Бир хил “иси” радифи қўлланган. Ҳар икки асар ҳам ошиқона йўналишда. Уларда ёр ва ошиқнинг висол онлари тасвирланган. Аммо, иккала шоир асарида ушбу тасвир ўзига хос ва такрорланмас ифода тизими билан ёритиб берилган.

Жумладан, Навоий ғазали ҳам васл мавзуида ёзилган. Бу йўлни шоир табиат тасвири билан боғлиқликда очиб беради. Боғ, сабо, гул, райҳон, ғунча каби тимсолларни қўллаб, улар воситасида жонон ва жон, юз ва хат, оғиз ва

¹⁹ Р.Орзибеков Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. – Т.: Фан, 1976, 86-бет.

дурдек тишлар, лаъл ҳамда қора хол билан боғлиқ рамзий моҳиятларни ёритиб беришга ҳаракат қилади. Дастлабки байтда гул ва жонон тимсолларини муқояса этади. Лирик қаҳрамон гул рамзида жононни тасаввур қилади. Аммо, у иккинчи байтдаёқ, бу фикридан қайтади. Гулнинг қизиллигида қотиллик аломатини кўради. Бунинг сабабини эса шоир кейинги байтда ошкор этади:

Лаъли кўнглум қатлини қилмоққа бўлди нуктасанж,

Эй кўнгул, дам асраким, келди бу сўздин қон иси²⁰.

Кейинги байтларда ғазалдаги бош қаҳрамон - ошиқ ёр юзини кўриб, ишқи ҳақиқийдаги васлга эришади. Энди унга гулу райҳон керак эмас. Чунки лирик қаҳрамон наздида улар, уни асл мақсаддан чалғитувчи дунёвий ашёларга, зару зеварга айланади:

Юзу хатгининг насимидин чу топтим тоза жон,

Ваҳ, не жонимға керак эмди гулу райҳон иси²¹.

Ошиқ кўнгли ишқ дардидан мажруҳ. Нима билан яраланган? Албатта, ишқ пайкони билан. Ошиқ учун ишқдан ёқимли ҳолат йўқ. Ҳатто, ишқ содир этган жароҳат ҳам шифобахш. Шу сабабли, лирик қаҳрамонга ғунчанинг ёқимли атридан кўра ҳам, кўнглига санчилган, ҳатто қадимийлиги ва давомийлигидан занглаб кетган ишқ пайкони ҳиди қадрдонроқ:

Ғунча атрин хушламасмен менки, кўнглум боғида

Дарк этарга ўрганибмен занглиғ пайкон иси.

Бунинг сабаби аниқ, чунки фақат ишққина ошиқни асл мақсадига етказувчи, васлга муяссар этгучи восита. Зеро, ишқ пайкони, яъни киприкнинг ошиққа йўналтирилишининг ўзидаёқ, васл ҳолати тасвирини кўради.

Кейинги байтда холи савдо – қора хол ҳақида фикр юритилади:

Холи савдосин, дема, кўнглунг нега фош айлади

Ким, ёшурғон бирла бўлмас мушкнинг пинҳон иси.

²⁰ Навоий. МАТ.5-том, Хазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. – Т.: Фан, 1990, 446-бет.

²¹ Навоий. МАТ.5-том, Хазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. – Т.: Фан, 1990, 446-бет.

Байтда хол мушкка қиёсланади. Мушкни қанча яширсанг—да, хиди ошкор этади. Ирфоний луғатларда қора хол ғайб олами рамзи, ваҳдат нуқтаси сифатида изоҳланади: “Хол – солиқлар ва завқ аҳли тариқиға кўра, Ҳақ ваҳдати нуқтасидир”²². Шундан келиб чиқиб, шоир рамзий маънода уни мушк билан муқояса этади. Чунки уни кўз билан кўрмасангда, муаттар бўйи сеҳри билан сени ўзига жалб этади. Худди шунингдек, кўнглинда мужассамлашган ғайб асрорини, ваҳдат ҳолатини ҳам сенинг рухий ҳолатинг ошкор этиб кўяди. Кейинги байтда шоир бода тимсолини қўллайди. У ҳам рамзий маъно касб этади. Бодани кўп истеъмол этганда, киши маст бўлиб йиқилади. Ўзини унутади. Шоир шу ҳолатдан ишқ мақомининг юқори даражасидаги рухий ҳолатни ифодалаш мақсадида фойдаланади.

Ғазалнинг мақтаси умумлаштирувчи, яъни барча айтилган фикрларга ясалган хулоса, маълум маънода, матладаги фикрга қайтиш, уни эслатиш вазифасини бажаради. Асарда шаклан раддул-матлаъ санъати қўлланмаган. Аммо шу санъат вазифасини шоир ўзгача сўзлар ва образлар келтириб, тамсил ва талмеҳ орқали амалга оширган. Шоир Яъқуб ва маҳи Канъон образлари орқали Қуръони каримдаги “Юсуф” сурасини эслатади. Яъқуб алайҳис саломнинг ўғли Юсуф дийдорига нақадар илҳақ, интизорликда кўзлари ожиз бўлиб қолганлиги, унинг кўйлагини ҳидлагач эса нажот топганлиги – кўзлари очилганлигига ишора қилади. Ўзини – Яъқубга, севиклини – Юсуфга менгзайди:

Гулдин ул гулрух исин топқач Навоий очти кўз,

Ўйлаким, Яъқуб кўнглакдин маҳи Канъон иси.

Айниқса, мазкур сўнги байтда, Навоийнинг ғазалдан кўзлаган муддаоси тўла юзага чиқади. Шоир талмеҳ санъати воситасида Юсуф қиссасига ишора қилади: Юсуфнинг кўйлагини ҳидлаган отаси – Яъқубнинг кўзи очилганидек, яъни ҳодисанинг моҳиятига етганидек, Гулда гул юзли

²² Дуктур Саййид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Техрон, 1379, 236-бет.

гўзалликнинг рамзини кўрган лирик қаҳрамоннинг ҳам кўзи очилади. Яъни асл моҳият нимада эканлигини англайди. Маърифат ҳосил қилади.

Гулрух маҳбуба васлига етишда ошиқ учун гул восита вазифасини бажаряпти. Ошиқ ўзини унутган эди. Гул рамзи орқали васлга эришиб, кўзи очилди. Яъни асл моҳиятни англади. Унинг асосий мақсади ҳам худди шу эди.

Навоийнинг мазкур ғазалига Рожий Марғилоний ҳам назира – мухаммас ёзган. Уни тадқиқ этган адабиётшунос олим Р. Орзибеков шундай мулоҳаза билдиради: “Рожий Марғилонийнинг мазкур ғазалга ҳазаж баҳрининг ҳазажи мусамман шаҳобчасида ёзган²³ мухаммасидан бир банди куйидагича:

Элга барги айш экан ҳар бир гули бўстон иси,
Искадим мен ғам самуми бирла гўё қон иси.
Топмадим гулшан насимидин магар хирмон иси,
“Ғар баҳор эл топса бўстондин гулу райҳон иси,
Келур ул райҳон ила гулдин менга ҳижрон иси”.

Тазминли назира мухаммаснинг биринчи банди бўлган бу парчада кўштирноқ орасидаги сўнгги 4- ва 5- мисралар Алишер Навоийнинг шу радифли ғазалининг матлаби бўлиб, унинг устидаги уч мисра Рожийнинг ўз таъбидандир²⁴.

Аммо, шу ўринда, бир масалага ойдинлик киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Рисола муаллифи мухаммасдаги 4- ва 5- мисралар Навоий ғазалининг матласи дея маълумот беряпти. Лекин Навоийнинг ғазалида бундай байт учрамайди. Кўқон адабий муҳитида мазкур ғазалга назира ёзган Амирий, Увайсий, Фурқат каби ижодкорлар асарларида ҳам, айнан, бундай байт келтирилмаган. Аммо мазкур мухаммасни тўла равишда Рожийнинг мустақил ижоди намунаси деб ҳам бўлмайди. Чунки ундаги ташбеҳлар, бадий ифода шакллари, қўлланган сўзлар қамрови Увайсий, Амирий,

²³ Орзибеков Р. Ўзбек адабиётида ғазал ва мусаммат. – Т.: Фан, 1976, 86-б. Асар монография муаллифи айтганидек, ҳазаж эмас, балки рамали мусаммани маҳзуф (фоилотун – фоилотун – фоилотун – фоилун) вазнида яратилган.

²⁴ Ўша асар, 85-бет.

Навоий каби иждокорларнинг “Иси” радифли ғазаллари таъсирида яратилгани сезилиб туради.

Жумладан, Амирийнинг назира ғазалида ҳам Навоий ғазали каби эътибор, асосан, васлга қаратилади. Шоир лафф ва нашр санъатини қўллаб, сунбулу кокил, райхону хат тимсолларидан ўз фикрини ифодалаш учун фойдаланади. Аммо шу ўринда Амирийнинг ўзига хос ифода йўсини намоён бўлади. Маълумки, мумтоз адабиётда сунбул, райхон тимсоллари анъанавий ва бир-бирини тақозо этади. Улар моддий предмет тарзида тасвирланаётган икки образ(кокул ва хат)нинг сифатий белгиларини тасдиқлашга хизмат қилади. Аммо Амирийда эса, аксинча, улардан икки мақсадда фойдаланилган. Биринчидан, шоир кокул ва хатни сунбул ва райхонни инкор этувчи ашёлар сифатида зидлантириб тасвирласа, иккинчидан, шоир шу йўл билан сунбул ва райхон кокул ва хатнинг “нашр” сифатида моҳиятини ёйиб берувчи, тасдиқловчи бадиий ашё сифатида ҳам қўллаяпти. Сажжодийнинг тасаввуф луғатида зулф – кокилнинг турли изоҳлари берилади. Шулардан бирида: “Зулф – ҳеч ким англаёлмайдиган ғойиблик моҳиятидир”²⁵, дейилади. Амирий лирик қаҳрамони юқори мақомда туриб, худди ана шу моҳиятга етишни орзулайди:

Сунбулу райхон шамимин айламасмен орзу,
Ким, тилармен кокули хатти абирафшон иси²⁶.

Тасаввуф луғатларида васл – Ҳақдан бошқа ҳамма мавжудликни унутиш маъносида талқин этилади²⁷. Амирий ғазалида ҳам лирик қаҳрамон ана шундай ўзини ва борлиқни унутган висол ҳолатида:

Васл топдим, зиндаи жовид бўлдум даҳр аро,
Гўйиёким, жон иси эрди менга жонон иси.

Ғазал мумтоз адабиётга хос бўлган кўпмаъноли мазмунга эга. Зоҳиран қараганда, бир гўзал дилбарга ошuftалик, висол ва ҳижрон туйғулари ифодалангандек кўринади. Аммо, ботинан ғазал замирида рамзий образлар

²⁵ Дуктур Саййид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Техрон, 1379, 442-бет.

²⁶ Амирий. Девон. – Т.: Фан, 1972, 236-бет.

²⁷ Дуктур Саййид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Техрон, 1379, 786-бет.

воситаси билан ишора этилаётган теран илоҳий моҳият мавжудлигини ҳам англаш қийин эмас:

Ёрга айдим: юзу зулфунг асиримен Амир,

Айдиким, келди бу сўздин куфр ила иймон иси.

Маълумки, ирфоний луғатларда юз – илоҳий жамол тажаллиси. Зулф эса турлича маъноларда талқин этилади. Шундай маъноларидан бири Сажжодий луғатида қуйидагича изоҳланган: “Ирфоний атамалар”да келтирилишича, зулф – куфр зулматига ишорадир”²⁸. Шундай экан, юқоридаги байтда шоир услубидаги кўпмаънолилиқка унинг ўзи ҳам ишора қилиб кетади. Ғазалда зоҳиран мажозий, ботинан эса илоҳий васл ҳолати ўз ифодасини топган. Бундай хулосага келишимизга асарда қўлланилган рамзлар, тимсоллар ва сўзлар тизими ҳам асос беради. Айниқса, юз ва зулфга, куфр ва иймон сўзининг зидлантириб қўлланиши бу моҳиятни янада ойдинлаштиради.

Ушбу асарлар орасида Увайсий шеърятини руҳий таҳлилнинг ниҳоятда чуқурлиги билан ажралиб туради. Унинг девонида ҳам “иси” радифли 7 байтдан иборат ғазал бор. У ҳам рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган. Навоий, Амирий, Фурқат ғазалларидан фарқли равишда унда фикр бири-бирига зид ҳолат - васл ва ҳажр туйғуси ҳақида боради.

Увайсийнинг ҳодисаларга ёндашиши, талқин этиши ўзига хос. Жумладан, ушбу ғазалда васл ҳолати тасвирга олинган. Лирик қаҳрамон васлга эришган. Аммо, у “шодмонликда ғамгинликни унутманг” ақидасига амал қилади. Ҳозирда васл оғушида бўлсада, ҳижрон риёзатларини хотирлайди. Уни унутмайди. Ушбу ғазалда шоира маҳоратининг икки қирраси кўринади:

1. Ўзи яратаётган тимсолнинг ички оламини чуқур талқин эта олиш;
2. Сўзларни танлаш ва қўллашдаги ўзига хос ноёб истеъдодини намоён эта олиш.

²⁸ Дуктур Саййид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Техрон, 1379, 442-бет.

Увайсий ғазалидан шоира кўзлаган муддао бошқа шоирларнинг мазкур радифли асарларидан фарқланмайди. Аммо, услуб, маҳорат, поэтика нуктаи назаридан кескин фарқланувчи қирралар беҳисоб.

Аввало, шоира услубига хос чуқур руҳий таҳлил, ҳаёт моҳияти, инсон руҳиятини англашга интилиш, сўзлар замиридаги дардни, ҳаётни уйғотиб кўллай олиш санъати яққол намоён бўлади. Айниқса, қофия тарзида танланган сўзлар бу борада алоҳида аҳамиятга молик.

Маълумки, спортда ғалаба таъминоти вужуддаги бутун қувватни, зарбани аъзоларнинг бир нуқтасига – қўлга жамлай олиш маҳоратига боғлиқ. Назаримизда, шеърдаги қофия худди шундай вазифани бажаради. Унда ҳам шеърнинг бутун қуввати жамланади ва шеърхон қалби мўлжалга олинади. Маънавий зарб қофия орқали берилади. Қофия учун муваффақият билан танланган ана шундай ўткир сўзлар шеър ва шоир мақомини белгиловчи асосий омиллардан биридир. Мазкур ғазалдаги қофиялар худди ана шундай вазифани бажаришга беҳато йўналтирилган сўзлардир.

Шоиранинг мазкур ғазали назира шаклида яратилган. Шу сабабли, маълум маънода ўзи таъсирланган ғазалларга нозиклик билан, сездирмай ўз муносабатини ҳам билдириб ўтади. Жумладан, Амирий ғазалида ҳам илоҳий жамолга, ҳам мажозий дилбар қиёфасига чизгилар яққол сезилади, деган эдик. Юқорида келтирганимиздек, васл – Ҳақдан бошқа ҳамма нарсани унутмоқдир. Аммо, Амирий лирик қаҳрамони табиатида бундай юксак мақомдан чекиниш ҳолатлари кўриниб туради. Ундаги ошиқ баъзан ўзини унутса, баъзан дунёвий мақоми борасида ҳам фахр ва кибр билан эслайди:

Гулшани айём эли юз шукр фармонимдадур,

Келмагай, ёраб, булардин варди нофармон иси.

Шу сабабли ҳам, Увайсий ўз ғазали матласида, бизнингча, “васлдан ҳижрон иси келади” дея салафлари фикрига муносабат билдириб ўтади. Чунки тасаввуф луғатларида “Ҳажр – Ҳақдан бошқага зоҳирий ва ботиний илтифот”²⁹, дея шарҳланади. Демак, бизнингча, шоира ғазалининг

²⁹ Дуктур Саййид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Техрон, 1379, 796-бет.

биринчи байтини Амирий ғазалидаги ошиқ ҳолатининг, маълум маънода, танқидга олиниши дея қабул қилиш мумкин. Чунки Амирийда васл ҳақида сўзланяпти. Аммо, дунёвийликка илтифот унутилмаяпти. Шу сабабли, Увайсий ўзининг чуқур маъноли эътирозини ифодалаяпти:

Келди васлингдин, нетайким, бу кеча хижрон иси,

Ул сабаб эрди: табассумдин келур гирён иси³⁰.

Иккинчи мисра биринчи мисранинг биз келтирган талқини билан боғлиқ. Ҳазрати Махдуми Аъзам Даҳбедий ўзининг “Рубоийлар шарҳи рисоласи”да сўзлаш ва қулишни шундай изоҳлайди: “Билгилки, сўзлаш ва қулишдан мақсад ул зотнинг гўзал исмларию сифатларининг солиқ қалбида тажалли қилишидур”³¹. Демакки, васлга мукамал эришилмаган экан, тажалли ҳам тўлиқ бўлолмайди. Шу боисдан Увайсий ҳар бир солиқ ва ошиққа сабоқ бўлувчи чуқур мазмунли фикрни баён этади.

Увайсий сўзларни ниҳоятда донишмандлик билан танлайди. Ҳар бир сўз лирик образ руҳий ҳолатини аниқ инкишоф этади. Жумладан, “Ул сабаб эрди: табассумдин келур гирён иси” биринчи байтнинг иккинчи мисраси. “Йиғи аралаш табассум қилиш”нинг ўзи шеърхонни лирик қаҳрамон ҳолатига олиб киради. Унинг туйғуларини англашга яқинлаштиради. Йиғи маъносининг, айнан, гирён сўзи орқали ифодаланишининг ўзида ҳам, шоира назарда тутган чуқур мантиқ борлигини англаш қийин эмас. Табассум ва йиғи сўзлари воситасида тазод санъатининг қўлланиши лирик қаҳрамон руҳий ҳолатини, эгаллаган мақому даражасини ўқувчи тасаввурида аниқ тасвирлаб беришга хизмат қилади. Ҳолат суратини бундай беҳато чизиб бериш Увайсийнинг шоира сифатидаги ўзига хос маҳоратини белгилайди.

Амирий ғазалида васлга эришганлик ҳақида масрурлик билан куйланади. Аммо, Увайсийда бу ҳолат бутунлай фарқ қилади. Унинг лирик қаҳрамони ўзи кўтарилган мақомдан қаноатланмайди. Амирий асарида масрурлик руҳи устувор бўлса, Увайсийда маҳзунлик устувор.

³⁰ Увайсий. Кўнги́л гулзори. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 84-бет.

³¹ Абдулҳақим Шаръий Жузжоний. Тасаввуф ва инсон. – Т.: Адолат, 2001, 129-бет.

Машраб талъатидаги ишқ мақомининг юксаклигини таъкидлаш мақсадида, ривоятлардан бирида , “Оҳ деганда нафасларидан ковурилган гўштнинг бўйи келарди”, дейилган. Увайсий ғазалининг қуйидаги байтида ҳам худди ана шундай мақомдаги ошиқ ҳолати ўзига хос ифодасини топган. Гарчи у Мажнун каби, дили ишқ ғами билан тўлган бўлсада, лаълининг шавқида юрак-бағри ковурилган, изтиробда. Мазкур байтда шоира сўзларни турли маъно товланишларини эътиборда тутиб қўллаган. Жумладан, Лаъли сўзи Мажнун билан ёнма-ён ишлатилганлиги сабабли Лайлига ишорани ҳам билдиради. Ундан ташқари, лаълининг лаб маъносидан келиб чиқиб, зоҳирий иштиёқ ва рамзийлик билан боғлаб, кўнгилдаги илоҳий тажаллига эҳтиёжмандлик маъноларида ҳам қабул қилишимиз мумкин.

Иккинчи мисрада бағир ва бирён сўзларидаги ундошлар уйкашлиги воситасида ҳосил этилган тавзеъ санъати оҳангдорликни ва мазмуний мутаносибликни ҳам таъминлаган:

Гарчи мен ҳуснунгга Мажнун, зарфи дил саршори ғам,

Шавқи лаълинингдин бағирдин келгуси бирён иси³².

Дунёвий ишқнинг ибтидоси ошиқлик, интиҳоси васл. Аммо, шоира асарида васл ишқ интиҳоси эмас, балки уни янада оловлантирувчи чўғ сифатида намоён бўлади. Чунки васлдан сўнг фано босқичи бор. Ошиқнинг асл мақсади эса унга интилишдан иборат:

Гар табассум этса гул, булбулга ором ўлмагай,

Лабларинг то хандадур, мендин келур афғон иси.

Мазкур ғазал зоҳиран қараганда, ошиқнинг мажозий васл ва ҳажр туйғулари изҳори сифатида таассурот қолдиради. Аммо, Увайсий услубидан келиб чиқиб, чуқурроқ ёндашсак, асар илоҳий ишқ ва тажалли фалсафасини ҳам ўзида мужассамлаштирган мураккаб рамзий маънодаги асар эканлигини англаймиз. Шоира орифона ғояларини ифодалашда кўп рамзий тимсолларни қўллайди. Васл, табассум, лаъл, субҳ, райҳон, гул, булбул, лаб, Юсуф каби тимсоллар шулар жумласидандир. Биринчи мисрадаги гул табассуми ва

³² Увайсий. Кўнгул гулзори. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1983, 84-б.

булбул фиғони; иккинчи мисрадаги лаб хандаси ва ошиқ ноласидаги мутаносиблик рамзий маънога эга. Чунки лаб табассуми, хандаси ориф кўнглида Ҳақ жамолининг, Илоҳий файзнинг тажалли топишини англадиб келади. Бундай мақомдаги ошиқ эса фано сари интилади.

Увайсий салафлари асарларидан илҳомланибгина қолмасдан, ўзидан кейинги халафларига ҳам кучли адабий таъсир ўтказган. Жумладан, мазкур “Иси” радибли ғазаллар таракқиёт тарихида Фурқат томонидан яратилган назира ғазал ҳам муҳим ўрин эгаллайди. У 7 байтдан иборат. Асарнинг шаклий хусусиятлари салафлари ижодидаги каби сақланган. У Навоий асаридаги 5 та қофияни қайта қўллаган (жонон, райҳон, қон, жон, хандон). Фурқат ғазали салафлари асарларидан жуда катта фарқ қилмайди. Аммо, ундаги маҳорат қирралари, тасвир услуби ўзига хос ва янгичалиги кўриниб туради. Айниқса, бу жиҳат ғазалнинг сўнгги байтида яққол намоён бўлган. Мазкур байтда Навоийда ҳам, Фурқатда ҳам бир хил қофия, радиф (хандон иси), бир хил тимсол қўлланилади. Аммо шоирларнинг индивидуал ёндашуви натижасида бадиий ашёлар асарда турли вазифани бажариб келади. Навоийда оғиз ва дур тишлар шабнам ва очилган ғунчага ташбеҳланади. Бу ерда шоирнинг ташбеҳ учун танлаган ашёларининг ниҳоятда мутаносиблиги кўринади. Оппоқ, дурдек тишлар марварид янглиф шабнам доналарига, оғиз эса табассумга шайланган ғунчага қиёсланади. Фурқатда эса мазкур “хандон иси” қофия ва радиф бутунлай бошқа – ижтимоий мазмун ва мундарижа касб этади. Шоир улардан жаҳон айвонидаги номукаммаллик ва ноқисликлардан изтиробланиш туйғуларини ифодалаш учун фойдаланади:

Ғуссадин қон ютмайин найлай, жаҳон гулзоридин,

Топмасам шўрида, Фурқат, бир гули хандон иси³³.

Ушбу байт шоир ғазалида энг сўнгги – еттинчи байт бўлиб келади. У асар ғоясининг кульминацион нуқтаси вазифасини бажаради. Ҳолат

³³ Фурқат. Танланган асарлар. 2 томлик., 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1959, 84 - бет.

тавсифига бағишланган ғазал сўнгги байтда дунё ва инсоният маънавиятига нисбатан кескин исённи ўзида мужассамлаштирган ижтимоий, умумбашарий моҳиятга эга бўлади.

Навоий ғазали таъсирида яратилган мазкур “иси” радифли асарлар ўзбек мумтоз адабиётида, хусусан, Қўқон адабий муҳитида анъана ва новаторлик масаласини, уларнинг ўзаро муносабатини аниқлашда муҳимдир.

Кузатувимиз шуни кўрсатадики, бир хил мавзуда, бир хил вазнда, бир хил радифда яратилган бўлишига қарамасдан, ҳар бир истеъдодли ижодкор каламидан чиққан асар ўзига хос янги ижод маҳсули сифатида дунёга келади. Унда ҳар бир ижодкорнинг тафаккур тарзи, дунёқараши, фалсафий мушоҳадалари ўз ифодасини топади. Анъанавийликнинг сақланиши билан бирга мавзуга янгича ёндашув, янгича тасвир тизими кўзга ташланади. Улар бир-бирига ўхшаши билан бирга, давр руҳини, унинг муаммоларини ёритиш, тасвирлаш принциплари билан фарқланиб туради. Шу сабабли, ҳар бир ижодкор яратган асардаги мазмун, фикр, ғоя, тасвир тамойилларида тараққиёт белгиларини кузатамиз. Мазкур ғазал Навоий томонидан яратилган ошиқона йўналишдаги асардан тасаввуфий ва ниҳоят ижтимоий йўналишдаги ғояларни ўзида мужассамлаштирган, кенг қамровли асар мақомигача бўлган тараққиёт босқичларини босиб ўтганлигини кузатишимиз мумкин.

Увайсий ўзбек мумтоз адабиётидаги кўплаб машҳур, устоз шоирлар ижодий мактабидан баҳра олган адиба. Девонидаги кўплаб асарларда бундай адабий таъсир излари кўзга ташланади. У Навоий, Лутфий, Бедил, Фузулий, Амирий каби шоирлар ижодига хос анъаналарни давом эттиришга ҳаракат қилади.

Алишер Навоий “Мажолис ун - нафоис”да Лутфийга баҳо берар экан, умрининг сўнгида “офтоб” радифли шеър ёзгани ва унга барча замондош шоирлар татаббуъ қилганлари ҳақида сўзлайди: “... охир умрида радифи “офтоб” шеъри(ни) айттиким, замон шуароси барча татаббуъ қилдилар; ҳеч қайси (шоир) матлаъни онча айта олмадилар ва ул матлаъ будурким:

Э, зи зулфи шаб мисолат сояпарвар офтоб,
Шоми зулфат ро ба жойи моҳ дарбар офтоб”³⁴.

(Мазмуни: Зулфинг тунга ўхшаш бўлиб, гўё қуёш (юзинг) унинг соясида парвариш топади. Қизиғи шундаки, тунда ой бўлади, аммо зулфинг – туни бағрида қуёш).

Навоий фикридан маълум бўладики, Лутфийнинг “офтоб” радифли ғазалига деярли барча замондош шоирлар татаббуъ боғлайди. Шоир ғазалини форс-тожик тилида, рамали мусаммани маҳзуф вазнида яратган. Аммо, Навоийнинг ўзи негадир бу ғазалга назира боғламайди. Унинг “Хазойин ул-маоний”сидаги тўртала девонда ҳам “офтоб” радифли ғазал учрамайди. “Девони Фоний”да битта “офтоб” радифли ғазал мавжуд³⁵. Аммо, унинг “Дар таври Хожа”, яъни Хожа (Ҳофиз Шерозий) асари таъсирида яратилганлиги шоир томонидан таъкидланади. Аммо, у Лутфий ғазалига, хусусан, асарнинг 1-байтига юқори баҳо беради. Навоий ғазали 11 байтдан иборат. У музореъи мусаммани макфуфи маҳзуф (- - у - у - у у - - у - у - Мафъулу фоилоту мафойилу фоилун) вазнида яратилган (у вазн жиҳатидан ҳам Лутфий ғазалидан фарқланади).

Навоий давридан кейинги асрларда ҳам Қўқон, Хива адабий муҳитларида мазкур радифда кўплаб ғазаллар яратилганини кузатамиз.

Уларни қиёслаганда, барчасида ошиқ, ёр муносабатлари қуёшнинг ҳолати ва мақоми билан муқоясаланганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу, албатта, ўзига хос, чуқур мантиққа асосланган. Дилшод Барнода қуёш илоҳий нур манбаи. Илоҳийлик билан боғловчи пир, раҳнамо рамзи сифатида баҳоланади.

Навоийнинг қуёш, май, соғар, соқий каби тимсоллар билан боғлиқ анъанавий йўналишда бошланган форс тилидаги ғазали сўнгги бандларда тарихийлик касб этади. Шоир эътибори Ҳусайн Бойқаро Ғозий фаолияти ва мақомини тавсифлашга қаратилади.

³⁴ Алишер Навоий. МАТ. 13-жилд. Мажолис ун-нафоис. – Т.: Фан, 1997, 61-62-бетлар.

³⁵ Алишер Навоий. МАТ. 18-жилд. Девони Фоний. – Т.: Фан, 2002, 110-бет.

Қўқон адабий муҳитида ўзига хос мақомга эга Увайсийнинг қўлёзма девонида ҳам “офтоб” радифли бир ғазал учрайди. Ундаги тимсоллар камрови, бадий ёндашув мезонларидан Лутфийнинг донг таратган мазкур ғазали таъсирида яратилганини сезиш қийин эмас. Унда шоиранинг юксак маҳорат эгаси эканлиги яққол намоён бўлади. У оддий табиат ҳодисаси - қуёшнинг тонгда шарқдан чиқиб, шомда ғарбга ботишини асарига асос қилиб олади. Ундан чуқур фалсафа топишга эришади. Шоира унинг қисматида ўз тақдирининг рамзини кўради. Мумтоз адабиётда қуёшнинг дийдор излаб самода кезиши ғояси анъанавий. Аммо, Увайсий ана шу анъанавийликнинг янгича, ўзига хос талқинини яратади:

Чарх зарфига кўюб оғзин, ютар ҳар кунда қон,

Шом вақтида шафақ билгурди хунбор офтоб³⁶.

Офтоб ботаётганида шафақнинг қизаришини шоира ҳусни таълил санъати воситасида ўзига хос изоҳлайди: У кун бўйи дийдор илинжида азобланиб қон ютади. Шомда эса мақсадига етолмай, изтиробдан қон ёш тўкади. Шафақнинг қизариши, шоира фикрича, ана шундан. Мазкур байтда шоира қуёш тимсоли воситасида ошиқ руҳий ҳолатини ифодалар экан, унинг замирига замон ноқисликларидан ўз кўнглига етган захму жароҳатлар тасвирини ҳам сингдириб кетади. Асарда уларга ишора сезилиб туради.

Шоира кейинги байтларда қуёшни мажнунвор ошиқ сифатида тасвирлайди. Шу билан ўзига таскин тасалли топади, гўё:

Мен нечук Мажнун каби расвойи олам бўлмайин,

Чарх уза рухсори моҳингга гирифтор офтоб³⁷?!

Ҳатто, осмондаги офтоб ҳамки, маҳбуба ҳуснига гирифтор экан, шоира лирик қаҳрамонининг ишқ йўлидаги жунунлари табиий ҳол эканлигини таъкидлайди. Мазкур ғазалда, юзаки қараганда, шоира қуёшнинг ҳаракатини, оддий табиат ҳодисасини тасвирлаётгандек кўринади. Аммо, зийрак китобхон унинг замирида чуқур ижтимоий ва ирфоний маънолар

³⁶ Увайсий. Девон. – Т.: Фан, 1959, 63-бет.

³⁷ Ўша асар, 63-бет.

мужассамлигини сезиши қийин эмас. Аввало, қуёш - ошиқ ва тўғри йўлдан мақсад сари бораётган пир, раҳнамо рамзи. Ошиқ ва пирнинг қуёш тимсолида синтезланиши унинг моҳиятини чуқур англаш имконини яратади. Зеро, қуёш ўзи “қон ютади”, “азобланади”, “кеча кундуз йўл босиб дийдор излайди”. Оқибатда, у ёниб, бутун оламга нур улашади, жаҳонни нурга йўғиради.

Иккинчидан, офтоб ва фалак тимсоли воситасида шоира чуқур ижтимоий ғояларни, инсоний муносабатларни ҳам ифодалаб беради:

Дўст деб туттум этокин ул фалаки ғаддорнинг,

Шатта урди, кетти Мағриб, топти озор офтоб³⁸.

Шоира мазкур мисраларда дўстлик ва у билан боғлиқ вафо тушунчаси ҳақида мулоҳаза юритади. Бу тасвир ортида биз лирик қаҳрамон кўнглидаги замона зарбаларининг ифодасини сезамиз. Офтоб тақдирига қисматдошлик кечинмалари тасвирини ҳис этамиз.

Машҳур масалнавис Эзопнинг хожаси Ксанф ўз шогирдларига қарата, - “Эй муҳтарам талабаларим, фалсафа илми ёлғиз муҳокама ва мулоҳазалардангина иборат деб ўйламанг. Йўқ... кўпинча, сўзсиз фалсафа сўз билан ифодаланган фалсафадан устунлик қилади. Бу фикрим ифодасини, чунончи, раққослар ҳаракатида кўриш мумкин. Уларнинг қўллари муттасил ҳаракат қилиб, воқеа- ҳодисаларнинг туб маъносини ифодалайди ва бу билан сизнинг кўз олдингизда сўзсиз фалсафанинг чинакам қиёфасини намоён қилади”, - дея таълим берган эди.

Маҳоратли, файласуф шоира Увайсий ижодига хос муҳим хусусиятлардан бири ҳам худди шундай моҳиятга эга. У ўз асарларида ифодаламоқчи бўлган фикр-ғояларни фақат сўзлар билангина баён этмайди. Балки турли рамзлар, тимсоллар орқали ишоралар бериб, ўқувчининг мантиқий фикрлашига, якуний хулосалар чиқаришига ҳам имкон қолдиради. Чунки Олам ва табиатнинг ўзи доно файласуф. Уни кузатиш ва ўрганиш бизни чуқур маъноларни англаш, маърифат ҳосил қилиш сари етаклайди.

³⁸ Ўша асар, 63-бет.

Шоира маҳоратининг мазкур қирраси талқин этган ғазалимизда ҳам тўла намоён бўлган.

Мазкур ғазал мақтаида ошиқ ва офтоб тақдири яна бир бор муқоясаланади. Офтобнинг қисмати ошиқ учун гўё ибрат мактаби вазифасини бажаради. Шу ўринда шоиранинг тимсол яратиш маҳорати яққол кўринади. У қуёшни зарралар бошидаги дастор сифатида тасвирлайди. Бу тасвир шаклан мутаносиблиги билан ҳам, моҳиятан ёр ва ошиқнинг мақомини белгилаб бериши билан ҳам муҳимдир:

Вайсий, бошинг узра қўй хуршид талъат ёрни,
Билмадингму, зарралар бошинда дастор офтоб³⁹?!

Офтоб мақомидан келиб чиқиб, лирик қаҳрамон ўзи учун якуний ҳукм чиқаради: Ёрнинг мақоми энг юксакда. Энг азиз нарсани бошига кўтариш инсонга хос хусусият. Шундай экан, қуёш юзли ёрни бош устида эъзозлаш лозим. Бу мисралардан англашилаётган дастлабки маъно. Байт янада теранроқ, ботиний мазмунни ҳам ўзида мужассамлаштирган. Унда ёр ва офтоб, ошиқ ва зарралар параллел қўйилади. Бу параллелизм заминига чуқур ирфоний маъно ҳам сингдирилган. Яъни булар шаклан икки кўринишда бўлса-да, моҳиятан ягона хилқат. Зарралар - офтоб; ошиқ - ёр демакдир. Улар ҳодиса ва моҳият сифатида ягоналикка, бирликка эга.

Увайсийнинг шоирона маҳорати, айниқса, мақтада баён этилган мазкур чуқур мазмунли, умумлаштирувчи ҳукмда намоён бўлади. Ғазал матнида оддий табиат ҳодисаси тасвиридан иборатдек кўринган ифодадан шоира ҳикматомуз, фалсафий - ирфоний хулоса чиқаради: Яъни офтоб ва зарралар ягона мавжудот. Офтоб зарраларга, зарралар эса офтобга тенг. Ошиқ ва ёрда ҳам ягоналик мужассам. Ошиқ - зарра, ёр - офтоб кабидир. Демак, ошиқнинг ҳам, қуёшнинг ҳам мақсади бир нуқтада туташади. Зарра қуёшдан айро мавжуд бўлмаганидек, ошиқ ҳам ёрсиз мавжудликдан мосуво. Ҳар иккаласи ҳам ўзини излаш ва ўзига интилиш йўлида. Сўнгги мисраларда шоира ишоралар орқали ана шундай маънони назарда тутаяди.

³⁹ Ўша асар, 63-бет.

Кўринадики, биринчидан, Увайсий шеърятдаги ҳар бир тимсол моҳиятан кенг қамровга эга. Юзаки қараганда, оддий кўринган образлар, табиат ҳодисалари воситасида шоира чуқур фалсафий-ирфоний моҳиятни ҳам ифодалашга эришади.

Иккинчидан, салафлари таъсирида яратган асарларида уларни мазмун, маъно жиҳатидан янада такомиллаштириш йўлидан боради.

Шоира мазкур ғазалда ҳам Лутфий ғазалидаги, Навоий урғу берган бадиий тароватни сақлаган, замон руҳини сингдиришни унутмаган ҳолда, моҳиятан янада чуқур, кенг қамровли фалсафий-ирфоний маънодаги янги асар ярата олди.

Ўзбек мумтоз адабиёти такомилида Фузулийнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Абдурауф Фитрат адабий таъсир масаласи борасида сўзлар экан, "XVII аср иккинчи яримларидан бошлаб ўзбек адабиётига ўғузчанинг, айниқса, Фузулийнинг таъсири кучли" бўлганлигини таъкидлайди⁴⁰. Вадуд Маҳмуд ҳам мазкур адабий таъсир масаласига тўхталиб, "Навоий асрида чиғатойча ғарб турклари устига кўб таъсир қолдирғон эди. Аҳмад ва Ошиқ Пошшолар ва ҳатто Фузулийга ҳам Навоийнинг таъсири кучлидир. Фақат Фузулийдан сўнг ғарб туркчаси шарқ туркчасига таъсирини кучайтирди..."⁴¹, деган хулосага келади.

Ҳақиқатан ҳам, XVI асрдан кейинги адабиётни кузатсак, Фузулий ғазалларига кўплаб назира-татаббулар, тахмислар боғланганлигининг, шоир асарларидаги сўзлар хазинасидан унумли фойдаланилганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу ҳол, айниқса, Хива ва Қўқон адабий муҳитларида яққол намоён бўлади. Хусусан, Қўқон адабий муҳитида яратилган адабий меросимиз таракқиётида Фузулий ижодининг алоҳида ўрни борлигини кўраамиз. Адабий муҳитнинг ташкилотчиси, жонкуяр раҳнамози Амирий ижодидан бошлаб, барча ижодкорларнинг асарларида Фузулий бадиий маҳорати изларини кузатамиз. Амирий, Фазлий, Гулханий, Нодира, Адо, Увайсий каби

⁴⁰ Фитрат. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 2-жилд. – Т.: Маънавият, 2000, 61-бет.

⁴¹ Вадуд Маҳмуд. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 2007, 48-бет.

муҳитнинг етакчи шоирлари асарларида фузулиёна сўзлар қамровига, тимсоллар галереясига дуч келамиз. Шоирнинг кўплаб ғазалларига боғланган мухаммаслар ва назираларнинг ноёб намуналарини учратамиз. "Сўр", "Ўлтургуси", "Керакмазму санга" радифли асарлар шулар жумласидандир.

Фузулий анъанаси ва унинг новаторликка замин яратиши масаласи унинг "керакмазму санга" радифли ғазалига Амирий ва Увайсий томонидан ёзилган назира мисолида яққол кўринади. Учала шоир ижодидаги ғазалларни бирлаштириб ва фарқлаб турувчи жиҳатлар бор. Жумладан, вазн ва радиф; ошиқ ва маъшуқа руҳий ҳолатининг ёритилиш услуби; мурожаат усули каби асарлардаги муштарак ҳолатлардир. Бу бадиий унсурлар уларни бири-бирига яқинлаштириб туради. Шунинг билан бир қаторда, татаббуъ ғазал бўлишига қарамадан, учала шоир асарида ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос маҳорат қирралари ҳам намоён бўлади.

Учала шоир ғазаллари ҳам бир хил вазн - рамали мусаммани маҳзуфда ёзилган. Барча ғазалларда "керакмазму санга" жумласи радиф бўлиб келган. Амирий қофия сифатида Фузулий қофияларидан фарқли сўзларни қўллайди. Фақат иккита "хандонинг" ва "жонинг" сўзларигина турли ўринларда бўлса - да, бир хил кўринишда қўлланган. Аммо, шоир ўзга сўзларни ишлатишига қарамай, улардаги бир хил ҳижо, ритм ва оҳангни сақлайди. Увайсий эса қофия учун бутунлай янги сўзларни танлайди. Шу ўзгаришнинг ўзиёқ, шоира асарига ўзига хослик ва янгича руҳ бағишлайди. Иккала ғазал ҳам 7 байт, Амирийники эса 9 байтдан иборат.

Учала ғазал ҳам ошиқона йўналишда. Бош тимсоллар ошиқ ва маҳбуба. Уларда дастлаб мурожаат объекти жиҳатидан фарқланиш кўзга ташланади. Фузулий ғазалининг ҳар байтида лирик қаҳрамон турли образларга (кўнгилга, боғбонга, парига, қоши камонга, осмонга, сўфийга, Фузулийга) мурожаат қилади.

Амирийда мурожаат этилувчи образлар Фузулийдан анча фарқланади. Дастлабки байтларда иккинчи шахсга мурожаат маъноси сезилади. Аммо учинчи байтдан бошлаб сўнгигача ўзига хос "эй неклар шоҳи", "эй дийда",

“эй фалак”, “эй ойина”, “эй кўнгул”, “эй чарх”, “эй Амир” каби ўнлаб тимсолларга мурожаат этилади.

Увайсийнинг иккала ғазалида ҳам мурожаат бир тимсолга, яъни ёрга каратилганини кўрамиз. Бу ҳолат асар мазмун ва ғоясидаги асосий фарқни юзага чиқаришга замин бўлади. Чунки Увайсий лирик қаҳрамони тўғридан-тўғри ёр билан мулоқотга киришади. Ва шу мақомда қатъий туради. Бундай мулоқот ошиқ эгаллаган мақомнинг собитлигини, ўз руҳий ҳолатини аниқ англашини ва қатъий ишонч билан юксак мақомдан туриб ҳаракатланаётганини ифодалаб туради.

Фузулий ғазалида, ошиқ, маҳбуба, рақиб каби бош тимсоллар кўлланилган. Унда, асосан, ёрнинг жафокорлигига ва ошиқ ишқининг оташинлигига эътибор қаратилади. Увайсийнинг Фузулий ижодига эҳтироми юксак эди. У шоирнинг кўплаб ғазалларига мухаммаслар боғлаган, назиралар ёзган. Шоирани Фузулий асарларидаги донишмандона фалсафий ғоялар ва бадий сўзнинг такрорланмас жилолари ўзига жалб этади. Уни ғойибона устоз деб билади. Ундан маҳорат сирларини ўрганишга ҳаракат қилади. Фузулий асарларида ифодаланган фикр ва ғояларни янада такомиллаштириш йўлидан боради. Устози кўллаган сўзларнинг маъновий жилваларини янада сайқаллайди. Бу жараён, гўёки, шоирлар ўртасидаги маҳорат мусобақаси мақомига кўтарилади.

Бу ҳолат, айниқса, мазкур ғазалда яққол кўзга ташланади. Ушбу назира Увайсий дунёқараши, бадий маҳоратининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва белгилашда муҳимдир. Фузулийнинг ҳам, Увайсийнинг ҳам ғазали етти байтдан иборат. Иккала ғазал ҳам рамали мусаммани маҳзуф (- V - - - V - - - V - - - V -) вазнида ёзилган. Мазкур вазн ошиқ дилидаги тугённи, ишқ изтиробни кўламини ифодалашда қўл келган. Уч чўзиқ ҳижо ўртасида келаётган бир қисқа бўғин ҳосил қилаётган зарб Фузулий ғазалидаги иккинчи мисранинг шарҳи каби таассурот уйғотади:

Тиға урдинг, жисми урёнинг керакмазму санга ⁴²?

⁴² Увайсий. Девон. – Т.: Фан, 1959, 45-бет.

Қисқа бўғин натижасида юзага келаётган зарб “тиға урдинг” жумласида ўз изоҳини топади. Иккинчи ҳижодаги қисқалик, зарб гўёки, тигнинг урилиш зарбасини ўқувчи тасаввурида тасвирлаб беришга хизмат қилгандек. Мазкур ҳолат вазн танлаш асар ғоясини ифодалашда нечоғли муҳим эканлигини асослаб беради. Вазн натижасида яратиладиган оҳанг, ритм мазмун ва ғояни юзага чиқаришда ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Ҳар бир байт сўнгида такрорланиб келувчи “керакмазму санго” радифи ҳам шоирлар айтмоқчи бўлган фикрни қувватлантириб келади.

Увайсий мазкур радиф асосида иккита ғазал ёзган. Улар бир - бирини тўлдириб туради. Биринчи ғазал соддароқ тасвир ва ифодаларга асосланган бўлса, иккинчи ғазал мураккаброқ рамзий ва истиоравий характерга эга. Дастлабкисида очикдан-очик ёрга мурожаат этилса, иккинчисида эса, асосан, истиоравий рамзий ифода тизими етакчилик қилади. Гул, булбул, машшота, шона, ғаввоси дил, ақли кулл, қул, соқий, соғари мул, соғар, боғбон каби рамзий моҳиятга эга тимсоллар гуруҳи фикрлар моҳиятини ифода этади.

Фузулий ва Амирий ғазалларидаги ифода услуби, сўзлар тизими, тимсоллар тўплами бироз соддароқ ва реал тасаввурга яқинроқ. Увайсий ғазалларида эса шоиранинг бошқа асарлари каби мураккаблик, истиоравий ифода услуби ва ирфоний фалсафий ғоялар талқини устувор. Фузулий ғазалининг бир байтида ошиқ ва маҳбуба муносабатлари гул, боғ ва боғбон тимсоллари орқали тасвирлаб берилади:

Оташин оҳимла айларсан манга таклифи боғ,

Боғбон, гулбарги хандонинг керакмазму санга (3, 40)?

Бу ўринда ишқ оташи, унинг ёндирувчи қилмишидан огоҳлантириш маъноси борлигини англаймиз. Увайсий ғазалида ҳам гул ва боғбон тимсоллари билан алоқадор байт мавжуд. Аммо бунда Увайсийнинг ижодкор сифатидаги мақсади Фузулийдан фарқ қилади. Қолаверса, шоира мазкур байтни асарнинг марказий (шоҳбайт) байти даражасига кўтаради ва асарнинг икки ўрнида келтиради. У дастлаб матлаъ ва кейин мақтаъ бўлиб келади.

Матлада шоира фикрини истиоравий тарзда баён этади:

Ёзма туморингни умр, эй гул, керакмазму санго,

Берма кўп хорингга йўл, булбул керакмазму санго (4, 45).

Бу ўринда шоира гулга мурожаат этиб, гулбарглари ёзмасликни, асрорини пинҳон тутишини, ошиққа риёзат етказмасликни ўтилади. “Нега?” деган сўроққа эса асар мақтасидагина жавоб топамиз:

Вайсий, гул қон бағрини ёздиву узди боғбон,

Ёзма туморингни умр, эй гул, керакмазму санго (4,45).

Матлада қўйилган фикрнинг ечимини биз мақтада топамиз. Бундай маъновий занжир ҳосил қилишда шоирага раддул-матлаъ санъати ёрдам беради. Матладаги биринчи мисра мақтада иккинчи мисра сифатида айнан такрорланади. Шоиранинг бу санъатни қўллаши ғазалнинг яхлит композицияга эга бўлишига асос бўлади. Асар узвий мазмунга эга яқпора ғазал сифатида шаклланади. Матлада қўйилган тугун (тезис) мақтада ўз ечимини топади.

Бир қараганда, ғазалда мажозий ишқ куйланганга ўхшайди. Аммо ундаги рамзий тимсоллар галереяси асар ботинида ҳақиқий ишқ ифодаси ҳам мужассамлигини англадиб келади. Увайсий ўз услубига содиқ қолган ҳолда, ботиний мазмунни пинҳона ифодалайди. Хусусан, сўнгги байтда, бунга очилган гулнинг қисмати орқали ишора этиб кетади.

Бешинчи байтда соқийга мурожаат этилади. Мумтоз анъанага кўра, мазкур байтда илоҳий маърифат борасида фикр юритилади. Соқий пири муршид тимсоли. Соғари мул-тўла қадах маърифат билан лиммо- лим кўнгил рамзи:

Соқиё, қилдур муноди, етти жон лабға яқин,

Ташна ўлсанг, келки соғари мул керакмазму санго (4, 45).

Бу ерда “соғари мул”ни икки маънода тушунишимиз мумкин. Биринчидан, маърифатга талаб маъносида, иккинчидан эса, бутун борлиғи маърифатга айланган солиқ маъносида.

Иккинчи ғазалдаги бош тимсол ҳам ошиқ тимсолидир. У ҳам ишқ

йўлида баланд мақомларга эришган. Ўзини мажнун дея таърифлайди:

Ёр, манъ этма мани, Мажнун керакмазму санга,

Ол ашким, хирқайи гулгун керакмазму санга (4, 44).

Иккинчи байтдаёқ, шоира ўз фикридан қайтади ва ошиқни янада юксакроқ Анал Ҳақлик мақомидан туриб таърифлайди:

Худнамолиғдин ва гар номус этар аҳволима,

Бизни халқ этган ўшал бечун керакмазму санга (4, 44).

Шоира тўртинчи байтда ошиққа зоҳидликни зидлантиради:

Истасанг ёр ила ўзлук, зоҳидо, кўп йиғлағил,

Ўзлугунг ғарқ этмоға Жайхун керакмазму санга (4, 44).

Биринчи ғазалда машшота ва соч тимсоллари орқали ифодаланган маъно бу ўринда очик ва содда кўринишда баён этилади:

Солса ҳар номард кўнглига муҳаббат нашъасин,

Ваҳки, ҳақ асрориға макнун керакмазму санга (4, 44).

Яъни, шоира ҳар бир кўнглига муҳаббат тушган инсон ҳам ҳақиқий ошиқ бўлмаслиги, асл ошиқ Ҳақ асрорини кўнглида пинҳон сақлай олган киши эканлигига эътиборни тортади.

Мазкур ғазалда ошиқона фалсафа етакчилик қилса-да, ўрни билан Фузулий ғазалидаги анъанага биноан замондошлар кирдикорларини фош этувчи ижтимоий муаммолар ҳам ўз ифодасини топади. Зоҳид фаолиятидаги риёкорликка мойиллик ёки кўнглига муҳаббат нашъаси тушгандек кўринган айрим инсонлар табиатидаги қатъиятсизлик тасвири шулар жумласидандир. Фузулий ғазалида ижтимоий масалалар орқали замон билан боғланиш мақтаъда кўзга ташланади. Увайсийда эса матн ўртасида.

Кўриняптики, Навоий, Амирий каби устозлари қаторида, Фузулий ижоди ҳам Увайсийнинг мутасаввуф шоира бўлиб етишишида ва юксак маҳорат мактабини ўташида муҳим вазифа бажарган.

Демак, юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, "... назира ва татаббуъ шеърлар битиш ўзбек адабиётининг илғор вакиллари ижодида дастлабки даврлардан бошлаб, ўзида янгиликка бўлган интилишни

ифодаловчи восита сифатида қўлланилган”⁴³. Назира усулида яратилган ғазалларда анъанавийлик билан бирга ҳар бир шоирнинг ўзига хос индивидуал қирралари, дунёқараш ва фикрлаш тарзи ҳам намоён бўлган. Татаббуъ, назира, тахмис усуллари шунчаки тақлидчилик эмас, балки улар ҳар бир истеъдодли ижодкор учун улкан маҳорат мактаби вазифасини бажарган. Буни Увайсий ижоди мисолида кўриб ўтилган ҳолатлар ҳам тасдиқлаб турибди.

1.2 Лирик қаҳрамон табиатининг поэтик мазмун янгиланишига таъсири

Ўзбек мумтоз адабиётида лирик қаҳрамон масаласи теран талқинни тақозо этадиган адабий ҳодисадир. Чунки бу ҳар бир ижодкорнинг дунёқарашини, шахсиятини, ижодкорлик салоҳиятини ва бадий мақсади билан чамбарчас боғлиқдир. Лирик қаҳрамон характери ўрганмай туриб, ижодкорнинг ўзлигини, бошқалардан ажралиб турувчи истеъдод қирраларини, маҳоратининг ўзигагина хос жиҳатларини, ўқувчига айтмоқчи бўлган бадий ниятини англаш мушкул. “Лирик қаҳрамон – лирик асарда кечинмалари тасвирланаётган киши, шоирнинг умумжамият учун қимматли ҳис ва фикрларини ташувчи шахсдир. У шоир шахси билан эстетик идеалнинг қўймасидир”⁴⁴.

Шеърятда лирик қаҳрамон бош ғояни, барча тимсол ва образларни ўзида мужассамлаштирган махсус марказ ҳисобланади. Барча воқеа-ҳодиса ва кечинмалар ривожини унда синтезлашади. Лирик қаҳрамон моҳиятан шоирдан ҳам, ҳар қандай образдан ҳам кенг қамровга эга. Шу сабабли ҳам, у ҳеч қачон шоирга ёки ягона образга тенг бўлмайди. Бадий мақсаднинг асосини бошқарувчи адабий субъект вазифасини бажаради. Аммо, маълум маънода, унинг ҳар бир ҳаракати, албатта, шоир томонидан бошқарилишини, унинг нуқтаи назари ва назоратидан чиқиб кетмаслигини ҳам инкор этиб

⁴³ Орзибеков. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммаат. – Т.: Фан, 1976, 42-бет.

⁴⁴ Иззат Султон. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1980, 252-бет.

бўлмайди. Шоир айтмоқчи барча фикр-ғоялар унинг призмасидан ўтади. Лирик қаҳрамон кечинмаларидаги объективлик замирида шоирнинг субъективлиги ҳам мужассамлашади. Яъни шеърят воқеликни шоир шахси орқали тасвирлайди. Лирик қаҳрамон ҳаётини ташкил этган воқелик, тарихийлик кенг маънода умумбашарийлик ҳам касб этган бўлади.

Таниқли рус олими А.Б.Куделин XI асрда яшаб ижод қилган машхур араб шоири Ибн Зайдун асарларида тарихийлик ва автобиографик вазиятлар ҳақида сўзлай туриб, реал воқелик асар яралишида асос, туртки бўлишини, бироқ улар матн ортида қолиши ёки асардаги бадиий рамзлар замирига сингиб кетишини таъкидлайди: “Ибн Зайдун бошидан кечирган каттик изтироблар, муайян ҳодисалар у ёки бу асар яратилишига асос берган бўлиши мумкин, аммо улар бадиий рамзлар замирига сингиб матн ортида қолган”⁴⁵.

Л.Я. Гинзбург асарда муаллиф ўзига хослигининг ифодаланиш хусусиятлари ҳақида сўзлай туриб куйидагиларни ёзади: “Биографик унсурларнинг бадиий вазифасини бадиий асарнинг биографик муаммолари ва умуман, ашъвий манбаларидан қатъий чегаралаш лозим. Ҳатто, Гёте айтган эдики, ҳар бир шеър – бу воқеабанд асардир. Аммо “воқеа” баъзан бадиий асар таркибига тўлиқ идрок этилиши зарур бўлган таассурот манбаи, матн ости мантиқий калити ёки асар мавзуи сифатида кириши мумкин, баъзан эса шоир ижодий фикрини ҳаракатга келтирган ҳаётий воқеалар бадиий жиҳатдан дахлсиз бўлиб чиқадилар”⁴⁶.

Кўринадики, лирик қаҳрамон туйғуларга таъсир қилган воқелик ва шоир мажмуидан ўсиб чиқади. Маълумки, ҳар қандай инсон ҳам шеър ёза олмайди. Поэзияни дунёга келтириш учун у аввало шоирга айланиши керак. Унинг кечинмалари лирик қаҳрамон призмасидан ўтиши лозим. Шу сабабли ҳам Ортега-и-Гассет “Инсон тугаган жойда шоир бошланади”, - деб ёзган эди.

⁴⁵ А.Б.Куделин. классическая арабо-испанская поэзия. – М.: Наука, 1973, стр. 79.

⁴⁶ Ўша асар, 79-бет.

Шеърят бу туйғулар ва рухият ҳаётининг ифодасидир. Шу сабабли ҳам уларни тасвирловчи, изоҳловчи лексема маънолари оддий, кундалик сўз маъноларидан фарқланади. Айниқса, ўзбек мумтоз адабиётида бу ҳолат алоҳида эътиборга молик. Чунки агар ҳар бир сўзни фақат ўз маъносида тушунадиган бўлсак, унда у шеър бўлмайди. Сўзлар тизмасидан иборат ахборотга айланади, холос. Демак, шеърятда ҳар бир сўз ўзининг ботиний ҳаётини ҳам яшайди. Зоҳирий маънодан ташқари, ҳақиқий поэзиядагина уйғонадиган ботиний, ички маъно ҳам жунбушга келади. Бундай ҳолатни англаган америкалик олим Т.С. Элиот “поэзия сўзлар ўзининг чин маъносини йўқотадиган онг чегарасида юзага келади”, - деганда ҳақ эди.

Шу сабабли ҳам, хусусан, мумтоз шеърятда лирик қаҳрамон характери ни англаш, ҳар бир сўзнинг ўз ва кўчма маъноларини англашдан бошланмоғи лозим. Шундагина биз унинг асл қиёфасини кўра оламиз. Табиатидаги ўзига хосликлар, кўнглидаги туйғулар пўртанаси билан ошно бўламиз. Уни баҳолаганда, адашмаймиз. Жумладан, Жаҳонотин Увайсий шеърятдаги лирик қаҳрамон характери ни баҳолаш ва англаш учун ҳам худди шу мезондан фойдаланиш тақозо этилади. Шоира лирик қаҳрамони характери ўзига хос. У ўзбек мумтоз адабиётидаги бошқа ижодкорлар лирик қаҳрамонидан фарқ қилади.

Ўзбек адабиётшунослигида шоира лирик қаҳрамони билан боғлиқ айрим мулоҳазалар, илмий хулосалар турли муносабатлар жараёнида баён этиб келинган. Аммо бугун мустақиллик берган имкониятлардан фойдаланиб, унга қайта баҳо бериш вазифасининг долзарблиги аён бўлмоқда. Узоқ йиллар шоира лирик қаҳрамони дунёвий муҳаббат, вафо куйчиси; ҳуқуқсиз ўзбек аёли тақдирининг тарғиботчиси сифатида талқин этилди. Аммо асарларидаги лирик қаҳрамон табиати мазкур масалалар билангина чекланмаган. У халқнинг кенг қамровли дарду армонлари, инсон маънавиятининг умумбашарий муаммолари, тасаввуф таълимоти ғояларини англаш ва тарғиб этиш иштиёқи билан ёниб яшаган. Шундан келиб чиқиб, тадқиқотимизнинг мазкур фаслида шоира лирик қаҳрамони табиатини янгира

нуқтаи назар билан махсус ўрганиб, муҳим хулосаларга келишга ҳаракат қиламиз.

Увайсий лирик қаҳрамони табиатида, аввало, исломий эътиқодларнинг мукамал шаклланганлигини кузатамиз. У шариат талаблари ва амалиётига шоирона теран тафаккур мезонидан туриб муносабатда бўлади. Шоира лирик қаҳрамони Оллоҳ ва пайғамбарларга иймон келтирган, эътиқод қўйган солиҳ бир инсон сифатида намоён бўлади. У Қуръони карим ва ҳадиси шариф ғояларини ихлос билан ўз турмуш тарзига айлантирган. Улардаги ахлоқий мезонларни амалий фаолиятида татбиқ этган.

Увайсий эътирофича, Қуръони карим маърифат чашмаси. Унинг маъноси, мазмунини англаган киши асл ҳақиқатни ҳам англайди. Олам, дунё ва яшашнинг моҳиятига етади. Иймонли кўнгил ғафлатдан йироқ бўлади. Шоира Оллоҳга муножот қилиб имонини саломат қилишини, кўнглини ғафлат уйқусидан уйғотишини тилайди. Зеро, шундагина инсон руҳий хотиржамлик ва руҳий чексизликка мушарраф бўла олади. Бедор кўнгил билангина олий мақсадларга етиш мумкин.

Увайсий халқини маърифатли, илмли кўришни орзулади. Бунинг учун эса кўнгуллар ғафлатдан уйғониши лозим. Буни яхши англаган шоира элини асарлари орқали орифлик ва огоҳлик кўшкига етаклади. Шоиранинг асарларида ёзган фикрларига амалий фаолияти монанд тушган. Унинг бу фазилати юрт равнақига хизмат қилган.

Ислом таълимотининг асосий мақсади ҳам шу – шахсни маънавий камолга етказиш. Ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи вассаллам ҳам бир ҳадисларида, “Менинг пайғамбар бўлиб юборилишим боисларидан бири сизларнинг ахлоқу одобларингизни камолга етказишдир”, - деганлар.

Ўзбек шоирлари шеърятининг образ ва рамз муносабатларида исломий эътиқодлар ва ирфоний маъноларнинг ўрни ўзига хос аҳамиятга эга. Хусусан, Увайсий тараннум этган исломий эътиқодлар асарларидаги ирфоний ва маърифий хулосаларига, тасаввуфий ғояларнинг равнақига асос

бўлган. Шоира меросидаги ахлоқий-фалсафий хулосаларининг маърифий аҳамиятини таъминлаган. Унинг донишманд, ориф бир сиймо даражасига кўтарилишига ҳаётининг замин яратган. Маълумки, мумтоз адабиётда ошиқ ва зоҳид муносабатлари муҳим фарқланишларга эга. Тарикат йўлига кирган солиқ-ошиқнинг муддаоси–илоҳий васлга мушарраф бўлиш. Шариат йўлидаги зоҳид учун охират – жаннат, дўзах масаласи муҳим. Ўзбек мумтоз шоирлари нуқтаи назарича ҳақиқий висолга эришиш учун иккита тўсиқ мавжуд. Бири – дунё. У солиқни ўтқинчи ҳою ҳавасларга, нафсоний ва вужудий лаззатларга етаклайди. Иккинчиси эса – охират. Бу ҳам солиқни дўзахдан сақланиш ва жаннат ато этилиши йўлидаги манфаат ва тамага бошлайди. Демак, иккаласи ҳам солиқнинг асл мақсадга етиш йўлидаги тўсиқ. Буни чуқур англаган Увайсий асарларида шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, ошиқ ва зоҳид ўртасида жиддий зиддият ўзини намоён этади. Худди шу нуқтада шоира лирик қаҳрамони табиатида шариат ва тарикат ғоялари келишолмайди. Маълум вазиятларда бир-бирини инкор этади.

Тасаввуф – бу инсон ўзини таниш орқали Оллоҳни таниш ва севиш илмидир. У “Инсоннинг ички олами, яъни ботинини тадқиқ этувчи илмидир”⁴⁷. Инсон умри тадрижи икки қарама-қарши кутб - эзгулик ва ёвузликнинг курашидан иборат. Тасаввуф таълимотининг моҳияти одамзодга ўз вужудида мавжуд нафсоний интилишларни фож этиш, уларни енгиш, руҳидаги илоҳий фазилатларни уйғотиш, тараққий топтириш йўллари кўрсатишдан иборатдир. Чунки инсоннинг яшашдан бош мақсади илоҳийлашиш, асл моҳиятга етишдир. Бунинг йўли эса битта. Ўзини енгиш, ўзидан ўтиш ва ўзига етишдир. Бу борада “Насойим ул-муҳаббат”да келтирилган Боязид Бистомийнинг хулосаси ибратлидир: “...Боязид дедиким, Оллоҳ таолони туш кўрдум, сўрдумки, бор худоё, йўл санга не навъдур? Дедиким, ўзунгдин ўтгунг, етгинг”⁴⁸.

⁴⁷ Н.Комилов. Тасаввуф, 2-китоб. – Т.: Ўзбекистон, 1999, 194-б.

⁴⁸ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Асарлар, 15 томлик, 15-том. – Т.: Бадиий адабиёт, 1966, 79-б.

Увайсий шеъриятининг бош мавзуси ишқ. У хажр ва васл йўлидан иборат. Шоиранинг васлга етиш борасидаги қарашлари ўзгача. Унда шариат ва тариқат ғоялари биргаликда – параллел ҳаракат қилади. Шоира инсонни мусулмонлик ахлоқидан четлаштирувчи барча амалларни рад этади. Динни Тангри таоло ва унинг сифатларидан иборат деб тушунади. Шоира наздида Оллоҳсиз мавжудлик йўқ. Унингсиз қониқиш, таскин, тасалли ножоиз.

Увайсий дин ва инсон, Тангри ва инсон муносабатлари борасида мулоҳаза юргизар экан, тасаввуф ғоялари йўлида туради. Аммо у динни рад этмайди. Зеро, диннинг ҳам, тасаввуфнинг ҳам мафкураси битта, Оллоҳга бўлган ишқдир. Тасаввуф ўзингдан ўтиб, ўзига етиш. Яъни, қалбни, ботиний оламни поклаш орқали, ишқ воситаси билан, Тангри висолига интилиш демакдир. Ҳазрат Алишер Навоий “Лисон ут-тайр” достонида Оллоҳга муножот қилиб, “Фонийни ўзингга ва ўзига ориф эт”, - деган эдилар. Демак, тасаввуф, орифлик инсоннинг ўзи ва Тангри таоло моҳиятини англашидир. Шариат эса – омманинг ибодату тоати. Султон Валад ўзининг “Маориф” номли асарида шариат ва тариқат ўртасидаги фарқни ҳаётий мисол билан шарҳлаб беришга интилган: “Шариатдан мақсад сувга ва дарёга юз буришдир. Аммо хос бандалар бамисоли балиқлардек буткул дарё ичидадирлар ва дарё уларнинг жонидир. Улар дарё туфайли тирикдирлар...”⁴⁹.

Демак, тасаввуф шариатдан кенгроқ, чуқурроқ мезонда туриб фикрлайди. Дин ва шариатнинг ҳам асосий моҳияти Оллоҳга муҳаббатда бўлиш. Аммо унда жаннат ва дўзах, пули сиротлар ҳақидаги тушунчалар ҳам мавжуд. Мутасаввуф шоира Увайсий динни рад этмайди, аммо диннинг ўта расмий, риёга йўл топувчи андозаларига ҳам сиғмайди:

Солибдур зулфи торин бўйнима, ё бандалик тавқи,

Ва ё ислом ичинда банди зуннор ўлдум ўхшайди.

⁴⁹ Муҳаммад Истеъломий. Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий Румий. – Техрон, 2001, 51-бет.

Шоира лирик қаҳрамонининг мақсади ягона. Оллоҳ жамолига, дийдорига етиш. Аммо бу йўл риёзатли. Баъзан тўсиқлар, монеликлар ҳам учрайди. Уларни енгиб ўта билиш ва Худо васлига элтувчи барча яхши-ёмонга ризо бўлиш лозим:

Гамим жамоли рафиқим, дину кўзим монеъ,
Худо ризоси шулар бўлса, лек хандонман.

Ошиқнинг ягона армони – рафиқ жамоли. Аммо бу йўлда “дину кўзи монеъ”. Кўзнинг монелиги. У фоний дунё неъматлари билан лирик қаҳрамонни боғлайди. Турли хаваслар билан уни асл мақсаддан чалғитади. Диннинг монелиги эса унда лирик қаҳрамон кўнглида тамага жой берувчи жаннат ва дўзах тушунчаларининг мавжудлигидадир. Аммо шоира Оллоҳ йўлида бундай синовларни мамнуният билан қаршилашини баён этади. Улардан оғринмайди.

Кўзи жаллоди бераҳму ажойиб шўхи бепарво,
Солур дин мулкига ғорат ўшал ҳиндубача холи.

Тасаввуф таълимотида хол–ваҳдат маркази, солиқнинг диққати қаратилган марказ. Диққатни бир нуқтага – Оллоҳга қаратиш демакдир. Демак солиқнинг бутун фикри хаёли, хушу ақли бир нуқтага қаратилади. Шунда у оташин муҳаббати билан сархушлик ва бехудлик ҳолатига тушади. Бутун борлиқ, дунёву динни унутади.

Увайсий бир ғазалида дин ва тасаввуф ҳақидаги фикрларини қиёслайди. Аниқ хулосаларини баён этади:

Қошиға роғиб этиб, дил кўзи рашк ила боқар,
Бир кўнгул, ё раб, не боис икки маҳбуба талош.

Тасаввуф таълимотида қош – илоҳий манба билан дунё чегараси. Шоира қошнинг тасаввуфдаги шу рамзини назарда тутаяди. Бир кўнгилинг икки маҳбубга – илоҳийлик ва дунёвийликка талошлигидан хайрат изҳор этади. Кўз – комил инсон рамзи. Комиллик инсонни илоҳий мақомга кўтаради. Бу эса ошиқни ягона мақсад Раббининг дийдорига восил этувчи риёзатлар

йўлидир. Фақат шу йўлгина ошиқни ҳақиқатга етказиши мумкин. Шу йўлда тоат-ибодат, сажда қилиш эса шариатдир:

Йиғлатур ул кўз фироқида ҳақиқатму эмас,
Бу шариатму эмас, сажда қилурда эгма қош.

Шоира дунёвийлик ва илоҳийликни, мажоз ва ҳақиқатни қиёслаб, улар ўртасида ихтилоф йўқлигини англайди. Мажозни ҳақиқат деб, намозни муҳаббатнинг ифодаси деб тушунади:

Ул мажозу бул ҳақиқатму эмас, эй пири дайр,
Ул намозу бул муҳаббатму эмас, эй кекса – ёш.

Шоирнинг мазкур ғазали бошдан охиригача тажохул ул-ориф – билиб-билмасликка олиш санъати асосида яратилган. Бу санъат шоиранинг гоҳ аён, гоҳ ноаён илоҳий асрорларни шеъриятида кашф этиши учун қулайлик туғдирган.

Увайсийнинг дин ва исломга муносабатини кузатганимизда, шоира асарларида машрабона рух устуворлигини кўрдик. У ҳам дин ва шариатга Машраб сингари мажнунвор кайфиятда ёндашади. Оллоҳ васли йўлида нимаики тўсиқ бўлса, уни кескин рад этади. У қанчалик зарурий эҳтиёж бўлмасин, ундан воз кеча олади.

Машраб наздида зоҳид ибодати тама туфайли тўсиққа учрайди. У Оллоҳга эмас, балки меҳробгагина сажда қилаётгандек туюлади. Машраб эса меҳробни кўрмайди:

Сажда айлар зоҳид ул меҳробиға,
Мен қилурман сажда эгма қошима.

Увайсий тасаввури бу борада Машрабга ниҳоятда яқин. Унинг ҳам саждакор элдан кўнгли тўлмайди. Назарида, улар ибодатини масжид деворлари тўсиб қолаётгандай:

Эл сажда қилур масжид девориға ҳар дам,
Ўлғунча бош олмон, қоши меҳробинга қулман.

Кўриб ўтганимиздек, Увайсийнинг дин, ислом ва тасаввуфга муносабати ўзига хос. Бундай қарашлар шоира асарларининг фалсафий теран

илдизларини ташкил этган. Унинг олам, дунё, ҳаёт моҳиятини тўғри англаши ва бадиий талқин этишига маърифий замин яратган.

Маълумки, ўзбек мумтоз адабиётида мавзу анъанавий. Бош масала ишқдир. Увайсий шеъриятида ҳам ижодкор барча фикр-ғояларининг юзага чиқишида ишқ мавзуси асосий восита вазифасини бажаради. Шу нуқтаи назардан шоиранинг ошиқона руҳдаги асарларини кузатсак, ундаги лирик қаҳрамон табиати ишқ пўртаналарида чиниққан ошиқ қиёфасида намоён бўлади. У ҳаёти давомида кўрган барча маломату риёзатлар ишқ туфайли эканлигини билади. Аммо, бу изтироблар уни йўлдан, ўз ниятидан қайтара олмайди. Шижоат билан мақсад сари манзилга интилаверади:

Муҳтасиби ишқ айлабдур жаҳон аввораси,
Ул сабабдур рўзгорим бирла бахтим қораси,
Кўйинг ичра итларингнинг мандуман бечораси,
Сен эурсан доимо бечора кўнглум чораси,
Жисму жоним остони дарғаҳинг тупроғидур,
Раҳм қил, давлатли султоним, мурувват чоғидур.

Лирик қаҳрамон – ошиқнинг кечинмаларини ўқир эканмиз, туйғулари нафис аёлни эмас, балки, ўзини буткул унутган қаландарона кечинмалар гирдобига ғарқ бўлган, мардона ошиқни кўрамыз:

Дарбар қилибон қаландарона,
Ҳам жанда, кулоҳи ошиқона,
Бўлдим ҳарами сари равона,
Гаҳ нолайи зор, гаҳ тарона,
Келтирмишам эмди илтижомен,
Кўтоҳқусур норасомен.

Ўзбек мумтоз адабиётида Мажнун ошиқлик, ишқ ва жунун рамзи сифатида намоён бўлади. Шоира шеъриятида ҳам энг кўп ишлатилган образ Мажнундир. У бу тимсолга ҳавас билан қарайди. У етган даражага кўтарилишни орзу қилади. Дунё Лайлидангина иборатлигига Мажнун сингари ишонгиси келади. Шеърларида Мажнун бўлиб сўзлайди:

Қилдим сенга, ёр, иқтидо мен,
Бу мазҳаб ичинда порсо мен,
Ҳам солики роҳи пуржафо мен,
Жўлидаи марди беибомен,
Мажнуни ҳазини дил адомен,
Авворайи зору бенавомен...

Увайсий шеърятининг Бедилни ўзига устоз деб билган, бедилна фалсафий йўналишда асарлар яратган Зебуннисо ижодига монанд томонлари ҳам кўп. Зебуннисо ҳам ўз даврида иқтидорли аёллар учун камолотга бошловчи устоз, раҳнамо вазифасини бажарган: “Зебуннисо Мирзо Абдулқодир Бедилга яқин замондош эди. Манбаларда келтирилишича, Бедилнинг ёлғиз қизи Зебуннисо тарбиясида камол топиб, етук шоира даражасига кўтарилган”⁵⁰. Увайсий ҳам ўз даврида Зебуннисо йўлини давом эттирган шоира. Улар шеърятда ғоявий ва руҳий яқинликни кўрамиз. Увайсий шеърятда Зебуннисо асарларига хос фалсафий мушоҳадани кузатамиз. Зебуннисо бир ғазалида:

Лайли зотидан эсам-да, дилда Мажнунча ҳаво,
Тоғу тош кезгум келур, лекин йўлим тўсгай ҳаё, -

дея орзу ва армон этган бўлса, Увайсий эса ҳис-туйғуларини журъатлироқ, шиддатлироқ ошиқ сифатида изҳор этади. У энди бевосита Мажнун бўлиб куйлай бошлайди:

Бўлғон ул “Қолу бало”да руҳи мажнунворман,
Онинг учун бу жаҳонда толиби дийдорман,
Васфини этмакда доим соҳиби ашъорман,
Орзуйи хуснунг айлаб, рўзу шаб беморман,
Жисму жоним остони даргаҳинг тупроғидур,
Раҳм қил, давлатли султоним, мурувват чоғидур.

⁵⁰ М.Қодинова. Зебуннисо. – Т.: Фан, 1982, 3-бет.

Кўринадикки, Зебуннисо ва Увайсий лирик қаҳрамони табиатан бирига мутаносиб. Уларнинг дунёқараши, борлиқни англаши, фикрлаш тарзи ва кўнгилларига мажнунвор рух бағишловчи ички руҳий тугён уларни бирига мустаҳкам боғлайди. Аммо Увайсий лирик қаҳрамони табиатан Зебуннисоникидан фарқланиб ҳам туради. Зебуннисода Мажнунвор туйғуларга ҳаётий андиша халал беради. Улар ҳаё пардаси-ла тўсилади. Юзага қалқиб чиқиб намоён бўлишига йўл берилмайди. Увайсий лирик қаҳрамони эса келтирилган мисолдан кўринганидек, журъатлироқ. Асл ниятининг ушалиши учун ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтиш лаёқатига эга, журъатли, жанговар образ мақомига кўтарилади.

Маълумки, Қўқон адабий муҳитида халқаро муносабатлар, адабий таъсир масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Фузулий, Бедил, Жомий каби ижодкорларнинг асарлари кўчиртирилган. Уларга назира ва тахмислар битиш анъанаси мавжуд эди. Жумладан, Увайсий учун устоз мақомида турган Амирий Бедилнинг 7 та, Фузулийнинг 2 та, Жомийнинг 2 та ғазалига тахмис боғлаган. Увайсийнинг ўзи ҳам Фузулий, Жомий, кўринганидек, Зебуннисо ғазалларидан ҳа таъсирланган. Бу далиллар адабий муҳитда, хусусан, Увайсий ижодида Зебуннисо, у орқали Бедил асарларига эргаштириш кучли эканлигини кўрсатади.

Мумтоз адабиётда булбул кенг қўлланган тимсол. У ҳамиша айрилиқдан, гул иштиёқидан нолаю аффонлар чекади. Зебуннисо бир ғазалида ишқ бобида шаму парвона унга шогирд, булбул ҳам гулга ошуфталик борасида ундан ўрганганлигини ифтихор билан эътироф этади:

Мендан ўргандию бўлди гулга булбул ҳамнишин,

Менгадур парвона ҳам шогирду, ишқимдур расо.

Увайсий ҳам бир ғазалида айни шу туйғуни янада баланд пардада, ишқий шарора-ла йўғириб ифодалай олган:

Ки булбул нола, аффон айламакни мендин ўрганди,

Вужудин шамъи сўзон айламакни мендин ўрганди.

Увайсий мисраларини ўқир эканмиз, шоиранинг Зебуннисо шеъридаги сокинликдан воз кечганлигининг гувоҳи бўламиз. Энди булбул шунчаки гулга ҳамнишин эмас, балки исёнкор, шижоатли, тугёнли, фаол образ даражасига кўтарилганини ҳис этамиз. Зебуннисо ғазалининг 2-мисрасида парвона бош образ сифатида талқин этилади. Увайсий ғазалида эса шамъ етакчи мақомга кўтарилади. Бунга сабаб, шамънинг ўз ичидан чиққан олов таъсирида ёниб эриши парвона қисматига нисбатан ошиқ руҳий ҳолатини аниқроқ ва таъсирлироқ ифодалаб беради. Кўринадикки, Увайсий лирик қаҳрамон табиатини ёритиш жараёнида ўзига хос янги йўллар излайди. Анъанавий образларнинг янги қирраларини кашф этади. Руҳий ҳолат тасвирларининг ноёб ва тугёнли ифодаларини яратади. Ушбу ғазалда лирик қаҳрамон тақдир зарбаларидан эзилган, маҳзун ва ғамзадаю шикоятангез бир инсондек таассурот уйғотади. Аммо, чуқурроқ қарасак, лирик қаҳрамон табиати, аксинча, эканлигини англаш қийин эмас. У замон ноқисликларидан пажмурда, ғамгин ва ожиз бўлиб кўринмайди. Аксинча, гўё, инсониятга қисмат зарбалари билан курашиш йўриқномасини яратади. Шоира ҳар бир жумлада яширин, ички фикрий тазод услубидан фойдаланади. Жумладан, мисралар мазмунидан лирик қаҳрамоннинг булбул каби нола-афғон айлашини, вужуди шамдек ёнишини, юрак-бағрининг қизил қон эканлигини, ғам тароғининг кўнглини чок-чок этганлигини англаймиз. Аммо, шунга зид равишда лирик қаҳрамон табиатидаги журъат, мардлик, жасорат ва сабот каби фазилатлар борасида ҳам тасаввурга эга бўламиз. Лирик қаҳрамоннинг мақсади ўқувчига фақат ўзининг аҳволини баён этиш эмас. Балки замондошлари ва ўқувчиларига ҳаёт зарбаларини қандай қаршилаш, уларга мағлуб бўлмасликнинг сирлари, қарши курашиш йўриқлари борасида асарда чуқур мазмунли дастур яратиб беради.

Қаноат инсоннинг кадр-қимматини баланд этади. У орқали қўл етмас сарҳадлар забт этилади. Энг оғир риёзатлар осон енгилади. У туфайли инсон олий мақомга, олий мақсадларига етишади. Навоий ўзининг “Маҳбуб ул-кулуб” асарида қаноатнинг бетакрор суратини чизиб беради: “Қаноат

чашмаедурким, суви олмоқ била қурумас ва махзанедурким, нақди сепамок била ўксумас ва мазраедурким, тухми иззат ва шавкат бар берур ва шажаредурким, шохи истиғно ва ҳурмат самар келтурур. Кўнгулга андин очуғлуқ фойдаси етар ва кўз андин ёруғлуқ натижаси касб этар.

...Ҳисоредурким, анда кирсанг, нафс шарридин қутулурсен ва кўхсоредурким, анда чиксанг, душман ва дўстдин мустағний бўлурсен; афтодалиғедурки, натижа сарафрозлиқ ва ниёзмандлиғедур; фойдаси бениёзлиғдур – тухми бари ғино ва шажаредур самари истиғно; маедур – аччиғ на нашъаси тарабангиз; йўледур – қаттиғ, аммо манзили фараҳомез”⁵¹. Увайсий қуйидаги байтда ана шу ҳақиқатни ошкор этади:

Қаноат қилди Вайсий, топти дилдин гавҳари назмин,
Садаф ҳам дурри ғалтон айламакни мендин ўрганди.

Садаф денгиз остида узоқ муддат, қанчадан-қанча тўлқинлар зарбу захрини чекиб, бағрида “дурри ғалтон”ни – йирик дурни ҳосил этади. Шоира “садафнинг бу фазилати мандан мерос”, дея фахрланади. Зеро, у давр аҳлидан тортган изтироблар, “дардсизлар захмидан чеккан беморлик”лар, узоқ йиллар йиғилган риёзатлар самараси дилидан назм гавҳарлари бўлиб тўкилганини эътироф этади. Бу ўринда шоир кўнгли ва садаф, назм гавҳари ва дур каби тўрт образ ўзаро қиёсланиб тасвирланади. Мазкур муқоясада кенг қамровли мантиқ мужассамлашган. Унда, аввало, оддий ҳаётий реаллик тасвирини кузатамиз. Иккинчидан эса, садаф ва шоир кўнглида дуру гавҳарнинг ҳосил бўлишида рамзий маъно уйғунлигининг гувоҳи бўламиз. Кўнгилнинг хазинага айланиши, барча ғуборлардан покланган комил инсон кўнгли даражасига ишорани англатади.

Кўринадики, шоира шеъриятида қўлланилган гул, булбул, Мажнун, Лайли, садаф, дур каби кўплаб тимсолларнинг барчаси юқорида таъкидлаганимиздек, рамзий маъноларни ўзида мужассамлаштиради ва лирик қаҳрамон характерини, унинг шоира шеъриятидаги бадиий вазифасини белгилаб беришга, ёрдамчи тимсоллар сифатида хизмат қилади.

⁵¹ Алишер Навоий. МАТ. Ўн тўртинчи боб. Махбуб ул-қулуб. – Т.: Фан, 1998, 54-бет.

Увайсий шеъриятида инсон маънавиятининг умумбашарий муаммолари ҳам ўз ифодасини топган. Улар, албатта, Шарқ аёлининг миллий менталитети заминида яратилган. Булар лирик қаҳрамоннинг ишққа муносабатида, олами фалсафий идрок қилишида, атроф-муҳитни бадиий тимсоллаштиришида яққол намоён бўлади. Шоира шеъриятида қўлланган тимсоллар талқинида лирик қаҳрамоннинг ҳам табиати, феъл-атвори ойдинлашиб бораверади, У воқеа-ходисаларни, инсонларни Шарқ аёлига хос синчков нигоҳ билан кузатади. Рухига уйғоқлик бахш этувчи оламнинг ёруғ рангларини тез илғайди, Баъзан замондошлари табиатида ғофиллик ва жаҳолат белгиларини кўриб оғринади. Меҳр-оқибат, ҳалоллик, адолат, иймон каби эзгу фазилатларни соғиниб изтироб чекади.

Кўринганидек, шоиранинг “Ўрганди” радифли ғазалида ушбу масала яққол намоён бўлган. Етти байтдан иборат асарда 13 та тимсол ишлатилган. Уларнинг моҳияти ва қўлланиш маҳоратини кузатар эканмиз, Увайсий тафаккур кўламининг беқиёс теранлигига яна бир бор амин бўламиз. Барча тимсолларга хос хусусиятлар, аввало, ғазалнинг бошдан охиригача етакчилик қилган, ҳусни таълил санъати воситасида ноёб топилмалар тарзида тасвирланади. Иккинчидан, деярли барча тимсоллар кўпмаънолилик, рамзийлик заминида яратилади. Жумладан, ғазалнинг матлаида иккита – булбул ва шам тимсоллари мавжуд. Зоҳиран қараганда, шоиранинг мақсади, маҳзун сайровчи қуш, булбул ва ёнаётган шам воситасида лирик қаҳрамон руҳий ҳолатини ифодалаш. Шу ўринда нега айнан булбул ва шам тимсолларига мурожаат этилганини ўйласак, уларнинг моҳияти, ботиний маъноси ойдинлашади. Мумтоз адабиётда булбул ишқ изтиробларидан нола чекувчи, шам ишқ оташида ёниб, ўзини фидо қилувчи ошиқ рамзлари. Уларни ҳам дунёвий, ҳам ҳақиқий маъноларда англаш ва талқин этиш мумкин. Бу бизни шоира мақсадидан узоқлаштирмайди. Аксинча, бундай ёндашув Увайсий шеъриятининг асл моҳиятини ва лирик қаҳрамоннинг такрорланмас, беқиёс табиатини тушуниш имконини беради.

Увайсий ғазалда ишқ, ошиқ, махбуба сўзларини ишлатмайди. Фақат бир ўринда “ёр меҳри” жумласини қўллайди, холос. Асар моҳиятини ифодаловчи етакчи сўзларни қўлламай туриб, ишқ билан боғлиқ чуқур рухий жараён манзарасини мукамал ёритиш ноёб маҳорат белгисидир. Ҳар бир байтда шоира маҳорати туфайли бутун бошли драматик манзара намоишини тасаввур этиш мумкин:

Бориб сахрога қон бағримдин изҳор айладим бир кун,
Фалак бағрин қизил қон айламакни мендин ўрганди.

Ошиқ тап-тақир сахрога бориб кўнглидаги ишқ изтиробларини изҳор этган эди, у ерда кип-қизил лолазор пайдо бўлди. Унинг гўзаллигига маҳлиё бўлган фалак ундан ранг олди. Ойнада кўринганидек, лолазор акси осмонда намоён бўлди. Шоира оддий - қуёш ботаётиб, шафақ қизариши манзарасини, хусни таълил санъати воситасида, ана шундай мантиқий занжир орқали асослайди. Хўш, нега энди, айнан, у сахрога бориб дил изҳорини баён этади. Бу ҳолат тасвирида ҳам чуқур маъно бор. У мумтоз адабиётдаги Мажнун тимсоли билан боғлиқ. Маълумки, Мажнун Лайли ишқида жазба ҳолатида сахрога чиқиб кетади. У ишқдан ўзгасини унутади. Ҳар бир нарсада Лайлини кўради. Ошиқликнинг энг юқори чўққисига кўтарилади. Фақат Лайлигагина эҳтиёжманд бўлади: “Бамисоли Мажнунким, кимга қарамасин, кўзига у Лайли бўлиб кўринди. Дарахтлар, ўт-ўлан, кўй-кўзилар, деворлар ёнидан ўтаётганда ҳам “Лайли” деди, охири кўксидан: “Мен – Лайли, Лайли – мен!” деган садо чикди”⁵². Бундай рухий даражага етишни барча ошиқлар орзу қилишади. Ушбу байтда лирик қаҳрамон ҳам ошиқликнинг ана шундай мажнунвор босқичида эканлигига ишора этилмоқда. Тасаввуф адабиётида сахро тариқат, йўл, илоҳий файзу ҳикмат маъносини ҳам ифодалайди. Сахро ошиқнинг барча фоний дунё ҳою ҳавасларидан воз кечиб, ҳақиқат дунёсига йўналганлигининг рамзи сифатида ҳам қўлланилмоқда. Демак, шоира қўллаган биргина сахро, лолазор ва фалак тимсоллари замирида солиқ ҳаёти билан боғлиқ бутун бошли драматик саҳна, теран фалсафа

⁵² Нур ул-улум. Қаранг: Н.Комилов. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Т.: Ёзувчи, 1996, 29-бет.

мужассамлаштирилган. Байтдан байтга ўтган сари ошиқ рухий кечинмаларининг талқини чуқурлашиб бораверади. Энди шоира ошиқ бағри кон бўлганининг сабабини изоҳлайди:

Шафақ хун бўлғуси, дил, ёр меҳри гар ниҳон бўлса,

Само гулгуни домон айламакни мендин ўрганди.

Уфқнинг қизариши беҳуда эмас. Чунки қуёш ботаётганда шафақ кизаради, қуёш дийдоридан айрилиқ сабабли фалакнинг бағри хун. Ушбу байтда шоира шеъриятга янги “гулгун домон” образини олиб кирган. Маълумки, “домон” – форсча сўз бўлиб, у этак маъносини англатади. Шоира осмоннинг қуёш ботаётган бир чети – этагини “гулгун” – қизил гул рангига бурканди дея оҳорли тасвир ижод этади. Бу орқали шафақ этагини гулгун айланиши мендан ўрганди, деган янги хулоса ифодалайди. Шоира бундай ҳаётий тамсилдан ёрдан айрилган кўнгил изтиробини, ҳижрон ҳолатини тасвирлаш мақсадида фойдаланади. Демак, биргина ўринда қўлланилган “ёр меҳри” жумласи икки – қуёш ва маҳбуба жамоли маъносини англатиб келади. Кўринадикки, шоира лирик қаҳрамони характерини ёритишда, уни табиат ҳодисалари, ҳолатлари билан муқоясалаш йўлидан боради. Бу орқали шоира инсонга ўзини англаш йўли табиат ҳодисаларини англаш билан чамбарчас боғлиқлигидан сабоқ беради. Табиат инсон учун кўзгу вазифасини бажаради. Табиатни англаш ўзликни англаш билан баробар эканлигини уқтиради.

Увайсий қуйидаги байтда асарлари чуқур ҳаётий фалсафа ва теран илм билан йўғирилганини таъкидлайди::

Дарёйи илм жўш урубон мавжи назмидин,

Вайсийни табъи чашмасидин чиқти бу зулол (106-б.).

Шоира шеъриятидаги илм дарёси ҳақида сўзлаётганда, тасаввуф таълимоти замиридаги илму моҳият, илми ҳол даражаларини назарда тутганлигини англаш мушкул эмас. Зеро, Увайсий лирик қаҳрамони асарларида ҳол мақомини эгаллаган комил инсон сифатида намоён бўлади. “Мақомот даражаларини бир-бир эгаллаб, муваффақиятга эришган солиқ ҳол

мартабасига етади ва тасаввур-тахаййулда илоҳий жамолни мушоҳада қила бошлайди, қалбини завқу шавқ камраб олади. У шундай бир ҳолга кўтариладики, бутун аъзолари гўё Оллоҳ дейдиган, ҳар нафаси буюк Тангрининг борлигидан хабар берадиган бўлади”⁵³. Мумтоз тасаввуфшунослик илмида Боязид Бистомий, Абдуҳолик Ғиждувоний каби кўплаб алломаларнинг бундай ҳол кайфиятларини баён этувчи маълумотларни кузатамиз. Айрим олимлар ҳол илмини эгаллаш, ҳол мақомига эришиш мақомотларни эгаллаб бўлгандан кейин эмас, балки айна жараёнда ҳам юз бериши мумкинлигини таъкидлашган. Таниқли тасаввуфшунос олим Н.Комилов ҳол вазиятини аниқ изоҳлаб берган: “Ҳол – руҳий тараққиётнинг натижасини билдиради... Ҳол – ўзига хос қисқа муддатли кайфият, қалбнинг порлаши, чакмоқ чақилгандай ярқираган чароғон нурни туйиш лаззати. У бир лаҳзада пайдо бўлиб, яна ғойиб бўлиши мумкин. Ҳол – илоҳий раҳмат ва баракатнинг нузул бўлиши, қуйилиб келишидир”⁵⁴. Тасаввуфда илми қол ва илми ҳол тушунчалари мавжуд бўлиб, илми қол зоҳирий илмлар, илми ҳол эса сўз билан изоҳлаш мушкул бўлган руҳоният илми ҳисобланган. Илми қолни ўқиб-ўрганиш орқали эгаллаш мумкин. Аммо илми ҳолни таҳсил билан ўрганиб бўлмайди. У илоҳий мартаба, атои ҳудодир. Унга руҳий такомилнинг юксак босқичига кўтарилгандагина эришиш мумкин. Шу сабабли, солиқлар шундай улуғ мартабани орзулаб яшашган. Уни эгаллашни олий ният деб билишган.

Илми ҳолни эгаллаш орзуси шоира лирик қаҳрамонининг ҳам улкан мақсади. Шу сабабли, унга эришиш йўллари излайди, турли усулларини топишга ҳаракат қилади. Бир ўринда шоира илми ҳол ҳосил бўлишини Асл моҳиятни англаб Оллоҳга сажда қилишда кўради:

Ким сажда қилса қошингга тасдиқи айн этиб,
Ҳосил бўлон бу иккисидин айна илми ҳол (106-б).

⁵³ Ўша асар, 28-29-бетлар.

⁵⁴ Ўша асар, 29-бет.

Тасаввуф адабиётида қош – фонийлик ва боқийлик ўртасидаги парда, чегара. Ушбу байтда шу пардадан ўтиш илми ҳолнинг ўзи эканлиги эътироф этилган. Илми ҳол ваҳдати вужуд фалсафаси билан чамбарчас боғлиқ. Чунки ҳол мақомига кўтарилган солиқ руҳан ваҳдониятга эришади.

Увайсий шеърятининг бошқа ижодкорлар асарларидан фарқли томонлари кўп. Жумладан, шоир лирик қаҳрамони табиатида чуқур ички бир тўфон, тугён сезилади. Ана шу ботиний жазба унинг руҳий ҳолатини ифодалашда ноанъанавий ташбеҳлар, шарҳлар ва тимсолларнинг қўлланишига сабаб бўлади. Жумладан, шоиранинг “Соғинурман” радифли ғазалида қўлланган ноанъанавий тимсоллар Увайсий лирик қаҳрамони табиати, феъл-атворини ўқувчи назарида ўзгартириб юборади. Унинг мақсади улкан. Мақсадига етиш йўлидаги саъий ҳаракати қатъий, ишончли. Уни ҳеч қандай ҳолат ниятидан, йўлидан қайтаролмайди. Ғазалда лирик қаҳрамон табиати рамзлар воситасида очиб берилади. Оддий китобхон ҳар бир байтни ўқиганда, саволлар гирдобиде қолади. Чунки шоира айтмоқчи бўлган фикр ва ғоя батафсил шарҳланмай, тезислар сифатида баён этилади. Унинг мазмунида сирлар яширинлигича қолади. Китобхоннинг ҳар бир мисра, ҳар бир сўз устида фикрлаши тақозо этилади. Ўқувчи ўз англами миқёсидан келиб чиқиб уни изоҳлаши ва шарҳлаши лозим бўлади. Бунинг сабаби бир қанча. Биринчидан, Увайсийнинг айрим асарлари хос кишилар учун мўлжаллаб ёзилган. Оддий китобхон унинг зоҳирий ва дунёвий маъносинигина англайди. Ботиний моҳият эса унинг учун сирлилигича қолиши мумкин. Хос кишиларгина ички моҳиятга етишади. Чунки тариқат қоидаларига кўра, илоҳий асрорларни ҳамма ҳам англамайди ва ҳаммага ошкор ҳам этилмайди.

Ғазалнинг марказида соғинч туйғуси туради. Соғинч эса равшанки, руҳий ёлғизланиш, ички тугёну кечинмалар борасида тенг мақомда турувчи ҳамроҳ, ҳамфикрга эҳтиёж ҳолатида пайдо бўлади. Ғазалда дастлаб лирик қаҳрамоннинг ана шундай руҳий ҳолати тасвирини ҳис қиламиз. Шоира соғинчнинг туйғу сифатидаги теран бадий суратини чизиб бера олган. У

билан боғлиқ изтироб, армон, дард ҳамда висолга бўлган умидворлик туйғулари аниқ тасвирлаб берилган. Шоира инсон руҳоний ҳаётининг янада теран сарҳадларига кириб борган. Ғазалда ўнлаб ноёб тимсоллар қўлланган. Асар моҳиятини, шоира мақсадини тушуниш учун, аввало, тимсоллар моҳиятини англашимиз лозим. Эътибор берсак, тимсоллар зоҳиран моддий (мажозий, дунёвий), моҳиятан эса ҳақиқий (илоҳий) мазмунга эга.

Иккинчидан, шоира услубига хос мураккаблик ва сирлилик мазкур ғазалда ҳам кўринади. Жумладан, тимсоллар орқали фикр, ғоялар баён этилар экан, шоиранинг мақсади тўлиқ эмас, балки тезис сифатида ифодаланadi. Ҳар бир ўқувчининг ўзига ўз савия, даража ва мақомидан келиб чиқиб, фикрлаб кўриш, мушоҳада юритиш ва хулоса чиқариш имкониятини қолдиради.

Учинчидан, ғазалдаги тимсоллар, асосан, рамзий маъноларда қўлланган. Бу эса асарга рамзий тасаввуфий мазмун юклайди. Ундаги шоира мақсадини рамзлар моҳиятини англамасдан туриб тушуниш мушкул.

Увайсий шеърояти мураккаб, хослар шеърояти. Унинг кўпчилик асарлари махсус шарҳлашни тақозо этади. Шарҳсиз уларда ифодаланган хос мазмунни англаш қийин. “Соғинурман” радибли мазкур ғазал ҳам ана шундай асарлар сирасидан. Ғазал 9 байтдан иборат. Асарда висол иштиёқи, орзуси асосий мақсад сифатида тасвирланган. Унда васл билан маърифат параллел қўйиб талқин этилади. Солик - лирик қаҳрамон маърифат воситаси билан васл ҳолатига кўтарилиш тарафдори. Шу сабабли ҳам матлаъда васл ҳолатида фироқни қўмсаши борасида сўзланади. Чунки ҳижрон ошиқни тоблаиди, табиатидаги нуқсонларни англаб, маърифат ҳосил қилишига кўмаклашади, тарбиялаб камолотга етказди. Шоира лирик қаҳрамони худди шундай риёзатли ва муносиб йўлдан висолга етишни орзулайди. Висол ҳолатида ҳажрни қўмсаш солик ҳали тўлиғича дунёвий, моддий ҳою ҳаваслардан воз кеча олмаётганлиги маъносини англатади. Мазкур ўринда лирик қаҳрамоннинг ўзи тутган мақомдан қаноатланмаслик ҳолати ҳам назарда тутилган. У бежиз 2-мисрада “Ким анжумане ичра сўроғинг

соғинурман” демаяпти. Чунки бу ерда анжуман – махшар маъносида кўлланыпти. Махшарда эса одам ва Оллоҳ моҳиятан бир-бирига яқинлашади. Лирик қаҳрамон ана шундай юксак мақомдаги васл ҳолатини орзу қилмоқда. Тасаввуф луғатларида “висол – ваҳдат мақоми” деб изоҳланади. Иккинчи байтда ҳам маърифат ва қурб (яқинлик) ҳолати параллел кўйиб изоҳланади:

Жамшидни жоми менга гар бўлса муяссар,
Кўйинг итидурманки, ялоғинг соғинурман.

Жом – ирфоний адабиётда орифнинг маърифат бодасидан тўла кўнгли рамзидир. Мумтоз адабиётда кенг кўлланган Жамшид жомида эса бутун олам моҳиятан намоён бўлган. Кўйининг ити бўлиш ва унинг ялоғини афзал билиш – бу маърифатдан кўра юксакроқ мақомни билдиради. Чунки бу қурб (яқинлик) ҳолатининг ифодасидир.

Асарда бошдан оёқ рамзий тимсоллар воситасида сўзланади. Уларнинг ҳар бири кенг шарҳланиш заруратига эга теран мазмун ва ғояни ўзида мужассамлаштирган:

Ҳижрон туни ҳамроҳ хаёлингни йитурдим,
То топқучаким, васли чароғинг соғинурман.
Кўйингга муқарраб қилу ё ол бу жонимни,
Қонлиғ юрагим дерки: “Пичоғинг соғинурман!”

Ҳижрон туни – моддий дунё, васл чироғи – ваҳдат мақомига етказувчи маърифат нури рамзини англатади. Ошиқ учун маҳбубага яқин бўлиш, висолга эришиш жондан ҳам азизроқ. Мазкур байтда “пичоқ” ҳам зоҳиран моддий, аммо моҳиятан рамзий – илоҳий ва ижобий маънога эга тимсол. Халқ оғзаки ижодида ҳам пичоқ ижобий – ниятга етказувчи восита сифатида кўлланиладиган образ эканлиги маълум. Ундан ташқари, байтда шоира Иброҳим ва Исмоил алайҳис-салом тарихига алоқадор, қурбонлик воқеаси билан боғлиқ ҳодисага ҳам ишора этаётганлигини англаш қийин эмас.

Навбатдаги байтда ишқ ўти билан ҳажр дуди зид кўйиб мушоҳада юритилади. Ва ошиқ ишқ оташини авло, унда ёниб яшашни маъқул кўради. Мақтадан олдинги байтда шоира соқийга мурожаат этади. Унда лирик

қахрамон рухий ҳолатини энг юқори чўққилардан тасвирлайди. Шу байтнинг ўзида бир қанча – соқий, қадах, лаъли май, аёғ каби рамзлар қўлланган. Байт мазмунидан маълум бўладики, соқий - пири муршид, лаъли май – ориф кўнгилдаги илоҳий тажалли мушоҳадаси, қадах ва аёғ – ориф кўнгил рамзи:

Эй, соқийи беҳуш, нетай ўзга қадахни,
Лаъли майидин куйган аёғинг соғинурман.

Мақтада шоиранинг ғазалдан кўзланган бош мақсади умумлашган ҳолда ифодаланади:

Ағёр элидин хотири жамъ ўлмади Вайсий,
Жамъ эткали зулфингни – тароғинг соғинурман.

Ағёр эли – кенг маънода моддийлик, нафс, ўзлик маъноларини англатади. Зулф ва тароғ тимсоллари зоҳиран моддий ашёлар бўлса-да, моҳиятан чуқур фалсафий маъноларни англатишга хизмат қилган. Ирфоний адабиётларда зулф-одам ва Оллоҳ ўртасидаги парда ва риёзатлар маъносида шарҳланади. Шу тимсол билан боғлиқ тароқ – мазкур ўринда моҳиятан маърифат маъносини изоҳлашга хизмат қилаётгани англашилади. Чунки одам ва Оллоҳ ўртасидаги пардани – яъни “ағёрни” маърифат нуригина аритиши мумкин.

Ғазалда “Соғинурман” сўзи радиф вазифасида келган. Унинг байтларда бир хил шаклда қайтарилиши ошиқ руҳиятидаги дард ва ишқ изтиробини етарли ва таъсирли ифодалашда қўл келади. Шоира маҳорати туфайли қофия ўрнида қўлланган: фироғинг, сўроғинг, ялоғинг, қулоғинг, қароғинг, чароғинг, пичоғинг, доғинг, аёғинг, тароғинг каби барча сўзлар ҳам зоҳирий, ҳам ботиний мазмунни англатиб келади. Сўзларни бундай турли маъно қирраларини назарда тутиб қўллаш, шоира шеърятининг шакл ва мазмун мутаносиблиги ҳамда маъно теранлиги жиҳатидан ўзига хос услубга, лирик қахрамоннинг такрорланмас табиатга эга бўлишини таъминлайди.

Ғазал матлабсида ҳам, мақтасида ҳам васл ҳақида сўзланади, Аммо, лирик қахрамоннинг дастлабки байтдаги рухий ҳолати сўнггисидадан кескин фарқ қилади. Дастлаб, иккиланувчи, қатъий мақомга эга бўлмаган

тимсол кўз ўнгимизда гавдаланса, охирги байтга келгунча фикрлари ва мақсади кескин, муқим йўлини белгилаб олган, қатъиятли образ даражасига кўтарилади:

Матлаъ:

Васл ўлса, жаҳон хўби, фироғинг соғинурман,
Ким анжумане ичра сўроғинг соғинурман.

Дастлабки байтда ошиқ табиатини ёритишда шоира кўллаган тазод санъати ҳам муқим вазифа бажарган. Васл ҳолатида фироқ, хажрни (моддийликни – И.А.) унута олмаслик тимсол характеридаги бекарорликни ифодалаб келади. Лирик қаҳрамоннинг руҳий камолоти ҳали маромига етмаганини англатади. Соликнинг ҳали анча риёзат чекиши лозимлигини изоҳлаб туради. Шу маънода тазодни яратган – васл ва фироқ сўзларини кўллаш ижодий мантиққа асосланиб, шоиранинг ноёб истеъдоди ва маҳоратини тасдиқлайди.

Шоира ғазалда лирик қаҳрамон табиатининг байтдан-байтга ўтган сайин такомиллашиб боришини ифодалай олган. Сўнгги байтда нафсоний, вужудий интилишларни кескин рад этиб, мажоз ва ҳақиқат ўртасидаги пардани кўтариш ҳақидаги қатъий ҳукми баён этади:

Ағёр элидин хотири жам ўлмади Вайсий,
Жам этгали зулфунгни тароғинг соғинурман.

Кўринганидек, Увайсий шеърятининг бош мавзуси – ишқ. Шоира меросидаги ишқнинг моҳияти жуда кенг. Моддий эҳтиёжсизликнинг улғайиш ишқи, ҳақиқий ишқ, мажозий ишқ. Шоира асарларининг мавзу ва ғоялар қамрови теран, бадиияти баркамол. Ижодкор сифатида дунё, олам моҳиятини англаши, улар ҳақидаги хулосалари файласуфона.

Навоий, Фузулий, Бедил, Зебуннисолар каби файласуф шоирларни ўзига устоз деб билган, уларнинг анъаналарини давом эттирган Увайсий ҳам ҳақиқатни, дунё, яшаш ва тириклик моҳиятини ишқ воситаси билангина англаш мумкин, деб тушунади. Ишқ йўлига кирмаган, Ҳаққа

муҳаббатсиз кимсанинг йўлдан адашиши муқаррар эканлигини замондошлар учун инкишоф этади:

Увайсий, олма бошинг зикри фикри ёр ёдидин,
Сулуки ишқ аро беёди Ҳақ йўлдин адошибдур.

Ушбу мисралар бизга Увайсий лирикасидаги ишқ масаласини тўғри тушунишимизга асос беради. Шоира асарларидаги ишқ – кенг маънодаги яралмиш ва у орқали яратувчига бўлган муҳаббатдир. У маҳбуба, ваҳдати вужуд, илоҳий бирлик ҳақидаги тушунчаларини, қарашларини изҳор этар экан, олам ташқи кўринишидан – моддий, ички моҳияти билан эса – илоҳий, деган тасаввурда туради:

Менинг маҳбубим, эй дилбар, ўшал ном ичра ёстанмиш,
Тафаккур қилмағил, мазмуни пайғом ичра ёстанмиш.
Нечукким орзу қилмай кўлингдин журъа ичмакни,
Майи ваҳдат сенинг илгингдаги жом ичра ёстанмиш
Ғазаб кўп қилма, пири дайр, ул юз сори телмурсам,
Тажаллийи худо ул ҳусни гулфом ичра ёстанмиш.

Мазкур ғазал тасаввуфий ғоялар талқинидан туғилгандир. Ундаги май – ишқи илоҳий тимсоли. Майи ваҳдат – Аллоҳ билан ягоналик ишқи. Жом – бу дунё, борлик, жаҳон рамзи. Демак, шоира илоҳий бирликка ушбу – фоний дунёни кечиб ўтиш, унинг яхши – ёмонига қаноат қилиш орқали эришиш мумкин, деб билади. Жаҳоннинг эзгуликларига, гўзалликларига муҳаббатда бўлиш Тангрига кўнгил кўйиш билан баробар. Чунки оламдаги барча мавжудот худонинг зуҳури, худонинг тажаллиси, деган фикрни илгари суради.

Ваҳдати вужуднинг бошланиши ва охири бўлмаганидек, Ҳақ тажаллисининг ҳам ибтидо ва интиҳоси йўқдир. Увайсий лирик қаҳрамони оламга, гўзалликка худди ана шундай тасаввур ила муҳаббат боғлайди:

Исми Аъзамнинг сифоти дилбарим номиндадур,
Билсалар, асли тажалли юзи гулфоминдадур.
Мен нечук масту аласт ўлмай онинг ҳижронида

Журъайи ваҳдоният илгиндаги жоминдадур...

Тасаввуф таълимотида ишқ – ҳусни Мутлаққа бўлган шиддатли севги. Ҳазрати Алишер Навоий ошиққа баҳо бериб, “Ҳақиқий ошиқ деб сен шуни билки, у дард билан яшайди. Унинг тили ҳам, дили ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам пок бўлади, Ишқ уни ўз “мен”идан пок қилиб, хатто, фано ўтига солган бўлади”⁵⁵, дейдилар. Биз Увайсий лирик қаҳрамони табиатида худди ана шундай мақомдаги ошиқ тимсолини кўрамиз. У ҳақиқий тирикликни фақат Оллоҳ висолида кўради. Бу йўлда барча нарсани унутади:

Хаёли кирса кўнглумга чиқар дунёу дин меҳри,
Қилибдур оқибат, эй дўстлар, ҳам беватан нозук.

Шоира шеъриятидаги лирик қаҳрамон мақсадига эришиш йўлида ўзига қатъий талаблар кўяди. Ўткинчи ҳою-ҳавасларга берилмаслик учун иродасини чиниқтиради, тоблайти. Нафсоний ҳавасларни енгишда шафқатсиз, ўзини топиш йўлида эса матонатли, қаноатли бўлишни шарафлайди:

Нигоро, ҳажра сол, мен дилбари ҳар жоға майл этсам,
Сенингсиз бир замон бул зийнати дунёға майл этсам...
...Нигоримнинг юзу зулфиға ҳайрон ўлмаин, Вайсий,
Кўзим чиқсун, агар дунёу мофиҳоға майл этсам.

Ғазалда лирик қаҳрамон ҳақиқий тирикликни, ҳаёт мазмунини илоҳийликда кўради. У бир лаҳза Тангрини унутса, унингсиз бир қадам ташласа, ўткинчи, фоний дунёға, унинг фароғатларига мойил бўлса, ўзини кечирмайди. Бундай ҳаракат учун ҳар қандай жазога тайёр. Хусусан, ошиқ учун энг изтиробли – ҳижрон азобига ҳам рози. Бундай тасвирлар Увайсий лирик қаҳрамонининг илми ҳолни эгаллаган юксак мақомда эканлигини далиллаб туради. Шоира бу фикрлари орқали шеърияти замиридаги ишқ масаласини, унинг моҳиятини янада ойдинлаштиради. Ўқувчи наздида уни англаш йўлларини, имкониятларини намоён этади.

⁵⁵ Алишер Навоий. Махбуб ул-қулуб. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1983, 52-бет.

Қуйидаги ғазал ҳам Увайсий лирик қаҳрамони дунёқарашини, шоира ижодидаги ишқ талқинини янада ойдинлаштиради:

Неча Фарҳоду Мажнун, неча Мансуру Зулайхони
Деманг ҳар ёнда жамъин қасди бир жонона кўйинда.

Фарҳод, Мажнун, Мансур, Зулайхоларнинг ишқий тарихи ҳаммага аён. Ҳар бир қаҳрамоннинг ўзигагина хос саргузашти, изтироби, интилиш мезонлари ва меъёрлари бор. Улар ҳақида адабиётшунослигимизда турли даврларда турлича қараш, баҳо ва турлича талқинлар мавжуд. Увайсий шу муносабатларни қатъият билан умумлаштириб ва аниқлаштириб беради. Ушбу тимсолларнинг ишқий саргузашти турли воқеалар асосига қурилган бўлса-да, уларнинг мақсади, интилган ва сиғинган мўъжизалари битта. У ягона маҳбуб–илоҳий жамол эканлигини, фақат унга бориш йўлларигина турличалигини эътироф этади. Ғазалнинг охириги байтида шоира бу хулосаларини янада ҳаётийроқ мисоллар билан изоҳлашга ҳаракат қилади:

Ёзар ул ҳусн васфин тийра таъбидин, сабаб улдур:
Кўруб нури илоҳий Вайсийи Маҳрухсор рўйинда.

Умр бўйи илоҳий ҳуснни васф этган, фақат унгагина сиғинган шоира восифлигининг сабабини шарҳлайди. Излаган илоҳий ахлоқ, маънавий камолот, ботиний ва зоҳирий гўзалликни Моҳларойим – Нодира сиймосида кўрганини таъкидлайди.

Увайсий лирик қаҳрамон дунёқарашини ва табиатини, шеъриятининг ғоявий йўналишини, моҳиятини ўзи шарҳлаб берган ўринлар бор. Масалан, бир ғазалида:

Ғар киши бўлса харидори, Увайсий ичра бор –
Ул матойи рамзға бозордурман ишқида, - дейди.

Ушбу мисралар орқали шоира шеъриятининг рамзий шеърият эканлигини таъкидлайди. Бозорда ҳар бир харидор истаган нарсасини топади. Демак, Увайсий асарда бозор сўзини бежиз қўлламаган. Ишқ асрорини англашга иштиёқманд харидор, талабгор учун лирикасида ишқ рамзи, унинг сир-синоатлари борасида хоҳлаган саволига жавоб топиши

мумкинлигини таъкидлапти. Бу бежиз эмас. Увайсий шеърятда ишқ бевоситами ёки билвосита куйланадими, шоира кўзлаган мақсад нуктаси битта. У ҳам бўлса – Илоҳий ишқ, мутлақиятга восиллик.

Увайсий лирик қаҳрамони Мансур Ҳаллож етган улуғ даражага кўтарилишни бутун умрли мақсад деб тушунади. Унга ҳавас билан қарайди. Бу йўлдаги ўз эътиқодининг собит ва мустаҳкамлигига ишонади. Мансур Ҳаллож эришган олий, жазбали ҳолат шоира лирик қаҳрамони ўзига ҳам насиб этишига умидвор бўлади:

Қадах тут, сокиё, лабташна кетмай даҳри фонийдин,
Бошимда дорлар Мансури Ҳаллож этгали мойил.

Шоира лирик қаҳрамони табиатида ошиқлик мартабаси ўзига хос ва бетакрордир. Унинг ишқ билан боғлиқ барча масалалар хусусида ўзининг мустақил фикри ва қарашлари бор. Ана шу дунёқарашдаги ўзгачалик, унинг шеърятдаги, лирик қаҳрамон табиатидаги янгиликни таъминлайди.

Ҳазрати Мир Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонининг еттинчи мақолотида:

Шоҳ ул эмаским, бошига қўйди тож,
Шоҳ ани билким, йўқ анга эҳтиёж⁵⁶.

Яъни, “Кимки Оллоҳдан ўзгага муҳтож бўлмаса ўша шоҳдир”, деган эдилар. Устозлари изидан борган Увайсий ҳам илоҳий шароб, илоҳий ишқ ила беҳудликни ҳақиқий шоҳлик деб тушунади. Шундай кимсаларгина муҳаббат нималигини англагувчи, асроридан воқиф бўлгувчи, унинг кадрига етгувчи огоҳ бандалар эканлигини эътироф этади:

Қаю майхона сори юз қўянлар шоҳлардурлар,
Муҳаббат сирридин фаҳм айлаган огоҳлардурлар.

Ўзликни енгиб ўтиш – олий мақом. Бу қаттиқ риёзатлар чекишга маҳкум йўлдир. У кишини ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган, шарафли мартабага олиб чиқади. Шунинг учун ҳам шоира зоҳидга мурожаат этиб, Мажнуннинг урёну гирёнлигини, беҳудлигини Лайлига таъна этмасликни

⁵⁶ Алишер Навоий. МАТ. 7-том. Ҳайрат ул-аброр. – Т.: Фан, 1991, 165-бет.

укдиряпти. Чунки ўз маҳбуби, эътиқоди учун лаҳзалик фароғатлардан воз кеча билиш бу – улуғ мақомдир:

Кўруб Мажнун танин урэн, сен таън этма Лайлига,
Ўтуш ўзлукни бобидинки, ҳар девонадин келмас.

Бу мартабага мушарраф бўлишнинг йўли эса битта – Ишқ йўлидир. Лирик қаҳрамон буни тўғри англайди. Дунёнинг моҳиятини, мақсад манзилини муҳаббатда кўради. Шу улуғ, мусаффо туйғуга ўзининг бору йўғини алмаштиришга, фидо этишга тайёрлигидан фахрланади. Муҳаббат йўлини маън этган воизга лирик қаҳрамон унинг учун ўзга тарикат йўқлигини изҳор этади. Ўзи тутган йўлнинг ҳақиқий ва тўғрилигига ишонади:

Воизо, таклифи манъ этма муҳаббат йўлидин,
Бизга ул меҳроби абрўдур, сенга минбар ҳавас.
Тонг эмас расми муҳаббатда гадолар берса жон,
Ишқ касбин айлагайлар миру султонлар ҳавас.

Увайсий замонасининг доно, маърифатли отинларидан эди. Нодираи даврондан бошлаб барча аёллар уни ўзига илм йўлида устоз деб билишган. Нодира ҳурмат, эҳтиром юзасидан ҳамиша уни ўзига ҳамроҳ этиб сафарларида бирга олиб юрган. Увайсийнинг асарларини ўқиганда ҳам, унинг ориф бир инсон эканлигини сезиш қийин эмас. Буни шоиранинг ўзи ҳам ишонч билан таъкидлаган эди:

Увайсий, ваҳм қилма ишқ тобидин, қуруқ тан деб,
Рафиқинг, билмадингму, соҳиби идроклардандур.

Увайсийнинг асосий дарди – инсонлар табиатидаги нуқсонлардан изтироб чекиш, уларни бартараф этишга даъват, маърифатли этишга иштиёқ. Маърифат ҳосил қилишнинг бош йўли эса ишқ. Шоира лирик қаҳрамони оламнинг, яшашнинг, инсоннинг моҳиятини ишқда кўради. Бу борада олий мақомга кўтарилади. Ўз тушунча ва маърифатидан келиб чиқиб, муҳаббатнинг комил тарғиботчисига айланади. Замондошларни унинг моҳиятидан, бу йўлдаги риёзатлар ва уларни енгиб ўтиш сир-синоатидан

воқиф этгувчи пири муршид даражасига кўтарилади. Ўзининг кўпларни огоҳлик кошонасига бошлагани билан фахрланади. Шундай улуғ вазифани бажарганлиги учун ҳам дунёдан армонсиз ўтишини ифтихор билан изҳор этади. Аёллардан чиққан пири муршид сифатида тарихда қолиш, ҳаётдаги барча риёзату машаққатларни, ҳижрон азобларини ювиб кетишидан мамнунлик изҳор этади :

Вайсий жаҳондин ўтса не армон фироқ ила,
Умри ичида ёр агар деса: “Пир –аёл!”.

Увайсий шеърятти дунё, олам, инсонлар муносабати борасида чуқур тафаккур мезонларидан туриб мушоҳада юргизувчи фалсафий шеърятдир. Шоиранинг асосий фикрлари дунё ва ишқ маърифати хусусида юзага чиқади. У қуйидаги байтда дунё нима, деган саволга қисқа ва мукамал жавоб бера олган:

Демишлар саййиди кавнайн, дунё сижни мўъминдур,
Агар оқил эсанг, дунёни кўнглинг ичра зиндон тут.

Улуғлар дунёни мўъмин учун зиндон деб билишган. Инсониятнинг олий мақсади ана шу зиндонни, қафасни синдира олиш. Кўнгил қушини руҳий, маънавий ҳурликка етказиш. Бунинг йўли эса руҳий бедорлик, уйғоқлик, ишқ шавқи билан ошнолик. Ғафлат, оламнинг лаҳзалик ҳавасларига алданиш эса кўнгил кўзларини боғлайди. Инсоннинг “қанотларини қайириб”, парвоз нашидасидан маҳрум этади. Буни яхши англаган шоира замондошларини бедорликка даъват этади. Ҳақиқий илоҳий поклик, илоҳий дийдор ошиқларини маънавий уйқу – ғафлат ва жаҳолатдан огоҳлантиради:

Дило, ғафлатни маҳрам этма, ўлсанг толиби дийдор,
Сени маҳруми жонон айлаганлар – хоблардурлар.

Увайсийни бутун умр қийнаган, изтиробли, оғриқли мисралар ёзишга ундаган дард бу - маънавий сўқирликдир. Шоира лирик қаҳрамони оламнинг, дунёнинг асл моҳиятини англамаган, ўзлигини ва раббини танимаган

замондошлари учун қайғурган. Бундайларнинг кескин баҳосини берган. Уларнинг маънавияти ҳақидаги холис ҳукми эълон этган:

Бугун бу даҳри фонийда кимеким шоду хуррамдур,
Ўзин аҳволидин бу бандани мен беҳабар кўрдим.
Нидо келгай харобот аҳлидин: “Кел бода нўш айла!”
Эшитмас ҳеч кимса, мен аларни кўру кар кўрдум.

Олам – Оллоҳнинг тажаллиси. Инсон умрининг мазмуни Тангри томонидан яратилиб, яна унга қайтиш. Дунё эса ўзлигини топиш йўлидир. Бу ҳақда Жалолиддин Румий шундай деган эдилар:

Кўрмоқ истарсен, вале йўқдир кўзинг
Бошдин охир ёрсен, маҳбуб ўзинг.

Увайсий тафаккурида ҳам дунё ва инсоният мазмуни худди шундай зуҳур топган:

Орзулиғни кўриб, мендин таажжуб этмагил,
Ўз юзунгким, ўз паришон торинг айлар орзу.

Ёки:

Дило, то жондин ўтмай бўлмоғунг дийдорига восил,
Етарга ёрга ўтруда жоним бир ҳижобидур.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Увайсий мутасаввуф шоира. У тасаввуф ғояларига эътиқод қўйди. Буни оламни англашнинг ҳақиқий йўли деб билди. Ва бутун ҳаёти давомида унинг ақидаю тариқини тарғиб этди. Увайсийнинг ўзи ҳам бир қанча ғазалларида тариқат йўлини, унинг риёзатларини босиб ўтгани хусусида маълумот беради:

Неча кун тўқтим тариқат йўлидин ашким сувин,
Ишққа бўҳтон айламаклик гарди роҳимдин ҳаво.

Шоира тариқатнинг барча сулукларини, мақомларини, қонунларини ўқиш, ўрганиш мумкин, аммо, ишқни ўқиб ўрганиш мукин эмас, деган фикрда. У ишққа илоҳий мўъжиза янглиғ қарайди. Шоира ишқни ўрганиш

эмас, уни рухиятда улғайтириш керак, у кўнгилда туғилиб, униб ўсиши лозим, деган хулосада:

Тариқат йўлида тай қилдим ул жамъи сулукларни,
Тариқи ишқнинг олдида бир касби ҳунар кўрдим.

Албатта, Увайсий маълум бир макон, замон ва жамиятда яшаган. Шунинг учун ҳам асарларида инсоний муносабатлар, уларнинг эзгу ва дардчил кечинмалари, шодлиги ва қайғулари ҳам ўз ифодасини топган. Унинг лирик қаҳрамони имон-эътиқодли, эзгу амаллар йўлида жонфидо, дунёни, инсонлар кўнглини мусаффо кўриш иштиёқида ёнган дардчан юраклар – дард эли билан ҳаммаслақ, ҳамдард:

Меҳнату аламларга мубтало Увайсийман,
Қайда дард эли бўлса, ошно Увайсийман.

Дард, дардмандлик – шоира шеърятининг бош моҳияти. Лирик қаҳрамонни маҳзун, кўнглини вайрон этадиган нарса эса бу – эътиқодсизлик, дардсизлик, лоқайдлик, риёкорлик. Уни бутун умр қийнаган оғриқ ўткинчи оламнинг лаҳзалик фароғатларига алданган, қул бўлган “дардсизлар захмидан беморлик”:

Истасам марҳам ажаб эрмаски, сендин, эй табиб,
Дардсизлар захмидин бемордурман ишқида.

Увайсийдан анча кейин яшаган Анбар отин ўзининг шоирлик қисмати, унинг изтиробли йўли ҳақида шундай мисраларни ёзган эди:

На роҳат кўрдиму на орзуни
Ки, ман йиғлаб ғазал ёздим ниҳоний.
Аёллар ишқ сўзини демақдин
Ғазал ёзмоқдин ўзи эрди фоний..

Кўринадики, аёл учун ижодкорлик осон бўлмаган. Увайсий ҳам уни англовчилар ва англамовчилар қуршовида кўп изтиробларни бошидан кечиришига тўғри келган. Маломату захматларни бардош билан енгиб ўтган. Бундай жароҳатлардан кўнгли пораланган пайтлар кўп бўлган. Қалбидаги

нафис туйғуларини англашдан махрум ғофиллар, “қабихғуфтор, кўтоҳфаҳм мардумлар” қилмишидан афғон чеккан дамлари беҳисоб бўлган:

Жароҳат бўлди бағрим тиғи бедоди ракиблардин,
Бу кўтоҳфаҳм мардумдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.
Бу гулзори фано ичра маҳалли беҳалал йўқдур,
Ҳамеша захми хородин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.
Фано мардумларини сирридин ҳеч кимса йўқ оғох,
Қабихғуфтор мардумдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Увайсий шеърятти мавжуд тадқиқотларда, асосан, ўз замонасини фош этувчи, замондошлари ва зоҳидликка хос тор маънавиятни танқид этувчи ижтимоий ва автобиографик йўналишда талқин этилган. Аммо шоира асарларини бундай нуқтаи назар билан ўрганиш, унинг маъно кўламининг чекланишига сабаб бўлади. Назаримизда шоира шеърятти мазмун кўламига кенгроқ ва чуқурроқ ёндашиш тақозо этилади. Чунки Увайсий шеърятининг моҳияти олам ва одамнинг яратилиш мақсади, у билан боғлиқ буюк маърифатни эгаллаш, жузв ва кулл муносабати, яратилмишни ўрганиш орқали инсонга берилган ўзликни ва ўзини англаш маърифатини эгаллаш билан боғлиқ. Шу сабабли, шоира шеърятини тадқиқ этишда ижтимоий, ҳасби ҳолий ёндашув орифона мазмун талқини билан уйғун олиб борилишини тақозо этади. Агар бу уч йўлни бир-биридан ажратсак, шоира шеърятти моҳиятини етарли даражада чуқур англаёлмаймиз.

Чунки Увайсий ижтимоий муносабатларни бадиий талқин этадимми ёки ўз қисмати билан боғлиқ муаммоларга ечим излайдимми барибир авж нуқтада, албатта, ўз дунёқараши ва тафаккур миқёсидан келиб чиқиб, масалаларни ҳал этишда орифона хулоса ва ечимларга келади. Ўз ўқувчисини ҳаётнинг моҳиятини теран англашга, кенг кўламда тафаккур юргизишга йўналтиради. Шоира шеърятти ўзига хос хусусиятларидан бири ана шунда намоён бўлади. Ҳаммага маълум бўлган “Замона кулфатидан кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди”, “Меҳнату аламларга мубтало Увайсийман” каби шеърлари бунинг яққол далилидир. Чунки мазкур ғазалларни фақат ижтимоий ёки ҳасби ҳол йўлида

талқин этиш бизни шоира назарда тутган бадий мақсаддан узоқлаштиради. Уларда автобиографик, ижтимоий ва ирфоний ғоялар уйғунликда ёритилади.

Увайсий лирик қаҳрамони фақат ошиқ эмас, балки, аёл – ижодкор сифатида ҳам тасаввуримизда намоён бўлади. Шоира асарлари орасида унинг ҳасби ҳол йўналишида яратилганлари ҳам бор. Шоиранинг бу типдаги асарлари мавзу жиҳатдан автобиографик йўналишга киритилади. Улар ўқувчини шоиранинг ҳасби ҳоли билан яқиндан таништириши билан бир каторда, айрим асарларининг яратилиш тарихи ва ижодкор дунёқарашининг шаклланиш жараёнлари билан ҳам ошно этади. Улар ижодкор таржимаи ҳолини тўлғазади. Она, аёл ва жонкуяр миллатпарвар инсон сифатидаги маънавий қиёфасини ёритади. Бундай йўналишдаги асарлар тор, шахсий ҳаёт қобиғида қолмайди. Балки замон, жамиятнинг аниқ манзараларини чизиш, фош этиш вазифасини ҳам ўташга хизмат қилади. Биографиклик ижтимоийлик билан уйғунлашади. Бу эса уларнинг адабиёт майдонида муқим ўрин эгаллашига, муҳим аҳамият касб этишига сабаб бўлади.

Жумладан, “Соғиндим” радибли ғазалида сарбозликка жўнатилган олисдаги фарзандини соғинган, кўнгли не ҳадику хавотирда ўртанган, кеча-кундуз йўл қараб интизор ёнган онаизорнинг қалб тугёнлари ўз ифодасини топган:

Бугун, эй дўстлар, фарзанди жононимни соғиндим,
Гадо бўлсам, не айб, ул шаҳи давронимни соғиндим.
Мусофирман, ғарибман, бекасу ҳам бенаводурман,
Вужудим дарда тўлди, эмди дармонимни соғиндим.
Тилимнинг зикрию кўнглимни фикри, яхши фарзандим,
Азизим, ёлғузим, давлатли султонимни соғиндим.
Кеча-кундуз йўлиға мунтазирдурман, тикарман кўз,
Келиб ҳолим сўрубон кетса, меҳмонимни соғиндим.
Насибин узмади Тангрим, иложин топмағай келса,
Онам деб бўлғуси бағри қизил қонимни соғиндим.
Қоронғу бўлди олам кўзима ушбу жудоликдин,

Кўзу кўнглум зиёси, моҳи тобонимни соғиндим.

Мени бекас Увайсий йиғлағайман рўзу шаб тинмай,

Уйимнинг зийнати, кўз равшани, хонимни соғиндим.

Адабиётлардан маълум бўлишича, шоиранинг ўғли Муҳаммадхон Қўқон хони Маъдалихон билан Кошғарга ғазот урушига сарбоз бўлиб кетади. Ушбу ғазал шу даврда яратилган. Шунинг учун ҳам шоира ёлғиз фарзанди, нури дийдасини юз минг хавотир, кўзда ёш билан, бутун олам қоронғу бўлиб интизор кутади. Шундан унинг кўнглига чироқ ёкса ёришмайди. Аммо, асарни ўқиганда, умидсизликка тушмайсиз. Чунки, онанинг сўз билан таърифлаш қийин бўлган соғинчи фарзандини асраб, эсон-омон унинг бағрига қайтаришига беихтиёр ишонасиз.

Мазкур ғазал 7 байтдан иборат. Унда ўзбек онасининг руҳий ғалаёнлари, ўзига хос маънавий дунёси ифодаланган. Севимли фарзандидан йироқ тушган онанинг соғинч изтироблари тасвирланган. Ғазалда шоира ўз лирик қаҳрамони тимсолида мужассамлашган она табиатини теран талқин этади. Унинг фарзандига бўлган меҳру муҳаббати, соғинч ва изтироблари маҳорат билан ёритилади. Мазкур ғазалда шоиранинг асарларидаги психологизм, руҳият манзараларини бетакрор тасвирлаш мезонлари, сўзларни қўллаш тамойиллари ўз ифодасини топади. Асар орқали ўзбек аёлининг фарзандга муносабати, ҳаётида фарзанднинг ўрни борасида тасаввурга эга бўламиз. Фарзанд онанинг бутун борлиғи. Усиз у ёлғиз ва танҳо. Дунёда ўзини ғариб, бекас ва бенаво ҳис эта бошлайди:

Мусофирман, ғарибман, бекасу ҳам бенаводурман,

Вужудим дарда тўлди, эмди дармонимни соғиндим...

Бутун вужуди ғуссага, дардга айланган она фарзанд дийдоридан ўзга дармонни тан ололмайди. Халқда “тилдан қўймаслик” ибораси бўлиб, у энг севимли инсонларга нисбатан қўлланади. Шоира шу мазмунни ўзига хос ифода тизими орқали баён этади. “Тилимнинг зикрию, кўнглимнинг фикри, яхши фарзандим” жумласида онанинг бутун борлиғи фарзанди фикру ёди билан бандлигини жуда равшан ифодалаб берган:

Тилимнинг зикрию кўнглимнинг фикри, яхши фарзандим,
Азизим, ёлғузим, давлатли султонимни соғиндим.

Ғазалда она ҳам ўз соғинч изтиробларини, ҳам ўрни билан фарзанднинг ахволи, руҳиясини изоҳлаб беради. У фарзандини эслайди. Айрим чизгилар орқали унинг характерига хос айрим белгиларни ҳам тилга олади. Фарзанд ҳам онасини жуда соғинган. Кўришни хоҳлайди. Аммо, иложини топа олмаган бўлса керак:

Насибин узмади Тангрим, иложин топмағай келса,
Онам деб бўлғуси бағри қизил қонимни соғиндим.

Бундай ўйлаш ўзбек онасига хос миллий характерни намоён этган. У ҳар қандай вазиятда яхшиликни, фарзанд табиатидаги ижобий фазилатларни ўйлайди. Чунки ўзи шундай меҳр-оқибатли қилиб тарбия берган. Ўзбек аёли фарзандни ҳаётини ёритиб турувчи нур – ёруғлик деб билади. Ундан жудолик кўзига оламни қоронғу этади:

Қоронғу бўлди олам кўзима ушбу жудоликдин,
Кўзу кўнглум зиёси, моҳи тобонимни соғиндим.

Ғазал ўзбек аёлининг миллий характерини ўзида мукаммал мужассамлаштиргани билан муҳимдир. Уни ўқиганда ҳар бир ўқувчининг кўз ўнгида ўз онаси гавдаланади. Бу шоира маҳоратининг натижасидир.

Увайсийнинг ўзлигини, ҳаётдаги оддий аёл сифатидаги табиатини, шахсиятини англашимизда “Кафшим йўқолди, сандаму?” радифли ғазалнинг алоҳида ўрни бор. Ушбу асарда Фарғона аёлларининг шўх-шаддот, ҳазил-мутойибага уста характер тимсоли ўз ифодасини топган. Шоира ҳикоя қилишича, Кўқондан Хўжандга сайру тамошога келишади. Анча кўнгил чигиллари ёзилиб, енгил тортишади. Аммо, шу жараёнда лирик қаҳрамон ковушини йўқотиб қўяди. Бу деталдан шоира усталик билан ҳазил-мутойиба, аския манбаи сифатида фойдаланади. Ҳамроҳ аёлларни ном-баном аскияга тортишга ҳаракат қилади:

Кўтар мани, эй Нозуқшо, Муғ йўлида қабарди по,
Улфатбегим, бўлғил огоҳ, кафшим йўқолди, сандаму?

Манзур эмас бўлак ковуш, илгимда йўқтур бир кумуш,
Жондан ортиқ Шодмон бувуш, кафшим йўқолди, сандаму?
Ўғлум ўтугин эскиси, чармлаган эрди бир касе,
Тўқайжон, иссиқ нафаси, кафшим йўқолди, сандаму?
Кафшим учун куйди дилим, бор ҳам бўлса йўқтур пулим,
Айланайин, Давлатбегим, кафшим йўқолди , сандаму?

Ғазалнинг бошдан охиригача енгил бир кулгу кўзготувчи юмор сингдирилган. Шу усул билан шоира ковуш ўғрисиани беозоргина танқид ҳам этиб ўтадики, бу унинг оқила, доно ва маҳорат соҳибчилигидан дарак беради. Лирик қаҳрамон “йўқолган пичоғимнинг сопи олтиндан” дегандек, мезбонлардан ва ҳамроҳлардан фақат ўз ковушини топиб беришларини сўрайди. “Пулим бор бўлса ҳам йўқ, ўғлимнинг эски этигидан тикилган ковуш эди. Менга бошқа ковушнинг ҳечам кераги йўқ. Фақат ўзимникини топиб берасизлар”, дея ёш боладай беғубор хархаша қиладики, бу келтирилган ваз-корсонлар ўз-ўзидан кулгу уйғотади. Мазкур ғазалга адабиётшунос олимларимиз бошқа ракурсдан ёндашишган. Уларнинг фикрича, асарда шоира замонасидаги ижтимоий муҳит, ўзининг ночор ва камбағалликда кун кечирганлиги ҳақида маълумот бермоқда. Аммо юқоридаги таҳлиллардан ғазалда бундай мақсад йўқлиги кўриниб турибди. Бироқ шунга қарамасдан, асарнинг ўзбек адабиётидаги ўрни пасаймайди. Асар бизни шоиранинг шахс сифатидаги феъл-атвори, атрофдаги инсонларга муносабати, табиатидаги кулгую юморга мойиллиги каби фазилатлари билан ошно этади. Ғазал шу хусусиятлари билан Увайсий шахсиятини англашимизда муҳим аҳамиятга эга.

Кўриниб турибдики, Увайсий лирик қаҳрамони миллат, ватан тақдири, келажаги учун қайғурувчи шахс бўлибгина қолмай, ислом софлиги ва тасаввуф равнақи йўлида ҳам жонфидолик кўрсатган. Шунинг учун ҳам унинг самимий туйғулари бугунги кунимиз учун ҳам ардоқли ва муҳимдир.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Мазкур бобда олиб борган изланишларимиз натижаси сифатида куйидаги хулосаларга келамиз:

1. Кузатувимиз шуни кўрсатадики, бир хил мавзуда, бир хил вазнда, бир хил радифда яратилган бўлишига қарамасдан, ҳар бир истеъдодли ижодкор қаламидан чиққан асар ўзига хос янги ижод маҳсули сифатида дунёга келади. Унда ҳар бир ижодкорнинг тафаккур тарзи, дунёқарashi, фалсафий мушоҳадалари ўз ифодасини топади. Анъанавийликнинг сақланиши билан бирга мавзуга янгича ёндашув, янгича тасвир тизими кўзга ташланади. Улар бир-бирига ўхшаши билан бирга, давр руҳини, унинг муаммоларини ёритиш, тасвирлаш принциплари билан фарқланиб туради. Шу сабабли, ҳар бир ижодкор яратган асардаги мазмун, фикр, ғоя, тасвир тамойилларида тараққиёт белгиларини кузатамиз.

2. Татаббуъ усулида яратилган ғазалларда анъанавийлик билан бирга ҳар бир шоирнинг ўзига хос индивидуал қирралари, дунёқараш ва фикрлаш тарзи ҳам намоён бўлган. Татаббуъ, назира усуллари шунчаки тақлидчилик эмас, балки улар ҳар бир истеъдодли ижодкор учун улкан маҳорат мактаби вазифасини бажарган, салафлар таъсирида яратилган асарларда уларни янада такомиллаштириш йўлидан борилади.

3. Ўзбек мумтоз шеъриятида лирик қаҳрамон масаласи чуқур тадқиқотни тақозо этадиган адабий ҳодисадир. Чунки лирик қаҳрамон табиатини етарли ўрганмасдан ижодкорларнинг индивидуаллиги, маҳоратини баҳолашнинг иложи йўқ. Зеро, лирик қаҳрамон бош ғояни, барча тимсол ва образларни ўзида мужассамлаштирган махсус марказ ҳисобланади.

3. Ўзбек мумтоз адабиётида лирик қаҳрамон характерини англаш, ҳар бир сўзнинг асл ва кўчма маъноларини англашдан бошланмоғи лозим. Шундагина биз унинг асл қиёфасини кўра оламиз. Табиатидаги ўзига хосликлар, кўнглидаги туйғулар пўртанаси билан ошно бўламиз. Уни баҳолаганда, адашмаймиз. Жумладан, Жаҳонотин Увайсий шеъриятидаги лирик қаҳрамон характерини баҳолаш ва англаш учун ҳам худди шу мезондан фойдаланиш тақозо этилади.

4. Увайсий лирик қаҳрамони шариат ва тариқат ақидаларини мукамал эгаллаган. Қуръон ва ҳадисларни маърифат чашмаси деб билади. Шоиранинг исломий эътиқодлари асарларидаги ирфоний ва маърифий хулосаларига, тасаввуфий ғояларнинг равнақиға асос бўлган. Шоира меросидаги ахлоқий-фалсафий хулосаларининг маърифий аҳамиятини таъминлаган. Унинг донишманд, ориф бир сиймо даражасиға кўтарилишиға ҳаётий замин яратган.

5. Увайсий шеъриятида ҳам ишқ етакчи мавзу. Лирик қаҳрамон қиёфасида эса туйғулари нозик аёлни эмас, балки ишқ риёзатларида тобланган, ўзини, вужудий ҳою ҳавасларни буткул унутган мажнунвор кечинмалар гирдобида фарқ бўлган мардона ошиқни кўраммиз.

6. Шоира ижодида мажоз ва ҳақиқий ишқ айро тасвирланмайди. Улар бир-бириға чамбарчас боғлиқ. Шу боис лирик қаҳрамон табиати, унинг дунёқарашини, оламни англашини ва муносабати фалсафийлик ва теранлик касб этади.

7. Увайсий лирик қаҳрамон характерини ёритишда табиат ҳодисаларини, ҳаётий воқелик билан муқоясалаш йўлидан боради. Ҳусни таълил, тамсил каби бадиий санъатлардан унумли фойдаланиб, тасаввуф ва Ҳақиқий ишқнинг мураккаб назарий масалаларини китобхон тасавбурида содда, тушунарли намоён бўлишиға эришади.

8. Увайсий мутасаввуф шоира. Асарлари замирида тасаввуфий ғоялар талқини етакчилик қилади. Шундан келиб чиқиб, шеъриятидаги образлар тизими рамзийлик характерига эга, улар, асосан, рамзий маъноларда қўлланган. Бу эса асарлариға тасаввуфий мазмун юклайди. Улардаги шоира мақсадини рамзлар моҳиятини англамасдан туриб тушуниш мушкул. Кўпмаънолилик ва рамзий образлар моҳиятини тушуниш орқали лирик қаҳрамон қиёфасини англашға муваффақ бўлинади. У кўз ўнгимизда тасаввуф йўлидаги солиқ; солиқларға маърифат улашувчи; яшашнинг моҳиятидан огоҳлантирувчи “пир-аёл” қиёфасида намоён бўлади.

9. Увайсий шеъриятининг бошқа ижодкорлар асарларидан фарқли томонлари кўп. Жумладан, ҳар бир шеъри чуқур ички бир тўфон, тугён билан йўғирилади. Ана шу ботиний жазба лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини ифодалашда ноанъанавий ташбеҳлар, шарҳлар ва тимсолларни қўллашига сабаб бўлади.

10. Шоира услубида мураккаблик ва сирлилик мавжуд. Жумладан, тимсоллар орқали фикр, ғоялар баён этилар экан, шоиранинг мақсади тўлиқ эмас, балки тезис сифатида ифодаланади. Ниятини шарҳлаб, изоҳлаб ўтирмайди. Ҳар бир ўқувчининг ўзига ўз савия, даража ва мақомидан келиб чиқиб, фикрлаб кўриш, мушоҳада юритиш ва хулоса чиқариш имкониятини қолдиради. Бу эса лирик қаҳрамон табиатини тушунишни бироз мураккаблаштиради. Увайсий шеърияти мураккаб, хослар шеърияти. Шу сабабли ҳам, кўпчилик асарлари маҳсус шарҳлашни тақозо этади. Шарҳсиз уларда ифодаланган хос мазмунни англаш қийин.

11. Албатта, Увайсий маълум бир макон, замон ва жамиятда яшаган. Шунинг учун ҳам асарларида инсоний муносабатлар, уларнинг эзгу ва дардчил кечинмалари, шодлиги ва қайғулари ҳам ўз ифодасини топган. Шоира асарлари орасида унинг таржимаи ҳолини тўлғазувчи, она ва аёл сифатида маънавий қиёфасини ёритувчи намуналар ҳам мавжуд.

II БОБ. Бадий образ янгиланишида Увайсийнинг адабий-эстетик мезонлари

2.1 Мумтоз поэтик анъана синтези – бадий образ янгиланишининг асоси

Ўзбек мумтоз адабиётида образлар тизими ўзига хос. У бошқа эл адабиётларидан зулмаънайнлиги, яъни кўп қатламли маъно хусусиятига эгаллиги билан фарқланиб туради. Мумтоз шоирларимиз назарда тутган ғояларни англаб етиш учун, аввало, образлар моҳиятини идрок этишимиз такозо этилади. Чунки мумтоз адабиёт фақат сўзлар билан эмас, балки асосан, образлар тили билан сўзлайдиган адабиётдир. Уларнинг деярли барчасида зоҳирий ва ботиний маъно-моҳият мужассамлашган бўлади.

Таниқли турк олими Огоҳ Сирри Левенд Шарқ мумтоз адабиётини “мазмун ва тушунча адабиёти”деб атаган. Ҳақиқатан ҳам, мумтоз адабиётда ишқ воситаси билан ифодаланувчи турғун бир мазмун ва тушунча мавжуд. Четдан қараганда, гўё бу бир хилликни келтириб чиқарадигандек тасаввур пайдо қилади. Аммо мумтоз асарларни чуқурроқ ўргансак, унинг гўзаллиги ва буюклиги ҳам ана шу муқимлигида эканлигини сезамиз. Чунки бу мавзу ҳеч қачон эскирмайдиган. Инсоният бор экан, унинг ҳаёти, даври, замонаси билан баравар ўзгариб, янгиланиб бораверади. Ботиний ва мантиқий тараққиёт пиллапояларидан юксалаверади. Бу шунчаки баландпарвоз сўзлар эмас. Ҳақиқатан ҳам, муҳаббатни, ишқни ҳар бир инсон ўзича янгиллаганидек, ўз туйғулари билан безантирганидек, мумтоз адабий меросимиз намуналарида ҳам бу тараққиёт ўз ифодасини топади. Шу сабабли ҳам, ҳар бир мумтоз ижодкор асарларидан ўзига хосликни, янгиликни излаб топиш мумкин. Қолаверса, бадий адабиётнинг бетакрорлигини фақат мавзу белгиламайди. Балки қўйилган масалани қандай ифодалаш муҳим омил ҳисобланади. Қандай мазмунни ифодалаш эмас, мазмунни қандай тасвирлаш муҳимликни белгилайди. Шарқ мумтоз адабиётини кузатсак, ижод жараёнига худди шу нуқтаи назардан ёндашилганини кўрамиз. Бу борада Турк олими

Ҳилми Ёвузнинг фикрлари эътиборли: “Мумтоз шеърият рамзларга бой ва коидапарастдир. Тизимни ўзгартирмасдан, доимо янгиланиб борган”⁵⁷. Юсуф Четиндоғнинг бу борада айтган фикрлари ҳам ниҳоятда асосли ва мантиқийдир: “...тайёр унсурлар орқали ўзини англашиш, ўйланганини айтиш қадим шеъриятнинг асосий хусусиятидир... бу эса шарқ муҳаййидасининг ҳам заиф, ҳам ҳайратлантирувчи жозибасини таъминлайди”⁵⁸.

Биз мумтоз шоирларимиз меросини ўрганар эканмиз, ана шу анъана замиридаги янгиликларни топиб, изоҳлаш йўлидан боришимиз тақозо этилади. Бу йўлдан бормасак, мумтоз адабиёт хусусиятларини англамаймиз ва жаҳон адабиёти саҳнида мумтоз меросимизнинг ўзига хослиги ва бетакрор гўзаллигини намоён этиб бера олмаймиз.

Белинский, “лирика объекти қалб диалектикаси” эканлигини таъкидлаган эди. Шу сабабли ҳам, шеърият сирли-сеҳрли, рамзлар тилини тақозо этади. Хусусан, ўзбек мумтоз адабиёти, унда қўлланилган образлар, бадиий санъатлар ноёб топилмалари билан жаҳонни ҳайратлантириб келмоқда. Шеърият образлари оламини ўрганиш эса, маълум маънода, инсон қалбини, руҳияти тўлқинларини ўрганиш демакдир. Шу сабабли ҳам, уларни англаш инсон кўнглини англаш каби мураккаб, ёқимли ва риёзатлидир.

Жаҳонотин Увайсий шеърияти образларини ўрганиш ҳам шу жиҳатдан анча мураккаб. Чунки шоира қўллаган образлар моҳиятида анъанавийлик ва новаторлик хусусиятлари уйғунлашиб келади. Улар ўртасидаги меъёру мезонларни аниқлаш ва англаш тадқиқотчидан машаққатли меҳнат талаб этади.

Увайсий қўллаган образлар тизими адабиётшунослигимизда етарли талқин этилмаган. Эътибор қаратилганлари ҳам, бирёқлама, дунёвий реаллик нуқтаи назаридангина баҳоланган. Бугунги, янгиланаётган, мустақиллик даври адабиётшунослиги мезонларидан келиб чиқиб, шоира шеърияти образларининг чуқур, зоҳирий ва ботиний маъно-моҳиятларини аниқлаш;

⁵⁷ Ҳилми Ёвуз. Ёзув, тил ва санъат. – Истанбул, 1996, 122-б.

⁵⁸ Юсуф Четиндоғ. Навоий ва усмонли турк шеърияти. – Т.: Муҳаррир, 2011, 18-бет.

уларнинг шоира бадий ниятларини амалга оширишдаги ўрни ва вазифаларини белгилаш, ниҳоятда, муҳим ҳисобланади. Шоира шеъриятида юзлаб образлар қўлланилган. Аммо мазкур тадқиқотда уларнинг барчасига алоҳида тўхталишнинг имкони йўқ. Шу сабабли, биз ижодкор асарларидаги бош ғоя – етакчи моҳиятни ёритишда муҳим ўрин тутган ва шоиранинг ўзига хос образ яратиш тамойиллари намоён бўлган тимсолларнинг айримларини талқин этишни жоиз кўрдик. Ўйлаймизки, биз таҳлил доирасига олган образларга муносабат, шоира асарларидаги барча образлар оламини англашга кўмаклашади.

Увайсий шеъриятида кўплаб анъанавий образлар қўлланади. Мумтоз анъанага кўра эса, шоира шеъриятидаги етакчи образ ҳам ошиқдир. Унинг адабий меросига бағишланган мавжуд тадқиқотларда мазкур образ хусусида сўзланар экан, асосан, аёл – ошиқ кечинмалари, туйғулари куйлангани эътироф этилган. Аммо, Увайсий ижодидаги ошиқ кенг қамровга эга. Унда мажозийлик ва илоҳийлик мезонларининг уйғунлашишини кузатамиз. Бу уйғунлик натижасида ошиқ мажнунвор характер касб этади. У аналҳақлик мақомидан туриб, олам, одам ва Оллоҳ муносабати борасида файласуф-донишманд, ориф ва муршид даражасида ноёб хулосалар чиқаради.

Биз қуйидаги ғазал мисолида ижодкор асарларидаги обралар кўлами, ранг-баранглиги ва кўпқатламли маъно-моҳияти борасида фикр юритамиз. Унинг “ишқида” радифли ғазали 11 байтдан иборат, катта ҳажмли асар. Ундаги етакчи образ – ошиқ. У байтма-байт руҳий ҳолати, эгаллаган мақому даражасини ўзи изоҳлаб боради. Ҳолат ва кайфият талқини бош образнинг ўз тилидан баён этилиши ўқувчи наздида аниқлик ва таъсирчанликни оширади. Ошиқнинг ички оламини кам-кўстсиз намоён этиш имконини беради. Ошиқ дунёси ижодкор наздидан туриб эмас, балки унинг ўз ички, руҳоний сезимларидан келиб чиқиб ёритилади. Ўқувчи унинг ботинига сари сафарга етакланади. Бундай услуб ғазалдаги бош образ характерини, унинг мақсад-вазифасини, бошқа образлар билан муносабатини аниқлаш имконини таъминлайди.

Ғазал кучли руҳий ғалаён, шиддат ва кўтаринкилик руҳида яратилган. Ошиқ руҳиятидаги драматизм боиси – ишқ. Шу сабабли ҳам, шоира шеърда ўқувчи диққатини ана шу – асосий фикр атрофига жамлайди. Радиф сифатида қўлланган “ишқида” сўзи бу вазифани мукамал бажаради. Шоира дастлабки уч байтда табиатдан мутаносиб ўхшатишу метафораларни топиб, ошиқ ҳолатини аниқ тасвирлашга ҳаракат қилади:

Оҳ гулрухсор жонон, хордурман ишқида,
Дил аро қон, сийнаси афгордурман ишқида.
Кечалар кирдим чаман, вақти саҳар зор айладим,
Қумрию ҳам андалиби зордурман ишқида.
Хотирим тай қилса ногаҳ наргиси ул масти хоб,
Кавкаби сайёрадек бедордурман ишқида.

Байтлар мазмунига кўра, жонон – гулрухсор; ошиқ эса, гулга доимий ҳамроҳ бўлган хордир. Ошиқ айрилиқда, ҳижронда. Ҳижрон эса – тун, зулмат. Ҳажр, тун тушунчалари ирфоний луғатларда моҳиятан бир-бирига яқин маънода талқин этилади. Улар моҳиятнинг зидди, яъни ҳодиса сифатида изоҳланади. Илоҳий файз йўлидаги тўсиқлар, мосиволлоҳ маъносини англашиб келади. Бутун “тун” заҳматини кечиб ўтган ошиқ “вақти саҳар” – тонгда қумри ва булбулга айланиб нола чекади. Тонг эса туннинг акси. У илоҳий файз рамзи. Демак, кўринадики, ошиқ асл мақсадга эришиш учун фоний, дунёвий тўсиқлар заҳматини кечиб ўтиши лозим. Бу риёзатлардан ўтмай туриб, ошиқ файзга муяссар бўлолмайди. Чунки нафсоний, дунёвий тўсиқларни англаш ва енгиб ўтиш ошиқни тоблайтиди, чиниқтиради, камолга етказди. Мазкур байтлар ошиқ кўнглидаги ишқнинг даражасини, босқичма-босқич улғайиб бориш маромларини ифодалаб келади.

Кўринганидек, бу ўринда ошиқ, маҳбуба образлари етакчи мақомда. Уларнинг ўзаро муносабати, руҳий товланишлар жараёни тасвирларида тун, тонг, юлдуз; гулрухсор, хор, булбул, қумри каби мутаносиб, қўшимча рамзий образлар тизими ҳаракатга келади. Улар баён этилаётган ишқ моҳиятини, етакчи тимсоллар табиати ва ботиний дунёсини ёритишда очқич вазифасини

базаради. Жонон образида мутлақ гўзаллик, хорда эса ўз мақомидан каноатланмаётган, дунёвий ҳаваслардан буткул халос бўла олмаётган ошиқ – солиқ ҳолати ўз ифодасини топган. Аслида, ошиқ етуклик даражасидан туриб сўзламоқда. Буни унинг тилидан баён этилаётган ифодалар, тимсоллар тизими, мазмуний силсила ҳам кўрсатиб турибди. Аммо Мутлақ гўзаллик олдида ўзини ожиз, бечора ва номуносиб ҳис этмоқда. Шундай бир ички туғённи тасвирлаш мақсадида шоир хор сўзини қўллайди. Гул ва хорнинг ёнма-ён туриши, улар муносабатидаги зидлик – тазод ошиқнинг ҳолати ва руҳиятидаги изтироб кўламини намоён этишга хизмат қилади. Хор образи ўқувчига ошиқ табиатини тўлиқ англашга имкон яратади. Мазкур сўзни қўллашда Увайсийнинг бадий ифодадаги ўзига хос услуби юзага чиқади. Яъни кўпқатламлилиқ, сўз маъноларини олмос каби жилолантириб қўллаши намоён бўлади. Зеро, шу ўринда, “хор” сўзининг 3 хил маъносини кузатамиз: 1. Хору зор, 2. Тикан, 3. Арзимас нарса. Ийҳом санъати воситасида намоён бўлган мазкур маънолар ошиқ образи табиати ва руҳий ҳолатини чуқур тасвирлаш имконини беради. Мисранинг “оҳ” сўзи билан бошланиши эса ошиқнинг жазбавий мақомини далолатлаб келади. Чунки тасаввуф таълимоти назариясида “оҳ” – ишқнинг мавжланган, жўшқинлик ва кўпириш касб этган даражасини кўрсатади. Демак, ғазал ошиқнинг юксак жазбавий, туғёнли руҳий ҳолати тасвири билан бошланади. Кўринганидек, дастлабки байтларда, ошиқ куйиниб ўзининг ҳижрон ҳолати ҳақида шикоят қилмоқда. Шоир ҳижрон сўзини тилга олмайди. Аммо кечалар, тун сўзи орқали унга ишора қилади. Мумтоз адабиётда тун – зулмат, ғафлат, ғофиллик мезони ҳисобланади. Ҳижрон эса ошиқнинг асл мақсадга эришиш йўлини тўсувчи парда сифатида талқин этиб келинади. Зеро, “Ҳажр, - ирфоний луғатларда, – Оллоҳдан бошқа нарсаларга, дунёвий ашёларга кўнгил боғлаш”,⁵⁹ маъносида изоҳланади. Шу боис ошиқ ўз мақомидан норози. Чунки у мосиволлоҳдан кўнглини буткул уза олмаган. Аммо тун замирида тонг

⁵⁹ Доктор Саййид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги истилохот ва таъбироти ирфоний. – Техрон, 1379 х., 796-бет.

мавжуд. Яъни тонг тун бағридан улғайиб келади. Шу сабабли ошиқ “вақти сахар”, яъни тонгда кумрию булбул каби ишқ сирридан нола чекади. Тонг – илоҳий файз манбаи. Демак, тонгга, яъни илоҳий файзга йўл ҳажр тун и орқали ўтади. Уни кечиб ўта олган ошиққина ўзининг асл мақсад манзилига етиб боради. Ҳажр ва тун зулматининг риёзатларини кечиб ўтмагунча, бутун борлиғи билан унинг заҳматини ҳис қилмагунча, ошиқ ҳақиқий ошиққа айланмаслиги, тонг нурига яқинлашмаслиги ғояси назарда тутилади. Кўринадикки, шоира сўзлар билан эмас, балки образлар орқали ўз ғояларини, фикр-қарашларини ифодалашга ҳаракат қилади. Шу сабабли, Увайсий шеърятини англашда мураккаблик юзага келади. Унинг бадиий нияти ошқора кўриниб турмайди. Балки уни ҳар бир ўқувчи, ўз даражасидан келиб чиқиб, тафаккур билан излаб топиши, англаши тақозо этилади. Оддий китобхон ундаги реал зоҳирий мазмундан, хос китобхон эса рамзий образлар замиридаги ботиний маънолардан баҳраманд бўла олади. Шоиранинг маҳорати, образлар тизимидаги янгилиги ва ўзига хослиги ана шу жараёнда намоён бўлади.

Увайсий ўзбек мумтоз адабиётидаги бадиий образлар оламини бойитишда кўп манбалар асосида жамланган билим қамровини ишга солади. Халқ оғзаки ижоди хазиналари, ислом манбалари жавоҳирлари, Қуръон ва ҳадис дурдоналари, салафлари ижоди намуналари шулар жумласидандир. Ғазалнинг қуйидаги байтида биз Қуръони Каримда исмлари тилга олинган Сулаймон пайғамбар билан боғлиқ воқеа тасвирига талмеҳ санъати воситасида ишорани кўрамыз:

Мўрдек помолдурманким, саломат аҳлига,

Дард аҳлига бу дам сардордурман ишқида.

Ошиқ ишқ воситаси билан қудратли кучга айланади. У ҳуш аҳлига чумолидек нимжон кўринсада, ишқу дард аҳлига етакчи, раҳнамо бўла олиш қудратига эғаликдан сўзлайди. Мазкур байтда лирик қаҳрамоннинг икки қиррасини кўрамыз. Аввало, у оддий инсон, аниқроғи аёл сифатида чумолидек ожиз. Иккинчидан эса, у ошиқ сифатида ошиқлар гуруҳини,

Худхуд куш каби Семурғга олиб борувчи раҳнамо, пир, сардор вазифасини бажара олувчи кучга эга. Байтдаги мазкур икки қутбий ҳолатни тасвирлашда шоирага тазод санъати қўл келади. Саломат аҳли – дард аҳли; помолдурман – сардордурман зидлиги шоиранинг бадиий мақсадини юзага чиқаришда асосий восита вазифасини ўтайди.

Увайсий шеърини образлари ноёб, ўзига хос галереяни ташкил этади. Уларни, яратилиш хусусиятларидан келиб чиқиб, иккига ажратиш мумкин:

1. Шоира томонидан мумтоз адабиёт сахнига олиб кирилган янги образлар;

2. Мавжуд анъанавий образларнинг, ўзга ижодкорлар назари тушмаган кирраларини кашф этиш орқали янги маънода қўлланиши.

Биз шоира образлар оламини ўрганар эканмиз, ўрни билан иккала турга ҳам мансуб образлар моҳиятини ёритишга ҳаракат қилдик. Жумладан, ғазалнинг қуйидаги байтида қўлланган бадиий образлар замирига кучли руҳий шиддат мужассамлашган. Бундай жазбали тасвирлар ғазалнинг илоҳий ишқ тавсифига бағишланганлиги билан боғлиқ:

Ақлу фаҳму ҳушу идроким сазовор ўлдиким,
Мижмари бардош ичинда нордурман ишқида.

Биринчи мисрада ақл, фаҳм, ҳуш, идрокнинг муяссарлиги ҳақида гап кетяпти. Ушбу сўзларнинг кетма-кетлиги ошиқ руҳий мартабасининг босқичларини ҳам ифодалайди: У ақл билан мушоҳада, фаҳм билан ҳис этади, ҳуш билан англайди. Идрок билан ягоналикка эришади. Аммо, бу йўл узоқ ва риёзатли. Уни босиб ўтиш учун улкан бардош керак. Буни ўз руҳиятида топа олган, уйғота олган ошиқ кўнгли ишқ оташгоҳига айланади. Шу сабабли, шоира “бардош мижмари ичида норга” – аланга, оташга, чўғга айлангани ҳақида бонг урмоқда. Худди шу ўринда шоиранинг, юқорида таъкидлаганимиз, ноёб ифода услуби, образ қўллашдаги ўзига хос тамойили намоён бўлади. Мумтоз адабиётда мижмар образи – анъанавий, чўғдон маъносида ишлатилган. Аммо, ушбу ўринда шоира унинг янгича маъно сарҳадларини кашф этади. Халқимизда сабр-бардош ҳақида кўп иборалар,

мақоллар, ҳикматлар бор. Улар ёзма адабиётимизда ҳам фаол қўлланилган. Увайсий ҳам асарида уларнинг бирортасини қўлласа бўлар эди. Аммо шоира бундай йўлни маъқул кўрмайди. У мумтоз анъаналарни янада тараққий эттириб, унинг ўзга ижодкорлар назари тушмаган янги маъно сарҳадларини кашф этади. “Бардош мижмари ичидаги нор - чўғман”, дея ўзига хос, чуқур мазмунли ифода қўллайди. Бу ўринда ошиқ образининг чўғ, олов сўзи билан ифодаланиши шоира шеъриятидаги ошиқ образи табиатини, моҳиятини янада теранлаштиради. Унга Мансур Ҳалложлар мақомини беради. Буни шам ва парвона мисолида тушуниш осонроқ. Парвона нурга, оловга интилади. Охир-оқибат, у билан бирлашиб сингиб кетади. Увайсий қаҳрамони эса ўзини парвона эмас, балки шуъла ўрнида тасаввур этмоқда. У чўғдон эмас, балки чўғ мақомидалигини таъкидламоқда. Ҳақиқий ишқ талқинига бағишланган ушбу ғазалда биз ҳам илоҳий, ҳам мажозий талқин мужассамини кузатамиз. Кўринадик, шу биргина образнинг ўзи бутун бошли асар берадиган маънога эга. Унинг замирида чуқур ирфоний моҳият, яъни ошиқнинг илоҳий файзга қўшилиб, ягоналик ҳосил этишини англатувчи ваҳдат ҳолати тасвири билан бир қаторда, ўзбек аёлининг миллий характери, ҳаё – ибоси, чидам ва матонати, меҳнаткашлиги, андишаси ва энг муҳими жасоратга тўла қудрати мужассамлашганини кўрамыз.

Ғазалнинг 6-байтидан бошлаб, табиб, соқий, боғбон образларига мурожаат этилади. Тасаввуфий образлар, рамзлар қўллана бошланади. Асар янада чуқур рамзий, фалсафий моҳият касб этади. Мазкур уччала образ ҳам моҳиятан бир-бирига яқин. Улар ирфоний луғатларда “файз манбаи – вужудни май билан, илоҳий маърифат билан тўйинтирувчи куч”⁶⁰ сифатида талқин этилади. Бу образлар мумтоз шеърятда турли – пири муршид, Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.), комил инсон, Оллоҳ, Илоҳий файз маъноларида қўлланилади. 6,7,8- байтларда мазкур уч образ кетма-кет қўлланилади. Бу бежиз эмас. Улар, маълум маънода, солиқ руҳий такомил босқичларини

⁶⁰ Дуктур Саййид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Техрон, 1379, 518-бет.

намоён этиш вазифасини бажаради. Дастлаб, табибга мурожаат этилиши асардаги маъно қатламини кенгайтиришга хизмат қилади. Ижодкор назарда тутган мазмун марҳам, табиб, бемор, дардсизлик, захм каби сўзлар воситасида яратилган таносуб санъати кўмагида намоён бўлган. Уни биз икки хил талқин этишимиз мумкин:

1. Ишқ йўлида дардсиз, ишқсизлар озоридан ранжида, захмдорлик маъносида – мажозий ва ҳақиқий ишқ йўлидаги риёзатлар, тўсиқлар тарзида; руҳоний ва нафсоний зиддиятлар, уларни енгиш ва уларга эришиш маъносида тушунамиз.

2. Мазкур образлар кўмагида асар замирига ижтимоий муаммолар ҳам сингдирилганлигини кузатамиз.

Лирик қаҳрамон дардсиз кишилар (ишқсиз кимсалар) жароҳатидан бемор. У табибга мурожаат этиб, ана шу беморликка малҳам, даво сўрайди. Бу эса чуқур ирфоний ва ижтимоий маънога эга. Бу тасвирларда биз инсониятнинг маънавий қашшоқлиги билан боғлиқ жароҳатлар ифодасини ҳис этамиз. Чунки инсон кўнглини яраловчи, унинг покланишига тўсқинлик қилувчи ҳолатлар булар лоқайд ва дардсиз инсонлар фаолиятига бориб туташади. Дардсизлик хасталигига юксак маънавият ва камолотгина малҳам бўлади. Шу сабабли ҳам кейинги байтда шоира соқийга мурожаат қилиб, ундан соф май – маърифат майи талаб этади:

Соқие, бергил алимга соғареким хосдин,

Соғиниб ул соф май, хуммордурман ишқида.

Байтда соқий, соғар, соф май, хуммор образлари ғазал мазмунидан келиб чиқиб, рамзий маънода қўлланади. Улар пир, кўнгил ва ишқ мавжи маъноларини англантиб келади. Кўнгли ҳақиқий ишқ дарди билан хаста ошиқни даволовчи восита фақат шулардир. Бу борада ўзга йўл йўқ.

Навбатдаги байтда солиқнинг руҳий такомили яна бир поғона юксалади. Биз боғбон образига дуч келамиз. У ҳам чуқур, рамзий маъно ташишга хизмат қилган:

Гул юзи ўхшарму ул гул юзига, эй боғбон,

Оч даринг, кўрмаклигим душвордурман ишқида.

Асарда гул, гулрухсор, гул юзли ёр ҳақида фикр юритилмоқда. Шу силсилавийлик билан боғлиқ тарзда шоира “эй, боғбон” дея мурожаат этади. Бу сўз юқорида таъкидланганидек, кенг камровли, ишқ моҳиятини ҳам мажозий, ҳам ҳақиқий маънода талқин этишга хизмат қилади. Боғбон икки маънода ҳам яратувчидир. Шундай экан, мазкур ўринда ошиқнинг илтижоси яратувчига қаратилган, унинг фано ва ваҳдат ҳолатлари борасидаги орзуларининг намоён бўлишида боғбон образи восита бўлиб хизмат қилган, деган хулосага кела оламиз.

Кейинги байтда хотир – кўнгил, зулф, хусн, дин, зуннор тимсоллари кўлланилган. Зулф – ирфоний маънода солиқни Илоҳий файздан тўсувчи парда, мосиволлоҳга ҳавас ифодаси. Хусн – Мутлақият жамоли. Демак, ошиқ кўнглида номукамал нуқталар мавжуд. Ошиқ худди шу ҳолатидан қониқмайди. Шу сабабли, ўзини баъзан дин йўлида, баъзан (мусулмон давлатларда яшовчи христианлар мажбуран белга боғлаб юрадиган чилвир) зуннордан воз кечолмаётган номусулмонлик йўлида кўради:

Хотирим зулфига банду ихтиёрим хуснига,

Дин ила пайваст ул зуннордурман ишқида.

Ўзини икки йўл бошида кўрган ошиқ зоҳидга мурожаат этади. Унинг аҳволини кўриб танбеҳу дашномлар ёғдирган зоҳидга, сабр-бардош билан барча маломатларни енгишга қучи етарли эканлигини таъкидлайди. Ўзининг ошиқ сифатида мустаҳкам мақом соҳиби эканлигини, ҳеч бир тўсиқ ва риёзат уни ҳидоят йўлидан оғиштира олмаслигини, йўлида собитлигини ишонч билан ошкор этади. Ўзининг мақомини зоҳид олдида яна бир бора мустаҳкамлайди. Зоҳид образи Увайсий шеърлятида мумтоз анъанавийлик мақомида туради. У ошиқ билан рақобат қилувчи, зид турувчи образ, чунки зоҳид амалида тама намоён бўлади. У жаннат ва дўзах билан ҳисоблашади. Ошиқ эса, аксинча, фақат илоҳий файзгагина интилади. Унинг учун Оллоҳдан бошқа барча борлиқ соя кабидир. Унинг нуқтаи назарича, сояга

эмас, Аслиятга интилмоқ лозим. Шоира шеърларидаги ошиқ худди шу нуқтада зоҳид билан келишолмайди. Уни рад этади ва рақобатга киришади.

Увайсий шеърятининг ғоявий йўналишини, моҳиятини шоиранинг ўзи шарҳлаб берган ўринлар ҳам бор. Жумладан, мазкур ғазалнинг мақтаъ байтида ҳам шоира ўз асарларининг мавзу ва моҳиятига чуқур изоҳ беради:

Гар киши бўлса харидоре, Увайсий ичра бор –
Ул матойи рамзга бозордурман ишқида.

Ушбу мисралар орқали шоира мазкур ғазалнинг рамзий моҳиятга эга эканлигини таъкидламоқда. Бозорда ҳар бир харидор истаган нарсасини топади. Демак, Увайсий асарида бозор сўзини бежиз қўлламаган. Ишқ асрорини англашга иштиёқманд харидор учун лирикасида ишқ рамзи, унинг сир-синоатлари борасида хоҳлаган саволига жавоб топиши мумкинлигини таъкидлапти. У фикрларини харидор, мато, бозор тимсоллари замиридаги мутаносибликка асосланган таносуб санъати воситасида узвий-силсилавий тарзда баён этишга эришади. Байтларни, асарнинг бошдан охиригача, фақат дунёвий талқинда эмас, балки рамзий маънода ҳам англаш лозимлигига ишора этади.

Маълумки, ўзбек мумтоз адабиётида бош мавзу ишқ. Асосий қаҳрамон эса ошиқ ва маҳбуба. Ижодкорлар томонидан айтилмоқчи бўлган барча фикр, ғоялар ана шу мавзу ва образлар билан чамбарчас боғлиқ. Увайсий ижодида ҳам бу ҳол яққол кўзга ташланади. Шоира асарларида етакчи образлар табиати ва руҳий ҳолати қуйидаги уч йўл билан инкишоф этилади:

- Маҳбуба хуснининг тавсифланиши орқали;
- Ёр феъл-атворининг шарҳланиши орқали;
- Ошиқ аҳволи–руҳиятининг ёритилиши орқали.

Бу тасниф шартли, албатта. Чунки, бир асар таркибида юқоридаги уч хусусият ҳам қўлланилиши мумкин. Маҳбуба хусни тавсифланаётган асарларда шоира унинг қиёфасини зоҳиран ва ботинан шарҳлаш йўлидан боради. Бунда у унинг юзидаги ҳар бир аъзосига, кўз, қош, лаб, хат, хол, киприккача эътибор қаратади. Уларни тасвирлаётиб, шоира, аввало,

маҳбубанинг тенгсиз гўзаллиги чизгиларини эътиборга олади. Шу билан бир каторда, ундаги ҳар бир ашёга чуқур ирфоний ва рамзий маънолар ҳам юклайди. Шоира шеърларини ўрганаётиб, у қўллаган ҳар бир образнинг зоҳирий ва ботиний, рамзий маъноларини ҳам илғаш йўлидан бориш лозим. Зеро, Увайсий маҳоратининг сарҳадларини уларсиз белгилаш мушкул.

Маълумки, ошиқона шеърларда асосий образлар ошиқ ва маъшуқа. Уларнинг феъл-атворини кўрсатиш, ҳис-туйғуларини ифодалашда Увайсий турли усуллардан фойдаланади. Жумладан, “Тутмишлар” радибли ғазалида шоира ошиқ ва маъшуқа руҳий ҳолатини мажозий образлар воситасида ёритиш йўлидан боради. Унда кўнгил – ваҳший қуш, муҳаббат – қафас, висол – дон, юз – шам, жон – парвона, ишқ дарди – жонона. Бу каби образларнинг қўлланиши шоирага кенг қамровли руҳий ҳолат манзараларини қисқа жумлаларда ифодалаш имконини беради. Шеърда бош образ мажнунваш ошиқ. У инсон вужудини, ҳаётини, дунёни ишқ билан чамбарчас алоқада тушунади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, шоира янги ва нодир образлар қўллайди. Мавжуд анъанавий тимсолларнинг ўзига хос, янгича шарҳларини кашф этади. Маълумки, Шарқ адабиётида кўнгил, асосан, ғунчага қиёсланади. Увайсий эса уни кутилмаган шарҳ билан янгилайди:

Кўнгулким, бир қуши ваҳший, ани ром эткали гўё

Муҳаббатдин қафас айлаб, висолин дона тутмишлар.

Шоира ушбу байтда кўнгилни ваҳший қушга ўхшатиб, уни муҳаббат ва висол воситасида ром этилишини таъкидлайди. Кўнгилни ғунчага ўхшатиш, унинг ранги ва қайғусини ифодаласа, ваҳший қушга ўхшатиш эса унинг табиатини ёритади. Кўнгил, ҳақиқатан ҳам, эгасига бўйсунмайди. Балки уни ўз измига етаклайди.

Қуйидаги байт Увайсий шеърлятида образларнинг ўрни ва вазифасини белгилашимизда алоҳида аҳамиятга эга:

Фироқинг шоми васлинг шамъини ёндурди андоқким,

Юзунгнинг шамъи мисли жоними парвона тутмишлар.

Байт мазмуни қуйидагича: висол шами фироқни қуйдиради. Ёр юзининг шами эса жонни парвона каби ёндиради. Висол учун фироқ, ёр юзини кўриш учун эса жон ўртадаги тўсиқ. Ошиқ мақсадга эришиши учун ана шу икки тўсиқни енгиши лозим. Биринчисида шоира ирфоний лексик қатлам моҳиятидан келиб чиқиб, нафсоний интилишлар, ҳою ҳавасларни назарда тутса, иккинчисида эса вужудий пардага ишора этади. Кўринадики, байтда шоира ўз фикрини сўзлар билан эмас, балки образлар тизими воситасида ифодалаяпти. Асл мақсад образлар орқали баён этилмоқда. Демак, Увайсий шеърларидаги фикр-ғояларни тўлиқ англаб етиш учун, аввало, у қўллаган образларнинг моҳиятини изоҳлаш тақозо этилади.

Увайсийнинг образ яратишдаги ўзига хослиги яна шундаки, у рухий ҳолатнинг мавҳум манзараларини моддийлаштириб, деталлаштириб ифодалашга ҳаракат қилади. Бу эса ўқувчига инсон қалби кечинмаларини аниқ ва осон тасаввур қилиш имконини яратади. Биз қуйидаги байтда шоира маҳоратининг ана шундай тамойилига гувоҳ бўламиз. Ошиқлик – ўзни унутмоқ. Бутун фикри ёдини маъшуқага қаратмоқдир. Шу сабабли, ишқ ва беҳудлик ўз ортидан маломатни етаклаб келади. Шоира ошиқнинг маломат остида қолган риёзатли ҳолатини ўз тамойилидан келиб чиқиб, қуйидагича изоҳлайди:

Сиришким донасин кўрди юзум тупроғида андоқ,

Маломат кушлари бошим уза кошона тутмишлар.

Сиришк – кўз ёши. Ошиқ юзида кўз ёши доналарини кўрган «маломат кушлари» унинг бошини макон тутишади. Бу тасвир ошиқ рухий ҳолатини моддийлаштиради. Бу манзара ошиқ аҳволини тасаввур этишни осонлаштиради. Қуйидаги байтда ҳам шоиранинг фикрий давомийлигини кузатамиз:

Ки Мажнунлиғимдин маломат қуши ҳам,

Бошим узра солмишди кошона ногаҳ.

Ошиқ Мажнун каби шу қадар беҳуд – ўзини унутганки, маломат кушлари бошида уя курса ҳам сезмайди. Маломат сўзи мавҳум от. Аммо,

Увайсий «маломат куши» деб қўллаб, уни аниқлаштиради. Бу эса, ўқувчи тасаввурида ҳолатни реал воқелик сифатида шакллантиради. Бу, ўз навбатида, руҳий талқинни кучайтиришга хизмат қилади. Ўқувчида ошиқнинг мақоми, даражаси ва руҳиятидаги ғалаёнлар борасида аниқ тасаввур уйғотади.

Увайсий инсоннинг ботиний оламини, руҳий ҳолат манзараларини шу қадар маҳорат билан тимсоллаштирадики, уларни мусаввир мўйқаламида сайқалланган суратдек тасаввур эта оламиз:

Чиқиб ишқ ўти кўксим чокидин, бошимдин ошибдур,
Куруқ шохеки, гўё ўз ичидин ўт тутошибдур,

матлаъси билан бошланган ғазал беш байтдан иборат ошиқона йўналишдаги асар. Унда ошиқнинг руҳий ғалаёнлари, ишқ изтироблари тасвирланади. Шоира уни оддий ҳаётини воқелик воситасида изоҳлайди. Яъни кўксидан ишқ ўти чиқиб, бошигача оташга ғарқ бўлган ошиқ ҳолати ўз ичидан ўт чиқиб ёнаётган қуриган дарахтга қиёсланади. Бундай муқояса ошиқ изтиробини ва азобланишини жуда аниқ ифодалайди. Сўзлар тизими шундай қўлланганки, ҳар бир сўзнинг ўз мақоми бор. Улар ҳолатни баён этмайди, балки унинг манзарасини чизиб беради. Жумладан, «куруқ шох» иборасини ошиқ ҳолатига нисбатан ишлатилишининг ўзида чуқур мантиқ кўринади. Кейинги байтларда ошиқ ҳолати бунданда ноёб тасвирларда баён этилади:

Висолинг орзуси шиддати ҳижронни йиқмоқда,
Бу икки паҳлавон майдони дил узра курошибдур.

Шоира висол ва ҳижронни дил майдонида кураш тушаётган икки паҳлавонга ўхшатади. Кўринганидек, Увайсий бизни мавҳум туюлган руҳият оламига етаклайди. Уни дунёвий кўринишлар шаклида талқин этади. Бу эса уларни реал тасаввур этишимизга имкон беради. Шоиранинг образ қўллашдаги ўзига хослигининг бир қирраси ана шундай кўринишда намоён бўлади.

Қуйидаги ғазал олти байтдан иборат, маъшуқа тавсифига бағишланган асар. Аммо, шунга қарамай, унда ошиқ ва маъшуқа табиати аниқ очиб берилади. Ушбу асарда ҳам Увайсий ижодига хос бўлган рухий ҳолатни реал манзаралар сифатида тасвирлаш устувор. Мумтоз адабиётда ёр таърифланар экан, албатта, гул ва гулшан, шафақ ва қуёш образларига мурожаат этилади. Улар орқали маҳбубанинг қиёфасига, ошиқнинг изтиробли қисматига ишора қилинади. Увайсий бу образларни эслар экан, ўхшатиш, ҳусни таълил санъатларидан моҳирона фойдаланади. Анъанага кўра, гулнинг мафтункорлиги, гўзаллиги ёр юзига менгзалади. Увайсий ана шу нуқтаи назарни бутунлай янгилайди:

Гул эрмас, гулшан аҳли кўзларин қон ила тўлдирмиш,
Тегиб ғамзанг ўқи, невчунки ҳар ёндин қарошибдур.

Шоира тасвирига кўра, гулзордаги гул эмас, балки маҳбубага маҳлиё тикилган элнинг, ғамза ўқи туфайли, қонга бўялган кўзлари. Ушбу манзара ғазалда назарда тутилган рухий талқинни кучайтиради. Образлар ҳолатини аниқ англашга ёрдам беради. Сўнгги байт ошиқ ва маҳбуба қисматини ҳал этувчи мақомга эга:

Тарахҳум бирла Вайсийга, нигоро, манзилинг кўргуз,
Бу муҳлик водийда ушбу мусофир йўл адошибдур.

Лирик қаҳрамоннинг мақсади тўғри йўлни аниқлаш ва манзилга қараб интилиш. Унинг ана шу бош мақсади сўнгги байтда эътироф этилган. «Бу муҳлик водийда ушбу мусофир йўл адошибдур» мисрасидаги «муҳлик водий» - дунё, «мусофир» эса унда сафардаги инсондир. Демак, мазкур ғазал, бир қараганда, ошиқона йўналишдаги асар. Аммо, образлар оламини англаб, унга чуқурроқ назар ташласак, ҳаёт фалсафасини, олам ва одам моҳиятини ўзида мужассамлаштирган теран фалсафий–орифона асардир. Орифлик – маърифатлиликдир. Фикримизни ғазалда қўлланган қизил ранг билан боғлиқ деталлар ҳам тасдиқлайди. Чунки тасаввуф таълимоти нуқтаи назаридан қизил ранг маърифат босқичини – англаш, билиш мақомини кўрсатади.

Юқорида англашга ҳаракат қилганимиз, барча образлар, шоира дунёкараши билан боғлиқ. Улар олам, одам ва Оллоҳ муносабатларининг уйғунлигига бориб туташади. Шоира борлиқни синчковлик билан кузатар экан, ҳар бир ашёсида тирик ҳаёт жараёнини ҳис қилади. Шу сабабли ҳам, шоира шеъриятида бизга ҳаракатсиз туюлган кўплаб образларнинг ўз ҳаёти, тақдири ва қисмати бор. Маълумки, нақшбандийлик тариқатининг муҳим ақидаларидан бири «сафар дар ватан» дир. Унинг маъноларидан бири борлиқни англаш йўлидаги сафарни назарда тутати. Увайсийнинг мазкур ғазали, бизнингча, ана шу ақидани амалга татбиқ этиш йўлидаги уриниш. Чунки гул, гулшан, шафақ, кувёш, киприк каби образларнинг жонлантирилиши уларнинг моҳиятини англашга сафардир.

Кўринганидек, Увайсий мумтоз анъаналарни янада ривожлантириш йўлидан боради. Мавжуд образларни қайта ишлайди, такомиллаштиради. Ўзига хос, янги образлар яратади. Жумладан, куйидаги ғазалда ҳам шоира ижодининг мазкур тамойилини кузатамиз. Ҳажр азобини турли шоирлар турлича тасвирлайди. Увайсий эса ошиқнинг бу ҳолатини янги образлар воситасида ўзига хос шарҳлайди:

Жон ўртанур мудом бу фонуси жисм аро,
Йўқтур насим ўчиргали, маъшуқ лоубол.

Шоира инсон вужудини ёниб турган фонусга ўхшатапти. Ундаги ёнаётган аланга «жон ўртаниши»ни жуда аниқ ифодалашда қўл келган. Мумтоз адабиётда сабо, насим маъшуқа билан ошиқни боғловчи восита сифатида қўлланилади. Албатта, бунинг замирида чуқур мантиқ бор. Чунки тонг шабадаси ёруғликдан, илоҳий файздан хабар етказди. У борлиқни зулматдан қутқарувчи, уни ёруғлик билан боғловчи восита. Шоира насим тимсолидан худди шундай мазмунни ифодалашда фойдаланган. Насим - ҳижрон изтиробини ўчирувчи, васл шамини чароғон этувчи восита. Чунки у маъшуқадан мужда, хабар келтиради. Ушбу байтда жон, фонуси жисм, насим, маъшуқ образлари рамзий маънога ҳам эга. Ҳажрдан вужуд қафасида ўртанувчи жонни – руҳни озод қилиш учун жисм маҳв бўлиши лозим.

Қачонки, жисм фонуси ўчса, руҳ озод бўлади. Озод руҳгина Оллоҳ билан бирлаша олади. Бу эса ваҳдати вужуднинг намоёнидир.

Увайсий қўллаган ҳар бир тимсолнинг нутқи унинг табиатига мос тарзда берилади. Қуйидаги байтда шоира ошиқ руҳий ҳолати манзарасини баён этар экан, савол-жавоб усулидан фойдаланади:

Ул шўх қувлади мени: «Борғил, ямон!» дебон,

Айдим бу сўз жавобига: «Сен эмди яхши қол!»

Ушбу байтда ошиқ ва маъшуқа образлари бор. Маъшуқа гўзал, дилбар деб эмас, балки «ул шўх» дея тилга олинапти. Бу ўзига яраша мантикка эга. Чунки у ошиқни «борғил, ямон!» яъни кет деб қувляпти. Бундай муносабатни ифодалаш, маъшуқа табиатини кўрсатиш учун «шўх» изоҳи жуда қўл келган. Иккинчи мисрадаги жавобда ҳам ошиқ табиати бутун нозик руҳий жараёнлари билан ёритиб бера олинган:

Айдим бу сўз жавобига: «сен эмди яхши қол!»

Маъшуқа муносабати - қувғинидан сўнг ошиқнинг хайрлашмай иложи йўқ. Шу сабабли, у «сен эмди яхши қол» дейди. Аммо, ҳажрдан озор чеккан ошиқ яна қайта ёрдан айрилгиси йўқ. Бундай руҳий ҳолатни Увайсий жуда усталик билан ифодалаб беради. Шоира маҳорати туфайли, ошиқ нутқи сўзларнинг турли маъно товланишларини назарда тутиб безантирилади. У «яхши қол» жумласининг «хайрлашмоқ» ва «сен яхшисан, қол», яъни кетма маъноларини назарда тутиб қўллайди. Маълум бўляптики, Увайсий образларни, сўзларни шунчаки қўлламайди. Уларнинг замирида байтларга сиғмайдиган мазмунлар, тарихлар мужассамлашган. Зоҳирий ва ботиний маънолар, кенг сюжетларни қамровчи тақдирлар уйғунлашган.

Кўринадики, Увайсий шеъриятида атроф – муҳитдаги, инсон ҳаёти билан боғлиқ ҳар бир ашёдани ўзига хос образ яратишга эришади. Шарқ мумтоз адабиёти анъаналарини чуқур ўзлаштирган шоира мавжуд образларни янада такомиллаштиришга, янгидан янги қирраларини кашф этиб, ўзига хос услубда қайта яратишга ҳаракат қилади. Жумладан, маҳбуба киприги образи ҳам ўзбек мумтоз адабиётида ранг-баранг истиоравий

талқинларига эга. Ҳазрат Навоий ижодида унинг ўқ, тикан, қуш каби қиёсларига дуч келамиз. Бир ғазалида шоир киприкни қушга ва у ошён тутувчи макон – кўнгилни эса, инга қиёслаганининг гувоҳи бўламиз:

Ўқидин кўнгилнинг қачонга тегру захм ўлғай деманг,
То бу қуш бўлғусидур, ул ошён бўлғусидур⁶¹.

Мазкур байтда шоир, биринчидан, киприкка ташхис ва истиора санъати воситасида жон ато этади. Иккинчидан, маҳбуба нигоҳини қуш тимсолида моддийлаштириб, “ўқ, тикан” каби истиоравий талқиндан кўра, манзаранинг аниқроқ намоён бўлишини таъминлайди.

Ёрнинг нигоҳи тушмаган кўнгилнинг, қушсиз ин каби ҳувиллаб қолиши манзараси воситасида эса шоир ошиқ ҳолатининг ёритилишида ноёб бадиий ашё яратишга эришади. Киприкнинг қуш, кўнгилнинг ошёнда моддийлаштирилиши бежиз эмас. Чунки қушгина инга қайноқ ҳаёт бағишлайди. Усиз ин саҳро кабидир.

Бобур шеъриятида ҳам мазкур тимсолга ўзига хос ёндашилганини кузатамиз:

Ўқида пайкон эмас, бир қатра ҳайвон суйидур,
Етгач ўқ жонсиз танимға жон ўшал пайкон берур.

Мазкур байтда киприкнинг янада янги ва ноёб тасвирига дуч келамиз. Киприк истиора санъати воситасида ўққа менгзалар экан, шоир унинг пайконини бир томчи “ҳайвон суйи”га қиёслайди. Мана шу янгича ёндашиш натижасида киприкнинг мумтоз аабиётдаги анъанавий ҳалок этувчилик вазифаси бутунлай ўзгаради.

У энди “ҳайвон суйи” жумласи орқали тириклик сувига, яъни ошиққа жафо эмас, балки жон бахш этувчи воситага айланади. Киприкнинг пайкон сўзи билан ифодаланиши маҳбубанинг ошиққа етказадиган жабрини аниқроқ тасвирлаш имконини яратади. Шоир киприк – ўқдаги “ҳаёт суви” ҳақида сўзлаётган бўлса–да, пайкон сўзининг қўлланиши билан маҳбуба қилмишининг асл моҳияти ўқувчи наздида ойдинлашади. “Ҳайвон суви”

⁶¹ Алишер Навоий. МАТ. 4-жилд. Наводир уш-шабоб. – Т.: Фан, 2007, 84-бет.

билан “пайкон” сўзларининг маъно замиридаги зидланиш лирик қаҳрамон руҳий ҳолатининг ранг-баранг жилоларини аниқ тасвирлаш имкониятини яратади. Пайконнинг вазифаси ҳалок этиш, оби ҳайвоннинг иши эса абадий ҳаёт бағишлашдир. Аммо, ўқ ва пайкон сўзларининг қўлланишидан шоир лирик қаҳрамони учун маҳбуба жабри жон каби азиз эканлигини англаб олиш қийин эмас, Чунки киприк қачон ўққа айланиши мумкин? Қачонки, маҳбуба ошиқ билан юзма-юз бўлса. Шу сабабли ҳам, лирик қаҳрамон пайкону ўқ танасига жон бағишлаши ҳақида сўзламоқда. Демак, мазкур байтда шоир киприкка висолга етказувчи ва абадий ҳаёт бахш этувчи восита сифатида ёндашмоқда.

Маълумки, мумтоз адабиётда киприк образи, кўпинча, ошиқ кўнглига ўқ бўлиб санчилувчи, юрагини жароҳатловчи ашё тарзида тасвирланади. Аммо, юқоридаги мисолларда эса Навоий ва Бобур образнинг анъанавий талқинини янгилашга уринганини кузатдик.

Увайсий шеъриятида ҳам унга ўзига хос шаклда ёндашилгани кўзга ташланади. Шоира ғазалларида маҳбуба қиёфасини чизар экан, унинг киприкларига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Унга теран маъно юклайди. Шоира асарларининг мавжуд нашрларида ўндан ортиқ ўринда мазкур образ қўлланган. У турли асарда турлича вазифани бажаради. Жумладан, бир ўринда анъанавий – ўқ маъносида қўлланган. Икки ўринда томошабин, икки ўринда мадор, қувват, бир ўринда бўстон, чаман, бир ўринда қанот ва пар, бир ўринда малҳам, бир ўринда ёзув қуроли – қалам маъносида истифода этилган. Шоира киприк ҳақида сўзлаганда, унинг ранг-баранг синонимларидан фойдаланади: мужгон, ўқ, пайкон, мижа, новак, хаданг, хаданги тийри пайкон кабилар шулар жумласидандир.

Мумтоз адабиётда киприк, асосан, ўқ, хаданги тийри мижгон, тикан, пайкон сифатлашлари орқали тасвирланади. Асосий вазифаси эса ошиқ юрагига қадалиб, унга жароҳат етказиш, азоблашдан иборат. Сажжодий луғатида эса киприк қуйидагича кенг қамровда талқин этилади: “Киприк деб – кўз атрофидаги тукларга, ирфоний истилоҳларда эса солиқнинг пардасига,

валоятда аъмолнинг қисқалигига айтилади. Ошиқлар истилоҳида санон (қин) ва найза, ўқ ва пайкон орқали, маъшуканинг нозу карашмасидан, ошиқ кўксига хадаф – тикан қадалиши ва унинг мажруҳона фарёд чекишига ишора қилинади⁶².

Демак, луғатда киприкнинг мумтоз адабиётдаги ўрни, вазифаси ва рамзий моҳияти борасида мукамал изоҳ берилади. Унга кўра, у 4 йўналишда талқин этилади:

1. Киприк – кўз атрофидаги туклар.
2. Ошиқлар истилоҳида кенг қўлланилган ўқ маъносида талқин этилади.
3. Авлиёликда амалнинг қисқалиги сифатида англанади.
4. Ирфоний истилоҳда эса солиқнинг пардаси дея изоҳланади.

Увайсий шеърлятида ҳам киприкка жонлантириш санъати орқали катта вазифалар юкланади. У ошиқ руҳий ҳолатидаги изтиробларни кучайтириб, муболаға билан ифодалаш вазифасини бажаради. Мазкур образни қўллаш жараёнида шоиранинг образ яратиш маҳорати, анъаналарга муносабати, уларга ёндашиш тамойиллари яққол намоён бўлади. У маҳбубанинг юзидаги кичик бир аъзосини жонлантириб, ноёб бадиий деталга айлантиради. Анъанавий образнинг турли мазмун – моҳиятни ташувчи, кенг қамровли янги қирраларини кашф этади:

Танимға ўқларинг муҳлик эмас, балки мадор истаб,
Бу тўрт деворға ҳар ёнидин чўплар тирошубдур⁶³.

Ёки:

Кўрубон заъфлиғ жисмимни сен маън этма пайкониинг,
Танимда ўқларингдин ҳар тараф билким мадор ўлмиш⁶⁴.

Кўринадикки, мазкур байтларда Увайсий киприк образининг мумтоз адабиётдаги анъанавий – ҳалок этувчилик вазифасини буткул янгилайди. Энди у ошиққа тиргак, руҳий мадор вазифасини бажарувчи янги мазмун касб

⁶² Дуктур Саййид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Техрон, 1379, -бет.

⁶³ Увайсий. Кўнгил гулзори. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1983, 187-бет.

⁶⁴ Ўша асар, 45-бет

этади. Образ моҳиятининг бундай талқин этилиши бежиз эмас. Чунки маҳбуба мижгонлари – ўқлари ошиққа йўналтирилиши учун, албатта, унинг рўпарасида туриши керак. Бу ҳолатни мажозий маънода ёки тасаввуфий-ирфоний маънода тушунсак ҳам бош моҳият ўзгармайди. Чунки қандай маънода бўлишидан қатъи назар, уларнинг юзма-юз туриши висол онларига яқинлик демакдир. Шундай экан, киприк ошиқни жароҳатламайди, балки унга ҳаёт бахш этади. Уни оёққа турғизувчи тиргакка айланади.

Қошинг бир ғамзаси то тўкти юз ушшоқ қонини,

Кўзинг майдонида саф-саф тамошо қилди мужгонинг⁶⁵.

Мазкур байтда қош, кўз, киприк образлари бор. Улар яхлит бир манзара яратишга хизмат қилган. Қош ошиқлар қонини тўкади. Нега? Чунки у мумтоз адабиётда шамширға қиёсланади. Қиличнинг иши эса қон тўкмоқдир. Мужгон эса кўз майдонида бу ҳолни саф тортиб томоша қилади. Мазкур байтда киприк образ сифатида қўлланар экан, шоира, ташхис санъти воситасида, унинг шаклий хусусиятларига асосланади ва томошабинга параллел кўяди.

Бундай параллел кўйишда чуқур мантиқ бор. Чунки, шоира мужгонда маҳбубанинг шахс сифатидаги тўлиқ қиёфасини синтезлаштиради. Унда киприкнинг эмас, балки маҳбубанинг қилмиши ўз ифодасини топади:

Кўзларинг фироқида танда лолагун қонлар,

Қилғали тамошосин саф чекибдур мужгонлар⁶⁶.

Мазкур байтда ҳам шоира киприкка юқорида келтирилган мисолдагидек вазифа юклайди. Яъни, у томошабин. Аммо шоир ташбеҳ санъати воситасида унинг зимдан амалга оширган асосий – жафокорлик хислатига ҳам ишора қилиб кетади.

Танда лолагун қонларнинг пайдо бўлиши билан, уларни томоша қилиш учун сафланган мужгонлар мантиқий доира ҳосил қилади. Чунки лолагун

⁶⁵ Ўша асар, 51-бет.

⁶⁶ Ўша асар, 173-бет.

конлар аслида мижгоннинг, хусусан, унда синтезлашган маҳбубанинг қилмиши эканлигини ишоралардан англаш қийин эмас.

Увайсий шеъриятида киприк ёзув қуроли, қалам маъносида ҳам қўлланилади:

Сенга бир нукта изҳор айлайин дардимдин, эй котиб,

Қилиб ҳал кўзларим, ёзгин мижам бирла, китоб ўлсун⁶⁷.

Мазкур, “ўлсун” радифли ғазал етти байтдан иборат. Унда шоира нидо санъати воситасида “эй хўблар шоҳи, эй котиб, эй соқий” каби мурожаатлардан фойдаланади. Бу образлар мумтоз адабиётда мажозий ва рамзий маъноларда қўлланилади. Мазкур ғазалнинг умумий мазмунидан келиб чиқиб, уларнинг, асосан, тасаввуфий – ирфоний маънога эга образлар сифатида қўлланганини англаймиз. Чунки унда ишқнинг ошиқни масти беҳуд этувчи юксак мақоми ҳақида сўз юритилмоқда. Ундаги мазкур образлар Азал котиби, яратувчига мурожаат маъноларини англашиб келмоқда. Байтдан байтга ўтган сари жўшқин туғён руҳи кучайиб бораверади. Шоира унда сўзларни шундай маҳорат билан қўллайдики, натижада, ошиқнинг ички руҳий олами бутун теранлиги билан ўз ифодасини топади. Байтда котибга мурожаат қилиниб, ошиқ ўз дардидан биргина нукта изҳор айласа, замирида ҳикматлар тажассум топган китоб яратилажаги баён этилмоқда. Айниқса, иккинчи мисрада шоиранинг маҳорати яққол намоён бўлади. “Кўзларимни ҳал қилиб, яъни сиёҳ каби эритиб, мижам билан ёзгин”,-деярти ошиқ. Мазкур жумлада ошиқнинг руҳий ҳолати, қайғуси, кўз ёши ва йиғи маънолари ўз ифодасини топган. Ҳолатнинг бундай тарзда тасвирланиши туйғулар ва ҳолатлар ифодасида янгиланишни юзага келтирган. Бу орқали шоира руҳий изтироб ва туғённинг юксак маромини кўрсата олишга муяссар бўлган.

Одатда, мумтоз адабиётда маҳбубанинг киприги ошиқни жабрловчи деталь сифатида изоҳланар эди. Мазкур ғазалда эса, аксинча, ошиқнинг киприги тасвир объектига, алоҳида образга айланади. Бунга кўз ва

⁶⁷ Ўша асар, 149-бет.

киприкнинг шакл хусусиятлари асос бўлади. Ифода объектининг моҳияти ўзгариши билан унинг вазифаси ҳам ўзгаради. Киприк жабрловчилик мақомидан, ошиқ ҳасби ҳолидан сўзловчи ғамзудолик, дардкашлик мақомига кўтарилади. Мазкур образни яратиш жараёнида шоиранинг борлиқни кузатувчанлик салоҳияти, ундаги ашёлар замиридаги мўъжиза ва мантиқни англай олиш лаёқати бизни ҳайратга солади. Кўзнинг атрофида киприкнинг жойлашиши гўё сиёҳдонга солиб қўйилган каламларни эслатади. Шоиранинг айнан шу байтда “котиб”га мурожаат этишида ҳам бир мантиқ кўрамиз. Гўё азал котиби одамзодни яратганда, кўзу киприкка маҳсус – шундай вазифани юклаганига ишора борлигини сезамиз. Шоиранинг яна бир ғазалидаги қуйидаги байт ҳам унинг образ яратишдаги ўзига хос тамойилини намоён этади:

Менга то болу пар эрди хаданги тийри пайкони,
Етолмам ошиёнингга ки, бол афсона-афсона⁶⁸.

Мазкур байтда истиора сифатида қўлланган “хаданги тийри пайкон”, яъни киприк ошиқни юксак парвозларга рағбатлантирувчи пар ва қанотга менгзалади. Ижодкор ошиқ вужудига қадалган ўқ – киприкларни шаклан қанот сифатида тасвирлайди. Қанот эса, эгасини кўзланган мақсадга, манзилга етказишга хизмат қилади. Аммо ғазалда, шундай имкониятга эга бўла туриб, мақсад манзилига етишдан бебаҳралик туйғуси ва изтиробни ўз ифодасини топади. Бу ўринда лирик қаҳрамон ўзига берилган имкониятлардан етарли фойдалана олмаганлигидан афсус ва надоматлар изҳор этмоқда. Ўз амалларидаги инсонийлик имкониятларидан қаноатланмаслик изтиробларини ўзгача тимсолий воситалар орқали ифодалашга ҳаракат қилади.

Шоира ижодида, кўпинча, киприк истиоравий образ сифатида қўлланади. Ўқ, хаданг, тийр, пайкон, новак кабилар шулар жумласидандир. Унинг бундай сифатлашлар орқали тасвирланиши шоира айтмоқчи бўлган фикр ва ғоя қамровини кенгайтиради. Руҳий таҳлилнинг чуқурлашишига

⁶⁸ Ўша асар, 27-бет.

хизмат қилади. Ўқувчи тасавурида ошиқ ва маҳбуба ҳолатининг аниқроқ намоён бўлиши учун имкон яратади.

Қуйидаги ғазал бошдан охиригача тазод санъати билан музайян битилган. Жумладан, биз таҳлил этмоқчи бўлган байтда ҳам “малҳам ва яролиғ” сўзлари зид маъноларда қўлланган:

Дили мажруҳнинг захмиға марҳам берсанг, эй сайёд,
Хадангингга нишон айлаб яролиғ қилғонинг яхши⁶⁹.

Байтда мурожаат сайёдга қаратилган. Зоҳирий маънода байт мазмуни, “эй сайёд, агар жароҳатли дил ярасига даво истасанг, ўқинг билан нишонга олиб уни яралаганинг маъқул”, - дея талқин этилиши мумкин. Мазкур ўринда бир нечта рамзий ва истиоравий образлар қўлланилган. Шу сабабли уни ботиний маънода ҳам англаш лозим. Бунинг учун эса, образлар моҳиятини шарҳлаш тақозо этилади. Жумладан, сайёд образи рамзий маънода қўлланилган. Унинг иши, луғавий маъносидан келиб чиқсак, захм – жароҳат етказиш. Гўё, шу сабабли, асарда “дили мажруҳ” – жароҳатли дил ҳақида гап кетмоқда. Байтда моҳиятан зид маъноли ҳолат ифодасини кўрамиз. Яъни, дилга жароҳат етказувчи, уни забт этувчи ҳам, унга малҳам берувчи ҳам сайёд. Уни биз кенг миқёсли ёр, пир, ишқ, маърифат маъноларида англашимиз мумкин. Чунки “дили мажруҳ” жумласида ошиқ – солиқ образи назарда тутилган. Маълумки, ишқ дарди билан задаланган дилни фақатгина ёр васли ёки пир томонидан солиқ кўнглига олиб кириладиган маърифат, ишқ малҳамигина даволаши мумкин. Унинг дардига пир, маърифат, ёр, яъни илоҳий файз орқалигина даво топилади. Иккинчи мисрада лирик қаҳрамон, яъни ошиқнинг дунёқараши, мақсади ҳам ўз ифодасини топади. Унинг учун маҳбуба киприги билан яраланиш энг улуғ мақом. Навоий бир ғазалида “чорасизлик чора бўлмиш...” деб чуқур мазмунли фикрни ифодалайди:

Навоий чорадин кўп дема сўзким,
Ғамингга чорасизлиғ чора бўлмиш⁷⁰.

⁶⁹ Увайсий шеърятдан. – Т.: Фан, 1980, 101-бет.

⁷⁰ Алишер Навоий. МАТ. 6-том. Фавойид ул-кибар. – Т.: Фан, 1990, 186 -бет.

Увайсийнинг юқоридаги байтида, худди шундай, навоийвор теран фалсафа ифодасини кўрамиз.

Юқорида кузатганимиздек, Увайсий шеъриятида киприк ошиқ рухий холатини ёритишда муҳим бадий ашё вазифасини бажарган. Ҳатто, унинг "этти мужгонлар" радифли алоҳида ғазали ҳам бор. Асарда мужгон ушшоқ аҳлининг қисматида ғоят муҳим мақомда тасвирланади. Унинг моҳиятини ёритишда шоира ташхис санъатидан маҳорат билан фойдаланади:

Бу ушшоқ аҳлини қасдинаким, саф чекти мужгонлар,
Тутубон ақлу ҳуш идрокини банд этти мужгонлар.
На сахроу на шахроу на ватан ичра қарор этгум,
Аналҳакдек ўзига маст этиб маҳв этти мужгонлар⁷¹.

Кўринганидек, мужгон ошиқ аҳлини забт этиш йўлида саф чеккан улкан лашкар каби тасвирланяпти. У ошиқларни ўзини унутган аналҳаклик мақомига кўтарувчи восита сифатида талқин этилмоқда. Асарда гап мужгон ҳақида кетади. Аммо, мазкур образ ўзида маҳбуба – ёр образини синтезлаштиради. Мужгон қилмишларининг ортида бевосита дилбарга хос характер чизгилари намоён бўлади.

Айрим байтларда эса мужгон жонлантирилиб, ошиқ аҳволига раҳм этувчи, унга лутф этиб хурсанд қилувчи, баъзан йиғлатувчи, баъзан эса ёр учун ошиқни рашк этувчи инсоний хислатларга эга образ сифатида талқин этилади. Сўнгги байтларга келиб эса, мужгоннинг вазифаси юксак мақомга кўтарилади:

Сиво айлаб дили маҳзунни бу дунё ҳавосидин
Узуб, Ҳақ йўлиға билсамки, пайванд этти мужгонлар⁷².

У ошиқ кўнглини фоний дунё хою ҳавасларидан узиб, Ҳақ йўлига боғлаш вазифасини ўтаганлиги эътироф этилмоқда. Тасаввуф луғатларида кўз жамол, комил инсон сифатида шарҳланади: "... Тасаввуф истилоҳларида кўз жамол маъносини ифодалаб келади.." ⁷³. Шундан келиб чиқиб, кўз

⁷¹ Увайсий. Девон. – Т.: Фан, 1959, 118-бет.

⁷² Ўша асар, 118-бет.

⁷³ Дуктур Саййид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Техрон, 1379, 320-бет.

илохий жамол, комил инсон экан, демак ўз-ўзидан киприк ошиқни масту мустағрақ этиб, Ҳақ билан пайваста қилувчи, боғловчи восита вазифасини бажаряпти, дейиш ҳақиқатга яқин. Кўз – комиллик рамзи. У ошиқ эътиборини тортади. Уни ўзига маҳлиё этади. Киприк эса фонийлик ва боқийлик ўртасидаги парда. Уни забт этиш Ҳақ дийдорига яқинлашиш билан баробар. Буни англаган шоира мужгонга улкан бадий вазифа юклашга журъат этади. Байт мазмунидан, Увайсий тасаввуф таълимоти борасида чуқур ва етарли билим захирасига эга эканлиги кўриниб туради. Чунки кўз, киприк каби кўплаб образларнинг тасаввуфий моҳиятини англамаган ижодкор уларни бундай эътиборли бадий ашё даражасида талқин эта олмаган бўлар эди.

Тадикотимизда мазкур образга алоҳида эътибор беришимиздан мақсад, шоиранинг образ қўллаш маҳорати ва тамойилини ўзида яққол намоён этганлиги билан боғлиқ. Таҳлилдан кўриняптики, шоира мумтоз адабиётда мавжуд анъанавий образнинг янгидан янги қирраларини кашф этиш йўлидан боради. Унга бошқа ижодкорлардан ўзгача ёндашишга интилади. Бу эса Увайсийнинг образ яратиш маҳоратининг янада чархланишига хизмат қилади.

Демак, кўринадик, Увайсий шеърлятида киприк образига катта бадий вазифа юкланади. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, мумтоз адабиётда оддий – ошиқни жароҳатловчи ўқ, хаданг, тийр, пайкон вазифасини бажарган киприк шоира ижодида кенг қамровли, ирфоний маъно ташувчи фаол образга айланади.

Мазкур анъанавий образ Увайсийнинг ноёб маҳорати туфайли ўзининг турли-туман янги қирраларини намоён этади. Шоира асарларидаги тасаввуфий-ирфоний маъноларни юзага чиқаришда, изоҳлашда муҳим вазифаларни бажаради. Шоиранинг унга ўзгача ёндашуви Шарқ мумтоз адабиётини теран маъноли образ билан бойитишга хизмат қилади. Бу эса Увайсийнинг образ яратиш маҳорати, ижодидаги образ ва рамз

муносабатлари борасида муҳим хулосаларга келишимизга асос беради.

2.2. Бадиий образ янгиланишида ирфоний рамзларнинг ўрни.

Ўзбек мумтоз адабиётида Жаҳонотин Увайсий шеърини ўзининг кенг камровли моҳиятга эгаллиги, бадиий ифоданинг турли ва ноёб усулларидан фойдаланилганлиги билан муҳим мақомга эга. Жумладан, шоира ижодида образ ва рамз муносабатлари ўзига хос. Маълумки, мумтоз меросимиз намуналари замирида биргина ғоя эмас, балки бир қанча фикр-ғоялар талқини назарда тутилади. Уларга кўпмаънолилик хосдир. Бу эса рамзийликни келтириб чиқаради. Мумтоз адабиётда қўлланилган анъанавий бадиий ашёлар зоҳиран образ, ботинан эса рамзларга айланади. Машҳур француз олими Ролан Барт "...рамз – бу образ эмас, бу фикр-ғоялар кўплигининг нақ ўзидир"⁷⁴, - дейди.

Рус олими Ю. Борев адабий рамзни "адабий рамз ўзида тимсол ва ғояни бирлаштиради"⁷⁵, дея таърифлайди. С.Т. Колридж эса, "Символ – умумийликнинг индивидуалликда намоён бўлишидир"⁷⁶, дея рамз моҳиятининг янада кенгроқ эканлигини аниқ шарҳлайди.

Ўзбек адабиётидаги рамзийлик узоқ тарихга эга. Халқ оғзаки ижодида бу ҳодисанинг илдишларини кўриш мумкин. Адабиётшунос олим Ж.Эшонкул асотир ва эртаклар ҳақида гапириб, аждодларимизнинг қадимдан "...дунёни рамзлар орқали қабул қилганлиги, рамзлар билан баҳо берганлиги, табиат билан рамзлар орқали муносабатда бўлган"⁷⁷ лигини таъкидлайди.

Халқ оғзаки ижодининг изчил давоми бўлган, унинг сарчашмалари баҳрамандлигидан теранлик касб этган ўзбек мумтоз ёзма адабиётида ҳам рамзий образларни қўллаш ноёб анъанага айланиб борди.

Маълумки, тасаввуф таълимотидаги кўп ғоялар руҳоний ҳаёт, илми ҳол, илоҳий асрор масалаларига дахлдор. Шу сабабли, тариқат ғояларини реал образлар билан ифодалаш бироз мушкул. Боз устига, англаган барча

⁷⁴ Р.Барт. Избранные работы. Семиотика. Поэтика. – М.: Наука, 1989.

⁷⁵ Ю. Борев. Эстетика литературы. – М.: Наука, 2003, стр. 400.

⁷⁶ Ю.Борев. Эстетика литературы. – М.: Наука, 2003, стр. 401.

⁷⁷ Ж.Эшонкул. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини. – Т.: Фан, 2011, 199-бет.

хақиқатлар ошкор этишдан сақланилган. Улар рамзий образлар воситасида парда ичида, ишоралар орқали баён этилган. Бу усул ўзбек мумтоз адабиётида рамзий образлар тизими яратилишига сабаб бўлган. Уларни англаш, изоҳлаш, шарҳлаш мақсадида бир қанча махсус ирфоний луғатлар тузилган. Кўплаб образларнинг мазмун-моҳияти изоҳланган.

Маълумки, солиқ учун ҳамма идрок этган руҳий ҳолатларни ошкор этиш тақиқланади. Чунки бу шариат ва тариқат аҳли ўртасида турли зиддиятларга сабаб бўлиши мумкин эди. Шу тариқа, мумтоз адабиётда рамзий образлар галереяси вужудга келди. Халқ оғзаки ижодида рамзий образларнинг пайдо бўлиши адабиётшунослар томонидан қуйидагича изоҳланади. Мазкур изоҳ маълум даражада мумтоз адабиётдаги рамзийлик моҳиятини ҳам ойдинлаштира олади: “Инсон ўзи кашф этган қўрқув, ваҳм тимсолларини ҳали абстракт мушоҳада қила олмагани учун жонли ҳолда тасаввур қилиб, махлуқ ва йиртқичлар шаклида рамзлаштирган”⁷⁸.

Кўринадикки, фольклорнинг буюк дарёсидан сув ичган ўзбек мумтоз адабиётида образларнинг рамзий моҳият касб этиши табиий жараёндир.

Рамз–юқорида таъкидланганидек, кўпмаънолилик, истиоравийлик билан чамбарчас боғлиқ. Бунда ижодкор асарига қўллаган маълум бир образнинг зоҳирий кўринишига эмас, балки моҳиятига қарайди. Унинг ташқи кўриниши эмас, ботиний шаклидан фойдаланади. Натижада, биз билган предмет маълум маънони эмас, ўқувчи кутмаган, бутунлай бошқа маънони ифодалайди. Кутилмаган маъно, моҳият ифодаланади. Бундай санъат намуналарини эса ҳар бир ўқувчи турлича талқин этиш имконига эга бўлади: “Чинакам санъаткор нигоҳи моҳиятга қаратилади. У нарса-ҳодисалар орасидаги ташқи ўхшашликка эмас, нигоҳимиздан яширин ички ўхшашлигига таяниб фикрлайди. У биз кутмаган ички ўхшашликни кашф этади. Натижада, ўша биз билган нарса-ҳодиса кўз олдимизда буткул янгича бир тарзда гавдаланади. Ўзининг бизга ноаён қирраларини намоён қилади”⁷⁹.

⁷⁸ Ж.Эшонкул. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талқини. – Т.: Фан, 2011, 199-бет.

⁷⁹ Д.Қуронов ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Академнашр, 2013, 44-45-бетлар.

Шарқ мумтоз адабиётининг образ яратишдаги ўзига хос, муҳим хусусияти ҳам ана шунда. Ҳаётдаги, табиатдаги оддий предметларнинг моҳиятига сафар қилади, маълум маънода табиат, борлиқнинг моҳиятини кашф этади, англайди. Ана шу англамлар ижодкорни ҳам, ўқувчини ҳам ўзини англаш сари ҳидоятга бошлайди.

Маълумки, мумтоз адабий асарлар асосини тасаввуф фалсафаси ва ислом ҳам ташкил этади. Уларнинг қарашлари муҳим муштаракликка эга бўлиш билан бирга, айрим нуқталарда кесишмайди. Шу сабабли, бундай зидликдан чиқиш мақсадида, образлар рамзийлиги пайдо бўлган. Бу эса адабиётнинг маълум босқичларида хослар адабиётини келтириб чиқарган. Кўринадики, рамзнинг бадиий вазифаси образга нисбатан кенгрок. У бир образ воситасида кенг қамровли, ранг-баранг мулоҳазаларни ифодалаш имконини беради. Шу сабабли, ундан мумтоз адабиётда унумли фойдаланилган. Жумладан, Жаҳонотин Увайсий ижодини ҳам рамзлар талқинисиз тўлақонли англаш қийин. Ҳатто, бу борада шоиранинг ўз шарҳлари ҳам бор (бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз).

Увайсий шеъриятидаги образ ва рамзлар муносабати мумтоз адабиётдаги анъанавийлик билан боғлиқ. Аммо шоиранинг маҳорати шундаки, у шу қобикда қолиб кетмайди. Балки уларнинг, бошқа шоирлар эътиборига тушмаган, янги қирраларини кашф этиб тасвирлайди. Шоира адабий меросида май, соқий, булбул, гул, шамъ, парвона, қуёш каби кўплаб бундай образ ва рамзлар қўлланилган. Ишимизнинг мазкур фаслида шоира шеъриятидаги айрим шундай хусусиятлар борасида мулоҳаза юритамиз.

Жумладан, Увайсий ижодида қўлланган “бозор” образи ва у билан боғлиқ рамзлар масаласини ўрганишга ҳаракат қиламиз. Шоира ижодида “бозор” турли маъноларда қўлланган. У бадиий образ сифатида ранг-баранг ғояларни, тушунчаларни ифодалайди. Бой луғавий хазинамиз жамланган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бозор сўзининг етти хил маъноси кўрсатилади: 1. Савдо қилинадиган махсус жой. 2. Савдо қилинадиган кун. 3. Жўшқинлик, шўхлик ҳолати. 4. Товар айирбошлаш муносабатлари. 5.

Такдир, қисмат. 6. Бирор ҳаракатнинг ҳаддан ошиши, авжига чиқиши. 7. Эркак ва аёллар исми⁸⁰.

Шоира ижодида мазкур образнинг қўлланилиши халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш, уни ўз ижодига татбиқ этиш анъаналари билан чамбарчас боғлиқ. Чунки халқ оғзаки ижодида ҳам бозор сўзи кўп маъноларда ишлатилган. Жумладан, бозор – қувонч, шодлик, жўшқинлик маъноларини ҳам ифодалаб келади. Халқ топишмоқларидан бири “Қишда мозор, ёзда бозор” (узум) шаклига эга. Бу ерда маъновий тазод санъати бор. Бу санъат орқали қисқа жумлаларда кенг фикр қамрови ифодалаб берилган. Мозор ва бозор сўзларини параллел қўллаб, вазиятнинг шакл хусусиятлари ва моҳият жиҳатлари назарда тутилади. Дастлаб, токнинг қишда кўмилишидаги шакли мозорга, ёзда гуркираб, ёйилиб ўсиши бозордаги ёйиқлик ва жўшқинлик ҳолатига қиёсланапти. Иккинчидан, мазкур образлар орқали вазиятнинг моҳияти ҳам шарҳланапти. Яъни қишда токзорнинг моҳиятан сукунат кўйнида, ўлик муҳитдалиги, ёзда эса яшноқ, тирик ҳолатда бўлиши назарда тутиляпти. Халқ онгида қиш ва мозор - мотамни билдирса, ёз ва бозор бунинг аксини ифодалайди. Болалик уй – бозор, боласиз уй - мозор⁸¹ мақолида ҳам худди ана шундай жўшқинлик ва кўтаринкилик ҳолати зидлантириш йўли билан тасвирланапти.

Бозор образининг мумтоз адабиётда қўлланиши ўзининг маълум такомил тарихига эга. Навоий, Амирий, Огаҳий, Нодира каби кўплаб ижодкорлар асарларида мазкур тимсолнинг ноёб талқинини кўрамыз. Жумладан, Лутфий қаламига мансуб қуйидаги туюқ бунинг нодир намунаси:

Топти булбул ноладин бозорини
Ким, севар гул нолаи бо зорини.
Писта гар лоф урдиса оғзинг била,
Синдур ул оғзи очуқ бозорини.⁸²

⁸⁰ . Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: Фан, 2006, 298-бет.

⁸¹ . Хусаинова З. Ўзбек топишмоқлари. – Т.: Фан, 1983, 78-бет.

⁸² . Лутфий. Девон. – Т.: Бадиий адабиёт, 1965, 316-бет.

Асарда шоир бозор сўзи воситасида тажнис санъатини қўллаган. Биринчи мисрада – бозор харидор; иккинчи мисрада – нолалисини, зори борини; тўртинчи мисрада эса кўп сўзловчи, сир сақлашни билмайдиган оғзи очикни маъноларини англадиб келган. Сўзнинг бундай турли маъно кирраларини назарда тутиб қўллаш, ижодкорга қисқа хажмда кенг фикр камровини ифодалаш имконини яратади. Бу ўринда булбул ижобий, писта эса салбий образ сифатида тасвирланади. Шоир табиатнинг бундай ноёб мўъжизалари воситасида инсоний муносабатлар ва инсон маънавияти билан боғлиқ муҳим мулоҳазаларини маҳорат билан шеър замирига сингдиришга муваффақ бўлган.

Увайсий шеъриятида ҳам бозор образини кўп учратамиз. Унда ҳам шоира бир нечта жумлаларда ифодаланиши мумкин бўлган фикрни биргина мазкур сўз орқали баён этиш маҳоратини намоён қила олади:

Манфаат олди табиат ёрнинг бозоридин,
Касб қилди бу сияҳ зарра анинг анворидин⁸³.

Бозорнинг бир маъноси – савдо-сотик қилинадиган, бойлик ёйиб ташланадиган жой. Дунё – яратувчи ўзида бор мавжудликни тўкиб солган бозор. Унда ҳамма нарса бор. Ҳар ким хоҳлаганча манфаат топиши мумкин. Табиатнинг гўзаллиги, мафтункорлигининг сабабини шоира ана шундай изоҳлайди.

Доктор Саййид Жаъфар Сажжодийнинг машхур “Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний”⁸⁴ номли луғатида бозор сўзи қуйидагича таъбирланади: “Бозор – илоҳий нур тажаллиси мақомларидан, бўлиниш ва кўплик мартабаларидан иборатдир”⁸⁵. Кўринадики, шоира асарида бозор сўзининг ирфоний маъноси назарда тутилган. Луғатда таъбирланган ирфоний маъно шоира фикрлари билан ниҳоятда мутаносиб тушади. Демак, Увайсий

⁸³ . Увайсий. Девон. – Т.: Бадиий адабиёт, 1963, 181-бет.

⁸⁴ Доктор Саййид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Техрон, 1379 х.

⁸⁵ Доктор Саййид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Техрон, 1379 х., 180-бет.

мутасаввуф шоира сифатида бозор образининг ирфоний маъносидан хабардор бўлган ва уни ғазалида ўз ўрнида муваффақиятли қўллаган.

Иккинчи мисрада шоиранинг табиий билимга ҳам эгаллиги кўринади. Курраи замин ҳақида гапириб, “шу қора зарра” унинг, яъни ёрнинг илоҳий нуридан гўзаллик, мафтункорлик касб этганини эътироф этади. Шоира биргина жумла билан ернинг тузилиши ҳақидаги илмий билимларга ҳам эгаллигини кўрсатади. Бунинг сабаби, Увайсий отинойи-муаллима сифатида фаолият олиб борганлигида, шоира замонасидаги ўқитиш тизимининг комусий характер касб этишида, Увайсий ҳам комусий билим қамровига эга муаллима бўлганлигида эканлигини англаймиз. У ўз талабаларини ҳам бундай хазинадан баҳраманд этган, деган хулосага келамиз.

Увайсий қуйидаги байтда “бозор” сўзини янада ўзгача маънода қўллаганини кузатамиз:

Гар киши бўлса харидори, Увайсий ичра бор –
Ул матойи рамзга бозордурман ишқида.

Маълумки, бозорда ҳар бир харидор истаган нарсасини топади ва ундан баҳраманд бўлади. Шоира бозорнинг ана шу ташқи вазифасидан, асарлари моҳиятида мураккаб, ирфоний маънолар сингдирилганига ишора этиш мақсадида маҳорат билан фойдаланган. Ишқ мумтоз адабиётдаги энг сирли ва мураккаб ҳодиса сифатида талқин этилади. Чунки Румий фикрича, “Ишқ – устурлоби асрори худо”. Яъни ишқ Оллоҳ сир-синоатини ўрганувчи восита, асбоб. У инсониятга ўзлигини танитувчи, инсондан инсонни уйғотишга хизмат қилувчи воситадир. Чунки бизни табиатга ишқ табиатни, инсонга ишқ инсонни, Оллоҳга ишқ Оллоҳ асрорларини, ҳаётга ишқ ҳаёт сирларини англашга етаклайди. Шу сабабли ҳам, Увайсий ўз шеърлятида, ишқ асрорини англашга иштиёқманд харидор учун ишқ моҳияти, унинг сир-синоатлари борасида хоҳлаган саволига жавоб топиши мумкинлигини эътироф этмоқда. Ушбу мисралар орқали шоиранинг ўзи шеърлятининг рамзий шеърлят эканлигини таъкидлайди. Қуйидаги байтда келтирилган бозор образи ҳам шоиранинг олдинги қарашларига мутаносиб:

Гар харидор ўлсанг, эй Вайсий, матои мақсада,
Юз ўгурма ишқдин, келмас қўла бозорсиз (64-б.).

Байтда мато, харидор, бозор каби моддий ашёларни ифодаловчи сўзлар қўлланган. Шоира уларни таносуб санъати воситасида жамлаган. Мазкур сўзлар ижодкор айтмоқчи бўлган асосий ғояни изоҳлаш, шарҳлаш вазифасини бажарган. Шоиранинг асосий ҳукми ишқдан юз ўгирмаслик. Унинг наздида ишқ – шундай бир бозорки, ундан ҳамма нарсани топиш мумкин. Бу бозорга кирмасдан эса мақсадни қўлга киритиш мумкин эмас. Демак, ишқнинг мақсадга етиш воситаси эканлигини шоира ана шундай ўзига хос ифодалар орқали тасвирляпти. Маълумки, дунё – бозор деган тушунча мавжуд. Шундан келиб чиқиб, мазкур байтдан ишқнинг ўзи бир дунё эканлигини ёки ишқ – дунёнинг пасту баландини кечиб ўтишдан, уни англаш ва ўзлаштиришдан, кўнгилда яшашдан мақсад моҳиятини улғайтиришдан иборат эканлигини англаймиз.

Байтдаги “ишқ бозори” жумласи эътиборни тортади. Юқоридаги луғатда ишқ бозори жумласига алоҳида изоҳ берилади: “Ишқ бозори – ошиқнинг ҳол ибтидосига юзланиши демакдир”⁸⁶. Изоҳ шоира фикрини тўғри англашимизга ёрдам беради. Маълумки, ҳол руҳият билан боғлиқ илм. У Аллоҳ инояти, ҳосил этилган руҳий мартаба, даража. “Ҳол – ўзига хос қисқа муддатли кайфият, қалбнинг порлаши, чакмоқ чақилгандай ярқираган чароғон нурни туйиш лаззати. У бир лаҳзада пайдо бўлиб, яна ғойиб бўлиши мумкин. Ҳол – илоҳий раҳмат ва баракатнинг нузул бўлиши, қуйилиб келишидир”⁸⁷. “У Ҳақ тарафидан солиқнинг пок дилига нузул бўладиган ва унинг руҳини такомилга олиб борадиган файз даражасидир”⁸⁸. Уни ўқиш, ўрганиш билан қўлга киритиш қийин. У инсон руҳида туғилади, улғаяди ва намоён бўлади. Ҳол солиқ эгаллаган юксак руҳий мартабалардан бири. Унга ҳамма солиқлар ҳам эриша олмаслиги мумкин. Унга эришиш учун ҳақиқий,

⁸⁶ Доктор Саййид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Техрон, 1379, 181-бет.

⁸⁷ Н.Комилов. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Биринчи китоб. – Т.: Ёзувчи, 1996, 29-бет.

⁸⁸ Доктор Саййид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Техрон, 1379, 79-бет.

жазбали ишқ соҳиби бўлмоқ талаб этилади. Шоира солиқни ишқнинг ана шундай юксак мақомига даъват этмоқда. Қуйидаги байтда эса биз изоҳлаган маъно шоира томонидан анча аниқроқ ифодаланганини кузатамиз:

Ишқ рамзини ким сўзлади – лоф урди забони,
Савдойи муҳаббат сени бозоринга махсус (199-б).

Байтнинг мазмуни шундай: Кимки ишқ рамзи, унинг моҳияти борасида сўзласа, у муболағадир. (Чунки ишқнинг моҳиятини англаш ва шарҳлаш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди). Зеро, ҳақиқий муҳаббат можароси сенинг бозорингагина хосдир. Мазкур мисра мазмунини тушуниш учун унда қўлланган бозор сўзи моҳиятини англаш лозим. Бу ўз-ўзидан тасаввуф таълимотидаги тажалли ғояси билан боғлиқ. Яратувчи ўз жамолини кўриш иштиёқида оламни бунёд этди. Дунё эса – бозор. Ундаги ҳар бир зот ўзига керак нарсани, ўз диди ва савиясига монанд танлайди ва ўз мулкига айлантиради. Шоиранинг ишқ, дунё, Оллоҳ ва одам муносабатларига доир нуқтаи назарлари ана шундай моҳиятга эга. Мазкур байтда шоиранинг ишққа илоҳий туйғу сифатида баҳо бераётганлиги аниқ кўриниб туради. Юқорида талқин этганимиздек, “ишқ бозори” тушунчаси “ҳол илми” билан алоқадор. Шу боис, ишқ моҳиятини ҳақиқий англаш, ҳис этиш фақат яратувчигагина хослиги, ҳар хил талқинлар бўлиши мумкинлиги, аммо асл жавҳарини англаб етиш мушкул эканлигини Увайсий фикрларидан уқиш қийин эмас. Шоиранинг бир ғазали “Билсанг мени жононими деҳқони муҳаббат, Муфлислариға айлаған эҳсони муҳаббат”⁸⁹, деган мисралар билан бошланади. Бизнингча, мазкур жумла ҳам бизнинг юқоридаги фикрларимизни тасдиқлайди. У ерда ҳам “муҳаббат деҳқони” жумласи орқали муҳаббатнинг яратувчиси борасида мулоҳаза юритилаётганини англаш мумкин.

Қуйидаги байтда эса “бозор” сўзи “маҳшаргоҳ” маъносида қўлланган:

Ҳақиқат рамзидин савдо агар қилса харидоре,

⁸⁹ Увайсий шеърятдан. Шарқ классиклари меросидан. – Т.: Ўзбекистон, 1980, 26-бет.

Муҳаббат расмида йўқтур куни бозордин ғайри⁹⁰.

Эслатилганидек, Изоҳли луғатда бозор сўзининг 7 маъноси шарҳланган. Демак, умумхалқ тилида ҳам мазкур сўз кенг қамровли моҳиятга эга. Мумтоз адабиётда, хусусан, Увайсий ижодида эса унинг маъно кўлами янада кенгайганлигининг гувоҳи бўламиз. Шоира асарларида сўзнинг маълум маъноларидан ташқари, юқорида келтирилган мисоллардан ҳам кўринадик, унинг ирфоний-фалсафий маъносидан ҳам кенг фойдаланган.

“Токай” радибли ғазал шоира умрининг кексалик даврида ёзилганга ўхшайди. Чунки киши умрининг маълум бир босқичига борганда, босиб ўтган йўлини қайта мушоҳада қилиб кўради. Фаолиятдан кўнгли тўлмаган ўринларни тўлғазиш, таҳрир этиш, такомиллаштириш фикрига келади:

Увайсий, қолғон умринг ол юзунгга қиблаи мақсуд,

Хирад бозорида қилғунгду савдои санам токай⁹¹.

Қибла сўзининг халқ ичида юқори деган маъноси ҳам бор. Шундан келиб чиқиб, мутасаввуф шоира улуғ ёшда мақсаднинг энг юқори мақомига эришиш йўлини танлаш лозимлиги борасида ўйлайди. Ақл билан (хирад бозори) мушоҳада этиш йўлини тарк этиб, руҳий такомилнинг янада юксакроқ (ҳол) мақомига эгаллаш ҳақида қатъий ҳукм чиқаради.

Шарқ мумтоз адабиётида май ва у билан боғлиқ образлар энг кенг истифода этилган. У май, бода, шароб каби турли шакл ва маъноларда қўлланган. Мумтоз шоирлар меросида май ранг-баранг ғояларни ташувчи образ сифатида кузатилади. У шодлик майи, ишқ майи, маърифат майи, рух майи, ҳаёт майи, ғам бодаси каби инсоннинг ботиний туйғулари билан боғлиқ рамзий маъноларда қўлланилиб келинади. Ҳар бир истеъдодли ижодкор мазкур образнинг анъанавий моҳиятини назарда тутиш билан бир қаторда, унинг янги қирраларини очишга ҳам эътибор қаратади. Уни янада янгича мантиқ ва маъно билан бойитишга ҳаракат қилади.

⁹⁰ Увайсий шеърятидан. Шарқ классиклари меросидан. – Т.: Ўзбекистон, 1980,92-бет.

⁹¹ Ўша асар, 102-бет.

Бу масала мустақиллик даврида амалга оширилаётган кўплаб тадқиқотларда эътироф этилмоқда. Айниқса, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Ҳофиз, Атойи каби ижодкорлар асарлари талқинларида унинг айрим хусусиятлари ўрганилган. Аммо Жаҳонотин Увайсий шеъриятида май ва у билан боғлиқ масалалар, образлар шу пайтгача етарли даражада баҳоланмаган. Унга эътибор қаратилган ўринларда ҳам тор доирада, бир ёқлама талқин этилган. Натижада, шоира ижодидаги мазкур образларнинг моҳияти ва бадиий вазифаси етарлича аёнлашмаган. Хусусан, ижодкор асарлари талқинига бағишланган махсус тадқиқотда у қуйидагича изоҳланган: "...Лирик қаҳрамон ўз севгилиси йўлида ўзини поймол этган, ранги сариғ, бағри қон, қонли кўз ёши тўккани ҳолда, ўзининг шу ҳолатини май воситасида бир нафас унутишга ҳаракат қилади"⁹². Кўринадики, адабиётшунослигимизда мавжуд, Увайсий шеъриятида май ва у билан боғлиқ образлар талқини муаллиф нуқтаи назаридан кескин фарқ қилади. Чунки аёл, ижодкор сифатида у майни фақат рамзий ва рамзий-тасаввуфий маънода қўллаган.

Адабиётшунослигимиздаги ана шу кемтикликни ислоҳ этиш мақсадида ишимизнинг мазкур фаслида шоира шеъриятида май ва у билан боғлиқ образларга алоҳида эътибор қаратишга ҳаракат қилдик. Бу масалани шоира эътиромидаги айрим устоз ижодкорлар асарлари билан муқоясалаган ҳолда, анъана ва новаторлик мезонидан туриб баҳолашга уриндик.

Жумладан, ўзбек мумтоз адабиёти вакиллари, хусусан, Алишер Навоий ижоди сарчашмаларидан бири бўлган Абдурахмон Жомий ижодида май образи ўзига хос вазифаларни бажарган. У шоир асарларида анъанавий мазмунда ҳам, янги маънода ҳам қўлланилган. Шоирнинг қуйидаги байтида май – ҳаёт, тақдир маъносини англатиб келади:

Давр жомидин киши қисматга лойиқ май ичар,
Жомий саъй эт айш учун ҳар лаҳза, ҳар аснода ҳам.

⁹² Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. 4-жилд. – Т.: Фан, 1978, 164-б.

Байтда давр жомӣ, май каби бир-бирига мутаносиб образлар қўлланган. Шоир ўз фикрини баён этишда истиора санъатидан фойдаланган.

Навоийнинг қуйидаги байтида ҳам май образига Жомий тасаввурига яқин маъно юкланган:

Одами хокийни чу субҳи аласт –
Айладилар руҳ майи бирла маст.

Одами хокий, яъни тупроқдан яралган инсонга руҳ ҳаёти билан тириклик бахш этилгани ҳақида фикр юритилмоқда.

Шарқ адабиётида, айниқса, Фузулийнинг май, соқий ва у билан боғлиқ образлар моҳиятини шарҳлашда буюк хизматлари бор. Шоир кичик лирик жанрларда ҳам, маснавий жанридаги асарларида ҳам мазкур образларга баъзан анъанавий, баъзан янгича назар билан кўп бора мурожаат қилади. Унинг, айниқса, “Ҳафт жом” (“Соқийнома” деб ҳам аталади) маснавийси бу борада муҳимдир. Фузулий мазкур асарда май, соқий, муғанний, мутриб каби образларнинг моҳиятини, уларнинг бадиий адабиётдаги вазифасини аниқ ва мукаммал шарҳлаб беради. Шоир фикрича, соқийдан талаб қилаётган майни оддий шаробдан, бу сўзнинг турғун маъносидан фарқламоқ лозимдир. Чунки шеърда лирик қаҳрамоннинг фалсафий доноликка, ботиний тушунчаларга, ҳикмат оламига юз тутгани аниқ кўриниб туради. Соқийга мурожаатнинг ўзидаёқ, кўнглидаги талабини ошкор этади:

Ке бардар бар аз дили ин фагир,
Фитадаст у ра ба мей дасткир.
Мейи деҳки, кирад хирад нур аз у,
На он мейки, кардад хирад дур аз у.
Мейи деҳ к-аз у шаръи хирад низам,
На он мейки, дар шаръ башад ҳарам.
Зи Саги ба иршад пири муган,
Чу чами кирифтаман мани натаван.
Аз ан чам дил нашъайи шевг яфт,
Фараҳ бар фараҳ, зевг бар зевг яфт...

Ба руйам дари маърифат баз шуд,
Дили халиям махзани раз шуд⁹³.

Мазкур шеърий парчадан кўриниб турибдики, бу ерда шоир дастлабки мисраларда оддий май билан маърифат майини қиёслайди. Лирик қаҳрамон соқийдан май талаб қилади. Аммо, бу талаб оддий ишрат мажлиси талабидан, май ҳам оддий майдан фарқлидир. Бунда кайф, лаззат орзусидан фарқли, бошқа мақсад, талаб бор. Ошиқнинг оддий ҳаётӣ муносабатлар мақомидан маънавият, маърифат оламига юксалгани сезилиб туради. Бу ерда шариат ҳаром ҳисоблаган, инсонни сархуш этадиган, ақлини оладиган оддий майдан эмас, балки маърифат майдан, идрок, фикр, ҳис оламидан, ҳос бир завқдан сўз боради. Кўнгилларни юксалтирган, маърифат оламига йўл очган, юракларни сирлар билан тўлдирган илоҳий файз билан танишилади.

Ошиқ соқийга “ақлдан нурни узоқлаштирувчи эмас, балки шундай май берки, ундан ақл нур олсин”, - дея мурожаат этади. У шариат ва ақлнинг низоми бўлишини, ундан дили шавқу ҳузур топишини, маърифат эшиги очилишини, бўм-бўш кўнгли сирлар хазинаси билан тўлишини орзу қилади. Шоир мисрадан-мисрага ўтган сайин мазкур образ мазмун-моҳиятини чуқурроқ талқин этиб бораверади. Кўринадики, Фузулийнинг мазкур маснавийсида май образининг икки – дунёвий ва тасаввуфий маъноси қиёсланади. Унинг фикрлари Навоийнинг қуйидаги байтида назарда тутилган тушунчанинг шарҳи, изоҳи сифатида тасаввур қолдиради:

Сен гумон қилгондин ўзга жому май мавжуд эрур,
Билмайин нафй этма бу майхона аҳлин, зоҳидо.

Мазкур байтда Навоий “ўзга жому май”га ишора этмоқда. Аммо, Фузулий гўё, Навоийнинг бу борадаги нуқтаи назарини теран ва содда услубда шарҳлаб беради. Ўқувчининг маърифий билимини бойитади, ойдинлаштиради: Май – солиқ кўнглига тушган илоҳий ишқ мавжи. Маҳбубанинг покиза кўнгилда жилваланиши учун, ошиқнинг мастона кайфиятга тушиш воситасидир. Май солиқни маърифат билан безантирувчи

⁹³ Мир Жалал. Фузули санатқарлиғи. – Баку, АДУнешр, 1958, 245-б.

нур. Уни ўзининг асл мақсади сари йўналтирувчи жўшқинлик, илоҳий туғён рамзидир. Шеърда келтирилган май, жом ҳақидаги фикрлар бизнинг мазкур образлар борасида муҳим хулосаларга келишимизга асос беради. Шарк мумтоз адабиётидаги май билан боғлиқ образлар моҳиятини аниқ ва тўғри англашимизга имкон яратади.

Май билан боғлиқ образларнинг ранг-баранг талқини Қўқон адабий муҳитида яратилган асарларда ҳам намоён бўлади. Жумладан, Амирий бир ғазалида “ишқ дардининг давоси бода – май”, дея талқин қилади:

Бодадур ё васл, ё тиғи ажалдур, эй ҳаким,
Улки дерсен ишқ дардини давоси бор экан⁹⁴.

Байтда май маърифат маъносида қўлланган. Бунинг замирида чуқур маъно бор. Шоир тажохул ул-ориф санъатини қўллаб, билиб туриб билмасликка олиб, ишқ дардининг давоси уч нарса бўлиши мумкинлигини эътироф этади. Булар: май (яъни маърифат), васл ва ўлим. Бу учликнинг келтирилиши тартибида ҳам ҳикмат кўрамыз. Чунки ошиқни маърифат васлга етказди. Васл эса уни фонийлик мақомига кўтаради. Ошиқ буткул ўзини унутди. Демак, ишқ дардининг давоси шу учлик билан чамбарчас боғлиқ. Маърифат → васл → фано учлиги солиқ дардининг мутлақ давоси эканлиги муқаррардир.

Увайсий шеърлятида ҳам май, шароб, бода, соқий, муғ, муғбача, соғар, жом, қадаҳ каби образлар ишқ ва ошиқ руҳий ҳолатини очувчи, аниқлаштирувчи образлар сифатида қўлланади. Мазкур образлар ижодкор шеърлятида, асосан, рамзий маъноларда ишлатилган. Увайсий – мутасаввуф шоира. Унинг ижодига хос рамзийлик бевосита тасаввуф ва тариқатдаги йўли билан боғлиқ. Жумладан, май – маҳбуба ҳусни, маърифат, ишқ, ваҳдат, гулранг юз, висол, шодлик, ғам ва бошқа маъноларни ифодалаб келади. Увайсий шеърлятида соқий, унга мурожаат ва майхона рамзлари ҳам ирфоний мазмунга эга. Шоира талқинида, дунёвий ва ирфоний маънолар бир-

⁹⁴ Амирий. Девон. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972, 188-бет.

бирини тўлдириб, тақозо этиб келади. Қўлланган образлар тизими зоҳиран мажозий, ботинан эса маъно, моҳияти илоҳий эканлиги сезилиб туради.

Увайсий шеърятда, хусусан, соқий образига улкан маъно юкланади. У ошиқни тўғри йўлга ҳидоят қилувчи, уни руҳий озодликка бошловчи, асл мақсад манзилига етакловчи образ сифатида талқин этилади. Мумтоз адабиётда соқий образи турли маъноларда қўлланган. Май қуювчи, пири муршид, азал соқийси – Оллоҳ кабилар шулар жумласидандир.

Сажжодий луғатида “соқий” қуйидагича изоҳланади: “Соқий ирфоний адабиётларда кўплаб маъноларда изоҳланади. Баъзан Мутлақнинг файзи, баъзан жаннат булоғи маънолари назарда тутилади. Ва рамзий - истиоравий маънода муршиди комилга нисбат берилади. Шунингдек, соқийдан мақсад Ҳақ зотига эътиборнинг зухур топиши, изҳор этилишидир, - дейилади”⁹⁵. Юқоридаги изоҳдан англашиладики, мумтоз адабиётда май ва у билан алоқадор образлар кўпинча рамзий маъно касб этади. Шоирларимизга ўз фикр-ғояларини баён этишда шариат ва тариқат ўртасидаги, табиат ва инсон муносабатидаги кўприк вазифасини бажаради. Мураккаб, фалсафий – ирфоний тасаввуру тушунчаларни аниқ, соддалаштириб, моддийлаштириб ифодалаш имкониятини беради.

“Дунё рамзлардан иборат бўлиб, бу инсониятнинг илк, аммо чинакам ижоди эди. Бу ижод азалу абадни бирлаштира олади”⁹⁶. Анъанавий-рамзий образлар Увайсий ижодида айнан шундай функцияни бажарган. Шоира назарида, май рамзи кўпинча маърифат ва ишқ маъносини англашиб келади. Солик май, майхона билан муносабатга киришганда, асл ҳақиқатни, ходисалар моҳиятини англаб етганини изҳор этади:

Ишқ бўркин кийдиму кирдим яна майхонаға,

Кўрдум ул барг афсаринумри пушаймонимдадур⁹⁷.

Шоира ишқ бўркини зийнатловчи тож беағи умрининг моҳиятида, ичида эканлигини эътироф этмоқда. Бу эътирофни англаши учун лирик

⁹⁵ Доктор Саййид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Техрон, 1379, 652-бет.

⁹⁶ Ж.Эшонкул. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини. – Т.: Фан, 2011, 198-бет.

⁹⁷ Увайсий шеърятдан. – Т.: МКнашр, 1980, 36-бет.

каҳрамон майхона босқичидан ўтди. Майхона унга моҳиятни идрок этиши учун восита вазифасини бажарди. Майхона – маърифатхонадир. “Майхона завқу шавқ ва илоҳий маърифат тўлиб тошган комил инсон – орифнинг ботиний дунёси ва руҳи мутлақ манбаидир”⁹⁸.

Қуйидаги байтда ҳам май – мудрок дилларни хушёрлантирувчи, уйғотувчи маърифат рамзи сифатида қўлланган:

Кел, эй соқий, аёғинг мурдадиллардин дариф этма,

Масиҳ анфосиким, ул бодашом ичра ёстанмиш⁹⁹.

Байтда соқий, аёғ, дил, бодашом каби образлар ишлатилган. Шоира Масиҳ анфос – Исонафас сўзи билан талмех санъатини қўллаган. Маънолар замирида мурдадил – ўлик дил ва Масиҳ анфос – тирилтирувчи нафас сўзлари орқали тазод санъатига ҳам ишора қилиб ўтилади. Бу усул ва ишоралар байтда шоира айтмоқчи фикрлар қамровини кенгайтиришга хизмат қилади. Байтда соқий – пири муршид маъносида қўлланган. Биринчи мисрада шоира соқийдан мудрок, ғафлатнишин диллардан май – маърифатни дариф тутмаслигини сўрамоқда. Иккинчи мисрада эса шоира рамзлар тили билан чуқур, фалсафий хулосасини баён этади: Ўз тилаги ва талабининг моҳиятини очиб беради. Бодашом – май ичувчи луғавий маъносига эга. Демак, мисрадан тирилтирувчи нафас, кўнгилларни уйғотувчи, унга завқ, ишқ бағишловчи ҳаво май ичувчининг ўзида мужассам, деган маъно англашилади. Фақат уни ҳаракатга келтирувчи май – маърифатдан баҳраманд этилса етарли. Ҳар қандай кўнгилга пири муршид маърифатидан таралувчи нур ҳудудсиз ёруғлик, чароғонлик бағишлайди. Уни Мутлақ руҳ моҳиятини ва ўзини англаш рутбасига етаклайди. Инсоннинг бундай мақомга кўтарилишида пир ва маърифат мадади тақозо этилади, холос. Аслида, ҳар бир инсон зотида, моҳиятида ўша нур жавҳари мавжуд бўлади. Шоира соқийдан ана шу мавжуд нурни ҳаракатга келтиришни илтижо этмоқда, холос. Чунки Увайсий бутун умр инсониятни мукамал кўриш мақсади

⁹⁸ Н.Комилов. Хизр чашмаси. – Т.: Маънавият, 2005, 62-бет.

⁹⁹ Увайсий. Кўнгил гулзори. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1983, 218-бет.

билан ёниб яшади, ижод қилди. Демак, мазкур мисрада шоиранинг ирфоний фикрлари “Ичингдаги ичингдадир”, дея айтилган машхур румиёна нуқтаи назарда туриб баён этилганлигини англаш қийин эмас.

Май ва у билан боғлиқ образлар воситасида шоиранинг фалсафий дунёқараши ойдинлашади. Унинг олам ва одамга, Оллоҳга муносабати уларда ўз ифодасини топади. Увайсий ҳам салафлари анъаналарини давом эттира туриб, майдан ўзининг ирфоний ғоя ва мақсадларини ифодалаш воситаси сифатида фойдаланади. Сажжодийнинг машхур луғатида май, бода куйидагича изоҳланади: “Бода – ирфоний адабиётда кенг қўлланилган шаробнинг номларидан биридир. Фахрнинг “Истилоҳлар”ида шундай изоҳланади: бода деб, ишққа нисбатан айтадилар. Агар у заифроқ бўлса, сулукнинг бошланиши ва авом ишқига нисбат берилади. Аммо ирфоний назм намуналарида қўлланилса, бода ва май чакмоқдай ёрқин нурдан баҳраманд бўлган ишқ туғёни, шундан келиб чиқиб, баъзан ирфон майи деб ҳам аталади”¹⁰⁰.

Увайсийнинг куйидаги байтида шеърятдаги май образининг ўзига хос талқинини кузатамиз:

Нечунким орзу қилмай кўлингдин бода ичмакни,

Майи ваҳдат сенинг илгингдаги жом ичра ёстанмиш.

Мазкур ғазал бошдан оёқ ирфоний маънога эга. Келтирилган байтда ҳам бу ҳолат сезилиб турибди. Унда жом —~~бода~~ —~~вахдат~~ учлиги бор. Лирик қаҳрамоннинг асл мақсади ваҳдониятга, бирликка эришиш. Шоира фикрича эса, бунинг йўли бода ва жом орқали ўтади. Бода – маърифат, туғёнли ишқ. Жом - мумтоз адабиётда қадах, кўнгил, дунё каби кўп маъноларда ишлатилиши мумкин. Мазкур ўринда, байт мазмунидан келиб чиқсак, жом дунё маъносида қўлланмоқда. Шоиранинг бу каби ирфоний мазмундаги ғазалларидаги образлар, асосан, рамзий маънода қўлланилган. Уларда май – илоҳий ишқ тимсоли. Майи ваҳдат – Оллоҳ

¹⁰⁰ Доктор Саййид Жаъфар Сажжодий. Фарханги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Техрон, 1379 х., 180-бет.

файзига эришиш иштиёқи. Жом – бу дунё, борлиқ, жаҳон рамзи. Демак, шоира ваҳдат мақомига дунёни англаш, унинг риёзатларини, синовларини кечиб ўтиш орқали эришиш мумкин, деб билади. Солик дунё моҳиятини ва ўзини англаб етиш мақомига шу йўл билангина кўтарилади. Ғазалнинг кейинги байтида шоира фикрларини янада тараққий эттиради. Олдинги байтда тезис сифатида айтилган ирфоний хулосалар энди изохланиб шарҳланади. Асл жавҳар сари йўлга тушган солик ҳодисада моҳият мужассамлигини англаб ета бошлайди. Энди у очиқчасига, илоҳий тажалли дунёвий гўзаллик замирида зухур топишини, мазҳарда уйғунлашишини ошкор этади:

Ғазаб кўп қилма, пири дайр, ул юз сори телмурсам,

Тажаллийи худо ул ҳусни гулфом ичра ёстанмиш.

Маълумки, Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги биринчи ғазал

“Ашрақат мин акси шамсил - каъси анвор ул худо,

Ёр аксин майда кўр, деб жомдин чиқди садо...”, деб бошланади.

Увайсийнинг бир қанча асарларида ушбу ғазалнинг бевосита таъсирини кузатамиз. Шоиранинг ғазалларида ҳам соқийга мурожаат, май ва унда ёр аксини кўришга иштиёқ туйғулари ифодаланади. Бу шоиранинг дунёни англашда ва фалсафий мушоҳада тарзида навоийвор йўлда турганини кўрсатади:

Соқиё, берки букун васл алида жом менга,

Соғарингда кўринур чеҳраи гулфом менга.

Байтда лирик қаҳрамон васл ҳолатини орзулаяпти. Бу ҳолатга солиқни тўғри йўналтирувчи, ҳидоят этувчи муршиддир. Асарда, соқий образида мужассамлашган, ана шу пир бошчилигида асл моҳиятни англаш ва висолга эришиш умиди ифодаланмоқда. Кўриниб турибдики, Увайсий Навоий ғояларини чуқур ўрганган. Уларни ўз ижодий йўли, фалсафий йўналиши, турмуш тарзини белгилашда дастуруламал деб қабул қилган. Юқорида эслаганимиздек, Навоий руҳ майи билан одамга жон ато этилганини таъкидлайди. Увайсий ана шу май билан жондан жудо бўлишни, хижрон

риёзатидан май ва соқий ёрдамида халос бўлишни орзу қилади. Ва соқийдан унга шундай мақомни бахш этишини илтижо қилади:

Соқийё, май тут фироқ ичра талаб қилмиш ажал,
Мастлиғда жондин ўтмакликки осондур менга.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, Увайсий аёл шоира бўлишига қарамасдан, шеърлятида май ва у билан боғлиқ образлардан унумли фойдаланган. Албатта, бу шоира учун осон бўлмаган. Асарлари таркибида унинг кўп маломат ва таъқибларга дуч келганини англатувчи ўз шарҳлари учрайди:

Кирмасам майхона аҳли ичра армондур менга,
Кирсам ағёр илкидин бағрим тўла қондур менга.

Ёки:

Тўкти майимни муҳтасиб бул пири комил олдида,
Бўлса гунаҳ афв этмади, ҳирмона бўлдум чарх уруб.

Шоира май, майхона билан боғлиқ равишда мастлик ва ҳушёрлик ҳолатига алоҳида эътибор қаратади. Уларни бир-бири билан қиёслайди. Солик ҳаётидаги ўрнини белгилаб беради:

Мени маҳрум этанлар ҳуши идрокимдур, эй соқий,
Букун маст айлагил ул ақли барбодимни соғиндим.

Ёки:

Ичти хаёл жомида васлингни бодасин,
Майхонаи фироқ аро мастонадур кўнгул.

Ёки:

Қатра май гадолардин, соқий, дариф этма,
Ақлдин қилиб фориф мастлиғда султон қил.

Кўринганидек, Увайсий ижодида қўлланган образлар, хусусан, май билан боғлиқ образлар мажмуи яхлитлашиб, рамзий фикр ва ғоялар талқинига хизмат қилади. Кейинги асрларда хорижий халқлар адабиётларида ҳам дунёни англашда мутаносиб қарашларни кузатишимиз мумкин. Жумладан, XX аср бошларида адабиёт майдонига кириб келган рус

символистлари дунёқарашига баҳо берар экан, В.М. Жирмунский қуйидагича хулосага келади: “Улар “олам сирли ва гўзал, барча ўткинчи нарсаларда абадийлик нафаси сезилиб туради, абадият – дунёнинг ўзида ва инсоннинг ичидадир”, - деган нуқтаи назардан туриб олам ва одамга муносабатда бўлишади”¹⁰¹. Бундай нуқтаи назарлардан келиб чиқиб, Увайсий дунёқараш, фалсафий тафаккур тарзи, Оламни талқин этиш тамойили, нафақат, ўзбек мумтоз адабиёти, балки жаҳон адабиёти миқёсидаги жараёнлар билан мутаносиб ва уйғунлигига амин бўламиз. Бу эса шоира маҳорати жаҳоншумул аҳамиятга молик эканлигини кўрсатиб туради.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Бобда қайд этилган мулоҳазалардан қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

1. Маълумки, мумтоз адабий асарлар асосини тасаввуф фалсафаси ва ислом ҳам ташкил этади. Уларнинг қарашлари муҳим муштарақликка эга бўлиш билан бирга, айрим нуқталарда кесишмайди. Шу сабабли, бундай зидликдан чиқиш мақсадида, образлар рамзийлиги пайдо бўлган. Увайсий шеъриятидаги образ ва рамзлар муносабати мумтоз адабиётдаги анъанавийлик билан боғлиқ. Аммо шоиранинг маҳорати шундаки, у шу қобикда қолиб кетмайди. Балки уларнинг, бошқа шоирлар эътиборига тушмаган, янги қирраларини кашф этиб тасвирлайди.

2. Увайсий мужгон, бозор, май, соқий, булбул, парвона каби юзлаб поэтик образларнинг янги маъновий сарҳадларини кашф этиб, ўзбек мумтоз адабиёти образлар тизимини бойитишга, янада мукаммаллаштиришга беқиёс улуш қўшди.

3. Увайсий ижодида қўлланилган ҳар бир образ унинг фалсафий дунёқараш қамровини, оламни англаш мезонини, фикрлаш тарзини, ижодий тамойилини, йўналишини аниқлашимизда муҳим аҳамиятга эга. Шоира

¹⁰¹ В.М. Жирмунский. Избранные труды. Теория литературы Поэтика Стилистика. Ленинград, Наука, 1977, 107-бет.

фойдаланган образлар мажмуи яхлитлашиб, рамзий фикр ва ғоялар талқинига хизмат қилади.

4. Халқ тили бойлигидан унумли фойдаланган шоира ижодида сўзларнинг маъно кўлами янада кенгаяди. Увайсий уларнинг маълум маъноларидан ташқари, ирфоний-фалсафий маъносидан ҳам кенг фойдаланади.

5. Ўзигача бўлган мумтоз асарлар анъаналарини ўрганган ва муносиб тарзда янада такомиллаштириб давом эттирган. Шоира анъанавий поэтик образларга ноанъанавий маъноларни юклайди. Уларни янги рамзий маъноларда қўллайди. Янги маъно қирраларини кашф этади.

6. Бундай образлар қўлланган асарлар шоира таржимаи ҳоли ва асарларининг яратилиш даври борасида маълум даражада хулосалар чиқаришимизга, улар ҳақидаги тасаввурларимизни бойитишга ҳам хизмат қилади.

7. Бозор сўзини қўллаш жараёнида Увайсийнинг дунёвий, ирфоний ва фалсафий билим миқёси ҳам ўз ифодасини топган.

8. Увайсий шеъриятида юзлаб образлардан фойдаланган. Мазкур тадқиқотда уларнинг барчасини талқин этиш имкони йўқлигини ҳисобга олиб, асарларидаги бош ғоя – етакчи моҳиятни ёритишда муҳим ўрин тутган ва шоиранинг ўзига хос образ яратиш тамойиллари намоён бўлган, бу борада муҳим илмий хулосаларга келиш имконини берадиган айрим образларнигина тадқиқ этдик.

III БОБ. Увайсий шеърлятида поэтик жанрлар такомили ва бадий маҳорат

3.1 Ғазал ва мусаммат жанрларида анъана ва новаторлик

Шарқ мумтоз адабиётида анъанавийлик устувор. Бу бадий тасвирда ҳам, образлар оламида ҳам, мазмун ва мундарижада ҳам кузатилади. Аммо, зоҳиран қараганда, бир хиллик, ўхшашлик бўлиб туюладиган бу ҳолат замирида ҳам ҳар бир ижодкорнинг индивидуал, ўзига хос поэтик ифода усуллари шаклланиб борган. Зотан, машҳур алломаларимиз ижодкорнинг маҳорати ва ўзига хослиги асарда нимани ифодалашига қараб эмас, балки воқеликни қандай тасвирлашига қараб белгиланишини таъкидлашади.

Бундай нуқтаи назар, хусусан, асарнинг шаклий хусусияти ҳисобланган, жанрлар талқинида ҳам муҳимдир. Маълумки, жанр секин ўзгарувчанлик хусусиятига эга. У маъно ва мазмунга нисбатан турғун. Аммо ноёб истеъдод эгаси бўлган ижодкорлар мазкур муқимликни ҳам ўзгартиришга қодир бўлишган. Жумладан, Увайсий меросини кузатиб, унинг бу борада ҳам турли тажрибаларни қўллаганининг, кўплаб жанрларни турли, ўзига хос янгиликлар билан бойитганининг гувоҳи бўламиз.

Жаҳонотин Увайсий девонининг бир нечта қўлёзма нусхалари бизгача етиб келган. Жумладан, Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 1837- инвентарь рақами остида шоира девонининг биргина нусхаси сақланади. Унинг таркибида 5 та жанр – 269 ғазал, 1 мусаллас, 1 мураббаъ, 29 мухаммас, 55 мусаддас жамланган. Девон тугагандан сўнг шоиранинг 2 достони – “Шаҳзода Ҳасан” ва “Воқеоти Муҳаммадалихон” ҳам киритилган. Биринчи дoston, кичик ҳажмда бўлса-да, тўлиқ, иккинчи дoston эса тугалланмаган. Увайсий қўлёзмасининг таркибини ўрганиб чиқиб, уни девон эмас, балки “Куллиёт” деб номлаш мақсадга мувофиқ, деган қарорга келдик. Чунки қўлёзма таркиби девон ва дostonлар мажмуидан иборат.

1959 йилда Увайсий девонининг, Андижон вилоят Марҳамат туманида истиқомат қилувчи авлодлари кўлида, яна 3 та кўлёзма нусхаси мавжудлиги аниқланган. Уларнинг 1 таси шоиранинг эвараси Мағзий томонидан кўчирилган. Булардан 2 (161 бетдан иборат) – ва 3 (228 бетдан иборат) – кўлёзма таркиби 1837-рақамли кўлёзма билан бир хил. 1 (404 бетдан иборат) – кўлёзма эса бир оз фарқ қилади. Унда 1837- кўлёзмага киритилмаган 300 дан ортиқ шеър бор. Андижондан топилган 2-кўлёзмада 5628 байт, 3-кўлёзмада эса 2093 байт шеър жамланган¹⁰². Шоиранинг эвараси Мағзий маълумотига кўра эса, Увайсий девонининг 4 та кўлёзма нусхаси қолган. Унинг иккитасини шоира ўз кўли билан кўчирган. Демак, ҳозирда энг тўлиқ девон нусхаси Мағзий томонидан кўчирилган нусха ҳисобланади. У 404 бетдан иборат. Таркибида ғазал, мухаммас, мусаддас, туюқ, чистон, қитъа, фард, мустазод каби 10 дан ортиқ лирик жанр намуналари жамланган. Шарқшунослик институтида сақланаётган “Куллиёт”да эса 5 та лирик жанр – ғазал, мусаллас, мураббаъ, мухаммас, мусаддас намуналари киритилган. У ҳажм жиҳатидан ҳам ихчам. 187-саҳифагача девон, 190-саҳифадан эса дostonлар бошланиб, 246-саҳифада якунланган.

Биз шоира шеърятини тадқиқ этиш жараёнида девонининг, асосан, ЎЗР ФАШИ кўлёмалари фондида 1837-тартиб рақами остида сақланаётган кўлёмасидан ва жорий алифбода чоп этилган нусхаларидан фойдаландик.

Ғазал Шарқ мумтоз адабиётида пайдо бўлган энг қадимий жанрлардан ҳисобланади. “Девони луғотит турк” асари жанрларини ўрганган рус олимаси Л.Серикова асарда ғазал намуналари борлигини таъкидлайди. Шарқшуносларимиз хулосаларига кўра, у X-XI асрлардан бошлаб фаол жанрга айланган. Ўзбек адабиётида ғазалнинг 4 мисра, 2 байтдан, 46 мисра 23 байтгача бўлган ҳажмда яратилган намуналари кузатилади. Ғазал шарқ мумтоз адабиётидаги энг фаол ва сайқалланган жанр ҳисобланади. Туркий адабиётда унинг сараланишида Атойи, Саккокий, Гадоий, Лутфий каби ўзбек шоирларининг, хусусан, Алишер Навоийнинг ҳиссаси улкан. Навоий мазкур

¹⁰² Э.Иброҳимова. Увайсий. Монография. – Т.: Фан, 1963, 14-15-б.

жанрни такомиллаштириб, юксак чўққига кўтарди. У ўзининг энг сеvimли жанри сифатида, унинг бошқа жанрларга нисбатан “дилосороқ ва нишотафзорок” эkanлигини таъкидлайди.

Ғазалнинг ҳажми ҳақида ҳам ҳар хил қарашлар бор. Қабул Муҳаммаднинг “Ҳафт қулзум”ида ғазалнинг чегараси 11 байт бўлиши кераклигини таъкидлар эkan, аммо амалда 12, 19, 21, ҳатто, 27 байтли ғазалга ҳам дуч келганини эътироф этади. Ғазал мулкининг султони Навоий эса бир китъасида 7, 9, 11, 13 байтли ғазаллар ёзганини кўрсатиб ўтади. Поэтикага доир асарлардаги маълумотлардан 5-15 байтли ғазаллар ҳажм жиҳатдан маъқул саналгани сезилади. Аммо ўзбек адабиётида Огаҳий, Мирий каби ижодкорлар 23 байтли ғазаллар ҳам битганлиги маълум.

Биз Увайсий ижодида жанрларнинг ўрни, такомилли, ундаги анъанавийлик ва новаторлик масалаларини ўрганар эkanмиз, шоира қўллаган барча жанрларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида тўхталмадик. Балки қўйилган муаммоларни ёритишда муҳим асос берувчи айрим жанрларни тадқиқ этиш йўлидан бордик.

Ғазал ўзбек мумтоз адабиётидаги етакчи жанр. Девонларнинг асосий таркибий қисмини ташкил этади. У жанр сифатида доимий тараққий этган. Ҳар бир ижодкор унга турли янгиликларни олиб кирган. Жанр сифатидаги янги қирраларини кашф этган. Янги-янги турларини яратишган. Жумладан Увайсий шеърятининг ҳам катта қисми ғазалдир. Шоира шеърый меросини ўрганар эkanмиз, унинг ҳам ғазал жанри тараққиётига ўзига хос ҳисса қўшганлигининг гувоҳи бўламиз. Хусусан, ғазалнинг мавзу жиҳатидан ошиқона, орифона, риндона, ҳасби ҳол, дидактик; тузилиш жиҳатидан мусалсал, пароканда, якпора турларидан ташқари, янги шаклий турларини ҳам кашф этиш ва тараққий эттиришга ҳисса қўшган.

Шоира ғазалларини шаклий жиҳатдан қуйидаги турларга ажратишимиз мумкин:

1. Оддий ғазаллар.
2. Мувашшаҳ ғазаллар.

3. Ҳарора ғазаллар.
4. Чистон ғазаллар.
5. Тазмин (татаббуъ, назира) ғазаллар.

Увайсий меросида ғазал турларининг ноёб намуналари кўп. Жумладан, шоира девонида 6 та ҳарора ғазал ҳам учрайди. Шайх Аҳмад Тарозий шеърини балоғатда қофия илмининг муҳимлигини таъкидлаб “...табънинг натижаси шеърдур. Ва шеърнинг асли қофия. Ва қофиясиз шеър мумкин эрмас”, - дейди. Улуғ аллома Шарқ мумтоз назми намуналари асосида ана шундай теран хулосага келади. Бу фикрлар шеърятда қофиянинг ўрни, аҳамиятини белгилашимизда асос бўлади. Демак, мисраларга бадий сайқал, оҳангдорлик ва пурмаънолик бахш этувчи унсурлардан бири қофиядир. Унинг шеърятдаги ўрнини ўрганиш, баҳолаш борасида адабиётшуносликда бир қанча ишлар амалга оширилган, муҳим тадқиқотлар яратилган¹⁰³.

Аҳмад Тарозий машҳур “Фунун ул-балоға” асарининг “Ал-фанн-ус-соний фи-л-қофия ва-радиф” деб номланган II қисмида қофия ва радиф билан боғлиқ барча муаммолар хусусида муҳим фикрлар баён этади. Улар назмнинг ажралмас ва сайқалбахш қисмлари эканлиги мисоллар билан далилланади. Муаллиф қофия ва радифнинг зарурий унсурлигини исботлаш билан бир қаторда бўлим сўнгида қофия иштирок этмайдиган шеър тури ҳам борлиги ҳақида маълумот беради: “Бир тариқа шеър бўлурким, анда қофия бўлмас. Ҳар байтнинг охирида радиф-ўқ келтурурлар. Они ҳарора ўқурлар”.

“Фунун ул-балоға”да келтирилган намуналар, асосан, форс-тожик тилида яратилганини, туркий тилдаги биргина намуна эса муаллиф қаламига мансублигини кузатамиз. Бу эса, Аҳмад Тарозийга қадар туркий тилда ҳарора йўналишидаги ғазал яратилмаган, деган хулосага келишимизга асос беради.

¹⁰³ А.Рустамов. Қофия нима? – Т.: Фан, 1976; А. Ҳожиаҳмедов. Шеърини санъатлар ва мумтоз қофия. – Т.: Шарқ, 1998; М.Ақбарова. Алишер Навоий ғазалларида қофия. – Т.: Фан, 1997.

Мўътабар луғатлардан бири Муҳаммад Гиёсуддиннинг "Гиёс ул - луғот"¹⁰⁴ида "харора" сўзи қуйидагича изоҳланади. "Харора - рақсга тушиш ва доирани оловда тоблаш; кўп чолғу, кўп кишиларнинг баравар бирдан чиқарган кучли овози, ғалаёни ва одамларнинг жўровоз ғавғоси маъносида". "Харора" сўзи "харорат" сўзи билан ўзакдош. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да "харорат" сўзининг "руҳий кўтаринкилик, жўшқинлик" маъносига ҳам эғалиги кўрсатилган. Бундан келиб чиқиб, "харора" шеърни кучли пафосга эга асар маъносида ҳам тушуниш мумкин.

Демак, харора шеърлар, истилоҳнинг луғавий маъносидан ҳам англашиляптики, руҳий жўшқинлик, руҳий ғалаён, пафос маҳсули сифатида майдонга келган. "Фунун ул-балоға" тадқиқотчиси ва ношири профессор А. Ҳайитметов шеърнинг ушбу турига шоира Увайсийнинг бир ғазалини мисол сифатида кўрсатади: "Ўзбек адабиётида шеърнинг харора турига Увайсийнинг "Кўнгил доғ ўлди, доғ ўлди" радифли ғазали яхши мисол бўла олади"¹⁰⁵.

Проф. А.Қаюмов ҳам шоира шеърларини таҳлил этар экан, шу шеърга эътиборини қаратади: "...Гоҳо изтироб тўлқинлари (шеърларида - И.А.) шундай кучайиб кетадики, шоира қофия тўсиғини босиб ўтиб, ўз кечинма ва ҳаяжонларини оқ шеър тарзида ифодалайди ("доғ ўлди, доғ ўлди" радифли шеър)"¹⁰⁶.

Кўринадикки, XX аср бошларигача яратилган қофиясиз шеър ҳақида гапирилганда, фақат Увайсий ижодидан мисоллар келтирилган. Унинг ҳам биргина "Кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди" радифли ғазалигина тилга олинган. Аммо, биз шоира девонининг Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги ШИ қўлёзмалар фондида 1837-инв. рақами остида сақланаётган қўлёзма нусхаси билан танишиш жараёнида унда олтига харора усулида яратилган ғазал мавжудлигининг гувоҳи бўлдик (17, 35, 118, 193, 196, 226-бетлар).

¹⁰⁴ М. Гиёсуддин. Гиёс ул-луғот. 3 жилдлик. 1-жилд. – Душанбе, Адиб, 1987, 273-бет.

¹⁰⁵ А.Ҳайитметов. Туркий тилда адабиётдан илк назарий қўлланма//Қаранг: Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға. – Т.: Ҳазина, 1996, 18-бет.

¹⁰⁶ А.Қаюмов. Қўқон адабий мухити. – Т.: Фан, 1961, 247-бет.

Кўплаб олимларнинг эътиборини тортган "Кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди" радифли ғазал 11 байтдан иборат - катта ҳажмли асар. У кучли руҳий ғалаён, кучли изтироб маҳсули сифатида майдонга келган. Асар марказида инсонни англаш масаласи туради. Ҳаётдаги барча зиддиятлар, қарама-қаршиликлар инсон кўнглини англамаслик натижасида майдонга келади. Шоира ана шу ҳолатни бадиий талқин этади.

Ғазалнинг дастлабки байтларида лирик қаҳрамон яшаётган муҳитга эътибор қаратилади: Замона кулфатшиор, чарх бемурувват, рақиблар адолатсиз, халқ калтафаҳм, гулзор – омонат, дунё эса тиканли. Бу жумлалар лирик қаҳрамон яшаётган муҳитни фош этиш учун етарли. Шундай заҳматлар исканжасида ҳаёт кечирришга маҳкум шахснинг кўнгли қоронғу, ёришмайди. Лола каби доғдор. Шоиранинг асосий фикри - кўнглининг доғдор эканлигини ифодалаш. Дастлаб, у нега деган саволга жавоб беради. Дилгирлик сабабини ошкор этади. Лирик қаҳрамон - фано мардуми. Унинг кўнглида чуқур фалсафий асрорлар бор. Аммо, атрофида кўнглини англаувчилар йўқ. Бу ҳол лирик қаҳрамон дилининг хуфтон бўлишига сабабчи. Дилгирликка "фано мардумлари" билан "қабихуфтор мардум" дунёқараши ўртасидаги зиддият сабаб бўлади. Шоир дардмандлигига, изтиробига боис муҳит ва шахс дунёқарашидаги чуқур зиддият. Руҳий ҳолатнинг зиддияти шоира томонидан тазод санъатини фаол қўллаш орқали аниқ ёритиб берилган. Фано гулзори - хор захми; фано мардуми - қабихуфтор мардум; ғунча - гул ва ҳоказо каби зид тимсоллар лирик қаҳрамон табиатини очиб беришда фаол хизмат қилган.

Асарда бош тимсол ошиқ. Унинг табиатини ёритиш мобайнида шоира ишқ кечинмаларини чуқур инсоний муносабатлар, ижтимоий ҳодисалар таҳлили билан мутаносиб ҳолатда ифодалайди. Инсоннинг кўнглини англаш, ўзлигини таниш муаммолари билан боғлиқликда талқин этади:

Замона кулфатидин бу кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди,
Бу чархи бемурувватдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.
Жароҳат бўлди бағрим тиғи бедоди рақиблардин,

Бу кўтоҳфаҳм мардумдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди .

Мазкур ғазалда кўнгиллар тўкнашувидан, рухий зиддиятлардан туғилган туйғулар ўз ифодасини топади. Шоира дунёнинг, жамиятнинг ғалаёнли, тўфонли муносабатлари манзарасини таъсирли чизиб бера олган. Лирик қаҳрамон атроф-муҳитидан, замондошларидан қаноатланмайди.

Асар кучли рухий ғалаён, кўнгил жароҳати ҳақида. Унинг сабабчиси эса замона кулфати, бемурувват чарх, калтафаҳм ва ёвуз сўзли кишилардир. Асар бу ситамгарлардан жароҳатланган кўнгил ҳайқириғи бўлиб дунёга келган. Унда қофия йўқ. Шу сабабли радифнинг ушбу шеърдаги ўрни муҳим мақомга эга. "Кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди" жумласи радиф вазифасини бажарган. У лирик қаҳрамон рухий ҳолатининг кульминациясини ифодалаб келади. Шу сабабли, ўқувчи эътибори ушбу жумлага жамланган. Луғатларда изоҳланишича, “доғ” сўзининг бир нечта маънолари бор: куюк, куйган жой, қоралик, белги, из, қайғу қабилар шулар жумласидандир. Увайсий истеъдодининг табиатидан келиб чиқиб, ғазалда ушбу сўзнинг бир нечта маъносини назарда тутиб қўллайди. "Доғ ўлди" ибораси, биринчидан, лирик қаҳрамон кўнглидаги захму жароҳат изларини ифодаласа, иккинчидан, кўнгилнинг ғаму андуҳда қовурилганлиги, доғланганлиги ҳақида ҳам хабар беради. Ғазал мақтаъси қуйидаги байт билан яқунланган:

Ажаб ашъори мавзун боғлади Вайсий ҳасаддинким,
Умархон зуфунукеким, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди .

Байт мазмунидан кўринадики, ғазал назира сифатида яратилган. Биз Амирий девонини кузатиб, унинг "бўлди" радифли бир ғазали борлигини кўрдик. У қуйидаги матлаъ билан бошланади:

Ажаб йўлдур, раҳи ишқингда кўп доно забун бўлди,
Жунун ҳар кимга туғён айлади, ул зуфунун бўлди .

Эътибор берилса, келтирилган иккала байтнинг бир-бирига мутаносиб жиҳатлари бор. Аввало, ушбу байтда шоира шеърнинг ёзилиш сабабини кўрсатади. Умархон асаридан таъсирланиб, унинг донолигига ҳавасланиб, чуқур мазмунли шеър - "ашъори мавзун" боғлаганини тан олади ва эътироф

этади. Иккинчидан, иккала байтда ҳам “ажаб” ва “зуфунун” каби муштарак сўзлар учрайди. Улар орқали шоира асари Умархон ғазали таъсирида яратилганига ишора борлигини сезиш қийин эмас. Ундан ташқари, шоира мазкур ўринда ўзига устоз деб билган Амирий ижодига ва шахсиятига “зуфунун” (кўп фанларни билувчи олим) сўзи орқали юксак баҳо ҳам беради. Учунчидан, иккала ғазал ҳам ҳазажи мусаммани солим (мафойилун - мафойилун - мафойилун - мафойилун; V - - - V - - - V - - - V - - -) вазнида ёзилган.

Биз икки ғазални қиёсан ўрганганимизда, Увайсий маҳоратини янада яққолроқ кўрамиз. Амирий ғазали 7 байтдан иборат. У ишқий йўналишдаги асар. Унда ишқнинг кирдикорлари, ошиқнинг руҳий ғалаёну ҳолатлари ўз ифодасини топган. Шоир бир жумла билан биринчи байтдаёқ, бу масалани аксиома, тезис сифатида баён этади: Ишқ шундай қудратки, у "кўп доноларни забун" этади. Унинг йўлдоши жунун эса кўпларни донога айлантиради. Асар охиригача шоир эътибори доно - забун // жунун - зуфунунлик силсиласини ойдинлаштиришга қаратилган. Сўнгги байтда шоир ошиқ кўнгли суратини чизиб беради: Унингча, ишқ дардига мубтало кўнгилда чандиқлар, тугунлар шундай ранг-барангки, худди товус каби сернақшдир:

Амирий, тушти хатту холидин кўнглумға савдое,

Тугунлар кўксума товусдек андин фузун бўлди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ғазал ҳазаж баҳрида ёзилган. Забун, зуфунун, нилгун, хун, нигун, тугун, фузун каби сўзлар қофия, "бўлди" сўзи радиф сифатида қўлланган.

Увайсий соф ошиқона йўналишдаги асардан таъсирланиб, мазмун, ғоя, бадиий тасвир усуллари қамрови кенгайган, ўзига хос янги асар яратган. Амирий ошиқнинг ёқимли, изтиробли дардларини тасвирлайди, Увайсий эса ишқ кечинмаларини чуқур инсоний муносабатлар, ижтимоий ҳодисалар таҳлили билан мутаносиб ҳолатда ифодалайди. Инсон кўнглини англаш,

тушуниш муаммолари билан боғлиқликда талқин этади. Ошиқона ғазални муҳим ижтимоий мазмун билан ҳам бойитади.

Биз мумтоз адабиётнинг кўплаб намуналарини кузатиб, баъзан қофияси мукамал бўлмаган, баъзан қофиясиз ёзилган айрим байтларга дуч келдик. Аммо, Увайсийгача бўлган даврда, қофиясиз ёзилган тугал асарни учратмадик. Увайсий ўзининг кучли маҳорати туфайли шеърнинг асосий унсурларидан бири ҳисобланган қофиясиз ҳам гўзал асар яратиш мумкинлигини исботлади. У қофия қўлلامасдан бир маромдаги оҳангни - ритмни ярата олди. Ўқувчи эътиборини радиф ёрдамида муҳим фикр-ғоя атрофига жамлай билди. Филология фанлари доктори У. Тўйчиев Увайсийнинг мазкур ғазалини қуйидагича баҳолайди: "Демак, бу ғазал (Увайсий "Кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди..." - И.А.) анъанавий қофия назариясига кўра эркин ёзилган. Бу ҳол инқилобгача бўлган даврда "Оқ шеър" ёзишда биринчи уринишдир"¹⁰⁷.

Аммо Аҳмад Тарозий фикрига кўра, ўзбек адабиётида ҳам қадимдан қофиясиз шеър яратиш анъанаси мавжуд бўлган. У "Фунун ул-балоға" асарида бу қарашларини батафсил асослаган. Увайсий ана шу унутилаётган анъанани ўзининг ноёб истеъдоди ва такрорланмас маҳорати туфайли ҳарора шеър мисолида қайта жонлантиришга муяссар бўлди. Увайсий етук шоира сифатида шаклбозликка, санъатпардозликка қарши эди. Шоира лирик қаҳрамони руҳи баъзан қоидапараст мумтоз адабиётнинг қатъий чегараларига сиғмай қолар эди. Натижада, уларни ёриб чиқиб, унинг меъёру қонуниятларига бўйсунмаган. Янги тажрибалари маҳсулларини яратган. Бундай асарларидан "икки жаҳона сиғмамдур", дея куйлаган Машрабона руҳ уфуриб туради. У асарларида шаклга қолип сифатида ёндашган, мазмун, фикр, ғоя муҳим эканлигини эътироф этган ўринлар бор:

Увайсий, қофия танг ўлса ҳам мазмуни маҳвашдин

Хаёлин маҳкам эт, айғилки: "Эҳромингга салламно!"

¹⁰⁷ Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Т.: Фан, 1992, 208-бет.

Адабиётшунослар фикрига кўра, Увайсийдан кейинги даврда Нихоний, Усмон Носир каби шоирлар ижодида ҳам бундай шеърнинг айрим намуналари учрайди. Ҳарора шеърлар кейинчалик, балки, адабиётда оқ шеър - эркин шеърларнинг пайдо бўлишига замин яратгандир.

Увайсий ижодидаги ҳарора ғазалларни кузатсак, барчаси рамзий мазмунга эга орифона йўналишда яратилганлигининг гувоҳи бўламиз. Уларнинг барчасида ориф-ошиқнинг ҳол мақомидаги кечинмалари тасвирини кузатамиз. Бундай туйғулар моҳиятини ўқувчига етказиш мобайнида шоира бошқа ижодкорлар асарларида учрамайдиган рамзий образлар галереясини, рамзий – фалсафий мушоҳадаларини қўллайди. Зоҳиран караганда, оддий, маҳбуба тавсифи сифатида намоён бўлувчи мисралар, ботинан чуқур маърифат моҳиятини ўзида мужассамлаштиргани кузатилади.

Жумладан, шоиранинг “этти мужгонлар” радибли ғазали ҳам худди ана шундай кўпқатламли мазмун ва ифода усуллари асосида яратилган. У 9 байтдан иборат. Қофия қўлланмаган. Қофия бажариши лозим бўлган мисралар замиридаги фикр кульминацияси радиф зиммасига юклатилган. Ижодкор ғояси ва бадий мақсадини юзага чиқаришда муҳим ҳисобланган ритм радиф такрори воситасида амалга оширилган. Радиф иккита сўздан иборат.

Маълумки, ўзбек мумтоз адабиётида маҳбуба кўзининг тасвири анъанавий, кенг қамровли руҳият манзараларини намоён этишда муҳим мақомда турган. Ошиқ бевосита кўз билан мулоқотга киришган. Унинг мафтункор гўзаллик тимсоли сифатидаги ва ошиқ кўнглини задаловчи, жабрдийда образ сифатидаги моҳияти кенг ёритилган. У билан чамбарчас боғлиқ бўлган киприк тимсоли эса кўз образини тўлдирувчи, унинг қилмишларини намоён этувчи қўшимча тимсол вазифасинигина бажариб келган. Увайсийнинг маҳорати ва ўзига хослиги шундаки, у бошқа шоирлардан фарқли равишда киприк тимсолининг мумтоз адабиётдаги

муқим ва етакчи образ мақомини белгилашга эришди. Уни оддий бадиий ашёдан муҳим маънога эга ва улкан бадиий вазифа бажарувчи образ даражасида қайта яратди. Тасаввуф ғоялари билан боғлиқ чуқур моҳиятларни очишда ўзига хос вазифаларни бажарувчи мақомга кўтарди.

Ғазалнинг дастлабки байтида маҳбуба киприкларининг ташқи кўриниши ва ошиқ қисмати билан муносабати, маълум даражада, сокинлик билан тасвирланади. Аммо иккинчи байтданок, ҳарора ғазалларга хос бўлган жўшқин пафос юзага чиқади. Шоира талмеҳ санъатини қўллаб, “Аналҳақ” – Мансур Ҳаллож мақоми ва тақдирини ёдга олади. Уни эслатиш орқали ўқувчини лирик қаҳрамон руҳиятидаги туғён билан таништиради. Биринчи байтда киприк, умумий фонда, ушшоқ аҳли қисмати билан боғланса, иккинчи байтда ўқувчи бевосита лирик қаҳрамон кечинмалари оламига йўналтирилади. Шу ўринда қўлланган талмеҳ байтни зийнатлабгина қолмаган, балки ғазал мазмунини, унинг йўналишини, лирик қаҳрамон характерини белгилашда жуда катта бадиий вазифани ҳам бажарган.

Ғазалда киприкни етакчи ва нодир тимсолга айлантирган ҳолат бу жонлантириш санъатидир. Шу санъат воситасида мужгон маҳбуба феъл-атворидаги барча хислатларни ўзида мужассамлаштиради.

Ғазал ўзига хос композицияга ҳам эга. Унинг ҳар бир байти мужгоннинг ранг-баранг қилмишларини изоҳлашга бағишланади. Бу тасвирлар умумлашиб, ўқувчига мужгоннинг – маҳбубанинг мукамал қиёфасини тасаввур этиш имконини яратади.

Асарда шоиранинг образ яратиш маҳорати, бадиий тасвирлаш усулининг ўзига хос ноёб қирралари намоён бўлади:

Кўнгул бир дашту саҳро эрди, гулзори чаман бўлмиш,

Мурассаъ салтанат тахтида то сайр этти мужгонлар.

Увайсий байтда кўз ва кўнгилни тасвирлайди. У кўзни зийнатланган, бетакрор бир салтанатга, унинг атрофида ўрнашган киприкларни эса жонлантириб, сойирларга ўхшатяпти. Айниқса, биринчи мисрадаги ифоданинг бойлиги, кенг қамровли тасвир ҳудудига эгалиги таҳсинга

сазovor. “Кўнгил бир дашту сахро эди, гулзору чаманга айланди”. Хўш, бу тасвирда нима назарда тутилган? Биринчидан, сахро каби бўм-бўш кўнгилга мужгонлар воситасида (Ҳақ йўли билан боғланиш натижасида) маърифат кириб келди. Чунки тасаввуф таълимотида кўз комил инсон рамзи сифатида талқин этилади. Комил инсон образида мужассамлашган Илоҳий маърифат, орифлик ошиқ кўнгилни илм нури билан бойитди. Натижада эса, у ҳам ранг-баранг “чечаклар” билан, комил фазилатлар билан безанди. Гулзори чаман янглиғ гўзалликка айланди. Иккинчидан эса, сайр этаётган мужгонлар етказаетган задалардан, доғлардан кўнгил салтанати чаманга айланди. Кўринадики, Увайсий ғазалда ҳам оддий, ҳар ким кўра оладиган ҳаётий ифодадан, ҳам хос кишилар тасаввурига мутаносиб теран маънони мужассажлаштирган мураккаб тасвирдан маҳорат билан фойдаланган. Бу шоира шеъриятининг маънолари англамидаги мураккабликни келтириб чиқаради. Аммо, шу билан бирга, ижодкор асарларига сирлилик, теранлик ва оригинал ифода бахш этади.

Шоиранинг ҳарора ғазалларида ўзига хосликни таъминлаган хусусиятлардан яна бири фикрларнинг тезис кўринишида ифодаланишидир. Ҳар бир байт афоризм шаклига эга бўлади. Шоира уларни кенг тафсиллашдан, изоҳлашдан сақланади. Ижодкорнинг ўқувчига айтаётган мулоҳазаю хулосалари сўзларда тугамайди. Улар матн ортида ҳам давом этади. Ўқувчини мустақил фикрлашга, ўйлашга йўналтиради. Ҳар бир мисра ё байтнинг моҳиятини ўзи чақишига, сўнгги хулосани ҳам ўзи чиқаришига имкон қолдирилади. Бу имкондан фойдаланган ўқувчи, албатта, ҳаётнинг, яшашнинг, умрнинг ноёб фалсафаларини топишга муяссар бўлади. Чунки шоиранинг шоирликдан мақсади ҳам худди шундай – китобхонни ҳаётнинг моҳияти ва мақсадини англашга йўналтиришдан, маъноли яшаш асрорларидан сабоқ беришдан иборат.

Ғазалда шоира бадийий ниятини юзага чиқаришда тазод санъатининг ҳам алоҳида ўрни сезилади. Деярли барча байтларда руҳиятнинг зиддиятли манзараларини тасвирлашда шоира ундан маҳорат билан фойдаланади. Образ

характерини, унинг моҳиятини очишда карама-қарши маъноли тасвирлар муҳим аҳамият касб этади:

Тасаддуқ айлайин дерменки, ғайр аҳлиға жонимни,
Ғараз бул ёрни кўнгли учун рашк этти мужгонлар.
Фалакдин рашк етгач бошима, етти жафоу жавр,
Бу ўксуклик паришон ҳолима раҳм этти мужгонлар.

Ғазалда назарда тутилган бош масала ошиқ ва маҳбуба муносабати, икки образнинг характер хусусиятлари ва муҳаббат майдонидаги мақомини кўрсатиш масаласидир. Шоира мазкур мақсадни ифодалашда мужгон образидан фойдаланади. Ошиқ биринчи байтда жонини ғайр аҳлиға – ёрдан бошқа мавжудликларга садқа этишини ошкор этганда, мужгон рашк этгани ҳақида сўзланмоқда. Иккинчи байтда эса, шу ҳолатнинг натижаси сифатида, рашк туфайли ошиқ бошига келган жабру жафоларни кўриб, ошиқ ҳолига мужгонларнинг раҳм этганлиги борасида хабар берилмоқда. Кўринадики, байтдан байтга ўтган сари мужгоннинг жафожўйлиги ошкор бўла боради. Аммо ўрни билан зид тарзда раҳм кўрғазиши ҳам эътироф этилади. Ниҳоят, мақтаъ байтдан бир неча байт олдин, лирик қаҳрамоннинг мужгонга муносабати ўзгаради. Энди у жабрловчи ашёдани ижобий мақомга кўтарилади. Энди у лирик қаҳрамонни фоний дунё алоийқларидан узоқлаштирувчи, моҳиятга яқинлаштирувчи, кўнгилини маърифат нурлари билан ёритувчи воситага айланади. Бундан мужгон мазкур мақомга кўтарилгунча узоқ ва зиддиятли йўлни босиб ўтганлиги борасидаги нуқтаи назарнинг гувоҳи бўламиз. Кўринадики, ўзбек мумтоз адабиётида мужгон тимсоли ҳар доим ҳам бир хил маънода қўлланилмайди. Олдинги бобда биз унинг ҳижоб маъносини ифодалаб келганининг гувоҳи бўлган эдик.

Сўнгги байт ўқувчини фикрлашга; ишқ асрорига чулғанган сирлар дунёсига йўналтиради. Кўпчилик шоирлардан фарқли равишда, Увайсий ўз услубига хос тарзда, мақтаъда яқунловчи хулосани баён этмайди, қиссадан ҳисса чиқармайди. Балки Ҳақиқат йўлига хос бўлган сирлар ва синоатлар оламига ўқувчини етаклаб киради. Ғазалнинг шундай яқунланишининг ўзида

хам ғоя бор. Чунки илоҳийлик асрорининг тубига етиб бўлмайди. Шундай экан, Увайсий якуний хулосани эълон этмайди. Ошиқ, маҳбуба ва мужгон муносабати сирли ва баҳслилигича қолади. Мавлоно Румий “Ишқ устурлоби асрори худо” деганда, ишқ худо асрорини ўрганувчи восита эканлигини таъкидлаган эди. Ишқ воситасида синоат ўрганилади. Аммо ҳечам якуний хулосага келишнинг имкони йўқ. Шундай экан, Увайсий ҳам Румиёна мақомда туриб, ғазални сирли мавҳумлик билан якунлайди:

Увайсий, лоф урарсен мен муҳаббат, ёр келтурдум,
Ваё сендинму мендин дебон баҳс этти мужгонлар.

Рамз ўзида ғояни мужассамлаштирган тимсолдир. Уни фақат бадий образ сифатида қабул қилиш моҳиятни англамасликка олиб боради. Чунки рамз бу оддий тимсол ёки образга нисбатан кенг қамровга эгадир.

Увайсийнинг “чархи самоъ урсам” радибли ғазали ҳам ҳарора усулида яратилган. У 7 байтдан иборат. Қофия қўлланмаган. Радиф 3 та сўздан иборат. Ҳарора ғазал қонуниятига кўра, асарда кучли руҳий ғалаён, жўшқин пафосни сезиш қийин эмас. “Чархи самоъ урсам” радифининг ҳар бир такрорида ўқувчи кўз ўнгида, лирик қаҳрамоннинг жунун майдонида мастона чарх уриши ҳолати намоён бўлади. Кўнглида ишқ оташи шу қадар алангаланганки, ошиқ ишқининг машрабона шарорага эғалигидан далолат беради:

Не тонгдурким, жунун саҳросида чархи самоъ урсам,
Сочибон ҳар тарафга ўт яна чархи самоъ урсам.

Биринчи байтданок кўриняптики, ғазал бошдан охир кучли руҳий ғалаён натижасида юзага келган. Лирик қаҳрамон адабиёт ва ишқ майдонида таниган, гувоҳи бўлган барча мастона ошиқлар мақомига ҳавасланиб қарайди. Уларнинг изидан бориб, фонийликни унутиб, юксак илоҳийлик касб этишни орзулайди:

Ҳама мастоналарни ишқ майдонида то кўрдим,
Ҳавас бирла аларни олдида чархи самоъ урсам...
...Увайсий эмди бу дайри фанода беғам ўлтирма,

Ўтубон муддаолардин ажаб чархи самоъ урсам.

Қуйидаги байтда шоира ғазалда назарда тутган юксак, самовий муҳаббат аҳлининг қонуниятида рақсу самонинг ўрни ва моҳиятини ойдинлаштиради. Лирик қаҳрамон ҳавасланган мақомдаги ошиқлар учун тасбеҳ ҳам, таҳлил ҳам – барча-барчаси самоъ ва рақсдан иборат. Бошқа ҳеч қандай дунёвий ашёларни тан олишмайди. Улар ишқнинг юқори босқичига кўтарилган инсонлар. Уларнинг наздида руҳиятни ғалаёнга чулғаган ишқ шарорасигина хоҳлаган мақсадларига, моҳиятга олиб боради. Бошқа барча ашёлар (тасбеҳ, таҳлил...) улар учун моҳиятсиз ташқи зару зеварлардир:

Самои рақсдур девонатек тасбеҳу таҳлили,
Муҳаббат аҳлини қонунида чархи самоъ урсам...
...Дамо-дам ҳойу-ху айлаб ажойиб шўриши бирла
Раводур тинмайин шавқи бирла чархи самоъ урсам.

Шоира ишқ унинг азалий қисмати эканлигини кўп асарларида таъкидлайди. Мазкур ғазалда ҳам у яна бир бора шу фикрига қайтади. Ҳақиқий ишқ аҳли расму одатига кўра, бутун дунёнинг ўткинчи ҳавасларини унутиб, ҳамиша рақсу само тушишни орзу этади. Унинг бундай хулосага келиши замирида чуқур инсонпарварлик ва маърифат бор. Чунки асосий мақсади илоҳийлашиш бўлган инсон комил инсондир. Комил инсонлик мақоми эса одамзоднинг ҳаётидаги энг асосий ва муҳим мақсаддир. Бундай инсонлар илоҳий фазилатлар билан зийнатланганлар тоифасидир:

Азалдин пойи кўйиким, мени зори насибимдур,
Русуми ишқ эли бирла ҳама чархи самоъ урсам.

Ғазал таҳлилидан кўриняптики, у бежиз ҳарора усулида яратилмаган. Чунки унинг замиридаги туғён, ишқ оташи шарораси қолипларга сиғмасдир. Шоира назарида, ҳатто, қофия ҳам ундаги руҳоний ҳурликни, эркинликни тўсиб қўядигандек. “Чархи самоъ уриш” ҳолати – шоиранинг бош мақсади. Шу сабабли ҳам, уни фикр кульминацияси сифатида радиф этиб танлайди. Агар қофия қатнашганда, ўзбек тили грамматикаси қонуниятларига кўра, маъно урғуси радифдан олдинги сўзга кўчган бўларди. Бу ҳолат эса,

шоиранинг бадий мақсадини тўла намоён этишига маълум даражада тўсқинлик қилган бўларди. Шу сабабли ҳам, онгли тарзда ижодкор қофиядан воз кечади. Унинг вазифаси кучли ғалаён билан музайян ҳолатда радифга юкланади. Ана шундай анланган тарзда амалга оширилган ижодий жараён шоира маҳоратининг ноёб ва такрорланмас қирраси сифатида адабиёт тарихида муҳимдир. Ғазал орқали биз шоира ижодидаги ишқ моҳиятини, даражасини ва дунё ҳақидаги фалсафий дунёқарашини англаймиз. Булар борасида хулосалар чиқариш имкониятига эга бўламиз.

Увайсийдек истеъдодли шоира мумтоз адабий назарияни чуқур эгаллаганлигини ишонч билан айта оламиз. Бундай хулосага келишимизга унинг асарларидан кўплаб асослар келтиришимиз мумкин. У отинойи сифатида ёш ижодкорларни тарбиялаш вазифасини ҳам бажарган. Шундай экан, биз Увайсийнинг чуқур назарий маълумотга эга ижодкор эканлигига ҳечам шубҳа қилмаймиз. Бу фикримизни шоиранинг қуйидаги байти ҳам тасдиқлайди:

Увайсий, қофия танг ўлса ҳам мазмуни маҳвашдин

Хаёлин маҳкам эт, айғилки: "Эҳромингга салламно!"

Кўриняптики, Увайсий шеърятда мазмунга муҳим унсур сифатида ёндашмоқда. "Мазмуни маҳваш" ташбеҳининг ишлатилишида ҳам муҳим маъно бор. Мазкур жумла орқали мазмун асарга зиё, нур бағишлашига эътиборни қаратмоқда.

Шоиранинг яна бир "хоро захмидин" радифли ҳарора ғазали бор. У 8 байтдан иборат. Рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган. Қофия қўлланмаган.

Мазкур ғазал ҳам ошиқона йўналишда. Унда ишқ изтироблари, ошиқнинг мажнунваш дил кечинмалари тасвирланади. Аммо асарнинг ўзига хослиги шундаки, у фақат ифоданинг тор қобиғида қолмайди. Балки унинг мазмун қамрови кенг миқёсга эга. Ишқ билан бирга замона ноқисликлари, замондошларнинг торлигидан оғриниш оҳанглари ҳам сингдирилади. Ғазалда лирик қаҳрамон ўзининг ички туйғуларини, қисматини аҳли фано

тақдири билан параллел равишда ифодалайди. Ҳаётнинг долғали ғаму дардлари давоси сифатида ишқни малҳам каби тавсия қилади. Ишқ бўстонида аҳли фанога ҳеч қачон хоро – ғамнинг қаттиқ тош захмлари жароҳат етказа олмайди. Аксинча, уларни ғамдан озод этиб, руҳий кенгликка олиб чиқади:

Ғулғулаангез ғамни ишқ барбод айлагай,
Бок эмас аҳли фанога неча хоро захмидин¹⁰⁸.

Лирик қаҳрамон қатъий хулосага келади: аҳли дил учун ушбу хоро захмининг дарду ғамидан бошқа рафиқ – ҳамдард, дўст йўқлигини эътироф этади. Демак, ҳаётнинг машаққатларидан қутқарувчи, лирик қаҳрамонни руҳий кенгликларга йўналтирувчи восита сифатида унга баҳо беради:

Ҳеч йўқ олам аро ҳаргиз рафиқи аҳли дил,
Ғайр дарду ғамдин ўзга ушбу хоро захмидин.

Шоира фикрларини рамзлар воситасида ифодалайди. Жумладан, куйидаги байтда харобот, май, соғар каби тимсоллар қаҳрамон ички оламининг, айтаётган хулосаларининг кенг қамровга эгалигини кўрсатади. Лирик қаҳрамон табиатида, аёлларга хос таъсирчан туйғулар тасвири ҳам дунёвий, ҳам тасаввуфий маъноларни ўзида мужассамлаштиради. Мазкур мисралардан ишқ бобида аёллар эркининг чекланганлиги, маҳдудлиги англашилиб туради:

Бу харобот ичра май истарда синди соғарим,
Шишаи дил доимо бишкаста хоро захмидин...
...Мосиво халқи кийибдурмиш маломат хилъати
Ҳирқа узра ўткарибдур ришта хоро захмидин.

Шоира лирик қаҳрамон руҳий ҳолатини тасвирлашда ўзига хос ифода усулларида, воситалардан фойдаланади. У ишқ изтиробларини тасвирлашда хосларга оид мураккаб ифода воситаларини қўллайди. Биринчи байтда хижрон, айрилиқ ҳақида сўзланмоқда. Аммо бирор ўринда шоира бу

¹⁰⁸ Увайсий. Девон. – Т.: Фан, 1959, 226-бет.

сўзларни тилга олмайди. Ҳолатни рамзлар тилида тасвирлайди. Хароботда май ичиш истагини соғарнинг сингани барбод этиши айна айрилик ҳолатидир. Мақсадга етолмасликдир. Кейинги байтда мосиво¹⁰⁹ халқининг маломатдан либос кийиши, хирқаси тикилган ипларининг хоро захмидан – тошлар жароҳатидан эканлигини таъкидлаш лирик қаҳрамон изтироблари кўламининг кенглигини далиллайди. Айриликдаги, маломат остидаги ошиқ руҳий манзараларини ҳаётӣ деталлару ҳодисалар воситасида тасвирланиши асарда ҳаётӣлик, табиӣлик ва такрорланмас ноёб ифода усулининг намоён бўлишига хизмат қилган.

Асарда шикоят ва фош этиш руҳи устувор. Аммо мақтага борганда, лирик қаҳрамоннинг журъати ва жасорати юзага чиқади. У энди ноқисликлар билан курашиш учун майдонга чиқади. Ўзига ўзи, андишадан воз кечиб, фаол курашчига айланишга сўз беради. Ўзининг ички жасоратини уйғотишга шайланади:

Эй, Увайсий, барҳам айла дилдин эмди бу рақам,

Қилмағил андиша эмди бўлса хоро захмидин¹¹⁰.

Кўринадикӣ, мазкур ғазал ҳам жўшқинлик ва ҳарорат билан битилган. Ишқ изтиробларининг, айрилик заҳматларининг кескин жафоларини тасвирлаш билан бирга, лирик қаҳрамон руҳиятидаги уйғоқлик, жасорат ва улуғ мақсадга интилиш йўлидаги қатъият туйғулари ҳам ўз ифодасини топган.

Ғазал жанри, хусусан, унинг ҳарора турига хос айрим ўзига хос хусусиятлар борасида айтилган мулоҳазалар кўрсатяптики, шоира шеъриятидаги ҳар бир жанр, унинг такомил тарихи, ўзига хос янги жиҳатларини махсус ўрганиш ниҳоятда долзарб ҳисобланади. Чунки мазкур меросни шу нуқтаи назардан талқин этиш фақат Увайсийнинг эмас, балки ўзбек мумтоз адабиётининг жанрларга боғлиқ кўплаб муаммоларига ечим топишга имконият яратади.

¹⁰⁹ Мосиво – ғайр, ўзга, ундан бошқа (яъни, Оллоҳдан ўзга – И.А.) деган маъноларни ифодалаб келади. Мазкур фалсафӣ-тасаввуфӣ истилоҳнинг моадо деган иккинчи атамаси ҳам бор; Н. Комилов. Хизр чашмаси. – Т.: Маънавият, 2005, 65-бет.

¹¹⁰ Увайсий. Девон. – Т.: Фан, 1959, 226-бет.

Ўзбек мумтоз адабиётида фаол жанрлардан яна бири **мусамматдир**. У ижодкор фикр-ғояларини ифодалашда ғазалга нисбатан кенг ва чексиз имкониятларга эга. Шу сабабли у Увайсий адабий меросида алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг мусаллас, мураббаъ, мухаммас, мусаддас турларида ёзган асарлари бизга маълум.

Улар мавзу жиҳатдан ранг-баранг. Мумтоз адабиёт анъанасига кўра мусамматлардаги етакчи мавзу ҳам ишқ. Аммо, унинг замирида шоиранинг олам, одам, ҳаёт моҳияти ҳақидаги теран хулосалари, орифона ҳикматлари, ижтимоий фалсафалари ҳам ўз ифодасини топади. Мусаммат ижодкор “мен”ини, ўзлигини, дунёқараш ва тафаккур тарзини намоён этиш учун чексиз майдон вазифасини бажарган. Уларда Увайсий асарларидаги лирик қаҳрамоннинг кўп қиррали, теран мулоҳазали, кенг ва рангин дунёқарашга эга табиати намоён бўлган.

Мусамматнинг 8 та тури мавжуд бўлиб, 3 мисрадан 10 мисрагача ҳажмда қайтариловчи бандли шаклларга эга. Унинг дастлабки тури мусалласдир. Мусалласнинг луғавий маъноси арабча “уч қават”, “уч бурчакли” демакдир. Истилоҳий маънода мусамматнинг ҳар банди уч мисрадан иборат бўлган биринчи тури маъносини ифодалайди. Шарқ мумтоз адабиётида мусамматнинг мазкур турида санокли асарлар яратилган. Унинг Туркий адабиётдаги илк намунаси Носириддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асари муқаддимасида, Носириддин Тўқбуғабек мадҳи тарзида етиб келган¹¹¹.

Ўзбек мумтоз адабиётида адабий мактаб яратган ижодкорлар Алишер Навоий ҳам, Мунис, Огаҳий ҳам, Қўқон адабий муҳитида устоз раҳнамо мақомида бўлган Амирий кабилар ҳам мазкур жанрда асар яратмаган. Мусалласнинг жанр хусусиятлари ва тараққиёт босқичларини ўрганган адабиётшунос У. Тўйчиев “Учлик инқилобгача бўлган ёзма адабиётда дастлаб ва фақат Увайсий ижодида дуч келди”¹¹², деган хулосани баён этади.

¹¹¹ Д.Юсупова. Аруз вазни қоидалари ва мумтоз роэтика асослари. – Тошкент: Таълим-медиа, 2019, 142-бет.

¹¹² Адабий тур ва жанрлар. 3 жилдлик. 2 - жилд. Лирика. – Т.: Фан, 1982, 218-бет.

Адабиётшуносликка оид форсий рисоаларда ҳам, туркий тилдаги ягона манба Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул - балоға”¹¹³ асарида ҳам, мусаллас ҳақида маълумот учрамайди. Уларда мусамматнинг турлари назарий жиҳатдан изоҳланар экан, мураббаъни (тўртликни) таърифлаш билан бошланади. Муҳаммад Ғиёсуддиннинг мўътабар “Ғиёс ул - луғот” асарида “мусаллас” сўзига изоҳ берилади. Аммо адабий истилоҳ маъносида шарҳланмайди¹¹⁴.

“Фарҳанги забони тожики”да “мусаллас” сўзининг тўрт маъноси изоҳланиб, тўртинчи маъно адабий истилоҳ сифатида шарҳланади: “Яке аз шаклҳои шеъри, ки ҳар як банд аз ду мисраи ҳамқофия иборат буда, мисраи охири (сейъми) ҳама бандҳо ҳамқофия мебошад” (Мазмуни: Мусаллас шеър шаклларида бири. Унда ҳар бир банднинг икки мисраси ва ҳамма бандларнинг учинчи мисраси ўзаро қофиядош бўлиб келади)¹¹⁵.

Профессор У. Тўйчиев мусаллас ҳақида маълумот бературиб, “...Мусаллас тузилишида Оврупо терциналарининг таъсири бор”¹¹⁶, деган хулосага келади. Албатта, турли халқлар адабиёти ҳар доим бир-бирига таъсир кўрсатган. Айрим қирраларнинг ривожланишига туртки бўлган. Аммо биз, бу фикрни инкор этмаган ҳолда, ўзбек адабиётида мавжуд мазкур жанр намуналарини кузатар эканмиз, уларда халқ оғзаки ижодида учровчи уч мисрадан иборат бандли шеърларнинг таъсири борлигига амин бўламиз. Кейинги давр (XX аср) адабиётидаги учликларда ҳам халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиёт намуналарининг таъсири яққол намоён бўлади.

Адабиётшуносликда Чўлпон, Р.Парфи ижодида ҳам учликлар борлиги, аммо улар аруз вазнида эмаслиги, шу сабабли мусаллас жанрига мансуб деб бўлмаслиги айтилган¹¹⁷. Замонавий шеърятдаги учликларни Япон Хайку жанри таъсирида вужудга келган деб талқин этувчилар ҳам бор. Аммо уларнинг шаклланишида дунё адабиётининг таъсирини инкор этмаган ҳолда,

¹¹³ Аҳмад Тарозий. Фунун ул-балоға. – Т.: Хази́на, 1996.

¹¹⁴ Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди 2. – Душанбе, Адиб, 1988, сах. 230.

¹¹⁵ Фарҳанги забони тожики. Жилди 1. – М.: Советская энциклопедия, 1969, сах. 750.

¹¹⁶ Адабий турлар ва жанрлар. 3 жилдлик. 2 - жилд. Лирика. – Т.: 1992, 218 - бет.

¹¹⁷ М.Тожибоева. Жаҳид адабиёти ва мумтоз анъаналар. – Т.: Мумтоз сўз, 2011, 100 -102- бетлар.

асосий замин мумтоз мусаллас ва фард каби жанрлар эканлигини эътироф этиш лозим.

Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий ижодида ҳам бир нечта - “Яшанглар, яшайлик, Турон”, “Бойбаччалар, семиринг” каби учликлар учрайди¹¹⁸. Улар шоирнинг “Миллий ашулалар учун Миллий шеърлар” туркумига киритилган. Халқ куйларига мослаб, халқ ашулалари йўналишида яратилган. Шу сабабли ҳам, уларда халқ оғзаки ижоди таъсири яққол намоён бўлади. Ҳамзанинг ўзи ҳам мазкур шеърларининг яратилиш сабаблари ва унинг айрим хусусиятлари борасида туркумнинг “Қизил гул” деб номланган бўлимида қуйидагича изоҳ беради: “Бу учинчи бўлимдаги шеърларда баъзи узун-қисқаликларни (хижоларни) ҳамда адабиётдан йироқлигини кўруб, адабиёт илмидан бутун деярли хабарсиз киши эканми, деювчи зотларга қарши бу адабиётдан хабарсизлик эмас, қора элимизни тушунувина ўнғай бўлсин учун бўлса керак. Ҳамда бизим ашулаларимизда о-о-ой..., во-о-ой..., ҳо-о-о-й..., ё-ё-ё... каби авж исми ила қисилмиш ортиқча овозлар кўп. Мана у аҳамиятсиз товушлар ўрнига қисқа-тўмтоқ бўлса-да, керак сўзлар киритилганга ўхший, деб шояд бизим тарафимиздан жавоб берувчилар-да бўлур, деб узун – ихтор (қисқа) ёзмоқга туртунуб юрмадук. Ҳақиқатда қасддан ўзбек тилида экан, биз ўзбек тилига яқинлашдурмоқга киришдук. Бу тўғриларда қусурларимизга афвларин рижо ва ниёз этармиз”¹¹⁹. Кўринадики, Ҳамзанинг ўзи мазкур асарларида қатъий мумтоз қонуниятларга амал этилмаганлигини эътироф этмоқда. Бу камчилик эмас, балки мақсадли тарзда амалга оширилганлигини таъкидламоқда.

Ҳамза Ҳақимзода Ниёзийнинг мазкур учликларида даъваткорлик руҳи устувор. Ёшларни уйғонишга, маънавий маърифатга, камолотга ундов ўз ифодасини топади. Ҳар бир банд пастдан юқорилаб борувчи бир хил ритмик композицияга эга. Ундаги фикрлар тараққийси ҳам ритмик композицияга мос. Жумладан, биринчи бандда Турон аҳволи баёни берилиб, учинчи мисра

¹¹⁸ Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. 2- том. – Т.: Маънавият, 1983, 39, 53 - бетлар.

¹¹⁹ Ўша асар, 33-бет.

“Йиғланглар, йиғлайлик, Турон”, деган даъват билан якунланса, охириги бандларга келганда, “юринглар, юрайлик, Турон”, “Яшанглар, яшайлик, Турон”, деган яшовчанлик руҳидаги ундовлар ва даъватлар билан тугалланади.

Бизга маълумки, мусаммат жанрларида бандлардаги мисралар ўзаро, сўнгги мисралар эса мустақил умумий қофияланади. Ҳамзанинг юқорида тилга олинган асарларида худди шу хусусият сақланади. Улар ааб; ввб; ггб... тарзида қофияланган. Аммо вазн масаласида мусаллас жанри қонуниятларига мос келмайди. Улар арузда эмас, балки бармоқ вазнида яратилган. Ҳамзанинг юқорида келтирилган эътирофлари ҳам бу фикримизни тасдиқлаб турибди.

Ҳамзанинг “Яшанглар, яшайлик, Турон” шеърисида берилган изоҳга кўра у машҳур халқ ашуласи таъсирида яратилган: “...Фарғонада илқо топмиш “Айтайлик, ўртоқ” номинда бир ашуладир:

Бизни ҳовли йўлингиз, ўртоқ - ей,
Чинни бахмал тўнингиз ўртоқ - ей,
Айтинглар, айтайлик, ўртоқ”¹²⁰.

Халқ ашуласида мисралардаги бўғинлар сони 10+10+8, иккинчи учликда эса 14+14+13 кўринишида. Бўғинларнинг 12+8+8 кўринишдаги миқдори Ҳамза асарининг ҳам бошдан охиригача кузатилади. Ашуладаги чақирик, даъват усули ҳам сақланган. Бу эса унинг чуқур ижтимоий мазмундаги ғояларини ёшларга осон, аниқ ва таъсирли етказиш имконини берган. Мисралардаги ритм сўзларнинг ўринлашиши ва, ҳатто, товушларнинг қўлланилиш тартиби (тавзеъ санъати) воситасида яратилган. Улар ёрдамида асарга жанговарлик, даъваткорлик ва руҳиятни уйғотувчи кўтаринкилик кайфиятлари бахш этилган:

...Токай тепса тебранмай ухлаб ётармиз,
Балчиқларга ботармиз-ей,

¹²⁰ Ўша асар, 39- бет.

Туринглар, турайлик, Турон!

Эмди билимсизликдан ўзни қутқозуб,

Кериб кўкракни ёзиб-ей,

Юринглар, юрайлик, Турон!

Кўринадик, Ҳамза ижодида учрайдиган учликлар шакл ва қофияланиш жиҳатидан мусалласга ўхшаса ҳам, айрим хусусиятлари билан фарқланади. Мусаллас аруз вазнида ёзилади. Ҳамзанинг учликлари эса бармоқ вазнида яратилган. Шу сабабли уларга мусаллас жанрининг намунаси сифатида қараш мақсадга мувофиқ эмас. Аммо бу мазкур асарларнинг аҳамиятини зинҳор пасайтирмайди. Аксинча, уларнинг яратилган даври учун ҳам, замонамиз учун ҳам улуғ мақсадлар сари бошловчи мухташам, уйғотувчи руҳи биз учун ҳамиша муҳимдир.

Профессор У.Тўйчиев таъкидлаганидек, Жаҳонотин Увайсийга қадар ўзбек мумтоз адабиётида мусаллас жанрида асар яратилмаган. Барча шоирлар мусаммат яратаётганда, мураббадан бошлаган. Увайсийнинг Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида 1837 рақами остида сақланаётган девонидан “Раҳм этиб, ёраб, мени сен айла жонондин халос...”¹²¹ мисраси билан бошланувчи биргина мусаллас жой олган. Асардан шоиранинг мусаллас жанрига бир оз эркин ёндашгани кўрилади. Бу, айниқса, унинг қофияланишида намоён бўлади. Асар етти банд, йигирма бир мисрадан иборат. Ҳар бир банд ўзича алоҳида ааа, ббб, ввв... шаклидаги қофияланиш тизимига эга. Увайсий ижодига яхлит назар ташласак, унинг шеърдаги қофия унсурига бошқа шоирларга нисбатан эркинроқ ёндашганининг гувоҳи бўламиз. Ҳатто, шоира бир шеърда маънони қофия каби шаклий унсурлардан устун қўйганлигини кузатамиз:

Увайсий, қофия танг ўлса ҳам мазмуни маҳвашдин

Хаёлин маҳкам эт, айғилки: "Эҳромингга салламно!"¹²²

Ҳар банднинг алоҳида, мустақил қофияга эга бўлиши асардаги

¹²¹ Увайсий. Девон. Қўлёзма. Инв. Рақам 1837, 87-бет.

¹²² Увайсий. Мазмун маъдани. Шеърлар. – Т.: Академнашр, 2010, 18-бет.

силсилавийликка халақит бермайди. Уларни бир-бири билан боғловчи ички алоқа борлиги кўринади. Асардан мусаммат арабча “ипга тизилган маржон” маъносини англантиши бежиз эмаслигини англаймиз. Мусаммат турларидан бири бўлган мусалласда ҳам бу хусусият яққол намоён бўлади. Жумладан, Увайсий мусалласида ҳам бандлараро ички мазмуний алоқа сўнгги бандгача сақланади. Биринчи бандда қўйилган тезис, охириги бандгача кенгайиб боради. Шоира сўнгги бандда радд ул-матлаъ санъатини қўллади. Биринчи мисрадаги “Раҳм этиб, ёраб, мени сен айла жонондин халос...” жумласи, охириги мисрада бир оз ўзгариш билан “Раҳм этибон Вайсини додига сен етгил десам...” шаклида қайтарилади. Шунинг ўзиёқ, асарда мазмуний доира мавжудлигини кўрсатади.

Увайсий мусалласининг ҳар бир банди ўз композициясига эга. Жумладан, мисрадан мисрага ўтган сари фикр ривожланиб бориб, ҳар бир учинчи мисрада ҳикмат даражасидаги хулоса баён этилади. Ҳар бир учлик алоҳида, мустақил қофия тизимига эга. Биринчи, тўртинчи ва еттинчи бандларда қофиядан кейин радиф ҳам келтирилган. Ҳар уч банддан кейин радифнинг қўлланишида ҳам шоирона мантиқ бордек туюлади. Асар арузнинг рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган.

Мусалласнинг дастлабки банди, мумтоз анъанага кўра, Оллоҳга муножот билан бошланади. Асосий образ ошиқ тимсолидир. Унинг аҳволи ўз тилидан баён этилади. Унинг мақсади руҳоний хурликка, ваҳдат ҳолатига кўтарилиш. Бунинг учун эса икки тушунча жон ва жонон ягоналикка эришиши лозим. Шоира биринчи банддаёқ ана шу бош мақсадни тезис сифатида баён этади:

Раҳм этиб, ёраб, мени айла жонондин халос,
Бағрими қон этти, ул лаъли бадахшондин халос,
Жонни тандин қутқориб, кўнглимни армондин халос¹²³.

Руҳий озодликка эришиш – ошиқ кўнглидаги армон. Бу армонни бартараф этиш учун, жон тандан қутқарилиши лозим. Бу ифодалар ирфоний

¹²³ Увайсий . Девон. – Т.: Фан, 1959, 148-бет.

тушунчалар, тасаввуфий ғоялар, қарашлар талқинидир. Биринчи банддаги талқиннинг ўзиёқ, мусаллас тасаввуфий йўналишда яратилганини кўрсатиб туради. Жоннинг тандан, кўнгилнинг армондан халос бўлиши – ваҳдат ҳолатидир. Ошиқ худди ана шу мақомга интилмоқда.

Кейинги бандлар эса шу тезисни изоҳлаш, шарҳлаш, аниқлаштиришга хизмат қилади. Жон ва жонондан халос бўлиш истагининг сабаблари ҳақида сўзланади. Иккинчи бандда ошиқнинг руҳий ҳолати аниқ ва таъсирли ифодалаб берилади. Шоира ҳар бир сўзни қўллашда, унинг энг нозик маъно кирраларига ҳам эътибор беришга ҳаракат қилади. Жумладан, “Лутфинга роғиб элидин мен каби термулмағай” мисрасидаги “термулмағай” сўзи ошиқнинг интизорлик ҳолатини ифодалашда муҳим бадиий вазифани бажарган. Бу сўзнинг бирорта муқобили ҳолатнинг моҳиятини шу даражада чуқур етказиб бера олмайди:

Лутфинга роғиб элидин мен каби термулмағай,
Ҳайрати хоби хаёли ичра ҳайрон ўлмағай,
Ҳеч ғунча сен каби ҳолимни англаб кулмағай¹²⁴.

Банднинг учинчи мисрасидаги ғунча тимсоли ҳам кенг қамровли мазмунга эга. У фикрни биринчи банд билан боғлашга хизмат қилади. “Кўнгил армони” тушунчаси ғунча тимсолида янада аниқроқ мужассамлашади. Чунки кулиш, табассум қилиш тасаввуф истилоҳи сифатида тажалли, васл тушунчасига тенг. Ғунчанинг “кулмаслиги” – очилмаслиги эса маҳбубанинг ошиқ кўнглида тажалли топмаслиги маъносини англатади. Мазкур бандда шоиранинг сўзни англаш ва танлаш маҳорати ғунча тимсоли тасвирида яна бир бор намоён бўлади. Учинчи мисрада маҳбуба ғунчага қиёсланади. Унинг кўриниши, гўзаллиги, сирлилиги мазкур тимсол ёрдамида изоҳланади. Шу билан бирга, нозик ва маҳоратли чизгилар ёрдамида маҳбубанинг феъл-атвори ҳақида ҳам ишоралар беришга эришилади. Жумладан, ғунча ошиқ аҳволини тушуниб, кулмайди. Аммо маҳбуба эса унинг аҳволини кўра-била туриб кулади. Бу

¹²⁴ Ўша асар, 148-бет.

тасвир унинг табиатидаги шаддотлик ва кибрни кўрсатишга, характери ҳақида тасаввур уйғотишга хизмат қилади. Кўринадики, мазкур образ воситасида шоира асарда ҳам мажозий, ҳам ҳақиқий ишқ моҳиятини уйғунлаштиради. Асарнинг мазмун қамровини янада кенгайтиришга эришади.

Тўртинчи банддан бошлаб лирик қаҳрамон руҳида кўтаринкилик пайдо бўлади ва сўнгги бандгача сақланади. Ушбу ўринда ошиқ ўзини буюк қудратнинг зарраси сифатида ҳис қилади. Учликнинг учинчи, хулосаловчи мисрасида ошиқлик лирик қаҳрамонга азалий қисмат эканлиги баён этилади. Мазкур руҳий ҳолат қуёш, ой, ёр, ҳажр, кўз, кўнгил каби ўнга яқин рамзий тимсоллар воситасида ифодаланади:

Зарра эрдим меҳриға мен, моҳи шабгарди нетонг,
Ёр илкида кабоб, ҳажр илкида фарде нетонг,
Ютқузуб эрдим кўзу кўнглумни, то берди нетонг¹²⁵.

Шоира кейинги бандларда дашти жунун, Мажнун, Лайли каби тимсолларга мурожаат этади. “Ҳажридин ўзни йитурдим кирдим ул дашти жунун...” каби мисралар ошиқнинг юксак, жунунвор мақомидан дарак беради. Бундай мақомга кўтарилган ошиқнинг мақсади улканлашади. Энди у вужудий қафаслардан озод бўлиш иштиёқи билан ўртанади.

Жон қабул этмас, танимдин дармаҳал кетгил десам,
Ёр бовар қилмағай жон сўзиға битгил десам,
Раҳм этибон, Вайсини додиға сен етгил десам¹²⁶.

Эътибор берсак, биринчи ва сўнгги бандлар мазмунан бир - бирини тақозо этади. Гўёки, сўнгги бандда “ошиқнинг додига жон ҳам, ёр ҳам” етмайди. Асл мақсадга етиш иштиёқида ёнган ошиқ ўзига йўл излайди. Натижада, сўнгги банд биринчи бандга бориб туташади. Лирик қаҳрамон Оллоҳга мурожаат этиб, тан ва жонондан халос этиб, эҳтиёжсизлик мақомига мушарраф қилишни илтижо қилади. Кўринадики, Увайсий мусалласидаги

¹²⁵ Ўша асар, 148-бет.

¹²⁶ Ўша асар, 148-бет.

мазмун ички алоқадорликка, занжирли боғлиқликка эга бўлиб, умумий доирада бирлашади, яхлитлик ҳосил қилади.

Мухаммас ва мусаддас ҳам Увайсий меросида алоҳида эътиборга сазовор жанрлардан ҳисобланади. Улар ғазалдан кейин турувчи фаол жанрлардандир. Шарқ мумтоз адабиётида мухаммаснинг 2 тури кенг тарқалган:

1. Мустақил мухаммас (таъби худ)
2. Тахмис.

Иккала тур ҳам ижодкорнинг истеъдодини намоён этишда муҳим аҳамиятга молик. Аммо, айниқса, тахмислар яратиш “... шоирлар ўртасидаги ижодий ҳамкорлик ва муносабатларнинг кенгайишига, бадий маҳорат соҳасидаги тажрибаларни ўрганишга, оммалаштиришга... таъсир кўрсатган”¹²⁷.

Увайсий ижодида адабий анъана ва новаторлик масаласини шоиранинг мухаммаслари талқинисиз ёритиш мушкул. Чунки “тазмин мусамматчилик шоирнинг адабий традицияларга муносабати ва ихтирочиликка интилишининг мезонига айланади”¹²⁸.

Увайсийнинг Шарқшунослик институтида сақланувчи 1837- инвентарь рақамли девонига 29 та мухаммас киритилган. У мустақил мухаммаслар билан бирга, Навоий, Амирий, Жомий, Фузулий каби аллома шоирлар ғазалларига тахмислар ҳам яратган.

Увайсий тахмисларидан бири Навоийнинг “Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод, Булбул киби ҳажрингда ишим нолаву фарёд”¹²⁹ байти билан бошланувчи ғазалига боғланган. Навоий ғазали 8 байтдан иборат. Унда икки характер – ошиқ ва маҳбуба тимсоли мавжуд. У гўзал маҳбубага ошиқ тилидан мурожаат билан бошланади. Байтдан байтга ўтган сари тимсоллар табиатидаги зиддият муболағали тарзда кучайиб бораверади. Бу тўқнашувдан пайдо бўлган изтироб чақинини тасвирлашда, шоир тамсил санъатидан

¹²⁷ Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. – Т.: Фан, 1976, 105-бет.

¹²⁸ Ўша асар, 104-бет.

¹²⁹ Навоий Алишер. МАТ. 3-том. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. – Т.: Фан, 1988, 118-ғазал.

фойдаланади. Тамсил ошиқ ва маҳбуба табиатини ёритишда шоирга ниҳоятда қўл келади. У маҳбубанинг ҳар бир қилмишига ҳаётий мисолларни, ходисаларни параллел қўллайди. Бу эса тимсоллар тушган ҳолатнинг сабабини аниқлаштиришга, далиллашга хизмат қилади. Бу усул орқали китобхон тасавурида ошиқ ва маҳбубанинг реал ва аниқ қиёфаси чизиб берилади. Асарда ошиқ ва маҳбуба мақоми гул ва булбул муносабатига муқоясаланади. Мумтоз адабиётда ижобий маънода қўлланувчи мазкур тимсоллар Навоий тафаккури сарҳадларида янгича мазмун касб этади:

Гул яфроғи тирноғлар эрур бу чаман ичра,
Булбул пару болини юлуб бергали барбод.

Навоий ғазалини тузилишига кўра, маълум маънода, мустақил байтлардан тузилган (пароканда) ғазал дейишимиз мумкин. Чунки унинг байтларидаги фикрлар ошиқ ва маҳбуба ҳолатини турли нуқтаи назардан, турли томондан изоҳлайди. Аммо, асарни тўлиқ мутолаа этганда, яхлит руҳий манзара борасида тасаввур ҳосил бўлади. Турли ракурслардан берилган баҳолар яхлитлашиб, мазмуний яқпоралик ҳосил қилади.

Увайсийни мазкур ғазалга тахмис боғлашга рағбатлантирган маълум сабаблар бор, албатта. Бизнингча, авваламбор, ғазалдаги топқирлик билан қўлланган тимсоллардан, ноёб бадий тасвир воситаларидан навоийвор ўзига хос услубда фойдаланиш тамойиллари шоира эътиборини тортиб, мусобақалашига иштиёқ бўлса, иккинчидан, асар композициясидаги, маълум даражадаги, парокандалик шоирага асарни янада кенгайтириш, руҳий ҳолат тасвирини янада аниқлаштириш фикрига келишига асос берган бўлиши мумкин. Албатта, шоира тахмисдаги фикрларнинг мантиқий узвийлашуви, тимсоллар табиати ва қиёфасининг янада теран талқин этилганлиги бундай хулосага келишимизга асос бўлади.

Тахмисда Увайсийнинг маҳорати 1-банддаёқ яққол кўринади. Навоий ғазалидаги 1-байт, тахмисдаги 4-5-мисра гўзал ашёларга қиёсланган маҳбуба жамоли ва булбул каби нолаю фарёд чекаётган ошиқ кайфияти баёни билан бошланган. Увайсий мазкур байтга уч мисра қўшади. Ана шу мисралар

ўқувчи тасавурида ошиқ мурожаат этаётган ёр тимсоли қиёфасини анча ойдинлаштиради. Навоий мисраларида, асосан, ёрнинг гўзаллик чизгилари ифодаланган бўлса, Увайсий томонидан яратилган қўшимча мисраларда эса ошиқнинг руҳий ҳолати, кайфияти ҳам мукамал ифодасини топади. Ёрга қарата “султонлик, ҳокимлик” сифатлари қўлланилади. Бу эса ёр тимсоли моҳиятини кенгайтиради. Уни фақат маъшуқа маъносида эмас, балки бевосита Оллоҳга мурожаат маъносида ҳам тушунишга изн беради. Навоий мисраларида туйғулар сокинлик билан тасвирга олинган бўлса, Увайсий фикрлари шиддат билан ифодалана бошлайди:

Мен хастау зорингни бирор айламадинг ёд,
Султон сену ҳоким сену бас мен кима дей дод,
Умримни камолини ғаминг айлади барбод,
“Эй орази – насрин, сочи – сунбул, қади – шамшод,
Булбул киби ҳажрингда ишим нолаву фарёд”¹³⁰.

Мазкур мухаммас 8 банд, 40 мисрадан иборат. Банддан бандга ўтган сари ошиқ руҳий ҳолати тасвирининг қамрови кенгайиб бораверади. Навоий ғазали тамсил санъати асосида яратилган. Ҳар байтнинг 2-мисраси шоир фикрини асословчи жумла. 1-мисра эса, асосланувчи фикр. Увайсий асословчи мисрадаги маънони янада кучайтириб беришга эътиборини қаратади. У қўшган 3 мисра ҳар бир банддаги мақсадни янада мукамаллаштиришга, аниқлаштиришга хизмат қилади. Буни амалга оширишда шоира фикрий тазоддан ўринли фойдаланади:

Муҳтож эрурмен туну кун аҳли сафоға,
Шояд яди покин кўтарур бўлса дуоға,
Раҳм этмади мен булбули шўрида навоға,
“Ашкимни кўруб тез бўлур майли жафоға,
Оре итимас чунки суве бўлмаса фўлод”¹³¹.

¹³⁰ Увайсий шеърятдан. Тузувчи М.Қодирова. – Т.: МКнашр, 1980, 104-бет.

¹³¹ Ўша асар, 104-бет.

Мазкур банддаги Увайсий мисраларида ошиқнинг “аҳли сафоға” мухтожлиги, меҳр-мурувват тилаб дуога кўл кўтаришига илинжи ифодаланadi. Ошиқ табиатидаги умидворлик тасвирланади. Аммо, натижа кутилгандек эмас. Ошиқ кўз ёшини кўрган маҳбуба янада жафокорлигини кучайтиради. Бунинг сабабини изоҳлаш учун чиройли асос келтирилади. Яъни, сув берилмагунча пўлат ўткирлашмайди. Кўз ёшини кўрган маҳбуба ишқ оташини – жафосини янада алангалатади. Бу ҳол шунга ўхшатиладики, пўладан пичоқ ясалаётганда, у сувга ботириб турилса, янада ўткирлашади. Металлнинг мўртлиги камаяди. Ошиқнинг кўз ёши тўкиши маҳбуба зулмига асос бўлди. Бу эса ошиқни янада чиниктиради. Мақсад йўлидаги мақомини мустаҳкамлайди. Шоира кўшган мисралар ҳам асосланувчи фикр моҳиятини ойдинлаштиришга, уларнинг ўқувчи тасаввурида янада аниқлаштириб берилишига хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида Навоий фикрларининг такомиллашувига замин яратади.

Навбатдаги бандда ошиқ руҳий ҳолатини ифодалашда Навоий биргина Фарҳод тимсолидан фойдаланган. Увайсий эса уни ёритишда Лайли ва Мажнун тимсолларини ҳам эслайди. Бу асардаги руҳий туғённинг янада кучлироқ пардага кўтарилишига, ошиқ дардининг аниқроқ тасвирланишига асос беради.

Топди бу кўнгул заррае Лайли хабаридин,
Қон бўлди юроким мани Мажнун хунаридин,
Фарҳод кутулди ўлубон дарди саридин,
Мингдин бир эмас ул юроким захмларидин,
Ҳар нечаки тоғ бағрини захм айлади Фарҳод¹³².

Увайсийнинг маҳорати, айниқса, сўнгги бандда яққол намоён бўлади. Бандма-банд кўтарилиб бораётган руҳий туғён бу ерда энг юқори нуқтага етади. Навоий байтига шоира томонидан боғланган мисралардаги лирик қаҳрамон мисолида биз энди табиатан латофатли, туйғулари нозик аёлни эмас, балки шиддатли, мардона ошиқ тимсолини кўрамыз:

¹³² Ўша асар, 105-бет.

Ким журъайи май ичмаса, мастоналиғ этса,
Бир чуғздек обод аро вайроналиғ этса,
Вайс эгри кўюб бўркини мардоналиғ этса,
Не айб Навоий киби девоналиғ этса,
Ҳар одаменинг ёри агар бўлса паризод¹³³.

Мазкур бандда май, кўнгил, ошиқ ва ёр тимсоллари бор. Уларнинг барчаси бир-бири билан алоқадор. Ёр - бош сабаб. Унинг паризод каби гўзаллиги ошиқ кўнглида ишқни алангалатган. У бир култур май ичмаган, аммо ишқ шаробидан сархуш. Ушбу ўринда ишқ май рамзи воситасида талқин этилган. У ошиқни беҳудлик мақомига кўтариш вазифасини бажаради.

Юқорида келтирилган сўнгги бандда лирик қаҳрамон табиатидаги тўфон ноёб талқинда юзага чиққан. Қўлланган ҳар бир сўз замиридаги шиддат ўз жарангини намоён эта олган. Мисрама-мисра тасаввуримизда шиддаткор, беҳуд, мажнунваш ошиқ тимсоли гавдаланиб бораверади. Шоира ва Навоий мисралари шакл, мантиқ ва руҳий туғён нуқтаи назаридан яхлитликка эришади. Иккала шоир, хусусан, Увайсий томонидан қўшилган мисралардаги мантиқий узвийлик, лирик қаҳрамон табиатидаги юксалиш босқичма-босқич намоён бўлиб боради. Навоий миисраларидаги сокин мантиқни шоира тасвирлари ғалаён тўла пўртанага айлантиради. Бу эса Увайсий маҳоратининг, шу ўринда, навоийвор мақомга кўтарила олганини кўрсатади.

Шоира лирик қаҳрамони характери, айниқса, устозининг “ўтру” радифли ғазалига боғлаган мухаммасида камолот босқичига кўтарилади. Ғазал бошдан охиригача тазод – қаршилантириш санъати асосида яратилган. Шоира бу санъатни мухаммасида ҳам сақлаб қолишга эришган. Ушбу санъат лирик қаҳрамон руҳий товланишларини, руҳий зиддиятларини ифодалашда ўнғайлик яратган. Оламнинг тараққиёти қарама-қаршилиқлар кураши

¹³³ Ўша асар, 105-бет.

конунига боғлиқ. Инсон рухий зиддиятларини – фонийлик ва боқийлик курашини енгиб ўта олсагина ҳақиқатни тушунади. Ҳаққа етишади:

Қўйса ким ишққа қадам, ваҳки гадо бўлғуси шоҳ,
Шамъ бўлса агар ул бўлғай икки олама моҳ,
Очилур фақру фанодинки, Худо сориға роҳ,
“Ул куш ҳажрида отсанг кечалар новаки оҳ,
Ҳоладек чарх тутар дафъиға қалқон ўтру”¹³⁴.

Шоира ушбу бандда ишқ ва ошиқлик ҳақидаги ўз карашларини равшан ифода этади. Ошиқ ва гадо. Ошиқнинг мақсад манзили битта. У висол талаби билан интилади. Шоҳ ва гадо . Шоҳнинг мақсади оламда бисёр. У молдавлат, юрт, дунё ғамида қайғуради. Аммо ишқ йўлига қадам қўйиб ошиққа айланиши билан у бисёрликни– жузвни унутади. Интилиши ягоналикка – куллга йўналади. Шоҳ ва гадо – икки қарама-қарши қутб. Аммо, уларни ишқ йўли бирлаштиради. Орасидаги фарқни, зиддиятни йўқотади.

“... Очилур фақру фанодинки, Худо сориға роҳ”. Хўш, дийдорига етказувчи фақирлик нима? “Фақр” сўзининг луғавий маъноси камбағаллик. Фалсафий маъноси-чи? Фақр фақат йўқсиллик маъносини ифодаламайди, У моддий эҳтиёжсизликни, ботиний хурликни, ахлоқий камолотни ҳам англатади, Демак, шоира “фақру фано Худо сориға йўл очар” деганда худди ана шу ахлоқий камолот кўшикка кўтарилган, Оллоҳдан ўзга барча моддийликка эҳтиёжсиз комил инсон йўлини назарда тутган.

Увайсий шеърий меросини кузатсак, унинг мутасаввуф шоира сифатида туғёнли туйғулар соҳибаси бўлиш билан бирга, тасаввуф таълимоти борасида чуқур илмий-назарий билим қамровига эга алломалиги ҳам кўриниб туради. Унинг тасаввуф билан боғлиқ ҳар бир фикри мустаҳкам асосга эгаллиги намоён бўлади. Бандда қўлланган шоҳ ва гадо, шам ва моҳ (ой) образларининг бир-бири билан муқоясаланиши орқали ишқ моҳиятини теран асослаб беради. Ошиқни ҳақиқат йўлига йўналтирувчи восита ишқ

¹³⁴ Увайсий. Кўнгил гулзори. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1983, 247-бет.

эканлигини ноёб бадий тасвир унсурлари орқали изоҳлайди. Фақру фано сўнгги босқичлигини ўзига хос усулда таъкидлайди.

Увайсий Навоийнинг яна бир “ғараз” радибли ғазалига ҳам мухаммас боғлаган. Ғазал фалсафий – орифона йўналишда. Унда шоир ишқ, ошиқ ва маҳбуба билан алоқадор айрим тимсоллар моҳиятини шарҳлаш йўлидан боради. Жумладан, қуёш васфи – ой юз мадҳи, оби ҳайвон – шакар лаб, жаннат сувида қуёш жилваси – кўзгу ичидаги чехра акси, Фарҳод тоғи ва тешасининг захми – дарду машаққатдан эзилган жисм, умр вафосизлиги - жафокор шўх.

Параллел келтирилган предмет ва ҳодисалар инсон умрининг моҳиятини, яшаш тарзини ва сабабини ташкил этади. Демак, бу қисқа мисраларда Навоий олам ва одамнинг яратилиш сабаби ва яшашдан мақсади моҳиятини ёритишни ният қилган. Бу ғазалдаги талқин шоир лирикасидаги тимсоллар моҳиятини англашимизда шарҳ, очқич вазифасини бажаради, деб ўйлаймиз.

Ғазалга Увайсий боғлаган мухаммас 6 банддан иборат. Увайсий ва Навоий лирик қаҳрамонининг дунёни англашида мутаносиблик, яқинлик бор. Шу сабабли, Увайсий устозининг мазкур ғазалига тахмис боғлайди. Шоира кўшган мисралар натижасида мазкур асар шакл ва мазмун жиҳатдан янада мукамаллашади:

Гунчани ёд айламакда, ёр, гулзоринг ғараз,
Тўтидин дам урмаким лаззати гуфторинг ғараз,
Ким қариби ул ҳаримидур сазоворинг ғараз,
Эй қуёш, васфин демакдин моҳи рухсоринг ғараз,
Оби ҳайвон зикридин лаъли шакарборинг ғараз.

Айниқса, сўнгги икки банд шоирлар дунёқарашини, ижодий ва ҳаётий мақсадлари моҳиятини ёритишда ниҳоятда муҳим. Барча бандларида ишқ ва ошиқнинг қилмиши ва ҳолати баён этилган. Инсон руҳиятида азалий ишқ билан туғилар экан, ана шу ишқ унинг баъзан масрурлигига, баъзан эса изтиробига сабаб бўлади. Ишқ ҳар кимга ҳар хил даражада берилади. Биз

мазкур асар асосида Навоий ва Увайсий ижодидаги ишқ ҳамда у билан боғлиқ тимсоллар моҳияти борасида ҳам хулоса чиқариш имконига эга бўламиз. Чунки Увайсий боғлаган мисралар Навоий ғояларини тўлғазиши билан бирга, шоира лирик қаҳрамонининг ишқдаги даражаю мақомини белгилашга ҳам асос беради:

Неча мендек чархнинг остида афгор этмагинг,
Неча мендек Мансури Халложни дор этмагинг,
Ишқ савдоси била расвои бозор этмагинг,
Ул қуёшқа, эй фалак, мен заррани зор этмагинг,
Зарраи мақсуд йўқ жуз бизга озоринг ғараз.

Мазкур мисраларда ошиқ ўзини зарра, маъшукани қуёшга менгзайди. Мазкур тимсоллар Навоий фикрлари рамзий маъно касб этишини кўрсатади. Унда илоҳий тажалли фалсафаси, мазҳар назарда тутилган. Буни яхши англаган Увайсий қўшимча мисрада “Анал Ҳақлик” ғоясининг асосчиси Мансур Ҳаллож тимсолини ёдга олади. Энг муҳими ўзини ошиқ сифатида Мансур Ҳалложга тенглаштиради. Бу аниқлаштирув мазкур банддаги Навоий мақсадини янада мукаммаллаштиради ва ўқувчи тафаккуридаги англамни ойдинлаштиришга хизмат қилади.

Фалсафада сабаб ва оқибат тушунчаси бор. Оқибатни биз мақсад деб англасак, сўнгги мисрада мақсадга етиш йўқлиги, балки сабабнинг ўзи оқибат, яъни мақсадлиги баён этилади. Бунда биз ваҳдати вужуд, тажалли, Анал Ҳақлик тушунчаларининг моҳияти ифодасини кўрамиз. Увайсий ва Навоий ижодининг фалсафий асоси битта, яъни нақшбандийлик тариқати. Шу боис шоиранинг олам, борлик, ҳаёт моҳияти ҳақидаги мулоҳазалари устози тасаввурига яқин ва монанд.

Увайсий тахмисда Навоий фикр, ғояларини такомиллаштирар экан, сўз ва тимсол қўллаш, бадий тасвир воситаларидан фойдаланиш маҳоратига алоҳида эътибор қаратади. Асардаги туғёнли туйғулар ифодаси тўлқинли ритм воситасида тасвирланади. Дастлабки мисраларда ишқ ва ошиқлик сабаблари сокин бир ритмда баён этиб бошланса, маълум бандларга бориб,

тўлқин энг юқори ғалаёнли чўққига чиқади. Сўнгги бандга бориб туйғулар ритми яна сокинлашади. Дилга лирик қаҳрамон томонидан чархдан шикоят ноўринлиги, балки азалдан ишқ элининг ҳалоки учун қотил кўз яратилгани тушунтирилади. Умрнинг вафосизлиги, ўткинчилигига сабабчи ҳам шўх, жафокор дилбар эканлиги таъкидланади. Шу ўринда Навоий фикрлари билан Увайсий фикрлари маъновий ва шаклий занжир ҳосил этганини кўрамиз. Жумладан, Навоий умр ўткинчилиги ҳақида сўзлар экан, Увайсий “...ҳазон яфроғидек Вайсий юзи” деган жумлани қўллайди. Шу биргина ташбеҳ икки шоир фикрий занжирини яратади. Чунки, япроқ умрини яшаб бўлганда ҳазонга айланади. Ҳазон – умр сўнги рамзи. Унда умр япроқ ҳаёти каби қисқалиги ғояси Увайсий маҳорати туфайли сингдирилади. Сўнгги бандда ошиқ дил сокинлашади. Аммо, бу тушкунлик белгиси эмас, балки фалсафийлик, донишмандлик билан музайян сокинлик. Ҳазон тимсоли воситасида асарга куз фаслидаги донишмандлик ва фалсафийлик кириб келади. Бу эса ўқувчини қисқа умрнинг ғаниматлигини англашга, уни муҳаббат ва донолик билан яшаб ўтишга рағбатлантиради.

Увайсий Навоийнинг турли – ошиқона, фалсафий-орифона ва панднома йўналишдаги ғазалларига тахмис боғлаган. Қуйидаги асар панднома йўналишидаги ғазалга боғланган тахмис. Навоийнинг мазкур “ҳайф” радифли 9 байтли ғазалининг 8 байтига Увайсий мухаммас боғлаган. Ғазалнинг бешинчи байти назардан соқит қилинган. Шунинг учун мухаммас 8 банддан таркиб топган. Қуйидаги байтдан у шоирнинг умри сўнгида ёзилган асари деган хулосага келишимиз мумкин:

Кечти умрум нақди ғафлат бирла нодонлиғда, ҳайф,
Қолғони сарф ўлди андуху пушаймонлиғда, ҳайф¹³⁵.

Увайсий тахмисидаги лирик қаҳрамон руҳий ҳолатидан келиб чиқиб, шоира ҳам мазкур тахмисни қаролик даврида яратган деган хулосага келиш мумкин. Навоий ғазалининг биринчи байтига боғланган қўшимча мисраларда бу ҳол аниқ кўринади:

¹³⁵ Алишер Навоий. МАТ, 3-том. “Ғаройиб ус-сиғар” девони. – Т.: Фан, 1988, 303-ғазал.

Йиғламай кўз абри доим ўтти хандонлиғда ҳайф,
Ҳеч бўлмас одамени умри гирёнлиғда ҳайф,
Суд йўқ сўз бирла кетти жон сўзонлиғда ҳайф...¹³⁶

Маълумки, Навоий ҳам, Увайсий ҳам мазмунли умр кечиришган. Аммо, умр сўнгида иккала шоир ҳам ўз хатоликларидан пушаймонлик изҳор этишади. Бу, албатта, уларнинг ижодкор шахс сифатида яшашдан мақсад, умр мазмунига бўлган юксак талаблари натижаси сифатида қабул қилишимиз лозим.

Асар иккала шоир умрларининг сарҳисобига ўхшаб тасаввур уйғотади. Аммо, чуқурроқ назар ташласак, унда умумбашарий талаб ва истак мужассамлигини кўрамыз:

Хўблар мазмунидин келгай қулоғимга нидо,
Фақрдин юз урса ул кибр сари вовайлато,
Дедилар қутби замонлар ушбу сўзни моадо,
Яхшироқдурким¹³⁷ ҳисоб ўлғонда султондин гадо,
Ҳайфким, бўлгай гадо авқоти султонлиғда ҳайф.

Мазкур банд мазмуни тазод санъати воситасида чуқур, умумбашарий моҳият касб этади. Навоий султон ва гадо тимсолларини зидлантирган бўлса, Увайсий фақр ва кибр тушунчаларини қаршилантиради. Султонлик ва кибр инсонни дунёга яқинлаштиради. Фақирлик ва гадолик эса, аксинча, дунёдан узоқлаштиради. Дунёга ҳирс қўйиш илоҳийликдан йироқлашиш демакдир. Шундай экан, иккала шоир ҳам ўзлари англаган ҳақиқатлар орқали замондошларини шундай қусурлардан қутулишга, камолотга интилишга даъват этишган. Бундай доно фикр-қарашлар инсонларни ўз умр йўлларига хушёр боқишга рағбатлантиради. Хокисорлик ва фақирлик каби илоҳий фазилатларни феълларида шакллантиришга ғайратлантиради.

Маълумки, Увайсий шоира сифатида барча ҳаётий масалаларни ўз асарларида ишқ воситасида талқин этган. Қуйидаги бандда у худди шунга

¹³⁶ Увайсий шеърятидан. – Т.: МКнашр, 1980. 106-107-бетлар.

¹³⁷ Навоий МАТ нашрида бу сўз ўрнида “чун енгилракдур” сўзлари ёзилган.

эйтибор қаратади. Аммо, асарнинг умумий руҳидан келиб чиқиб, ўз фикрларини Навоий мисралари билан шундай мохирона боғлайдики, асар бир шоир қаламидан чиққандек яхлитлик ва равонлик касб этади:

Эй санам, ишқинг тану жоним аро пинҳон эрур,
Ул сабабдур менда ҳар обод бор вайрон эрур,
Жоним ул абрў хилолин садқаси , қурбон эрур,
Ҳар на айтган сўзларим чиндур десам, ёлғон эрур,
Чин будурким: дегамеи умр ўтти ёлғонлиғда ҳайф.

Назаримизда, айнан мазкур бандда ҳам Увайсийнинг сўз қўллашдаги ноёб маҳорати намоён бўлади. “Эй санам, ишқинг тану жоним аро пинҳон эрур, Ул сабабдур менда ҳар обод бор вайрон эрур” жумласида сўзларнинг тўғри ва аниқ танланиши лирик қаҳрамон руҳий ҳолатини чуқур талқин этилишига сабаб бўлган. Шоира ошиқнинг вайронага айланган кўнгил ҳолатини, ишқ пўртаналарининг ғалаёнли қилмишини ноёб тасвирлаб бера олган.

Биз юқорида тахмислар мисолида фикр юритган айрим намуналардан кўринадики, Увайсий Навоий ижодига чуқур эҳтиром билан ёндашган. Унинг асарларида ўз туйғуларига монандликни ҳис этган. Олам ва одамга, ҳаёт ва яшаш мазмунига муносабатда яқинликни сезган.

Шоира тахмисларда Навоий ғояларини янада такомиллаштиради. У қўллаган тимсоллар тизимини, бадий тасвир воситаларини бойитади. Уларнинг ўзига хос, янги қирраларини кашф этади.

Дунёқараш, туйғулар, тимсоллар ва бадий тасвир воситаларидаги уйғунлик тахмисларнинг равонлик ва яхлитлик касб этишига боис бўлган. Сўз танлашдаги ўзига хослик, бадий ифодадаги нодир топилмалар уларни мукамал, янги асарлар мақомига кўтарган.

Шоира боғлаган тахмислар, яратган мустақил мухаммаслар ҳам унинг дунёқарашини, ҳаётга, инсониятга муносабати каби масалаларни ойдинлаштиришда муҳим ўринга эга. Уларда шоиранинг бадий ифодадаги ўзига хослиги ҳам намоён бўлади.

3.2 Увайсийнинг кичик жанрлар ва дostonнависликдаги маҳорати.

Ўзбек мумтоз адабиётида Жаҳонотин Увайсий ўз асарлари билан мумтоз жанрлар такомилида такрорланмас иқтидорини намойиш эта олган. Хусусан, мумтоз шеъриятдаги кичик жанрларда яратган асарлари бунга далил бўла олади. Шоира ижодида туюқ, рубоий, қитъа, чистон, фард каби жанрлар қўлланилган. Ўз Р ФАШИ да сақланаётган 1837 инв. рақамли, ягона қўлёзмада кичик жанрлар намуналари учрамайди. Улар Андижон Давлат педагогика университети кутубхонасида сақланаётган, Увайсий қариндошларидан олинган қўлёзма нусхаларда мавжуд. Уларнинг бизгача етиб келган намуналари ҳажм жиҳатидан кўп эмас. Аммо шунга қарамай, уларни илмий тадқиқ этиш жараёнида шундай хулосага келдикки, мазкур жанрлар шоира меросида муҳим ўрин эгаллайди. Увайсийнинг ижодий фаолиятида уларнинг ҳар бири жанр сифатида такомиллаштирилади. Мавзу, маъно ва бадий ифодада шоиранинг ўзига хос тамойиллари ва маҳорати намоён бўлади. Шундан келиб чиқиб, шоиранинг индивидуал ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва талқин этиш мақсадида, уларнинг айримларини ўзбек мумтоз адабиёти фонида қиёсий-тарихий аспектда ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Жумладан, фард – Шарқ адабиётидаги энг кичик жанр. У арабча “якка, ёлғиз” деган маънони англатади. Адабий истилоҳ сифатида эса, икки мисра - биргина байтдан иборат, мустақил асар демакдир. Унда кучли мантикқа эга бўлган ҳикматомуз фикр ифодаланиши шарт. Шу сабабли, фарднинг айрим намуналари халқ орасида мақол, афоризм даражасига кўтарилиб, кенг тарқалган. У жанр сифатида қадимийдир. Ҳатто, XII асрда яратилган, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк”, XIV аср ижод намунаси Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”ларида ҳам фард жанрига мансуб асарлар учрайди. Зеро, “... Ўтмишдаги қаламкашлар фардлар яратишни бир санъат,

санъаткорлик иши, маънолар хазинасидан гавҳар сочиш деб билганлар”¹³⁸. Адабиётшуносликда фард, унинг генезиси, пайдо бўлиш асослари, хусусиятлари ҳақида айрим мулоҳазалар билдирилган¹³⁹. Аммо, жанр сифатида унинг ҳали ҳал этилиши, ойдинлаштирилиши лозим хусусиятлари анчагина. Жумладан, фарднинг қофияланиши борасида адабиётшунослигимизда турлича нуқтаи назарни кузатамиз. Баъзи манбаларда “фардларда икки мисранинг қофияланиши шарт” дейилса, баъзиларида “фард мисралари ўзаро қофияланмайди”, баъзиларида эса “қофияланиши икки хил (а-а ва б-а) бўлиши мумкин” дейилади. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий 1436-1437 йилларда яратилган “Фунун ул-балоға” асарининг жанрлар баёни қисмида фардга тўхталиб шундай таъриф беради: “Фард икки мисра бўлур. Аввалғи мисраида қофия бўлмас...”¹⁴⁰. Асарда Камол Хўжандий, Салмон Соважий, Ҳофиз Шерозий, Хусрав Дехлавий, Кирмоний, Носир Бухорий, Саккокий Сайроний, Лутфийи Шошийларнинг фардларидан намуналар келтирилади. Ҳаммаси қофиясиз, яъни б-а шаклидаги фардлар.

Саккокий ва Лутфийнинг девонига ҳам қофиясиз, яъни б-а шаклидаги фардлар киритилган. Демак, адабий жараёндаги ҳолатдан хулоса чиқарадиган бўлсак, XV аср II ярмигача фард жанри юқоридаги шаклга эга бўлган. Яъни икки мисрадан иборат бўлиб, қофия қўлланилмаган. Аммо, жузъий ҳолларда унинг а-а шаклида қофияланган турига ҳам манбаларда дуч келдик. Лекин бу кўриниш хос хусусият даражасига кўтарилмаган.

XV аср иккинчи ярми, Алишер Навоий ижодидан бошлаб эса, бу жанрнинг янада такомиллашган кўринишларини учратамиз. Унинг “Хазойин ул-маоний” девонига 86 та фарди киритилган. Уларни кузатиб, қуйидаги хулосаларга келдик:

¹³⁸ Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. – Т.: Фан, 1976, 119-бет.

¹³⁹ Қаранг: ўша асар, 117-131-бетлар; Адабий турлар ва жанрлар. 3 жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Т.: Фан, 1992, 200-б.; Д.Қуронов ва бошқ.Адабиётшунослик луғати. – Т.: Академнашр, 2013, 345-б.

¹⁴⁰ Аҳмад Тарозий. Фунун ул-балоға. – Т.: Ҳазина, 1996, 69-бет.

Биринчидан, Навоий ўз фардларида ғоявий мундарижани янада теранлаштиришга, мавзу қамровини кенгайтиришга эришган. Уларда чуқур ҳикматомуз мулоҳазаларни, ҳаётий, муҳим хулосаларни баён этган.

Иккинчидан, Навоийга қадар, кўрганимиздек, қофия фард жанри учун хос хусусият бўлмаган. У бу жанрнинг ҳар иккала мисрасини қофиядош сўзлар билан зийнатлаган. Бу эса ўз навбатида асарга оҳангдорлик бағишлаган. Сўзларнинг ранг-баранг маъновий қирралари орқали эса шеър ғоявий теранлик касб этди. Қофиянинг шеърдаги вазифасидан келиб чиқиб, ўқувчи диққатини фикрнинг авж нуқтасига жалб этиш тамойилини яратди.

Учинчидан, Навоий девонларига киритилган 86 фарддан 80 таси қофияли, 6 таси қофиясиз шаклда яратилган. Бу эса шоир ижодида анъана ва новаторлик муносабатини белгилашда муҳимдир.

Навоийдан кейин фард жанри яна такомиллашиб борди. Кейинчалик айрим шоирлар ижодида тажнисли фардлар яратилганлигини кўрамиз. Тажнис, шакли бир хил сўзларнинг турли ўринларда турлича маъноларда қўлланилишидир. Бу шоирга бадиий ниятларини очишда кенг имконият яратади. Жумладан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур девонида 26 фарддан 2 таси тажнисли қофия, 23 таси қофияли, 1 таси қофиясиз кўринишга эга.

Фард жанри такомилида ўзбек халқининг истеъдодли шоираси Жаҳонотин Увайсийнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Бизга унинг 4 та фарди маълум. Уларнинг барчаси тажнисли қофия асосида яратилган. Ижодкор уларда ҳаётий тажрибаларидан англаган чуқур фалсафий мулоҳазаларини, ирфоний ғояларини ифодалаган. Ҳар бир фардда шоиранинг такрорланмас кузатувчанлик, хаёлчанлик инкишофини, ноёб бадиий ифода малоҳатини кузатамиз.

Увайсий девонига киритилган тўртала фард ҳам рамали мусаддаси маҳзуф (афойили: фоилотун - фоилотун – фоилун// тактеъси: - V - -/ - V - -

/ - V -)вазнида ёзилган. Уларда шоира шеърятига хос бўлган теранлик ва фалсафий мушоҳада сезилиб туради. Шоиранинг сўз танлашдаги маҳорати, тасвирий воситалардан фойдаланишдаги ўзига хослиги намён бўлади. Фикримизни қуйидаги фард талқини ҳам тасдиқлайди:

Дилбаро, ўлтур бошингдин айланай,

Пандим ол, ўлсам сўнгоким айла най¹⁴¹.

Зоҳиран қараганда, байт мазмуни оддий: “Эй дилбар, ёнимда ўтиргин ва насихатимни эшит. Агар ўлсам суягимдан най ясагин”. Аммо, шу ўринда савол пайдо бўлади. Хўш, нега лирик қаҳрамон ўлганда, суягидан айнан най ясашни сўраяпти? Шоирнинг мақсади, ғояси ана шу най тимсолида мужассамлаштирилади. Бу ўринда най рамзий образ сифатида қўлланилган. Шарқ мумтоз адабиётида най чуқур моҳиятга эга анъанавий тимсолдир. Унинг шеърятимизда турлича талқинлари бор. Жумладан, Жалололдин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асаридаги қуйидаги фикрлар най рамзи моҳиятини бир қадар ойдинлаштиради:

Тингла, най недин ҳикоят айлағай,

Айрилиқлардин шикоят айлағай.

Мен қамиш эрдим, кесиб келтирдилар,

Нола чексам, эл ҳама ўртандилар.

Сийна истармен тўло дарду фироқ,

Токи сўйлай шарҳи дарду иштиёқ.¹⁴²

Шарқ мумтоз адабиётини кузатсак, XIV аср, Мавлоно Жалололдин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асаридан кейин най образи алоҳида

¹⁴¹ Увайсий. Шеърлар. – Т.: Бадиий адабиёт, 1963, 223-бет.

¹⁴² Мавлоно Жалололдин Румий. Маснавийи маънавий. – Т.: Мериус, 2010, 8-бет.

юксак мақомга кўтарилади. Барча ижодкорларнинг асарларида мазкур образ янада фаоллик касб этади. Аммо илмда Румийга қадар ҳам найнинг рамзий маънода талқин этилиши учрайди. Хусусан, Шайх Аҳмад Ғаззолийнинг “Рисолаи таворих” асарида найга рамз сифатида ёндашилади. Аммо Румийдан сўнг бу ҳолат Шарқ мумтоз адабиётида изчиллик касб этади. Уни илмий далиллаш, талқин этиш ҳам анъанавийлик хусусиятига эга бўлди. Жумладан, Хоразмийнинг “Жаворих ул-асрор”, Яъқуб Чархий ва Абдурахмон Жомийнинг “Най рисоласи” “Маснавий”даги найноманинг энг қадимги шарҳларидир.

Кўринадикки, Румийдан кейин най мумтоз адабиётдаги май, ишқ, ошиқ, маъшуқа, булбул, гул, соқий, муғбача каби анъанавий рамзий тимсоллар сафига кўшилди. У ўзбек адабиётининг мумтоз вакиллари Лутфий, Саккокий, Гадоий, Атойи, Навоий, Огаҳий, Амирий, Увайсий кабиларнинг асарларида ҳам истифода этилди.

Най образини ирфоний маънода кенг қўллаш ва илмий талқин этишга Румий “Маснавий”сидан кейин алоҳида эътибор қаратилди. Айрим шоирлар ижодида най байт ёки мисра таркибида ташбеҳловчи образ тарзида қўлланган бўлса, айрим шоирларда найга бағишланган махсус асарлар яратилганлигига ҳам дуч келамиз. Жумладан, Увайсий ижодида най тимсоли фард жанрига мансуб алоҳида, махсус асар таркибида қўлланилади.

Хўш, Увайсийнинг мазкур фардида най қандай мазмунни ифодалаб келган? Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, най – мумтоз адабиётда турли маъноларда қўлланган. Жумладан, най, қалам, Муҳаммадий ҳақиқат, ориф, комил инсон, нафс, кўнгил рамзларини ифодалаган. Агар найни фақат оддий предмет сифатида англаш билан чеклансак, мумтоз маъноларни тор тушунган бўламиз. Уни кенг маънода ҳам турлича тушунамиз. Жумладан, Меърож туни ва ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) эришган ҳақиқат мажмуи, маърифатга тўлган ва атрофга маърифий нур таратаётган комил инсон, аввал

барча ғуборлардан тозаланиб, сўнгра илохий нафас билан тўлувчи кўнгил, ўз нуқсонларини англаб, ўзини ўзидан халос этган, нолон илохий садога айланган нафс. Жомий “най ўзидан ва халқдан фоний, Ҳақ билан боқий восиллар, мукаммал комиллардир. Най ўзидан буткул жудо ва ҳақиқатда унинг ноласи ўзиники эмас, соҳибига тааллуқлидир”¹⁴³, - дейди.

Най қамишдан ясалади. У қамишлигида ям-яшил, тирик эди. Сувнинг ичида, ундан баҳраманд ҳолатда яшноқ ҳаёт кечирмоқда эди. Аммо, уни кесиб аслидан, илдизидан айирдилар У айрилиқ изтиробидан сарғайди. Офтоб оташи тафтидан қовжиради. Уни кесиб, ичини барча ғуборлардан поклаб, ундан най ясадилар. Натижада, у ўз аслини соғиниб, нолаю фиғон чека бошлади. Демак, най аслият, ундан узоқлашиш ва соғиниш, ошиқ рамзи.

Увайсийнинг Бобораҳим Машраб шеърлятига эҳтироми юксак. Мутасаввуф шоира сифатида унинг қарашларида сўфий Машрабнинг тасаввуфий ғояларига мутаносибликни кузатамиз. Машрабнинг “Мабдаи нур” (Нурнинг бошланиши) асари Румий “Маснавий”сининг шарҳига бағишланган. Ўн саккиз байтли “Найнома” шарҳида “Най вужуди орифи Биллоҳдур”¹⁴⁴, - деган мисралар учрайди. Кўринадики, “Мабдаи нур” муаллифи найни ориф инсондир”, - дея изоҳляпти. Ориф эса олам, одам ва Оллоҳ муносабатини, моҳиятини мукаммал англаб этган комил инсондир. У най тақдирида ўз аслиятини, кечмиш ва қисматини ҳис этади. Энди най ғариблиқдан, хижрондан фиғон чека бошлайди. Рухиятнинг теран пардаларини тебратувчи най ноласи аслиятга, ўзлигига қайтиш иштиёқи, ишқ садосидир.

Демак, Увайсий фардида бу тимсолни бежиз қўлламаган. “Маснавий”даги “*Тингла найдин, чун ҳикоят айлагай, Айрилиқлардин шикоят айлагай*” байтининг ўзида шоир бутун олам ва одам моҳиятини

¹⁴³ Жалололдин Румий. Маснавий ҳикоятларига шарҳлар. Найнома. – Т.: Мухаррир, 2011, 283-бет.

¹⁴⁴ Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур. – Т.: Ношир, 2008, 33-бет.

муҳассамлаштиради. Найнинг нолон садосида айрилиқдан шикоятлар мавжудлиги ғоясида бутун олам яралишининг, ҳақиқатнинг намоёнини кўрамиз. Бутун ижоди давомида ўзликни англаш, ўзига етиш ғояларини тарғиб этган шоира ўқувчи диққатини яна бир бор най тимсоли воситасида ҳаёт моҳиятини англашга қаратади.

Демак, шоира фардлари теран фалсафий моҳиятга эга асарлардир. Кўрганимиздек, уларда шоиранинг мақсади, ғоялари ҳар доим ҳам ошкора жумлаларда баён этилмайди. Унинг фикрлари матн ортида ҳам давом этади. Ботиний мазмун ўқувчини ўйлашга, фикрлашга, мулоҳаза юргизишга мажбур қилади. Бу ўринда шоиранинг бадиий ниятини англаш учун китобхондан маълум тайёргарлик, румиёна тафаккур қамрови талаб этилади.

Тадқиқ этилаётган мазкур фардаги маъновий теранликка шоира ўзига хос тасвирий ифодаларни қўллаш воситасида эришган. Қисқа сатрларда бир нечта бадиий санъатлардан фойдаланган. “Айланай” сўзини қофия учун танлаб тажнис санъатини қўллаган. У биринчи мисрада хайрихоҳлик, меҳр-муҳаббат изҳори маъноларида ишлатилган. Иккинчи мисрада “айла най”, яъни “най – чолғу созини ясагин” маъносини беради. Бир сўзнинг турли маъноларини қўллаш ижодкорга тасвир ва фикр қамровининг чексиз ҳамда ноёб имкониятини яратади. Натижада, у қисқа ҳажмда теран моҳиятни ифодалашга эришади.

Ушбу фарда Увайсий ийҳом санъатидан ҳам маҳорат билан фойдаланган. Маълумки, ийҳом улкан истеъдодни талаб этадиган, мураккаб санъат. У сўздаги яширин маъно қирраларини фаоллаштиради. Кашф этилмаган маъновий товланишларни жилолантиради. “Сўзлардан сўзларни уйғотади”. Бу санъатга Шайх Аҳмад Тарозий “Фунун ул-балоға”да юқори баҳо беради: “Билгилким, бу санъатларнинг ҳар бирининг шеърда алоҳида зийнати бордур. Фааммо, ийҳом бирла хаёлнинг ўзгача ҳолати бордир”¹⁴⁵. У

¹⁴⁵ Аҳмад Тарозий. Фунун ул-балоға. – Т.: Хазиана, 1996, 99-бет.

ийҳомга қуйидагича таъриф беради: “Бу анингтеқ бўлурким, лафзекиқ, андин уч маъно қўпқой. Ва баъзилар айтурларким, икки маъно бўлғай. Иккаласи қарийб”¹⁴⁶.

Бу санъатни Увайсий фардида маҳорат билан қўллаган. У “ўлтур” сўзи воситасида ийҳом яратган. Сўзнинг икки маъносини назарда тутган. Биринчиси “ўтирмақ” феълининг, иккинчиси “ўлдирмақ” феълининг буйрук майли маъносида истифода этилган. “Ўлтур” сўзининг биринчи маъноси зоҳирий маъно. Унда лирик қаҳрамон дилбарга мурожаат қилиб, ёнида ўтиришга ва насиҳатини тинглашга таклиф қилади. Сўзнинг иккинчи маъноси ботиний мазмунга эга бўлиб, лирик қаҳрамон маҳбубага мени ўлдир, деб илтижо қилади. Бу илтижонинг замирида биз фалсафий моҳият кўраимиз.

Маълумки, инсонни вужудий интилишлар руҳоний ҳаётдан узоқлаштиради. Моддийликка мағлуб киши асл мақсаддан, илоҳий файздан, баҳрамандликдан чалғийди. Шундай экан, Увайсийнинг ижодкор сифатидаги умумий фалсафий дунёқарашидан келиб чиқиб, у вужудий қафасдан озод бўлишни орзулаяпти, деган хулосага келамиз. Бу фикримизни кейинги мисрадаги “... ўлсам сўнгаким айла най” жумласи ҳам асослайди.

Кўринадикки, шоира шеъриятидаги най тимсоли орқали биз аслиятни соғиниб, унга етиш илинжида фиғон чекаётган оташин ошиқ рамзини англаймиз. У ошиқ ва ориф зот сифатида ҳаётнинг, тириклигу уйғоқликнинг моҳиятини теран идрок этади. Увайсийнинг “ўлсам сўнгаким айла най”, дейиши бежиз эмас. Тасаввуф таълимотида ўлимга фожиа деб қаралмаган. Аксинча, у орифни вужудий қафасдан халос этувчи, унинг руҳига ҳурлик ва озодлик бахш этувчи восита сифатида баҳоланган. Увайсий лирик қаҳрамони ҳамиша ишқнинг ана шундай мўтабар мартабасига етишни орзулаган. Шоира ўзининг бадийий ниятини амалга оширишда эса най тимсолидан

¹⁴⁶ Ўша асар, 99-бет.

маҳорат билан фойдалана олган. Чунки ишқ изтироблари, ошиқлик нолаларини, ҳатто, сўз ҳам най оҳангичалик ифодамайди. Зеро, буюк алломалардан бири, “Қалб, тафаккурга нисбатан, оҳангда кўпроқ акс этади”, дея бежиз айтмаган.

Шарқшунос олима Л.Н. Серикова Алишер Навоий фардлари ҳақида гапирар экан, “... Агар шоир айна мавзу ва образни бошқа жанрда қўллаган бўлса ҳам, фардда улар ўзгача талқин топади”¹⁴⁷, дея баҳо беради. Бу ҳолатни биз Увайсий фардларида ҳам кузатамиз. Увайсий девонида бир ғазал бор. У ҳам “Дилбаро, ўлтур, бошингдин мисли гардун ўргулай...”¹⁴⁸ мисраси билан бошланади. Фардда шоиранинг инсон ҳаёти, яшашдан мақсади ва дунё моҳияти ҳақидаги фалсафий мушоҳадалари сингдирилган бўлса, ғазал ошиқона йўналишда. Унда ошиқнинг ишқ пўртаналаридаги мажнунвор руҳий ҳолати ифодаланади. Ғазалда лирик қаҳрамоннинг дунёвий ва руҳоний кайфиятлари, улар ўртасидаги зиддият, кураш ўз ифодасини топган. У шундай бир руҳий ҳолатдаки, замон ва макон муносабатини унутган. Унинг наздида, мазкур икки тушунча бирлашиб, яхлитликка эришган. Ошиқ эса ана шу яхлитликка сингиб кетган:

То кўриб расволиғим ор этма, эй ҳуш маъдани,

Бовар этгил кеча кундузларда макнун, ўргулай [9, 62].

Мазкур байтда ҳам Увайсий шеърятини – маънолар маҳзани эканлиги яна бир бор исботланади. Шоира ўз фикрларини сирлар ортида ифодамайди. Мазкур синоат эса тазод санъати воситасида намоён бўлади. Биринчи мисрада хушёрлик ва беҳудлик, иккинчи мисрада эса кеча ва кундуз тушунчалари бир-бирига зид тарзда қўлланади. Шоира айтмоқчи фикрнинг авж нуқтаси иккинчи мисрада, яъни “тун кундузлар замирида яширинган” маъносида мужассамлашган. Демак, кундуз бу – нур бўлса, кеча, яъни

¹⁴⁷ Серикова Л.Н. Малые формы лирики Алишера Навои (кытга, рубай, фард). – Т.: Фан, 1981, 86-бет.

¹⁴⁸ Увайсий. Девон. – Т.: Фан, 1959, 62-бет.

зулмат ҳам ўз-ўзича мавжуд эмас. Нурнинг замирида у ҳам мавжуд. Шоира ғазалидаги лирик қаҳрамон беҳудлик ва хушёрлик ҳолатининг бир-бири билан боғлиқ руҳий жараён эканлигини иккинчи мисрадаги ҳаётӣй детал асосида исботлашга эришади. Чунки кеча ва кундуз ҳам зоҳиран караганда, табиатнинг икки хил ҳолатдаги ҳодисаси. Аммо шоира нуқтаи назаридан туриб идрок этсак, улар бир-бирининг замирида мужассам жараёндир. Тонг-кундуз туннинг замирида мавжуд. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Улар яхлитликда мавжуд ва ягоналикда идрок этиш тақозо этилади. Ғазалдаги бундай нуқтаи назар шоира дунёкарашидаги ваҳдат фалсафаси билан чамбарчас боғлиқ.

Лирик қаҳрамон ташна. У соқийга мурожаат қилиб май тилайди. Бу ташналиқдан, хуморликдан оҳ-нола чекмайди. Балки, ундан мамнунлик изҳор этади:

Соқийё, жон етди лабға, ваъда қил лаълинг майин,

Гарчи ман лабташнаман, хуммори мамнун ўргулай.

Бу ерда соқий, май, лаб, лаъл тимсоллари рамзий маъноларда – илоҳий ишқ унсурлари сифатида қўлланган. “Лаб, лаъл” сўзлари ирфоний луғатларда илоҳий файз, тажалли маъносида изоҳланади. Байтни шу нуқтаи назардан келиб чиқиб шарҳласак, мантиқий кўринади. Биринчи мисрада соқийга мурожаат, лаб, лаъл сўзлари воситасида, васл илинжида азобланаётган ошиқ руҳий ҳолати намоён бўлади. Иккинчи мисрада эса, ҳақиқий ошиққа хос бўлган яна бир ноёб мақом юзага чиқади. Унинг сабр, қаноат даражаси шу қадар юксакки, ҳатто, васлга ташналигидан қатъи назар ишққа хумор, висолга муштоқлигининг ўзидан мамнунлик ҳис этади. Шунинг ўзида у масрурликка ва руҳий мувозанатга эришади.

Мумтоз адабиётда “кўз ёши тўкиш” фаол иборалардан. У кўнгилни поқлайди, ғуборларни аритади. Кўз ёшининг ойна каби тиниқлиги кўнгилга

кўчади. Шунинг учун ҳам покловчи восита сифатида у ошиқнинг йўлдоши. Кўз ёши ҳаётда ожизлик белгиси. Мумтоз адабиётда унинг ишқ билан ёнма-ён туриши, унинг билан мақсадга етишнинг таъкидланишида ҳам мантиқ кўрамиз. Чунки ҳақиқий ошиқ яратувчи олдида ожиз ва нотавон эканлигини чин дилдан ҳис этади. Бу эса ошиқнинг ўзлигини ва ўзини англаб етиш мақомини кўрсатади. Шу сабабли ҳам, шоира кўз ёшининг Жайхунлиги – дарё каби тошқинлиги ҳақида сўзлайди:

Тангри халқ этмиш мани муфлис гадолардин, нетай,

Йўқ дирам, йўқ тоатим, кўз ёши Жайхун, ўргулай.

Лирик қаҳрамон ошиқ, аммо оддий эмас, балки мажнунсифат ошиқ. Шунинг учун унинг ноласи, ҳасрати ҳам бошқача, ҳолати дигаргун. Ушбу ғазалда зоҳирий ва ботиний моҳият мужассам. Шоира охирги байтда шунга ишора қилади:

Демагил Вайсийни сан ул Вайсийи бехонумон,

Фаҳм қилғил ҳасратим, ҳоли дигаргун, ўргулай.

Сўнгги мақтаъ байтда “ҳасрат” сўзи қўлланган. Унинг луғавий маъноси шикоят, қайғу, дардга тўғри келади. Демак, ғазалда ҳам фарддаги каби шикоят, най билан боғлиқ тинглашга, фаҳмлашга ишораларни кузатамиз. Ундаги иккинчи шахсга мурожаат эса сўнгги байтнинг илк – матлаъ байт билан боғланишини таъминлаган. Бу ғазалга изчиллик ва байтлараро уйғунлик бағишлаган.

Аммо, фард ва ғазал яқин маъноли, деярли бир хил мисра билан бошланса-да, уларда ифодаланган маъно, шоиранинг иккала асаридан кўзлаган мақсади ўзгача. Фардда лирик қаҳрамоннинг олам ва одам моҳияти борасидаги мушоҳадалари фалсафий ва донишмандлик нуқтаи назаридан ифодаланган. Лирик қаҳрамон чуқур мулоҳаза юргизувчи файласуф, ориф

зот сифатида таассурот қолдиради. Ғазалда эса мажнунвор ишқ пўртаналарида ўзини унутган ошиқ тимсолини кўрамиз. У мажозий ва илоҳий ишқни ўзида мужассамлаштирган.

Кўринадикки, фард жанри Увайсий ижодида муҳим мавқеда турган. Борлиқ ҳақида ўзи англаган ҳақиқатларни ифодалаш, чуқур фалсафий, ҳикмат даражасидаги фикрларни баён этишда қўл келган.

Фардлар яратганда, Увайсий мумтоз адабиёт анъаналарини чуқур ўрганиб, улардан илҳомланиб, янада ривожлантириб, румиёна ҳикматларни яратишга эришган.

Шоира фардни жанр сифатида такомиллаштирган. Барча намуналарни тажнис асосида қофиялашга ҳаракат қилган. Зоҳирий, ботиний маъноларни назарда тутиш билан бир қаторда, шоиранинг фикрлари матн ортида ҳам давом этишини таъминлаган.

Фардда тезис сифатида айтилган донишмандона хулосалари айрим ғазалларида ҳам давом эттирилган, ривожлантирилган.

Кичик лирик жанрлардан яна бири **чистон (луғз)** Шарқ мумтоз адабиётида, хусусан, ўзбек мумтоз адабиётида ўзига хос сирли-синоатли назм намунаси ҳисобланган. Ҳар қандай сўз санъаткори ҳам шеърнинг бу ноёб усулида куч синаша олмаган. У юксак бадиий санъат намунаси сифатида баҳолаб келинган. Жумладан, Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарида эсланишича, Қул Убайдий донишмандлар билан бўлган бир суҳбатда луғзнинг адабий жараёндаги мавқеини шундай баҳолаган: «... луғз шеърнинг шундай навъики, таъб тарозусида ғоят мавзундир. Таъби ҳалол кишиларнинг унга майли ҳаддан зиёддир...».¹⁴⁹ Атоуллоҳ Ҳусайний ҳам «Бадойиъ ус-санойиъ» асарида луғзни шунга яқин изоҳлайди¹⁵⁰.

¹⁴⁹ Восифий З. Бадоеъ ул-вақоеъ. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1979, 48-бет.

¹⁵⁰ Ҳусайний Атоуллоҳ. Бадойиъ ус-санойиъ. – Т.: Фан, 1981, 105-бет.

У арабларда луғз, луғаз, форс ва туркларда чистон¹⁵¹ деб аталган. «Луғз, луғаз» сўзи мўътабар изоҳли луғатлардан бири «Ғиёс ул-луғот»да шундай изоҳланган: «Луғз – дашт сичқонининг ини. У жуда эгри-бугри бўлади. Яна форсчада чистон, деб аталувчи яширин сўз турининг номи»¹⁵². Кўринганидек, луғз сўзининг луғавий маъноси истилоҳнинг мақсадини тўла ифодалай олади.

Луғз истилоҳ сифатида арабларда шаклланган. XI асрда форс-тожик адабиётига кириб келган. Тожик адабиётшуносларининг таъкидлашича, чистон дастлаб қасида муқаддимасида ташбиб¹⁵³ тариқасида пайдо бўлган ва васфнинг бир қисми сифатида тараққий топган¹⁵⁴. Форс адабиётида биринчи чистонни Рудакий ёзган. Аммо, туркий адабиётдаги чистон жанри араб, форс адабиёти сарчашмаларидан баҳраманд бўлиш билан бирга ўзбек халқ оғзаки ижодидаги топишмоқ жанри билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Мумтоз адабиётшуносликка оид асарларни кузатар эканмиз, барчасида луғз мумтоз бадий санъатлардан бири сифатида талқин этилган. Қайс Розий, Рашидиддин Ватвот, Атоуллоҳ Ҳусайний, Аҳмад Тарозий, луғз ва муаммо ҳақида «Ҳулали мутарраз дар фанни муаммо ва луғз» (Муаммо ва луғз Фани тўғрисида безатилган ипак кийимлар) деб номланган алоҳида асар ёзган Шарафиддин Али Яздий ҳам луғзни ўз асарларининг бадий санъатлар қисмида изоҳлашган.

Атоуллоҳ Ҳусайний ҳам юқорида тилга олинган асарида луғз ҳақида батафсил тўхталади. Унинг луғавий маъноси, истилоҳий моҳияти ўз даври адабиётшунослигидаги ўрганилиш тарихини ёритади. Рашидиддин Ватвот, Қайс Розий, Шарафиддин Али Яздийларнинг фикрлари ва уларга ўз муносабатини баён этади. Улар билан баҳс-мунозарага киришади¹⁵⁵.

¹⁵¹ Кейинги ўринларда чистон деб қўллаймиз.

¹⁵² Ғиёсиддин Муҳаммад. Ғиёс ул-луғот. Жилди II. – Душанбе, Адиб, 1988, 211-с.

¹⁵³ «Ташбиб – луғатта хотун жамолининг сифатин ва ўзининг ишқий аҳволин демактур. Шуаро урфинда эса ул шеър бағишланган кишининг мадҳи ё ҳажвидин ўзга шеър бошинда берилган ҳар бир васфдин ибораттур» // Ҳусайний Атоуллоҳ. Бадойиъ ус-санойиъ. – Т.: Фан, 1981, 270-б.

¹⁵⁴ Зеҳний Т. Санъати Сухан. – Душанбе, Ирфон, 1979, сах. 134.

¹⁵⁵ А.Ҳусайний. Бадоеъ ус-саноеъ. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1981, 205-212-бетлар.

Аҳмад Тарозий “Фунун ул-балоға” асарида луғзнинг хос хусусиятларини аниқ ва содда тушунтириб беради: “Бу анингтеқ бўлурким, бир нарсанинг отин ва ҳақиқатин ёшуруб, мушаббах /ун/ бих лафзе бирла савол қилурлар”¹⁵⁶.

Биз ўзбек луғзларини кузатар эканмиз, савол пайдо бўлади: у жанрми ёки санъатми? Кўриб ўтганимиздек, мумтоз рисоаларда унга санъат сифатида баҳо берилган. Аммо девонлар таркибида жанрлар тартибида келтирилиши унга жанр деб қараш тамойилини шакллантирган.

Таниқли адабиётшунос Р.Орзибеков “Лирикада кичик жанрлар” асарида чистон ҳақида тўхталиб, ўзбек адабиётида дастлабки чистон Алишер Навоий томонидан яратилганини таъкидлайди: “Ўзбек халқ оғзаки ижодида Навоийгача ҳам топишмоқ усулидаги намуналар бўлса ҳам, лекин ёзма адабиёт вакиллари ижодида ҳозирча чистон шеърлар учрамайди. Алишер Навоий ўзбек классик шоирлари орасида биринчилардан бўлиб чистон айтишга киришди ва унинг ёзма адабиётдаги ўрнини қонунийлаштирди”¹⁵⁷.

Аммо, изланишлар натижаси шуни кўрсатадики, ўзбек адабиётида Навоийга қадар ҳам чистон намуналари учрайди. Жумладан, 1436-1437 йилларда яратилган Аҳмад Тарозийнинг «Фунун ул-балоға» асарида ўзбек тилида ижод этилган чистон келтирилади:

Недур ул лаълки, пайдо бўлур андин гуҳар,
Гоҳ пайдо бўлур анда маю гаҳ ширу шакар?¹⁵⁸

Жавоби «лаб» бўлган ушбу чистоннинг бадиий пишиқлиги унинг ўзбек адабиётида ягона ҳодиса эмаслигини кўрсатади. Маълум бир тарихий такомил жараёнига эгаллиги англашилади. Аммо, афсуски, аллома унинг муаллифини кўрсатмайди. «Фунун ул-балоға» асаридаги тамойилга кўра, Тарозий қаламига мансуб бўлиши мумкин, деб ҳисоблаймиз.

¹⁵⁶ Тарозий Аҳмад. Фунун ул-балоға. – Т.: Ҳазина, 1999, 127-бет.

¹⁵⁷ Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. – Т.: Фан, 1976, 151-бет.

¹⁵⁸ Тарозий Аҳмад. Фунун ул-балоға. – Т.: Ҳазина, 1996, 127-бет.

Чистон ҳар бир шоирнинг олам, одам ва борликни кузатиш, атроф-муҳитни илғаш даражасини кўрсатади. Унинг оддий предметлардан бадиий образ яратиш салоҳиятини аниқлаш мезони бўлиб хизмат қилади.

Увайсийнинг шоира сифатида шуҳрат топишида чистоннавислигининг алоҳида ўрни бор. Илмда у ўзбек адабиётида энг кўп чистон айтган ижодкор сифатида эътироф этилади. Унинг нашр этилган девонларида 13 та чистони бор. Аммо, манбаларда унинг “50 дан ортиқ чистонлари маълум”лиги баён этилади¹⁵⁹. Академик Авлиё Муҳаммадиев ўз хотираларида, ҳатто, шоиранинг “Чистонлар тўплами”ни кўрганини эслайди. Бир нечта бизга номаълум чистонлари номларини санайди: “Шоира энамнинг дугонаси бўлган. “Чистонлар тўплами”ни совға қилган. Афсус, 1930 йилларда жонимизни асраймиз деб араб алифбосида ёзилган жуда кўп қўлёзмаларни йўқ қилиб юборганмиз. Мен қовун тилиги, араванинг ўқи, қайчи, анор ҳақида ўнлаб чистонларни ёд олганман”¹⁶⁰.

Ижоди маҳорат чўққиси саналган Алишер Навоий девонига 10 та чистон киритилган. Биз Увайсийнинг чистоннависликдаги камолотини устоз шоир ижоди билан қиёсан ёритишга ҳаракат қиламиз.

Навоий ижодидаги чистонлар, асосан, ҳажм жиҳатидан катта. Улар 6,8,10 мисрадан фақат 2 таси 4 мисрадан иборат. Навоий чистон учун танлаган предметни батафсил тавсифлайди. Унга хос белги, сифат ва хусусиятларни аниқ кўрсатади. Инсон ҳаётидаги ўрни ва вазифасига ҳам эътибор қаратади. Асар замирига жамиятдаги, ижтимоий ҳаётдаги ҳодиса ва ҳолатларни сингдиришга ҳаракат қилади. Танлаган предмет ёки образ воситасида жамият ноқисликларини фош этади.

Навоийнинг девонида «Микроз» номли чистони бор. Шоир унда қайчининг тузилиши, шаклий хусусиятларини тавсифлайди. Тасвир жараёнида ҳар бир мисрада ўқувчини ҳайратлантиришга, чуқур фикрлатишга ҳаракат қилади:

¹⁵⁹ Р. Орзибеков. Лирикада кичик жанрлар. – Т.: Фан, 1976, 153-б.

¹⁶⁰ Мадаев О. Аллома Авлиёхон. – Тошкент, ЎзАС, 2006, 22 сент.

Не қушлар эркин аларким, бирардурур қаноти,
Қанотининг учида ҳар бирисига минқор.
Бирор аёғлари ҳам бору турфароқ буким,
Аёғ учида бирор кўз ҳам эттилар изҳор.
Қачон аёғларин олмаштурурлар, ул соат
Қанот урарға бўлурлар таюрдек тайёр.
Қанот кўп урмоқ ила бир кори учарлари йўқ,
Учарда гарчи коридур аларға истизҳор¹⁶¹.

Шоир қайчини шундай тасвирлайди: Қандай икки қушки, қанотлари биттадан. Ҳар бир қаноти учида тумшуғи бор. Биттадан аёғи ҳам бор. Аммо, ажабланарлиси шундаки, оёғи учида биттадан кўзи ҳам бор. Аёғлар ҳаракатга келганда эса, улар худди қушдек учишга тайёр бўладилар. Аммо, кўп қанот урганлари билан уча олмайдилар. Гарчи учсалар ҳам, уларга, албатта, мадад керак бўлади.

Навоийнинг маҳорати шундаки, қайчининг шаклий хусусиятларини аниқ, тушунарли ва мукамал тасвирлаган. Шоир қайчининг кўринишини бадий тимсолларда моддийлаштирган. Қуш, қанот, оёқ, кўз, тумшук тимсоллари шулар жумласидандир. Чистон 8 мисрадан иборат. Дастлабки 4 мисрада шакл кўриниши тасвирланади. Кейинги 4 мисрада эса шу предметнинг ҳаракатланиши назарда тутилади. Навоий Ушбу чистонда шоирона тахайюлнинг ноёб қудратини намойиш эта олган. Ўзбек мумтоз адабиётида қайчининг такрорланмас, ноёб тасвирини яратган. Аммо унда сўз кўлланиши ва образ танланишида биров мураккаблик ва оғирлик сезилади.

Увайсий чистонларида эса халқона соддалик, донишмандлик ва ҳажм жиҳатдан қисқалик кўзга ташланади. Унинг ҳам “Қайчи” деб номланган чистони бор. У 2 мисрадангина иборат:

Икки маҳбубени кўрдум, иккисин киндиги бир,
Иккисин орасига тушсанг, топадурсан касир.

¹⁶¹ Навоий Алишер. Хазойин ул-маоний. III жилд. Бадойиъ ул-васат. – Т.: Фан, 1960, 714-бет.

Шоира қайчининг икки оёғини икки дўст тимсолида моддийлаштирмоқда. Улар шундай кадрдон дўстларки, ҳеч қандай ҳолат бир-бирларидан ажратолмайди. Бундай яқинликни ифодалаш учун халқ “киндиги бир” иборасини қўллайди. Бу ибора мустаҳкам дўстликни, аҳиллик маъноларини ифодалайди. Шоира шу халқ иборасини усталик билан қўллайди. Халқ томонидан рамзий маънода айтилган фикрдан шоира икки – ҳам зоҳирий, ҳам ботиний маънода фойдаланади. Қайчининг зоҳиран киндиги бир ва ботинан ҳам бир. Чунки барча иш биргаликда амалга оширилади. Чистоннинг биринчи мисрасида қайчининг шакл хусусияти тасвирланади. Иккинчи мисрада эса унинг вазифасига эътибор қаратилади.

Увайсийнинг шеърий услубига хос бўлган кўпмаънолилик, рамзийлик ушбу чистонда ҳам сақланган. Шоира чистонда ҳам қайчи, ҳам дўстлик ҳақидаги тасаввурни мужассамлаштирган. Икки маҳбуба тимсолига катта маънавий-ижтимоий моҳиятни ҳам сингдира олган.

Қайчи – инсонга дўст. У хайрли амалларни бажаради. Аммо, унинг орасига тушиб қолсангиз, аямайди. Шоира бу ҳолатни инсоний муносабатларга ҳам татбиқ этади. Яъни, дўстлик буюк куч. Агар унга раҳна солинса, халақит берилса, ўз қудратини кўрсатади. Раҳнагарни чилпарчин эта олади. Увайсий бундай нуқтаи назарни чистонга бежиз сингдирмаган. Чунки, унинг Нодираи даврон билан дўстона муносабатига, устозу шогирдлик мақомига ҳасад нигоҳи билан боқувчилар ҳам йўқ эмас эди. Бундай назарлар шоира ҳаётидаги кўп машаққатлар, изтироблар, маънавий музтариб кунларга сабаб бўлган.

Чистонда шоирага хос қатъият ва жасорат ҳам ўз ифодасини топган. Увайсий услубидан бохабар ўқувчи, мисралар заминидagi дадил ҳукмни англаши қийин эмас. Бу, айниқса, зиддиятлардан хабардор шоира замондошларига жуда тушунарли бўлган. Демак, “Қайчи” чистонида предметнинг сифат ва хусусиятлари аниқ, тушунарли тасвирланган. Шу билан бирга, шоира маҳорати туфайли унга жиддий инсоний муносабатлар,

муҳим ижтимоий муаммолар ҳам сингдирилган. Бу асарнинг ижтимоий аҳамиятини оширади.

Мазкур чистонда Увайсийнинг мазмун ифодалашдаги ўзига хослиги яққол намоён бўлади. У оддийгина предмет портретини чизишда ҳам, унинг сифатларини баён этишда ҳам, фикрни ҳикмат тарзида ифодалайди. Унда ўзининг ҳаётий тажрибалари, донишмандона тафаккур тарзини намоён этади. Чистон – топишмоқ кўпроқ ёшлар қатламига мўлжалланади. Аммо Увайсий чистонлари, хусусан, кўриб чиқилган мазкур чистон замирига барча ёшдаги инсонлар учун сабоқ ва бадиий завқ сингдирилганини кузатамиз. Бу эса шоиранинг ноёб бадиий маҳорати ва такрорланмас тафаккур кўлаמידан далолатдир.

Навоий ва Увайсийнинг бир мавзуда яратилган «Анор» номли чистонлари ҳам бор. Буларни қиёсан ўрганганимизда ҳам, икки шоир ижодининг муштарак ва ўзига хос қирралари намоён бўлади. Иккала шоир ҳам табиатнинг мўъжизавий, ноёб неъматини анорнинг сифат ва хусусиятларини мукамал тасвирлаб бера олишган.

Навоий анорни тавсифлашда икки тимсолдан фойдаланади. Биринчиси, чўғ тўлдирилган мижмар, иккинчиси, дурларини маккор даврон қонга «уюрган» (айлантирган) садаф:

Не мижмардур, тўла ахгар вале ул мижмар андоми,
Эрур сунъ илгидин гоҳе мусаддас, гаҳ мусамман ҳам.
Чиқар равзандин ахгари дудию бу турфақим, онинг
Ўтиға дуд йўқтур, мижмариға балки равзан ҳам.
Ўту мижмар дема, бор ул садафким, дурларин онинг
Уюрди қонға даврони мушаъбид , чархи пурфан ҳам.
Агар бу навъ эмас, бас не учун бармоқ кучи бирла
Бўшар жисми, оқар қони, анга мажруҳ ўлуб тан ҳам.
Нечақим табъи норидур ва лекин меъда нориға
Берур таскин, мунунг нафъин топибмен воқиан мен ҳам¹⁶².

¹⁶² Навоий Алишер. Хазойин ул-маоний. III жилд. Бадойиъ ул-васат. – Т.: Фан, 1960, 715-б.

Шоир тимсол танлашда анорнинг шакли, ранги ва тузилишини асос қилиб олади ва ниҳоятда нозик дид билан унинг муқоясасини топа олади. Чистон ўзига хос композицияга эга. Шоир, дастлаб, анорни чўғ тўла мижмарга ўхшатади. Мазкур тимсол унинг сифатларини тўлик мужассамлантиради. Аммо, шоир бу билан қаноатланмайди. У анорга янада мукамалроқ қиёс излайди. Уни энди садафга ўхшатади. Шоир бунда фақат анорнинг шакли эмас, балки, унинг узоқ давом этувчи шаклланиш жараёнини ҳам (садафда дур пайдо бўлгани каби) назарда тутаяди.

Асардаги тимсол такомиллашувининг 3-босқичида эса, шоир анорнинг ранги билан боғлаб, замон ҳақидаги ўз дардларини ва қатъий ҳукмини ҳам эълон этади. 4-босқичда майинлик билан анорнинг вазифасини, фойдасини тасвирлаш орқали асарни хотималайди.

Кўринганидек, асарда Навоийнинг шеърятдаги композицион ўзига хослиги, тимсол танлаш ва яратиш борасидаги маҳорати яққол намоён бўлади.

Ушбу чистон қитъа жанрида яратилган. Асар 5 байт 10 мисрадан иборат. У ҳазажи мусаммани солим /мафойилун-мафойилун-мафойилун-мафойилун; Ҳ - - - Ҳ - - - Ҳ - - - Ҳ - - - / вазнида яратилган. Ушбу вазн чуқур ижтимоий маъноларни, замон аҳли қилмишларининг изтиробли руҳий манзараларини, маҳзун кайфиятни ифодалаш имконига эга. Шоир томонидан танланган вазн асардан назарда тутилган ғоя ва мақсадга тўла мувофиқ келган.

Табиатнинг гўзал ва мўъжизавий неъматларидан бири анордир. Анор доналарининг ақиқ лаъллардек бир текисда терилганлиги, нафис пардага ўралганлиги ва бу сирли гўзалликнинг анор пўсти ортида пинҳонлиги Тангрининг мўъжизаси дейиш мумкин. Увайсий ҳам устози Навоий каби анорни олиб унга шеър ёзар экан, кўнглидан теран мулоҳазалар ўтгани аниқ:

Ул на гумбаздур: эшиги , туйнугидин йўқ нишон,
Неча гулгунпўш қизлар манзил айлабдур макон.
Синдуруб гумбазни, қизлар ҳолидин олсам хабар,
Юзларида парда тортиғлик, турарлар бағри қон.

Албатта, чистонда Увайсийнинг биринчи мақсади ўқувчи тасаввурида анорни шакллантириш. У бу вазифани мукамал бажара олган. Шоира анор шаклини эшик ва туйнуксиз гумбазга, унинг доналарини юзларида парда тортилган, юрак-бағри қонга тўла “гулгунпўш” (қизил кийимли) қизларга менгзайди. Увайсий чистонини кузатиб, ўзига хос тимсол қўллаш маҳоратининг гувоҳи бўламиз. Шоира анорнинг ноёб, янгича тасвирини яратишга эришади.

Атоуллоҳ Хусайний Шарафиддин Али Яздийнинг луғз фанининг бадиий шартлари борасидаги фикрларини келтириб, шундай дейди: “Луғзнинг шеърий жиҳатидан сўнг фасоҳату ибора аниқлиғию маъно латофатиндаги хусну фазилатиға боис бўлғучи шартлардин улдурким, зикр этилган мазкурнинг аҳволу авсофи такаллуфу эгри ибораларсиз анга мос бўлғай. ...Матлубни англағандин сўнг нозимнинг муроди ушбуму, йўқму деган шубҳа қолмағай”¹⁶³.

Кўринадикки, луғзнинг асосий шарти Увайсий томонидан мукамал бажарилган. У анорни ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмай, аниқ, тушунарли ва ихчам шаклда тасвирлаб берган. Аммо, Увайсийнинг шеърдан мақсади шу билан яқунланмайди. Шоира шеърий услубига хос бўлган кўпмаънолилиқ ушбу асарда ҳам яққол намоён бўлади. Адабиётшунослигимизда “Анор” чистонининг бу жиҳати эътироф этилган: “Тўрт мисрага сиғдирилган катта мазмунга анор таърифинигина эмас, балки тўрт девор орасида овоз чиқара олмасдан фарёд қилаётган, қават-қават ниқоб орқасида ёруғ оламни кўриш имкониятидан маҳрум этилган миллионлаб маҳзуна, мунглиғ аёлларнинг ҳаёти, тақдири мужассамлаштирилган”¹⁶⁴. Англашиладики, шоиранинг иккинчи мақсади анор доналарини қизларга қиёслаш орқали аёлларнинг эрксиз қисматиға эътиборни қаратиш. Аммо, шоира шеърийнинг умумий моҳиятидан келиб чиқиб фикрласак, унинг чистондан кўзлаган учинчи мақсадини ҳам англаш қийин эмас. Увайсийнинг ушбу асарида анор фоний

¹⁶³ А.Хусайний. Бадоеъ ус-саноеъ . – Т.: Адабиёт ва санъат , 1981, 208- бет.

¹⁶⁴ Ўзбек адабиёти тарихи. Беш жилдлик. 4-жилд. – Т.: Фан, 1978, 165-166-бетлар.

дунё тилсимларини ўзида мужассамлаштирган рамзий тимсол даражасига кўтарилади. Шоира анорнинг ташқи кўринишини чеку чегарасиз нилий гумбаз бўлиб кўринувчи дунёга қиёслапти: “Ул на гумбуздур: эшиги туйнугидин йўқ нишон”.

Демак, хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, ушбу тўртликда шу пайтгача биз талқин этиб келган зоҳирий мазмундан ташқари, теран фалсафий, ботиний ғоя ҳам мужассамлашган. Шоира анорда Дунё тимсолини тасаввур этипти. Анор дунёга ўхшайди. У шундай бир гумбазки, на эшиги бор, на туйнуги. Унда кўплаб инсонлар макон курган. Уларнинг ҳолидан хабар олинса, у ердаги ҳаётнинг асл мазмуни ҳақида тафаккур қилинса, ҳақиқат аён бўлади: Илоҳий висолдан маҳрумлик. Бу йўлда моддий дунёнинг тўсиқ, парда эканлиги. Шоира анор тузилишида илоҳий висолдан фоний дунё пардаси билан тўсилган, айрилиқдан бағриқон кимсалар тақдирини кўргандек бўлади. Анор тилсимотини, асрорини англаш учун, унинг пўстини очиб, чексиз кенгликка эришиш керак. Демак, анор биз учун ибрат. У каби вужудий қафасни, лаҳзалик оламнинг барча тўсиқларини, моддий манфаату эҳтиёжларини енгиб ўтибгина ҳақиқий ҳурликка, руҳий эркинликка етиш мумкин. Ана шундагина анор сирини англаганимиздек, дунё ва Мутлақият моҳиятига етамыз. Ана шундагина ўткинчи ҳою ҳавасларнинг зулмат дунёсини парчалаб, маърифий моҳиятнинг нур ва ёруғлик дунёсига муяссар бўламыз. Кўринадики, бизга оддий кўринган анор тасвири шоира нуқтаи назари, дунёқараши ва тасвир тамойилларидан келиб чиқиб, чуқур маъно ва моҳиятга эга эканлигини англаш қийин эмас.

Шоира ўзининг чуқур фалсафий тафаккур тарзидан келиб чиқиб, анор тимсолига кенг қамровли умумбашарий ғоялар талқинини мужассамлаштиради. Увайсийнинг юқорида кўриб ўтганимиз иккала чистонида ҳам, Алишер Навоий чистонларининг таъсири борлигини сезиш қийин эмас. Жумладан, қайчи ва анор тимсолларини тасвирлашда, Увайсий чизгиларида навоийона мезонлар, ифода усуллари ва талқин тамойиллари кузатилади. Аммо шоира устози анъанасини янада такомиллаштиришга

эришади. Навоийнинг мақсади ушбу ўринда фақат предметни тасвирлашдан иборат бўлган бўлса, Увайсий ўз мақсадини жуда қисқа ҳажмда ҳам зохирий, ҳам ботиний маънога эга, халқона услубдаги донишмандона ҳикмат даражасида ифодалайди.

Атоуллоҳ Ҳусайний “...нимаики, луғз ани билдирса, мақсуд ўшул бўлур, анинг ўзга бир нимага ишора қилур – қилмасин назарға олинмас”, дея таърифлайди. Ушбу эътирофдан биз Навоий анъаналарини давом эттирган Увайсийнинг чистоннинг тарихий тараққиёт босқичида қанчалик катта ўрин тутганини англаймиз. Чунки у чистонни донолик намойиши, тафаккур ўйинлари даражасидан чуқур ижтимоий-фалсафий фикрларни мужассамлаштириб ифодаловчи йўналишга айлантирганининг гувоҳи бўламиз. Юқоридаги мисолларда шоиранинг чистон такомилидаги улкан хизматларини кўриш мумкин.

Увайсийнинг чистонни такомиллаштиришдаги хизмати фақат шу билан чекланмайди. Бизга маълумки, чистонларда, асосан, предметни ифодаловчи сўз ёки сўзлар яширинган бўлади. Тингловчи диққати сўзга қаратилади. Сўзловчининг мақсади ҳам лафз бўлади. Ижодкор ўша сўз ифодалаётган предметнинг сифатларини тасвирлаб беради. Аммо, Увайсий чистон асосига ҳолатни ҳам олади. Тингловчи диққатини биргина сўзга эмас, балки руҳий ҳолатни англашга, уни кузатишга қаратади. Албатта, ўз-ўзидан чистон жавобида ҳам сўз эмас, балки тугал фикр-гап назарда тутилади:

Ёлғузимда учради: ул дев эди ёки пари,
Минг боши, қирқ эргаши бор, ёна саккиз навқари.
Ҳолга келмас, бутни тақмас, барчаси жаллодваш,
Тўрти чорлаб ўну эллик, менга юзланди бари,
Бирининг қўлида уч юз ханжару тўрт юз пичок,
Ўнининг оғзида булдур: “Пора қил!”-деб гаплари!

Ушбу чистоннинг жавоби “Ғам ҳаддин ошти” жумласидир. Унда шоира чистон яратишнинг бир неча усулларида фойдаланган. Илк мисраларда савол қўйиш усулини татбиқ этади. Кейинги мисраларда абжад ҳисобини

қўллаган. Шоиранинг бу усуллари чистон жанрида ҳам чуқур руҳий ҳолат манзараларини таъсирли ифодалаш имконини беради.

Асарда шоиранинг абжад ҳисобини истифода этиш маҳорати яққол намоён бўлади. Унда Ушбу ҳисоб бўйича 10 та сон келтирилади. Улар ифодалаган ҳарфлар воситасида эса “Ғам ҳаддин ошти” жумласини ўқиймиз (1000-ғ- ; 40-м- ; 8- ҳ- ; 4-д- ; 10-и- ; 50-н- ; 1- алиф- ; 300- ш- ; 400- т- ; 10-и- .)

Мазкур чистон ғазал жанрида яратилган. У а-а, б-а, в-а тарзида қофияланган. Вазни рамали мусаммани маҳзуф (фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоилун; -V-- -V-- -V-- -V-). Тахаллус қўлланмаган.

Увайсий чистонларининг асосий қисмида савол қўйиш усули етакчилик қилади. Жумбоқ, асосан, биринчи мисрада келтирилади. Шоиранинг топқирлик билан қўллаган сўроғи ўқувчи диққатини бир нуқтага жамлашга хизмат қилади. Шундан сўнг, назарда тутилган предметнинг сифат, белги ва хусусиятлари таърифланади. Шоира чистонларида назарда тутилган ҳар бир предмет бадиий образ даражасига кўтарилган. Уларнинг асосини метафорик ўхшатишлар ташкил этади. Жумладан, эшиги туйнуғи йўқ гумбаз, қаноту парлари қип-қизил, кўзга кўринмас қуш, қонхўр икки дарё, чўтир юзли келин, боши билан юрувчи оёғи йўқ мавжудот, жазирама ёзда иссиқ, яшил тўнда юрувчи жонзот ва яна кўплаб ноёб тахайюлот маҳсули бўлган тимсоллар. Кўринадики, шоира чистонларида нодир тимсоллар галереяси бунёд этилган. Уларнинг ҳар бири ўткир тафаккур маҳсулидир.

Шоира деярли барча чистонларида дастлабки мисрада аталмишнинг шаклига эътибор қаратади. Уни тасвирлайди. Кейинги мисраларда эса унинг ҳолати, қилмиши, вазифасини ифодалашга ўтади.

Айрим чистонларида шоира савол билан бир қаторда абжад ҳисобидан ҳам унумли фойдаланади. Бу усул назарга олинган предметни аниқлаш имконини кучайтиради.

Увайсий учинчи тур чистонларида янада бошқача йўл тутаяди. Уларда савол ҳам, абжад ҳисоби ҳам учрамайди. Бундай чистонлар қисқа ҳажмга (2

мисра) эга. Биринчи мисрада аталмиш хақида хабар-маълумот берилса, иккинчи мисрада унинг табиатига хос қатъий ҳукм, хулоса баён этилади. Бундай асарлар сирасига “Қайчи”, “Сув”, “Уйқу” ҳамда “Кун ва тун” кабиларни киритиш мумкин:

Икки маҳбубени кўрдум, бир-бирисин кўрмаган,
Иккисининг ўртасига, дўстлар, қил сиғмаган¹⁶⁵ (Кун ва тун).

Бир-бирини кўрмаган икки дўст. Аммо, ораларидан қил ҳам ўтмайди. Яъни ўзаро жуда қадрдон. Ҳар доим ёнма-ён ва айрилмас. Шу келтирилган таърифларнинг ўзи ўқувчини тафаккур оламига етаклайди. Икки дўстнинг кимлигини ўйлай бошлайди. Шоира фикрини образли тарзда чуқур мантик асосида ифодалайди. Икки маҳбуба тимсолига истиора санъати воситасида кенг маъно юклайди. Икки маҳбуба – икки севикли, икки дўст. Кун ва туннинг икки севикли тарзида тасвирланишида шоиранинг ҳаётга муносабати ҳам намоён бўлган. Унда шоиранинг ҳаётсеварлиги, тун ҳам, кун ҳам инсон учун қадрли ва азиз, ёқимли эканлиги борасидаги инсонпарвар туйғулари сингдирилган.

Шоира чистонларида халқона услуб яққол сезилади. Қўлланган ҳар бир сўз сайқалланган ва ўзининг муқим ўрнига эга. Ҳаётий тажрибалардан сараланган донишмандона хулосалар ифодаланади. Улар замирига баъзан юмор, баъзан киноя сингдирилади. Чистонда предмет назарда тутилган бўлишига қарамасдан, унинг замирида инсоний муносабатлар, одамзодга хос феъл-атвор ҳам эътиборга олингани сезилиб туради:

Ул надурким, бир келин ўзи чўтир,
Етти қат парда ичида мисли хур¹⁶⁶.

Жавоби “Маккажўхори” бўлган мазкур чистон худди шундай тасаввур уйғотади. Унда жавобдан ташқари инсон табиатига нисбатан ўткир киноя ва юмор сингдирилганини англаш қийин эмас. Шоира чистонлари маҳорат нуқтаи назаридан ноёб истеъдод маҳсуллари. Уларда шакл ва мазмуннинг

¹⁶⁵ Увайсий. Шеърлар. – Т.: Бадиий адабиёт, 1963, 221-бет.

¹⁶⁶ Увайсий. Девон. – Т.: Бадиий адабиёт, 1963, 221-бет.

мутаносиблиги, тимсоллар оламининг ранг-баранг ва мукаммал ишлангани, кофия ва радифларнинг пурсайқаллиги таҳсинга сазовордир.

Юқоридаги кузатувлардан, Увайсийнинг, чистон яратишда ўзига хос маҳорат соҳиби эканлиги маълум бўлади. Шоира ўз услубига эга.

Биринчидан, у ҳажман қисқаликка интилган. Шу сабабли, чистонлари 2,4 ва 6 мисрадан иборат.

Иккинчидан, Навоий чистонлари учун танланган вазн оҳанги вазминрок (ҳазажи мусаммани солим), Увайсий чистонларининг барчаси эса нисбатан энгилроқ оҳангга эга рамали мусаммани маҳзуф ва рамали мусаддаси маҳзуф вазнларида яратилган. Бу шоира услубининг халқ оғзаки ижодига монандлигини кўрсатади.

Учинчидан, у тимсол танлашда халқ оғзаки ижоди маҳсулларидан, ҳикмат ва нақлларидан унумли фойдаланади. Бу борада ноёб истеъдодга эга эканлигини намойиш эта олади.

Тўртинчидан, чистонларида зоҳирий ва ботиний мазмунни мужассамлаштириб ифодалашга ҳаракат қилади. Предмет ва ижтимоий муаммолар назарда тутилади.

Бешинчидан, шоира чистонларида ташбех, истиора, муболаға каби бадиий санъатлар маҳорат билан қўлланади. Баъзан киноя, баъзан юмор сингдирилади.

Англашиладики, ўзбек мумтоз адабиётидаги чистоннинг тарихий такомилида Увайсий ижодининг беқиёс аҳамияти бор. Шоира уни мазмун-мундарижа жиҳатидан ҳам, бадиий маҳорат ва шакл хусусиятлари нуқтаи назаридан ҳам юксак босқичга кўтаришга эришган.

Достон – мумтоз адабиётимиздаги йирик ва мукаммал жанр. Уни яратиш ижодкордан ўзига хос бадиий тайёргарликни талаб қилади. Шу сабабли назмда шоирнинг етуклиги достоннависликдаги маҳорати билан ҳам белгиланган.

Маълумки, ўзбек достончилиги халқ достонлари ва Шарқ мумтоз адабиётидаги достоннавислик анъаналари таъсири остида ривожланди.

“XVIII-XIX аср дostonчилик мактаби намояндалари ўзларигача бўлган дostonчиликка новаторона ёндашдилар. Мавзу ва ғоявий жиҳатдан уни бойитдилар. Сюжет, композицион қурилишида янги кашфиётлар қилдилар”¹⁶⁷. Бу даврнинг айрим шоирлари (Нишотий, Ҳозик, Увайсий) умумшарқ адабиётида машҳур бўлган сюжетларни олиб, уларга ўзлари яшаган давр руҳини киритдилар¹⁶⁸ ва шу асосда ўз дostonларини яратдилар. Бундай анъана узок асрлардан бери Шарқ халқлари адабиётида мавжуд бўлган ва давом этиб келган. Жумладан, “Хамса” таркибига кирган дostonлар ҳам бадиий руҳ ва ғоявий талқин жиҳатидан анча фарқ қилса-да, лекин сюжет жиҳатдан бир-бирига яқин туради. Юсуф ва Зулайхо, Иброҳим Адҳам тўғрисидаги ҳикоялар ҳам асрлар оша ана шундай сайёр сюжетлар сифатида кўп бадиий асарлар учун асос бўлиб келган.

Ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассалламнинг набиралари, ҳазрат Али ва Биби Фотиманинг фарзандлари шаҳзода Ҳасан ва Ҳусайнлар қисмати ёритилган ҳикояту ривоятлар ҳам кўплаб бадиият намуналарининг яратилишига асос бўлган.

Бу мавзудаги дostonлар адабиётшунослигимизда умумий ном билан “Карбаломалар”¹⁶⁹ деб юритилади. Уларнинг Шарқ адабиётида насрда ҳам, назмда ҳам яратилган жуда кўплаб нусхалари мавжуд. Айримларининг муаллифи маълум, айримларининг муаллифи номаълум, айримлари халқ китоблари шаклида ёзилган. Фузулийнинг “Ҳадиқат ус-суадо” насрий асари ҳам шу мавзуда ёзилган. Бундай манбаларнинг энг мукаммали ва машҳури Ҳусайн Воиз Кошифийнинг (1440-1505, Ҳирот) “Равзат уш- шуҳадо” асаридир. У ислом ва ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассалам тарихларига бағишланган. Шу тарих саҳифаларида мусулмонлар шаънини, иймон ва адолат шарафини ҳимоя этиш йўлида жонини фидо қилган шаҳидлар қисматидан ҳикоя қилинади. Асарда Қуръон, ҳадис ва бошқа турли машҳур маноқиблар орқали этиб келган ривоятлар

¹⁶⁷ Э. Иброҳимова, М. Мирзаев. Дostonнинг композицион хусусиятлари. – Тошкент, Адабий мерос. Илмий асарлар тўплами, 1986. – № 1 (35), 18-бет.

¹⁶⁸ А.Қаюмов. Қўкон адабий муҳити. – Т.: Фан, 1961, 357-бет.

¹⁶⁹ Аслида, бу йўналишдаги асарларга Имом Ҳусайн қисмати тасвирланган манбалар киритилади.

таъсирли услубда, бадий қайта баён этилади. Кошифийнинг асари форс тилидан бир неча марта ўзбек тилига таржима қилинди. Муҳаммад Аюб Кошғарий томонидан “Тазкирайи анбиё ва авлиё ва шуҳадо” номли насрий таржимаси (XVIII аср, Кошғар), Собир Сайқалий Ҳисорий томонидан (XVIII аср, Ҳисор) амалга оширилган назмий таржимаси шулар жумласидандир.

Айниқса, XVIII-XIX асрларда бу йўналишда асарлар яратиш кенг тус олди. Холис Тошкандийнинг “Қиссаи Карбало”; “Қиссаи Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн”, “Қиёматнома”, “Мусибатнома” асарлари; Биби Ҳожарнинг “Қиссаи Имом Ҳусайн”; Нисонинг “Вафотномаи Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн”; Хонийнинг “Воқеаи ҳоилаи Карбалойи пурбало” асарлари ноёб намуналардир. Хаста, Қул Сулаймон, қозоқ шоири Жусипбек Шайхул ислом ўғли каби ижодкорлар томонидан ҳам шу сюжет асосида яратилган асарлар етиб келган.

XVIII-XIX аср ўзбек адабиётининг етук вакили Жаҳонотин Увайсий ўндан ортиқ фаол лирик жанрларда ўз маҳоратини намоён эта олган шоира. Шу билан бир қаторда, у дostonчиликдаги истеъдоди ҳам лирик маҳоратидан қолишмаслигини исботлай олган. Шоиранинг бизга учта дostonи етиб келган: “Шаҳзода Ҳасан”, “Шаҳзода Ҳусайн” ва “Воқеоти Муҳаммадалихон”.

Шоиранинг шаҳзода Ҳасан ва шаҳзода Ҳусайнга бағишланган асарлари кўлёзма ва тошбосма нусхаларида дostonларнинг номланиши муаллиф томонидан берилмаган. Шу сабабли бу борада адабиётшуносликда турли-туманлик кўзга ташланади. Шоира асарлари “Китоби Увайсий”, “Карбалoнома”, “Қиссаи пурғусса” каби турлича номланади. Адабиётшунос олима Э.Иброҳимова “Шаҳзода Ҳасан ҳақидаги дoston”, “Шаҳзода Ҳусайн ҳақидаги дoston” деб номлашни таклиф этади¹⁷⁰.

XIX аср биринчи ярми дostonчилиги намуналаридан бири Увайсийнинг Шаҳзода Ҳасан ҳақидаги дostonидир. Асарда шоира адолатли ва сулҳпарвар

¹⁷⁰ Э. Иброҳимова. Увайсий дostonлари ҳақида. – Тошкент, Ўзбек тили ва адабиёти, 1960, 6-сон, 38-44-бетлар.

хоким Ҳасан образини яратган. Достоннинг асосий моҳияти яхшилик ва адолатни тарғиб этишдир. Маълумки Ислому, асосан, эзгулик ва комил ахлоқ тарғиботи билан шуғулланувчи дин. Шундан келиб чиқиб, “шаҳзодалар” ҳақидаги асарларда ҳам бундай ғоялар етакчилик қилади.

“Шаҳзода Ҳасан” мазмунан диний мавзуга бағишланган. Унда Имом Ҳасаннинг ҳаёт йўли тасвирланган. Аммо, шоиранинг асардан мақсади фақат бу эмас. Унда ҳам шеъриятидаги каби замондошларининг кўзини очиш, мозийдан олинган сабоқ билан уларга кўзгу тутиш шоиранинг асосий нияти эди. Асардаги бош ғоя Ҳасан образида мужассамлаштирилади. Шоира бадиий мақсадида тимсолнинг икки қирраси бор. Биринчиси, подшоҳ сифатидаги характер тизимини ёритиш бўлса, иккинчиси, унинг оддий инсон, шахс сифатидаги қиёфасини тасвирлашдан иборат.

Шоира бош тимсолнинг икки йўналишдаги сийратини ҳам мукаммал ёритиб бера олган. Асарда уни ҳар томонлама комил хулқу атворга эга инсон сифатида тасаввур эта оламиз. Бир ўринда Ҳасаннинг шахс сифатидаги феъл-атвори шундай ёритилади:

Хушхўйлуқи китоба сиғмас,
Ширин сўзиники халқ билмас.
Ҳам эрди малиху, ҳам фасихдур,
Ер юзида гўйиё Масихдур¹⁷¹.

Мазкур достон шоиранинг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлёмалар фондида сақланаётган 1837- рақамли девони ягона нусхасининг охирида китобат қилинган. Шоира девони кўлёманинг 187-саҳифасида тугайди. Унинг тартиб берилган санаси ҳижрий 1274, милодий 1857 йил, котиби Муҳаммадшоҳ Юнусхон ибн Эшонхожа Эшон эканлиги эътироф этилади:

“Рақам қилди Муҳаммадшоҳ Юнусхон
Ки, нури чашм Эшонхожа Эшон.

¹⁷¹ Қиссаи Имом Ҳасан. Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлёмалар фонди. Инв. рақам 1837/1, 201-202-бетлар. Кейинги парчалар мазкур манбадан олинди, фақат саҳифаси кўрсатилади.

Бир бўш саҳифадан кейин 189-бет қўйилиб, “Қиссайи Имом Ҳасан” достони бошланади. Достон номи котиб томонидан эмас, балки саҳифаловчи томонидан, қаламда ёзилган. 190-бетдан бошлаб асарнинг асосий матни басмала билан бошланган. Асар аниқ, чиройли, саводли кўчирилган. Ҳошияларда деярли ёзувлар йўқ. Баъзи ўринлардагина айрим имловий хатолар хошияда тузатиб кетилган, холос. “А” саҳифада пойгир қўйилган. Аммо, “Б” саҳифада бу ҳол кўзга ташланмайди. Ҳар саҳифада 17 байтдан, фақат 1-саҳифада (190-бет) 13 байт, 2-саҳифада (191-бет) 15 байт матн берилган.

Достоннинг ҳажми 1450 мисра, 725 байтдан иборат. У 26 мисра ҳамд ва 20 мисра наът билан бошланади. Кейин 48 мисрада чаҳорёрлар тавсифланади. Сўнгра достоннинг асосий сюжети билан боғлиқ воқеалар баёни бошланади. Дастлаб Имом Ҳасан ва Ҳусайннинг туғилиш тарихи, исм танлаш жараёнлари драматик саҳна даражасида маҳорат билан тасвирлаб берилади.

Увайсий достон маноқиблар асосида ёзилганлигини алоҳида таъкидлайди:

Кўбдурки маноқиб ичра бу сўз,
Гар уммат эсанг эшит тикиб кўз¹⁷².

Шоира таъкидлаганидек, Имом Ҳасан ва Ҳусайн ҳаёти билан боғлиқ маълумотлар жуда кўп маноқиблар орқали етиб келган. Халқ орасида уларнинг мураккаб, заҳматли ва шарафли умр йўллари борасида қизиқарли ҳикоятлар кенг тарқалган. Шу сабабли улар асос бўлган кўплаб насрий ва назмий йўлдаги бадий асарлар яратилган. Улар ҳақидаги маълумотларнинг дунёга келишига тарихий воқеалар асос бўлган бўлса-да, уларни соф тарихий, илмий аспектда қабул қилиб бўлмайди. Чунки улар ижодкорлар томонидан қайта ишланган. Замондошларига ҳаёт машаққатлари, кемтикликлари олдида ўзини йўқотмаслик, уларни жасорат ва маҳорат билан

¹⁷² Ўша асар, 197-бет.

енгиб ўтиш йўллари кўрсатишда, ака-ука имомлар ҳаётини ибрат ва сабоқ сифатида намуна этиб тасвирлашган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бу типдаги дostonларнинг яратилишида Кошифийнинг ёки Марказий Осиёда кенг тарқалган Собир Сайқалий дostonларининг таъсири бўлган. Аммо мазкур дostonлар билан киёслаганимизда, Увайсий асарларининг улардан фарқланувчи ўринлари кўплигини кўраимиз. Бу эса шоира яратган дostonлар оригинал асарлар бўлиб, унда ижодкор маҳорати тўла намоён бўлганлигини кўрсатади:

1. Аввало, улар турли вазнларда яратилган. Собир Сайқалий асари (1793-1796) ҳазажи мусаммани мақсур (V - - -/ V - - -/ V - - -/ V--), Увайсий дostonи эса ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф (- - V/ V - V - / V - -) вазнида ёзилган.

2. Сайқалий дostonида шахзода Ҳасан ҳақида тасвирланган воқеалар Увайсий асарига нисбатан қисқа. Увайсийда шахзода Ҳасан ҳаёти билан боғлиқ ривоятлар сон жиҳатдан кўпроқ ва воқеалар батафсилроқ баён этилади. Жумладан, асар Ҳасаннинг туғилиши, унга исм танланиши ҳақидаги ривоятлар билан бошланади. Сайқалийда эса воқеалар бир оз кейинроқ, падари бузруквори ҳазрат Алининг вафоти ва ўрнига шахзода Ҳасаннинг Кўфа ҳокими бўлиши билан бошланган.

3. Сайқалий дostonида Ҳасаннинг Мавсилга дўсти уйига бориши, у ерда 3 марта заҳарланиши; кейинчалик хотини томонидан 3 марта заҳарланиши ва вафоти, аёлининг жазоланиши воқеалари баён этилган. Увайсийда эса Ҳасаннинг ҳоким бўлгани, Шом ҳокими Муовиянинг Кўфа устига 60.000 лашкар билан ҳужум қилгани, Ҳасаннинг 40.000 лашкар билан унга қарши боргани ҳақидаги воқеалар ҳам батафсил баён этилади. Шоира Ҳасаннинг сулҳ тарафдори бўлганига катта урғу беради. У ўзининг шон-шуҳратини ўйламай, халқнинг қони беҳуда тўкилмаслигини биринчи ўринга қўяди. Шу муносабатлар билан шоира шахзоданинг гўзал хулқи, комил ахлоқини таърифлайди. Ҳасан тилидан замондошлари учун ибратнома яратади:

Эл судини истагум шаби рўз,
Бу сўзни дейман шаҳи дилафрўз.
Олдимда бу эл саломат ўлғай,
.....¹⁷³

Йўқ хоҳишим ўлса эл паришон,
То бўлмаса фитна, бўлса имкон.
Гар фитналиғ сулҳ бехроқ,
Ҳар вақт деган Имоми офоқ¹⁷⁴.

Мазкур тасвирлар, маълум маънода, асар воқеаларини шоиранинг замонаси билан боғлайди. Унинг ижтимоий жараёндаги тож-тахт учун, давлат учун курашларга муносабатини кўрсатади. Эл тинчлиги, хотиржамлиги, саломатлигини муҳим ўринга қўйганлиги сезилиб туради.

4. Сайқалийда Ҳасаннинг аёли Асмо деб аталади. Увайсийда эса Жўьда дея номланади (шоирада Асмо шахзодаларнинг энага–дояси сифатида тасвирланади). Сайқалийда Асмонинг қаттиқ жазолангани тасвирланса, Увайсийда бу жараён ёритилмайди. Шоира достонида воқеа олдинроқ – Ҳасаннинг захарланганидан сўнг Жўьда билан холи суҳбатини тасвирлаш орқали яқунланади. Ҳасаннинг вафот этиши ҳам тасвирланмаган. Достон якунини ўқиганда, дастлаб мазкур асар ҳам тугалланмай қолганмикин, деган савол пайдо бўлади. Аммо биз Увайсий достонни шундай яқунлашни маъқул кўрган, шоира услубига хос тарзда ундан яқун ва сабоқ чиқаришни ўқувчининг ўзига қолдирган, деган хулосага келамиз. Асар бунга асос беради. Қўлёзмада достондан сўнг шоиранинг яна бир асари “Воқеоти Муҳаммадалихон”нинг келтирилиши ҳам “Шаҳзода Ҳасан”нинг яқунланганлигини кўрсатиб туради.

Увайсий достонида шахзодаларнинг ҳаёти билан боғлиқ ривоятлардан бир нечтаси баён этиб берилади. Дастлаб уларнинг йўқолиб қолиш ҳодисаси

¹⁷³ Қўлёзмадан ушбу сатрни ўқишнинг имкони бўлмади.

¹⁷⁴ Ўша асар, 204-бет.

ривоят қилинади. Шоира мазкур ривоят ибн Аббос томонидан сўзланганини таъкидлайди. Ибн Аббос учта тафсир мактабидан Маккаи мукаррама мактабининг устози, улуғ саҳобалардан бири эди. Кейин Ҳазрати Алининг шаҳид бўлиб, Кўфа тахтига шаҳзода Ҳасаннинг ўтириши, бундан фойдаланиб, доимий зиддиятда бўлган Шом ҳокими Муовия лашкар тортиб келиши воқеаларига алоҳида эътибор беради. Кўринадикки, Увайсий ривоятларни аниқ манбалар, аниқ шахслар билан боғлиқ ҳолда, саҳиҳлигига ишонч билан келтиради.

Достон композицияси ўзига хос. Асосий сюжет баён этилар экан, ўрни билан лирик чекинишлар берилади. Улар баъзан шоир тилидан, баъзан эса бош қахрамон - Ҳасан тилидан баён этилади. Сўнгра халқ достонлари услубига ўхшаб, ровийга мурожаат этилиб, яна етакчи сюжетга қайтилади:

Ровий қаламингни тез юритгил,
Хунобаи жигардин онча ютгил...¹⁷⁵

Ёки:

Ровий яна сўз бошига келгил,
Шаҳзода кароматини айғил...¹⁷⁶

Лирик чекинишларнинг достонда муҳим ўрни бор. Улар, ҳам асар сюжетини бойитишга хизмат қилади, ҳам лирик муносабат вазифасини бажаради. Гўёки, воқеаларни шоира замони билан боғлайди. Уларга шоиранинг муносабатини кўрсатади.

Лирик чекинишлар турли жанр ва шаклларда берилган. Ғазал, маснавий, фард кўринишлари учрайди. Фард жанри бир ўринда қўлланади. У ҳазажи мусаммани солим вазнида (мафойилун-мафойилун-мафойилун-мафойилун; V - - - V - - - V - - -) ёзилган.

Ғазал жанрида берилган лирик чекинишлардан сўнг ҳам фикрлар тўғридан-тўғри достон сюжетига боғланиб кетаверилади:

Аммо дедиларки ҳол тилида

¹⁷⁵ Ўша асар, 212-бет.

¹⁷⁶ Ўша асар, 210-бет.

Кечдики бу байт пок дилида:

“Вафо кўз тутмағил элдинки оламин вафоси йўқ,
Гариб ўлмай нетар яъни киши гар асноси йўқ.
Тутуб ҳурмат канора, эл аросидин вафо кетти,
Бу кун узгил кўнгил ҳар иккисидинким бақоси йўқ.
Назар солсанг агарчандеки бу ёлғончи оламға,
Анинг жуз дарди ранжи меҳнат жаври жафоси йўқ”¹⁷⁷.

Мазкур лирик чекиниш ғазал жанрида яратилган. У ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган. Ғазалнинг бош қаҳрамон тилидан берилиши бежиз эмас. Мазкур вазн Ҳасан дилидаги дард ва изтиробни етказишда муҳим вазифани бажаради. Бош қаҳрамоннинг олам ва одам борасидаги фалсафий фикрлари умумбашарий мазмунга ҳам эга бўлади.

Баъзи ўринларда лирик чекиниш шоир тилидан ҳам берилади. Жумладан, дўсти томонидан берилган 3 марта заҳарнинг таъсир қилмагани, дўстининг Шомга Муовияга хат ёзиши, уни олиб борган кишини йўлда бўри еб кетиши воқеаларидан кейин берилган лирик чекинишлар шоир тилидан берилади. У Ҳасан ва дўстининг муносабати ва унинг оқибатларидан умумлаштирувчи хулоса, сабоқ чиқаради. Бу барча замонларда инсонлар учун ибрат ва йўлланма вазифасини бажаради:

Гар қилса ситам киши кишиға,
Гўё ситам айламиш ўзиға¹⁷⁸.

Бу ўринда шоир тилидан берилган лирик чекиниш дoston вазни билан бир хил. Дostonда турли вазнлардан фойдаланиш асарнинг умумий ритмига, ундаги руҳий ҳолат ва жараёнларни очиб беришга хизмат қилган. Қўлланган вазнлар ва жанрлар тасодифий эмас. Балки уларнинг барчаси маълум мақсадни назарда тутиб қўлланган. Муаллиф фикрларини ёритишда муҳим ўрин эгаллаган.

¹⁷⁷ Ўша асар, 207-бет.

¹⁷⁸ Ўша асар, 209-бет.

Маълумки, ўзбек мумтоз адабиётида дostonлар, асосан, 7 та вазн доирасида яратилган. “Эпик поэзияда кенг қўлланган вазн ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазни” ҳисобланади¹⁷⁹. Аммо, Увайсий ўз дostonига вазн танлаганда, асар мазмунидан келиб чиққанлигини кўраимиз. Бу борада шоира устоз шоир Навоий йўлидан боради. Бизга маълумки, “Лайли ва Мажнун” дostonи сюжет нуқтаи назаридан трагик характерга эга. Шу сабабли у маҳзун руҳий ҳолатни ифодалашда қулай бўлган ҳазажи мусаддаси ахраби макбузи маҳзуф (мафъулу - мафоилун - фаувлун; - - V V - V - V - -) вазнида ёзилган. Увайсий ҳам мазкур дostonидаги сюжетнинг маҳзун ва фожиали тугалланмасини ҳисобга олиб, уни “Лайли ва Мажнун” ёзилган вазнда, яъни ҳазажи мусаддаси ахраби макбузи маҳзуфда яратади. Айрим ўринларда эса руҳий ҳолатнинг турли товланишларини ифодалаш мақсадида ҳазажнинг бошқа вариацияларидан ҳам фойдаланади.

Шоира дostonини яратишда халқ дostonлари услуби ва композициясидан фойдаланиш билан бирга, халқ мақолларини ҳам ўрни билан қўллайди:

“Чаҳ қозса киши кишиға, эй ёр,
Ўзи йиқилур”,-деган масал бор¹⁸⁰.

Шоира дostonдаги тимсоллар ва воқеаларни тасвирлар экан, уларнинг ҳар бирига ўзига хос нуқтаи назардан, ўзгача мақомдан ёндашганлиги сезилади. Жумладан, Шаҳзода Имом Ҳасан образини тавсифлар экан, мумтоз адабиётдаги анъанавий услубдан фойдаланади. Унинг қиёфасига чизгилар анъанавий ташбеҳлар, қиёслар ва бадий тасвир воситалари орқали ифодаланади:

Келдилар имоми шаҳсувори,
Кун хира этарди гулузори.
Қул эрди санубар ул хирома,
Абрўсиға чок эрди хома.

¹⁷⁹ Д.Юсупова. Алишер Наврий “Хамса”сида мазмун ва ритмнинг бадий уйғунлиги. – Т.: Мумтоз сўз, 2011, 98-бет.

¹⁸⁰ Ўша асар, 212-бет.

Маҳ эрди қошида соя янглиғ,
Лаб олида лаъл санги хора янглиғ.
Зулфин қошида хас эрди сунбул,
Лафзи олида гунг эрди булбул¹⁸¹.

Аммо сюжетдаги асосий воқеалар баёнида бундай ҳол кузатилмайди. Шоира сўзнинг жимжимадор, бадий товланишларини қўллашдан сақланганлиги сезилади. Бизнингча, муаллиф ўқувчига сюжетни аниқ ва тушунарли етказиб бериш мақсадида шундай йўлдан борган.

Адабиётшуносликда Увайсий дostonларига турлича баҳо берилган¹⁸². Айрим тадқиқотларда шоира дostonлари шеърятига караганда бадий маҳорат нуқтаи назаридан саёзроқ, деган қарашлар ҳам мавжуд. Аммо, бундай мезонларнинг барчасини Ойбекнинг хулосалари, маълум даражада, мувозанатга келтиради. Унинг асарлари ҳақидаги тасаввуримизни тиниқлаштиради: “Аммо, бадий жиҳатдан шоиранинг дostonлари ғазалларидан паст туради дейиш, менимча, тўғри эмас. Шоиранинг Ҳасан ва Ҳусайн дostonлари ғоят моҳирлик билан ёзилган бадий юксак дostonлардир. Диний кайфият кўп, лекин шоира самимий ҳислар, нозик туйғулар, чуқур кечинмалар эгаси бўлганлигидан бу асарларни юрак билан яратган”¹⁸³. Биз дostonни ўрганганимизда, Ойбекнинг фикрлари асосиз эмаслигининг гувоҳи бўлдик. Балки, давр тақозоси билан, унинг диний ҳикоятлар асосида яратилгани шундай баҳоланишига сабаб бўлган бўлиши мумкин. Аммо, асарни сюжет, композиция, бадий сайқалдорлик, мазмун ва ғоявийлик жиҳатларидан кузатсак, бадииятнинг юксак талабларига жавоб бера оладиган асар эканлигининг гувоҳи бўламиз. Юқорида келтирилган мисоллардан ҳам шоиранинг равон тили, ўзига хос бадий тасвир воситалари, ёқимли халқона услуби намоён бўлиб турибди.

¹⁸¹ Ўша асар, 214-бет.

¹⁸² В.Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1975; А.Қаюмов. Қўқон адабий муҳити. – Т.: Фан, 1961; Э.Иброҳимова. Увайсий ижодига доир. Филология фанлари номзодлигини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 1959.

¹⁸³ Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. 19 томлик. 13-том. – Т.: Фан, 1979, 402-бет.

Достон воқеалари трагик кайфиятда яқунланади. Гўё, Ҳасаннинг вафот этиши билан ёвузлик эзгулик устидан ғолиб келгандек кўриниши мумкин. Аммо Увайсий тарихий воқеа асосида яратилган достондан ўзининг эзгулик ҳақидаги қарашларини ифодалаш мақсадида фойдаланган. Шоира нуқтаи назарича, эзгулик, яхшилик ҳар доим ғолиб. Унинг ғалабаси мангу барқарорлигида, боқийлигида. Ёвузлик ҳамиша мағлуб. Унинг мағлубияти эзгулик томонидан фош этилишида. Халқнинг унга нисбатан чексиз нафратида. Увайсий ўзининг маҳорати билан ана шу қарашларини ўқувчи кўнглига кўчира олган. Шу сабабли достон яқунланганда, Шаҳзода Ҳасаннинг вафот этганига қарамасдан, кўнглимизда эзгуликнинг боқий ғалабасига ишонч туйғуси улғаяётганини ҳис қиламиз. Бу эса шоира маҳорати маҳсулидир.

“Воқеоти Муҳаммадалихон” достони ҳам Увайсий “Девон”и билан бирга кўчирилган. У тугалланмаган ҳолда етиб келган. Шарқшунослик институтида 1837-инвентар рақами остида сақланади. Ушбу достоннинг матни кўлёзмада 14 саҳифадан иборат (233-246-бетлар). Ҳар бир саҳифада 22 қатордан ёзув бор. Демак, достоннинг бизга етиб келган қисми 208 мисра, 104 байтдан иборат. Асарнинг дастлабки байтларини ҳамд ва наътлар ташкил этади. Кейин Муҳаммадалихон, унинг насл-насаби ҳақида сўзланади. Таржимаи ҳолидаги айрим муҳим нуқталар эсланади. Тахтга ўтириш сабаблари айтиб ўтилади. Ва ниҳоят, достон ёзилишига сабаб бўлган асосий ҳодиса – Кошғарга ғазот қилиш воқеасига эътибор қаратилади. Бобларга ажратилмайди.

Достонда бир нечта образлар бор. Уларнинг табиати, айниқса, Муҳаммадалихоннинг феъл-атвори ёрқин ифодаланади. Услубида халқ достончилигига хос хусусиятлар кўзга ташланади.

Аммо достон яқунланмайди. Бунинг сабаби мазкур урушда Муҳаммадалихоннинг мағлубиятга учраши билан боғлиқ бўлса керак. Ушбу юриш борасида Ҳакимхон Тўранинг “Мунтахаб ут-таворих” номли тарихий асарида батафсил маълумот берилади: “Фалакнинг Катта айиқ юлдузигача

бошини етказиб турган баланд тоғлардан ошиб, неча бир азобу укубатда йўл босганча, анча масофаларни ортда қолдиришди ва, ниҳоят, Кошғар вилоятига етиб боришди. Дарҳол Кошғар вилоятини назорат остига олиб, эртасига Гулбоғ қалъасини узук қоши каби ўраб, қамал ва уруш ишларини бошлаб юборишди. Шу зайл кунлар ўтиб, қамал муддати уч ойга чўзилди. Ҳеч бир тадбир билан Гулбоғ қалъасини эгаллаш муяссар бўлавермади. Ноилож бир неча минг халқни кўчириб, эгик бош билан Хўқандга қайтиб кетишди”¹⁸⁴.

Исҳоқхон Жунайдуллаҳўжа ўғли Ибратнинг “Фарғона тарихи” (1916) асарида ҳам Муҳаммадалихон ва унинг тарихига оид баъзи муҳим маълумотлар келтирилган. Жумладан, Кошғарга ғазот уруши борасида ҳам муаррих ўз мулоҳазаларини баён этади: “Бул вақтда Жаҳонгирхўжа ғалабасида бул киши ҳам Кошғарга Хитой илан ғазот қилмоқ бўлуб боруб, Гулбоғ деган мавзеъда Хитой илан муҳораба қилиб, ғозийлик лақабига содик бўлубдур ва Хўқанд хонларидан мундан бўлак ҳеч киши куффор илан муҳораба қилмай ғозийлик лақабига ноил ўлмағон экан. Ҳаттоки, Амир Темур бовужуди шунча муқотала ва муҳорабалар илан ғозийлик унвониға ноил ўлмай, хутбаларда, туғроларда соҳибқирон деб васф қилурлар, аммо ғозий демаслар”¹⁸⁵.

Ҳақимхон тўра асарида Хоннинг Кошғарнинг Гулбоғ мавзеъсига юриш бошлагани ҳақида сўзланса, Ибратнинг “Фарғона тарихи”да бу вазият янада ойдинлаштирилади. Яъни, 1832 йилда Қўқондан Муҳаммадалихон томонидан ихрож этилган Исобек меҳтар ва Бузрукхон тўра бирлашиб, Хитой қўл остидаги Гулбоғ мавзеъсини эгаллайди. Назаримизда, улар билан зиддияти сабабли, хон уларга қарши юриш уюштирган. Аммо юқорида келтирилганидек, у мағлубият билан яқунланган: “Ўнинчи йили (Муҳаммадалихон ҳукмронлигининг, яъни 1832 йил) Исобек меҳтар ҳам қочиб, Кошғар борибдур. Бузрукхон тўра илан биргалашиб Хитойни маҳкумидаги Гулбоғни муҳосара қилибдурлар”¹⁸⁶.

¹⁸⁴ Муҳаммадҳақимхон тўра. Мунтахаб ат-таворих. – Т.: Янги аср авлоди, 2010, 629-бет.

¹⁸⁵ Ибрат. Фарғона тарихи. “Мерос” туркуми. – Т.: Камалак, 1991, 292-293-бетлар.

¹⁸⁶ Ўша асар, 296-бет.

Кўринадик, мазкур тарихий асарларда келтирилган бу каби маълумотлар, маълум даражада, Увайсий “Воқеоти Муҳаммадалихон” достонининг ёзилиш сабаби, тарихи ва тугалланмай қолганлиги боиси борасида бизнинг тасаввурларимизни бойитишга хизмат қилади.

Учинчи боб бўйича хулосалар

Увайсий ижодий меросидаги жанрлар тадрижини ўрганиш натижасида куйидаги хулосаларга келдик:

1. Шоира шеърлятидаги ҳар бир жанр, унинг такомил тарихи, ўзига хос янги жиҳатларини махсус ўрганиш, ниҳоятда, долзарб ҳисобланади. Чунки мазкур меросни шу нуқтаи назардан талқин этиш, фақат, Увайсийнинг эмас, балки ўзбек мумтоз адабиётининг жанрларга боғлиқ кўплаб муаммоларига ечим топишга имконият яратади.

2. Увайсий салафлари анъаналарини давом эттириш билан бир қаторда, ғазал жанри такомилга ҳам эътибор берган. У ғазалнинг ўзбек мумтоз адабиётида мавжуд шакллари тараққий эттириш билан бирга, кам қўлланган турларини янада жонлантирган. Жумладан, Ўзбек мумтоз адабиётида фақатгина Увайсий ижодида учрайдиган “Ҳарора ғазал” турида ҳам ўзига хос, нодир намуналарни яратган. Изланишларимиз натижасида шоиранинг мазкур тажрибалари адабиёт тарихи ривожидида муҳим аҳамиятга эга эканлигига амин бўлдик.

3. Мумтоз адабиётда жанр нуқтаи назаридан ноёб ҳисобланган Увайсий мусалласи бетакрор истеъдод маҳсулидир. Мазкур асар ҳам шоиранинг бошқа асарлари каби чуқур мазмун, мутаносиб ифода шаклига эга. Теран мантиқ асосида яратилган, соҳир туйғулар билан музайянлаштирилган. Шоира мазкур мусалласи билан Шарқ мумтоз адабиётида ноёб бир жанрни қайта жонлантирган. Уни келажак авлодларга етказишга, асраб қолишда ўзининг муҳим ҳиссасини қўшган.

4. Увайсий ижодий фаолияти давомида жанрлардан фойдаланишда турли-туман, ноёб тажрибалар қилиб кўради. Мумтоз адабиётда кам

кўлланилган жанрларда ҳам шоира ўзининг такрорланмас истеъдодини намоён эта олган. Хусусан, мусалласдаги ҳар бир бандда мустақиллик ва умумийликни сақлаган ҳолда, чуқур, ҳикматомуз мазмунни теран моҳиятга эга тимсоллар воситасида ифодалашга эришади. Унинг бизга биргина мусалласи етиб келишига қарамасдан, мазкур жанрнинг хос хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган, кенг қамровли намунасини яратган, дейишимизга асос бор.

5. Увайсий Навоий ижодига чуқур эҳтиром билан ёндашган. Унинг асарларида ўз туйғуларига монандликни ҳис этган. Олам ва одамга, ҳаёт ва яшаш мазмунига муносабатда яқинликни сезган. Шоира устози ғазалларига боғлаган тахмисларида Навоий ғояларини янада такомиллаштиради. У кўллаган тимсоллар тизимини, бадиий тасвир воситаларини бойитади. Уларнинг ўзига хос, янги қирраларини кашф этади.

6. Дунёқараш, туйғулар, тимсоллар ва бадиий тасвир воситаларидаги уйғунлик тахмисларнинг равонлик ва яхлитлик касб этишига боис бўлган. Сўз танлашдаги ўзига хослик, бадиий ифодадаги нодир топилмалар уларни мукамал, янги асарлар мақомига кўтарган. Шоира боғлаган тахмислар, яратган мустақил мухаммаслар ҳам унинг дунёқараши, ҳаётга, инсониятга муносабати каби масалаларни ойдинлаштиришда муҳим ўринга эга. Уларда шоиранинг бадиий ифодадаги ўзига хослиги ҳам намоён бўлади.

7. Шоиранинг кичик жанрлар таракқиётида ҳам муҳим ўрни бор. Жумладан, фард жанри ҳам Увайсий ижодида муҳим мавқеда турган. Борлик ҳақида ўзи англаган ҳақиқатларни ифодалаш, чуқур фалсафий, ҳикмат даражасидаги фикрларни баён этишда кўл келган. Фардлар яратганда, Увайсий мумтоз адабиёт анъаналарини чуқур ўрганиб, улардан илҳомланиб, янада ривожлантириб, румиёна ҳикматларни яратишга эришган.

8. Шоира фардни жанр сифатида такомиллаштирган. Барча намуналарни тажнис асосида қофиялашга ҳаракат қилган. Зоҳирий, ботиний маъноларни назарда тутиш билан бир қаторда, шоиранинг фикрлари матн ортида ҳам давом этишини таъминлаган.

9. Увайсий чистон яратишда ҳам ўзига хос маҳорат соҳиби. У мазкур жанрлардаги асарларида ҳажман қисқаликка интилган. Шу сабабли, чистонлари 2,4 ва 6 мисрадан иборат. Увайсий чистонларининг барчаси нисбатан енгилроқ оҳангга эга рамали мусаммани маҳзуф ва рамали мусаддаси маҳзуф вазнларида яратилган. Бу шоира услубининг халқ оғзаки ижодига монандлигини кўрсатади.

10. У тимсол танлашда халқ оғзаки ижоди маҳсулларидан, ҳикмат ва нақлларидан унумли фойдаланади. Чистонларида зоҳирий ва ботиний мазмунни мужассамлаштириб ифодалашга ҳаракат қилади. Предмет ва ижтимоий муаммолар назарда тутилади.

11. Шоира чистонларида ташбех, истиора, муболаға каби бадий санъатлар маҳорат билан қўлланади. Баъзан киноя, баъзан юмор сингдирилади. Уни мазмун-мундарижа жиҳатидан ҳам, бадий маҳорат ва шакл хусусиятлари нуқтаи назаридан ҳам юксак босқичга кўтаришга эришган.

12. Увайсий ижодий фаолияти давомида яратган учта достони билан дostonнависликда ҳам ўзининг ноёб истеъдодга эгалигини намоён эта олган. Шоира асарларида Шарқ мумтоз дostonчилиги анаъаналари ва халқ дostonларига хос ифода йўсини мужассамлашганининг гувоҳи бўламиз.

13. Муаллифнинг “Қиссайи Имом Ҳасан” достони шу мавзудаги бошқа дostonлардан кўплаб ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Дostonда шоиранинг вазн танлаш, бадий тасвир воситаларидан фойдаланиш тамойиллари ўз ифодасини топган.

14. Дoston бугунги кунимиз учун ҳам кўнгилни поклаш, халқ ғами билан яшаш, эзгулик, саховат, кечиримлилик, фидойилик каби умумбашарий комил ахлоқ ғояларини тарғиб этувчи асарлиги билан катта аҳамиятга молик. Шоиранинг “Воқеоти Муҳаммадалихон” достони ҳам ўзбек дostonчилигида ўзининг тарихий ва адабий ўрнига эга.

15. Демак, Увайсий ижодини кенг қамровда ўрганиш, фақат шоиранинг эмас, балки ўзбек мумтоз адабиётининг кўплаб очилмаган сарҳадларини забт

этиш имконини беради. Бизни аждодларимизнинг кенг қамровли, теран тафаккур оламига бошлаб боради.

IV боб. Шоира шеърлятида поэтик шакл янгиланиши ва бадий санъатлар такомилли

4.1. Қофия ва радиф Увайсий шеърлятида поэтик шакл янгиланишининг адабий-эстетик асоси

Улуғ алломаларимиз Шарқ мумтоз адабиёти ва адабиётшунослигида қофияни шеърнинг муҳим унсури сифатида юқори баҳолашган. Жумладан, мумтоз адабиётшунос олим Аҳмад Тарозий илми бадеъга бағишланган машхур “Фунун ул-балоға” асарида қофияни чуқур таҳлил этиб беради. Бадиият илмида унинг ўрнини юксак белгилаб, у шеърнинг устунлигини, усиз шеър мумкин эмаслигини таъкидлайди: “... таънинг натижаси шеърдур. Ва шеърнинг асли қофия. Ва қофиясиз шеър мумкин эрмас”¹⁸⁷.

Муаллиф асарда адабиёт учун қофиянинг муҳимлигига диққатни тортиш билан бирга, уни билиш ва маҳорат билан қўллай олиш ижодкорнинг санъаткорлик даражасини белгилаб беришини таъкидлайди: “Билгилким, мажмуи уламо ва фузало мазҳабинда аҳли таъға қофия илмин билмак муҳимдир”¹⁸⁸.

“Фунун ул-балоға” муаллифининг таъкидлашича, алломалар байтни уйга, қофияни эса уни тутиб турувчи устунга қиёслашган: “Ва зурафо байтни хаймаға нисбат қилибтурлар ва қофияни стунға. Яъни стун бирла барпойдур”¹⁸⁹. Мазкур фикр муаллифнинг “қофиясиз шеър мумкин эмас”, деган қарашини яна бир бор тасдиқлайди.

Муаллиф мазкур рисолада қофия билан боғлиқ барча масалаларга жавоб беради. Унда қофиянинг шеърлятдаги мақоми, аҳамияти, унинг турлари, уни ташкил этувчи унсурлари ҳақида аниқ маълумот берилади. Мазкур масалаларни ёритишда муаллиф араб ва ажам шоирлари ижодини бир-бири билан қиёслаш йўлидан боради. Бу эса муаллифга арабий ва туркий

¹⁸⁷ Аҳмад Тарозий. Фунун ул-булоға. – Т.: Хазина, 1996, 61-бет.

¹⁸⁸ Ўша асар, 61-бет.

¹⁸⁹ Ўша асар, 61-бет.

адабиётнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаш имконини беради. Мазкур ҳолат, аввало, адабиётшунослик фанининг тарихий тараққиёт босқичларини тадқиқ этишимизда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Иккинчидан, туркий адабиётшунослик илмида Навоийга қадар ҳам қиёсий аспектда тадқиқ этиш услуби мавжудлигини кўрсатади.

Учинчидан, муаллифнинг асосий эътибори Ажам ижодкорлари яратган адабиёт хусусиятларини аниқлаш ва белгилаб беришга қаратилади. Бу орқали эса у туркий адабиёт назариясини яратишга асос солади.

Жумладан, муаллиф ажам шоирлари ижодида қофиянинг 3 тури мавжудлигини таъкидлайди: “Ажам уламосининг қошида қофия 3 навъ бўлур. Аслий, маъмулий ва шойгон”¹⁹⁰. Сўнгра уларнинг ҳар бирининг моҳияти ёритилади.

Аслий қофиянинг тўлиқ ва равий ҳарфи сўз асосидан бўлиши лозимлигини таъкидлайди (хубоб-гулоб; ҳабиб-рақиб каби).

Равий ҳарфи сўз асосидан бўлмаса, аслий қофияга мажбуран қофиядош этиб келтирилса **маъмулий қофия** дейилади.

Шойгон қофия 5 хил кўринишга эга бўлади, дейилади асарда:

1. “алиф” ва “нун”дан: мардумон ва суханон.
2. “Ҳо” ва “алиф”дан: сархо ва дилхо
3. “Ё” ва “дол”дан: равид ва шавид
4. “нун” ва “дол”дан: раванд ва баранд
5. “Ё” ва “мим”дан: барим ва хўрим

Увайсий шеърларига қофия танлаганда, кўпроқ аслий қофия турини қўллашга диққат қаратади. Бу шоиранинг қофия илмини пухта билгани ва унинг мукамал шаклини ўз ижодида қўллашга эътибор берганини кўрсатади. Чунки адабиётшунослик тарихида қофияни аслий туридан фойдаланиш ижодкорнинг маҳорати ва санъаткорлигини белгиловчи омиллардан бири сифатида баҳоланган. Жумладан, Аҳмад Тарозий ҳам қофия асосини ташкил этувчи равий ҳақида сўзлай туриб шундай дейди:

¹⁹⁰ Ўша асар, 65-бет.

“Равий ул ҳарфни айтурларким, қофиянинг бинойи анга бўлса ва калиманинг нафсидин бўлса ва ҳар ҳарфким, калиманинг нафсидин бўлмаса ва бир иллат бирла анга мулҳақ бўлмиш бўлса, раво эрмаским, ани равий қилғойлар, нетокким бир ғазалда санам ва манам келди. Санамда “мим” аслийдур. Они равий деса бўлур”¹⁹¹.

Муаллиф равийнинг қофиядаги ўрнига юксак баҳо беради: “қофия шеърнинг аслидур. Қофиянинг асли равийдур”¹⁹². У қофиясиз шеър, равийсиз қофия бўлмаслигини эътироф этади. Қофия мумтоз адабиётшуносликда алоҳида илм, илмнинг махсус йўналиши ҳисобланади. Кўп манбаларда унинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган. Уларнинг барчасида Ажам шоирлари ижодида қофиянинг чегараси 9 ҳарф билан белгиланиши ҳақида сўзланади. Уларнинг ҳар бирининг шеърятга ўзига хос оҳанг ва маъно бағишлаши таъкидланади. Аммо унинг ҳаммаси ҳар доим ҳам қофия учун танланган сўз таркибида иштирок этиши шарт эмас, деб ҳисобланади. Мазкур 9 ҳарф ичида қофиянинг ўзагини, аслини ташкил этувчи равийдир. Шу сабабли, қофияда равий иштирок этиши шарт. Қолган 8 ҳарф туширилса ҳам нуқсон ҳисобланмайди: “Ва Ажам соҳирларининг истилоҳида ҳуруф тўққуз келибтурким, ул: таъсис, дахил, ридф, қайд, **равий**, васл, хуруж, мазид, ноира бўлғай. Бу тўққуз ҳуруфдин асл равийдур. Ва қофиянинг равийдин ўзга барча ҳуруфдин гузири бор”¹⁹³.

Увайсий қофиянинг шеърятдаги аҳамиятини чуқур англаган. Шу сабабли ҳам асарларида қофияга муҳим бадиий вазифа юклаган. Уни ҳар бир мисра, байт сўнгида фикрларининг авж нуқтаси мужассамлашган бадиий ашёга айлантира олган.

Шоира шеърятида қофияларни қўллаш тамойилларига эътибор берсак, Увайсийнинг илми қофия борасида чуқур билимга эгалиги кўринади. Шоира шу билим заҳирасини маҳорат билан амалга татбиқ эта олади.

¹⁹¹ Ўша асар, 69-бет.

¹⁹² Ўша асар, 65-бет.

¹⁹³ Ўша асар, 68-бет.

Унинг ҳар бир асарини қофия илми талабларидан келиб чиқиб, талқин этишимизга асос етарли. Аммо, ишнинг мақсадидан келиб чиқиб, ундаги шоира маҳоратининг айрим қирралари ҳақидагина фикр юритамиз. Чунки шоира асарларида қофиянинг қўлланиши махсус тадқиқотни тақозо этади.

Шарқ адабиётида қофия таркибига кўра йирик 2 турга – муқайяд ва мутлақ қофияга ажратилади. Муқайяд – боғланган, банд этилган; луғавий маъноси қайд – кишан, асоси – кишанланган, чегараланган маъносида. Муқайяд қофияда сўз равий билан тугайди. Мутлақ қофия турида эса равийдан кейин ҳам қофия таркибига кирувчи товушлар давом этади. Мутлақ сўзи “бирор нарса билан чекланмаган”, “шартсиз” луғавий маъносини англатади. Кўп манбаларда мутлақ қофиянинг 28, 24, муқайяд қофиянинг 7 турини санашади. Аҳмад Тарозий эса ўз асарида қофиянинг 38 турини кўрсатади.

Увайсий ҳам асарларида қофиянинг ранг-баранг турларидан унумли фойдаланган. Мутлақ ва муқайяд қофиянинг кўплаб хилларини қўллаган. Буни қуйидаги жадвалда кузатишимиз мумкин:

<i>Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида Увайсийнинг 1837- инвентарь рақами остида сақланаётган қўлёзма девони таркибидаги ғазалларда қўлланган қофия турлари</i>			
<i>№</i>	<i>Қофия номи</i>	<i>сони</i>	<i>жанр</i>
1.	Муқайяд қофия	115 та	Ғазал
2.	Мутлақ қофия	123 та	Ғазал
7.	Қофиясиз ғазал(харора)	6 та	Ғазал
8.	Жами ғазаллар сони	244 та	Ғазал

Маълумки, 9 ҳарфнинг 4 таси равийдан олдин, 4 таси эса равийдан сўнг келади. Қофиянинг ибтидоси таъсисдан бошланади. У ҳар доим “алиф” ҳарфи билан ифодаланади. Қофияда таъсиснинг қўлланилиши ютуқ ва санъаткорлик белгиси ҳисобланган. Чунки ундаги очикликнинг,

оҳангдорликнинг юқорилиги шеърга зийнат бағишлаган. Шу сабабли, таъсисли қофия муассаса деб аталган. Муассаса эса бадий санъат ҳисобланган. Қофия тадқиқотчиларидан бири профессор А.Рустамов “...қофиянинг таъсисли ва дахилли муқайяд турлари ва мутлақ турлари мураккаб ва хушоҳанг бўлиб, шоирдан маҳорат талаб қилади”¹⁹⁴, дея таъкидлайди.

Увайсий шеърларидаги қофияларнинг ҳам кўпи таъсис ҳарфи билан бошланади. У шеърятда таъсиснинг ўрнига алоҳида эътибор билан қарайди. Бу бежиз эмас. Чунки у шеърга ўзгача оҳангдорлик ва жарангдорлик бағишлайди. Ўқувчи диққатини мисрадаги бош сўзга жалб этади. Жумладан, кўйидаги ғазал муқайяд қофияли, яъни қофияси равий билан тугаган. Равийга қадар эса қофия ҳарфларидан ридф (“а”), дахил (“в, ғ,р”) ва таъсис (“о”) иштирок этган:

Зулфунг хаёли бул кун кўнглумдадур ҳаловат,
Мехринг тажаллисидин жисмимдадур фароғат.
Шояд тушармукин деб жононанинг гузори,
Вайрона кўнглум ичра қилдим ажаб иморат¹⁹⁵.

Ёки:

Муҳаббат расмини билмаклик ҳар жононадин келмас,
Висоли ёрни кўрмаклик ҳар мастонадин келмас.
Бўлурму ҳар кеча токим чароғи шамъ бедуде,
Урушлик шамга жисмини ҳар парвонадин келмас¹⁹⁶.

Келтирилган иккала намунада ҳам қофия таъсис билан музайян битилган. Кўринадикки, у (“ ” алиф – “о” ҳарфи) шеърга ўзгача тароват, оҳанг бахш этган.

Таъкидлаганимиздек Увайсий услубида қофия шоира фикрларининг авж нуқтаси жамланган сўз. Қофияни ташкил этувчи унсурлар ичида эса таъсис равийдан-да олдинроқ кўзга ташланадиган қисм. Шу сабабли эътибор берсак,

¹⁹⁴ А.Рустамов. Қофия нима? – Т.: Фан, 1976, 21-бет.

¹⁹⁵ Увайсий. Кўнгил гулзори. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1983, 201-бет.

¹⁹⁶ Ўша асар, 195-бет.

таъсиссиз қофияга нисбатан таъсисли қофияда равий бироз эътибордан четда туради. Бу билан биз равийнинг бадиий вазифасини инкор этмоқчи эмасмиз. Аммо объектив қараганда, оҳангдорлик, чўзиқлик, таъкид, ўқувчи диққатини жалб этиш борасида таъсис юқорироқ поғонада тургандек туюлади. Бизнингча, мумтоз адабиётшунослик ва “Фунун ул-балоға”да таъсиснинг ўрни бежиз алоҳида таъкидланмаган: “...аксар фусаҳонинг иттифоқида таъсиснинг аъмоли шарттур. Ул жихаттинким, шеърга зийнат бағишлар”¹⁹⁷.

Увайсий “алиф”, “вов”, “ёй” ҳарфлари ташкил этувчи ридфни қофия таркибида қўллашга ҳам алоҳида эътибор беради: “Ридф ҳам равийдан бурун келур. Ва бу доим ҳуруфи маддин келур. Яъни “алиф” ва “вов” ва “ё” ва бу уч ҳарфдин ўзга ҳеч ҳарф ридф бўлмас, нетокким: кор ва бор, ҳур ва нур, чин ва ойин бўлғай”¹⁹⁸. Чунки “о”, “у”, “и” товушларининг чўзиқ ва очик талаффуз этилиши мисраларга оҳангдорлик, жарангдорлик бахш этади.

Қуйидаги байтларда ҳам биз бу ҳолатни кузатишимиз мумкин:

Танбурни қўлға олдим, жон риштасин қилиб тор,

Найлай бу анжуманни, соҳиб дутор келмас.

Васфини шарҳ этарда бепарда мазмун айлар,

Гар таъна қилса мардум, Вайсийга ор келмас¹⁹⁹.

Мазкур ғазалда ёр, гулузор, хумор, дучор, нигор, баҳор, дутор, ор сўзлари қофия сифатида қўлланган. “Ре” равий, “о” ҳарфи эса ридф бўлиб келмоқда.

Ёки:

Тири ғамзанг тан аро қилса қадам ранжидае,

Ашки ғалтоним нисору жони меҳмоним фидо.

Зоҳидо, ёндирма Вайсийни маломат нориға,

Фашши дасторингни қилғай оҳи сўзоним фидо²⁰⁰.

¹⁹⁷ . Аҳмад Гарозий. Фунун-ул-балоға. – Т.: Хазина, 1996, 77-бет.

¹⁹⁸ Ўша асар, 77-бет.

¹⁹⁹ Увайсий. Кўнгиш гулзори. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1983, 196-бет.

²⁰⁰ Ўша асар, 154-бет

Мазкур байтларда меҳмоним, сўзоним сўзлари қофия, “н” ҳарфи равий, “о” ҳарфи эса ридф сифатида қўлланган.

Ёки:

Ёр қаддин зухур ўлса тажалли кимдур ул,
Соя янглиғ қомаги бирла пуранвор ўлмагон²⁰¹.

Ёки:

Фигони айб, охи таъна, бир бечора маҳзунман
Ки, бир Лайли париваш шоҳға аввора Маҳнунман²⁰².

Олдинги байтларда ридфни “о” ҳарфи ташкил этган бўлса, сўнги байтда ридф “у” ҳарфидан иборат.

Кўринадики, шоира шеърятининг оҳангдорлиги ва жозибасини оширишда таъсис ва ридфнинг муҳим ўрни бор.

Увайсий шеърятда қофия ниҳоятда муҳим вазифани бажаради. Унда ҳар бир байтда ифодаланаётган фикрнинг ечими мужассамланади. Қофияни ўқиш билан ўқувчи тасаввури ойдинлашиб кетади. Чунки қофия фақат оҳангдорликни ҳосил қилувчи сўзлар эмас. Балки ижодкор айтмоқчи бўлган фикрнинг маъзини жамлаб берувчи бадиий ашёдир. Бу ҳолатни шоиранинг кўйидаги ғазали мисолида кузатишимиз мумкин.

Унда қофиянинг ўрни ва ноёб бадиий вазифаси яққол намоён бўлган. У саккиз байтдан иборат. Ҳазажи мусаммани солим вазнида яратилган. “шоҳлардурлар, огоҳлардурлар, гумроҳлардурлар, коҳлардурлар, хиргоҳлардурлар, узрхоҳлардурлар, оҳлардурлар, роҳлардурлар, оҳлардурлар” сўзлари қофия сифатида қўлланилган. “Х” ундоши равий. Ғазалда нойирали мутлақ қофия қўлланган.

Мазкур асарда қофиялар жуда катта вазифани бажарган. Улар ҳар бир байтнинг тезиси ёки мундарижасини белгилаган, дейиш мумкин. Жумладан, матланинг 1-мисрасида “шоҳлардурлар”, 2-мисрасида эса “огоҳлардурлар” сўзи қофия. Мисраларнинг мазмуни эса, ана шу тезис сифатида баён этилган

²⁰¹ Ўша асар, 140-бет.

²⁰² Ўша асар, 125-бет.

сўзларнинг моҳиятини ёритиб беришга қаратилган. Шоҳлар ким? “Қаю майхона сори юз кўянлар”. Огоҳлар ким? “Муҳаббат сирридин фаҳм айлаганлар”:

Қаю майхона сори юз кўянлар **шоҳлардурлар,**
Муҳаббат сирридин фаҳм айлаган **огоҳлардурлар**²⁰³.

Газал бошдан охиригача худди шу услубда давом этган.

2-байтда “гумроҳлардурлар” сўзи қофия бўлиб, бутун мазмун уни изоҳлашга йўналтирилади:

Юзинг ойинадин равшан, билолмас – ул эрур жоҳил
Ки, ҳам бадбахт, ҳам торик кўнгул **гумроҳлардурлар**²⁰⁴.

Эътибор берилса, 1- ва 2- байтларда зид маъноли тушунчалар (огоҳлар ва гумроҳлар) параллел кўйиб изоҳланади. Шу ҳолат ҳам шоиранинг қофия воситасида қанчалик чуқур моҳиятни ёритишни назарда тутганини исботлаб турибди. Чунки Увайсий бош ғоясининг тезиси, эътироф этганимиздек, қофия унсурида мужассамлашади. Огоҳлар ва гумроҳлар сўзлари солиқнинг асл мақсадга эришиш йўлидаги савия ва мақомини белгиловчи ирфоний моҳият касб этади.

3-байт янада кучли маҳорат билан яратилган. Унда шоиранинг, айниқса, бадий санъат қўллашдаги санъаткорлиги қофия ёрдамида юзага чиқарилади. Байтда “коҳлардурлар” сўзи қофия. Асардаги бадий мақсадни юзага чиқаришда “коҳ” ва “каҳрабо” сўзларини параллел қўллаш ва улар воситасида тамсил санъатини яратиш муҳим омил бўлиб хизмат қилади:

Кўнгул, ағёр аро ёр ўлса сенким рашкдин ўлма
Ки, ҳар жо каҳрабо манзури, билсанг, **коҳлардурлар**²⁰⁵.

Шоира ёр ва ағёрни каҳрабо (гўзал тошлардан бири) ва сомонга қиёслаб, фикрини чиройли асослайди. “Каҳрабо”нинг луғавий маъноси ҳам “коҳ” сўзи билан боғлиқ. Коҳ – сомон, каҳрабо эса сомонни ўзига тортувчи маъносини англатади. Мазкур сўзларни параллел қўллаш орқали шоира ёр ва

²⁰³ Увайсий. Кўнгул гулзори. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1983, 176-бет.

²⁰⁴ Ўша асар, 176-бет.

²⁰⁵ Ўша асар, 176-бет.

ағёрнинг мақомини ҳам белгилаб беради. Увайсий байтда коҳ (сомон) сўзини бежиз қўлламаган. Бу ўринда шоира ашённинг ранги ва унинг сариклигини ҳам назарда тутди. У ошиқнинг аҳволи руҳиясини ифодалаш вазифасини бажаради.

Байт чуқур ирфоний маънодан ташқари муҳим ижтимоий мазмунга ҳам эга. Бу маъно унда қаҳрабоннинг манзури “коҳлар” бўлишини таъкидлаш орқали ифодаланди. Бундай тасвир бизга Навоий, Огаҳий, Мунис, Машраб каби улуғ устоз шоирларнинг булбул қуйи тушиб, зоғлар юксак мартабаларда эъзозланганлиги борасидаги фикрларини ёдимизга туширади. Ундан ташқари, байтда “к” товуши воситасида тавзеъ санъати ҳам қўлланганки, бу асарнинг оҳангдорлигини ва байтдаги сўзларнинг қофия (коҳ, қаҳрабо) билан алоқасини, боғлиқлигини янада оширишга хизмат қилган.

Тарозий Шарқ адабиётида қофия сифатида содда, қўшма, жуфт сўзлар қўлланишини таъкидлайди. Увайсий эса, қофия учун радифдан фарқли ўлароқ, асосан, алоҳида, яъни содда сўзларни танлайди. Бу бежиз эмас. Бу борада шоиранинг маҳорати шунда намоён бўладики, у танлаган сўзларда байт ва мисраларда ифодаланган фикрнинг, ҳиссиётларнинг авж нуктаси жамланади. Якка сўзларда маънони таъкидловчи урғу битта бўлади. Бу эса ўқувчи диққатини ягона нуктага қаратади. Шоира айтмоқчи бўлган фикр-ғояларнинг таъсир кучини оширади, уларни ўқувчига осон ва аниқ етказиш имконини яратади.

Шоира қофияга алоҳида эътибор бериш билан бирга, унинг вазифасини янада мукаммаллаштиришга хизмат қилувчи бадий санъаткорлик, тасвир воситаларидан ҳам унумли фойдаланади. Тарозий қофия илмига бағишланган рисоласида қофия билан боғлиқ учта – эънот (илтизом ҳам дейилади), зулқофиятайн, зулқофиятайни мураддаф санъатлари ҳақида маълумот беради. Унинг таъкидлашича, эънот икки хил бўлади. Унинг бир турида шеър ичида бир сўз турли ўринда турли маъноларда такрорланади. Рисолада Хожа Тоҳириддин 67 байтли бир қасидасининг ҳар мисрасида “чашм” ва “рўй” сўзларини, Хожа Камол Исфаҳоний эса 90 байтли

қасидасининг ҳар байтида “мўй” калимасини турли маъно товланишларида қўллашгани эътироф этилади.

Эънотнинг иккинчи тури эса қофия билан боғлиқ. Бунда қофия таркибида равийдан (асосан), ридф ва таъсисдан олдин бир ҳарф айнан такрор келтирилади. Тарозийда ҳам, мумтоз адабиётшуносликда ҳам бу “лузуми мо ло ялзаму” деб аталади: “Устодлар ва тўккуз ҳуруфдин бошқа равийдин ё ридфдин ё таъсисдин бурун бир ҳарфни илтизом қилурлар... Ва муни “лузуму мо ло ялзаму” ўқурлар”²⁰⁶. Шу ўринда муаллиф ўз фикрини бир қанча мисоллар билан далиллайди. Жумладан, қуйидаги парчада “қамар” ва “самар” сўзларида эънот санъати қўлланганлиги ва у “мим” ҳарфи воситасида яратилганлигини таъкидлайди:

Сарв десам қаддини, сарв узра ким кўрди самар?

Қаддиға қуллуқ учун боғлади белга не камар.

Бу ўринда “ре” равий, “мим” ҳарфи эса эънот (илтизом) санъатидир.

Рисола муаллифи бу санъатни араблар эънот деб аташини эътироф этади: “Бу тариқани араб шуароси эънот тақи дерлар”²⁰⁷.

Таъкидланганидек, Увайсий ҳам шеъриятида қофия сифатида танланаётган сўзларга улкан бадий юк юклашни назарда тутди. Бундай вазифани сўзнинг маъноси билан ҳам, уларни ташкил этган ҳар бир ҳарфларнинг ўринлашиши билан ҳам амалга оширади. Жумладан, қуйидаги байтда шоира эънот санъатини қўллайди ва бу билан бутун эътиборни шу сўзга жалб эта олади:

Васл ўлса, жаҳон хўби, фироғинг соғинурман,

Ким анжумане ичра сўроғинг соғинурман²⁰⁸.

Мазкур байтда “ғ” равий, эънот санъати эса “р” ҳарфи воситасида яратилган.

Қуйидаги байтларда ҳам шоира шу ҳолатни сақлашга эришади:

... Дил манзарини пок қилур эрди нигоҳинг,

²⁰⁶ . Аҳмад Тарозий. Фунун-ул балоға. – Т.: Хазина, 1996, 78-бет.

²⁰⁷ Ўша асар, 79-бет.

²⁰⁸ Увайсий. Кўнгил гулзори. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1983, 126-бет.

Не тонг, не ажаб, деса: “Қароғинг соғинурман!”
Ҳижрон туни ҳамроҳ хаёлингни йитурдим,
То топқучаким, васли чароғинг соғинурман...²⁰⁹.

Ёки қуйидаги байтларда ҳам қўлланган эънот санъати шоира айтмоқчи фикрни янада қуюқлаштиришга хизмат қилган:

Қошларинг қибланамодур, назар этмай нетайин?
Кирпигинг тири балодур, хазар этмай нетайин?
“Кўхкан!” дебки нидо айлади Фарҳодиға ул,
Бу ширин сўзига жондин гузар этмай нетайин²¹⁰.

Бу ўринда “з” ҳарфи воситасида эънот санъати яратилган, “ре” равий сифатида қўлланган.

Шоира кўпчилик матласини эънот (илтизом) санъати билан музайян битади. Бу ижодкор услубининг ўзига хос қирраларидан бири сифатида кўзга ташланади:

Дема, маҳзун кўнглум ишқин дардига дармони бор,
Ваҳки, дармони на ўлсун, ўлмаки фармони бор²¹¹.

Шоира ғазал матласига катта эътибор беради. Уларни шоҳбайт ва асарнинг фикрий мундарижасини мужассамлаштирувчи тезис даражасида яратади.

Ундан ташқари, матлада турли бадий санъатлардан фойдаланишга алоҳида диққат қаратади. Кўп матлаларда мураккаб бадий санъат ҳисобланган ташобеҳ ул-атрофни ҳам қўллайди:

Дема, маҳзун кўнглум ишқин дардига дармони бор,
Ваҳки, дармони на ўлсун, ўлмаки фармони бор²¹².

Мазкур байтда 1-мисра сўнгидаги “дармони” сўзи 2-мисра бошида айнан келтирилиб занжир ҳосил қилинади. Бундай байтлар Увайсий ижодида кўплаб топилади.

²⁰⁹ Ўша асар, 126-бет.

²¹⁰ Ўша асар, 137-бет.

²¹¹ Ўша асар, 182-бет.

²¹² Ўша асар, 182-бет.

Ҳусайний мазкур санъат, асосан, араб шоирлари ижодида учрашини, ажам шоирлари уни қўлламаганликларини таъкидлайди: “Ажам шуароси ташриъ санъатин эътибор қилмаптурлар, анинг учун “Қасидаи маснуъ”да мунга мисол келтирилмаптур Атоуллоҳ Ҳусайний қофия билан боғлиқ санъатлардан бири сифатида ташриъ (тарших, зулқофиятайн)ни эътироф этади: ”Ташриъ. Баъзилар ани тарших дерлар, зулқофиятайн ҳам дерлар. Араб фусаҳоси наздида ул андин ибораттурким, шеърни икки ёки андин ортиқ қофия асосида тузгайлар ва аларнинг ҳар бирида тўхталғанда шеър дурусту маъно тўғри чикқай”²¹³.

Бу санъатни қўллаш орқали шоирлар сўз воситасида қанчалик мўъжизалар яратиш мумкинлигини намойиш эта олганлар.

Аммо биз Увайсий шеърятини шу нуқтаи назардан кузатганимизда, бошқача манзарага дуч келдик. Унинг бир нечта ғазали, айнан, ташриъ санъатини эътиборда тутиб яратилганлигининг гувоҳи бўлдик.

Биз қўш қофия қўлланган ғазалларни зулқофиятайн деб аташга одатланганмиз. Аҳмад Тарозий ҳам мазкур санъатни “ҳар шеъркеим, анга икки қофия келтурсалар, они зулқофиятайн ўқурлар”, дея қисқача таърифлайди.

Ҳусайний зулқофиятайн санъати ҳақида алоҳида тўхталади ва унинг хос хусусиятларини белгилаб беради: “зулқофиятайн деб ул шеърни айтурларким, анда икки қофияни лозим кўргайлар ва охирғи қофиядин олдинғи қофияда тўхталғанда назмнинг дуруст ва маънонинг тўғри чиқишин шарт қилмағайлар”²¹⁴.

Кўринадики, зулқофиятайн ва ташриъ Ҳусайний рисоласида келтирилганидек, қофия билан боғлиқ алоҳида санъатлар.

Увайсий ижодида биз зулқофиятайн ҳам, ташриъ санъати ҳам қўлланганлигининг гувоҳи бўлдик. Жумладан, қуйидаги ғазалда ташриъ санъатини кузатамиз:

²¹³ Аҳмад Тарозий. Фунун-ул балоға. – Т.: Хазиана, 1996, 80-81 -бетлар.

²¹⁴ Ўша асар, 83-бет.

Мусаббир йўқду мендек ишқ аро **собир сўбуринда**,
Сенингдек кимки, золим, раҳмсиз **жобир жўбуринда**.
Тушуб бошимға зулфунг, эй санам, дин кетти илкимдин,
Йўқ эрди ушбу зунноринг каби **кофир кўфуринда**.
Халос айлиб ўзумни ҳажр саҳросида ҳайронман,
Ўзун ҳирмона қолгон васл аро **ҳозир ҳўзуринда**.
Хатингдин топти хат кўнглумгаким, ғайр аҳли хат тортти,
Юзи ҳолим забуниндаки, бул **хотир хўтуринда**.
Кўнгул, маҳсуслиқ даъво қилурсан ҳар замон андоқ,
Неча афвожи ушшоқи ўшал **носир нўсуринда**.
Муҳаббат тухмин эким, хирмани ғамни кўтармиш дил,
На дилдинким, туганмас ғам, қаю **вофир вўфуринда**.
Увайсий рутбайи шукрингга парвоз этти, невчунким,
Этар мақсад камолотиниким, **шокир шўкуринда**²¹⁵.

Мазкур ғазалда бошдан охир Ҳусайний таъкидлаганидек, 1-қофияда тўхталганда ҳам шеър тугал маъно ифодалайди. Вазн жиҳатдан мусаддас, 2-қофияни ҳам қўшганда эса мусамман шаклига эга бўлади: “Бу абётни агар охириғача ўқисалар мусаммандур, агар биринчи қофияда тўхтасалар мусаддастур...”²¹⁶:

Мусаббир йўқду мендек ишқ аро **собир**,
Сенингдек кимки, золим, раҳмсиз **жобир**.
Тушуб бошимға зулфунг, эй санам, дин кетти,
Йўқ эрди ушбу зунноринг каби **кофир**.
Халос айлаб ўзумни ҳажр саҳросида,
Ўзун ҳирмона қолгон васл аро **ҳозир**.
Хатингдин топти хат кўнглумгаким, ғайр аҳли
Юзи ҳолим забуниндаки, бул **хотир**.
Кўнгул, маҳсуслиқ даъво қилурсан ҳар

²¹⁵ Увайсий. Кўнгил гулзори. Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 23-бет.

²¹⁶ А.Ҳусайний. Бадоеъ ус-саноеъ. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 81-бет.

Неча афвожи ушшоқи ўшал носир.
Муҳаббат тухмин эктим, хирмани ғамни,
На дилдинким, туганмас ғам, қаю вофир.
Увайсий рутбайи шукрингга парвоз этти,
Этар мақсад камолотиниким шокир²¹⁷.

Кўринганидек, бир неча ўриндагина биров нуқсон кўзга ташланади. Умуман олганда эса, ғазал 1-қофия билан ҳам тугал асар сифатида мазмунга эга. Бундай ҳолат шоира қўллаган радифларда ҳам учрайди (бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз).

Шоиранинг мазкур ғазалида 2-қофия 1-қофия билан ёнма-ён, мисра сўнгида жойлашади. Бунинг сабаби ҳам, бизнингча, 1-қофиягача бўлган масофада тугал мазмун ва вазни яратиш билан боғлиқ. Асарда шоира ўзининг ноёб маҳорат кирраларини намоён этади. Жумладан, у қўш қофия қўллаш жараёнининг ўзида иштиқоқ санъатидан ҳам фойдаланади. Бу эса асарнинг оҳангдорлигини оширади. Байтлардаги асосий фикрни 2 карра таъкидлаш ва ўқувчи диққатини унга жалб этиш имконини яратади. Асарда тазод санъатининг вазифаси ҳам бўртиб кўринади. Деярли ҳар байтда (собир-жобир, ҳажр-васл, дин-кофир каби) зид маъноли тушунчалар қўлланади. Тажнис санъатининг ноёб намунаси яратилади:

Хатингдин топти хат кўнглумгаким, ғайр аҳли хат тортти...

(**1-хат** юздаги туклар; **2-хат** ёзув; **3-хат** чизиқ маъносида).

Аmmo ғазал фақат санъатпардозлик намунаси эмас. Ундаги чуқур, фалсафий мазмун шоиранинг, албатта, асосий эътиборида турган. Қўлланилган бадий санъатларнинг барчаси эса мазмунни мукаммаллаштиришга ва тасвирни сайқаллашга хизмат қилган.

Шоира, булардан ташқари, асарларида қофия билан боғлиқ тарсеъ, мукаррар, тақрир каби кўплаб санъатлардан ҳам фаол фойдаланган.

²¹⁷ Увайсий. Кўнги́л гулзори. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1983, 23-бет.

Айрим асарларида ижодкор такрор сўзни қофия вазифасида қўллайди. Бу ўз-ўзидан шоира айтмоқчи бўлган маънони янада таъкидлаш, кучайтиришга хизмат қилади:

Хиром айлар гулистон ичра ул **мастона-мастона**,

Табассумдан намоён айлабон **дурдона-дурдона**.

Тамошо чоғида монёдурур кўздин юрак қони,

Бу ҳасратдин тўкар мардумларим **маржона-маржона**.

...Ўшал шўхи ситамгарни бўлурму ошно деб ҳеч?

Рақиб-ла иттифоқ айлар, менга **бегона-бегона**²¹⁸.

Мазкур байтларда такрор сўзлар шунчаки оҳангдорлик учунгина қўлланмаган. Улар орқали ифодаланаётган маънони тоқ сўзлар билан акс эттиришнинг асло иложи йўқ. Жумладан, улардаги такрор сўзлар тоқ сўзларга нисбатан ҳолатни аниқроқ тасвирлаб бериш имконини яратади. Маънони кучайтиради, таъкидлайди. Жумладан, “бегона” сўзи ноошно маъносини англатса, “бегона-бегона” буткул танимаслик маъносини ифодалайди. Мастона-мастона, дурдона-дурдона сўзлари ҳам ҳолат ва маънони таъкидлаш, кучайтиришга хизмат қилади. Такрор сўзлар воситасида ҳосил этилаётган маънодаги яхлитлик ва тугаллик вазндаги солимлиқка ҳам асос яратади. Ғазал ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган.

Юқорида келтирилган фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, Увайсийнинг бадий маҳорати, ўзига хослиги асарларида қофия қўллаш тамойилларида ҳам намоён бўлади. Энг муҳим бадий унсур сифатида унга катта эътибор қаратади. Улкан бадий вазифа юклайди. Унда шоира мақсадининг авж нуқтаси, фикрларининг ечими мужассамланади.

Увайсий асарларида радифдан фарқли ўлароқ, қофия сифатида кўпроқ тоқ, алоҳида сўзлардан фойдаланади. Бу эса ўқувчи диққатини асосий нуқтага жалб этиш учун хизмат қилади.

У муқайяд ва мутлақ қофиянинг кўплаб турларидан унумли фойдаланган.

²¹⁸ Ўша асар, 27-бет.

Шоира асарларида қофия билан боғлиқ илтизом, зулқофиятайн, мукаррар, тарсеъ, ташриъ каби кўплаб бадий санъатларни ҳам қўллайди.

Кўринадики, шоира шеъриятида қофиянинг ўрнини, вазифасини ўрганиш, унинг маҳорат кирраларини, ижодининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашимизда муҳимдир.

Радиф ва унинг шоира маҳоратини намоён этишдаги вазифаси. Маълумки, шеъриятда оҳангдорликни ва фикрнинг авж нуқтасини белгилашда радиф ҳам муҳим ўринга эга. “Фунун ул-балоға” муаллифи асарининг қофияга бағишланган бўлимида радиф ҳақида тўхталади. Унинг шеъриятдаги ўрни муҳимлигини таъкидлайди. Шеърга зийнат бағишлаши, аммо қатъий талаб этилмайдиган хусусият эканлигини ҳам уқтиради: “Ва радиф агарчи шеърда лозим эрмас, вале андин шеърга оройиши тамом ҳосилдур. Ва Араб қошинда ҳар шеърреким, анда ридф ҳарфи бўлса, они мураддаф ўқурлар. Ва Ажам қошинда ҳар шеърдаким радиф бўлса, они мураддаф дерлар”²¹⁹.

Тарозий фикрига кўра, радиф ажам шоирлари ихтиросидир: “... Ва бу Ажам шуаросининг махсусидур ва муни араб билмас. Ва бу анингтек бўлурким, бир ғазалда бошдин оёқ ҳар байтнинг охиринда қофиядин сўнгра бир калимани такрор қилурларким, барчаси сурат ва маънода муттафик бўлғай”²²⁰.

Адабиётшунослигимиз тарихида олимларимиз радиф қўллаш шеъриятда шарт қилиб белгиланмаганини таъкидлашган бўлсалар-да, Увайсий ижодида у улкан бадий вазифаларни бажарган. Қуйидаги миқдорлар ҳам бунинг яққол исботидир. Шоира девони қўлёзмасидаги 244 ғазалдан 196 тасида радиф қўлланилган.

Увайсий шеъриятида радифнинг ўрнини белгилаш уни махсус ўрганишни тақозо этади. Аммо, биз ишимизнинг мақсадидан келиб чиқиб,

²¹⁹ Тарозий. Фунун ул-балоға. – Т.: Хази́на, 1996, 81-бет.

²²⁰ Ўша асар, 81-бет.

шоира маҳоратини намоён этишда радифнинг вазифасини айрим мисоллар ёрдамида аниқлашга ҳаракат қилдик.

Юқоридаги миқдордан кўриндики, шоира шеърларининг 80 фоизида радиф қўлланилган экан. Шунинг ўзи ҳам радиф ижодкор услубини белгиловчи омиллардан бири эканлигини кўрсатади.

Жумладан, “Ишқида” радифли ғазалдаги унинг вазифасини кузатиб кўрайлик. Ғазал 11 байтдан иборат. “Ишқида” сўзи радиф сифатида 12 марта ишлатилган. Кўпгина илмий рисолаларда радиф ҳақида қисқа тўхталинади²²¹. Жумладан, Фитрат ҳам мумтоз адабиётшуносликдаги каби қофиянинг шеърдаги ўрнига юқори баҳо беради: “Бурунги шеърларимизда қофиянинг жуда катта ўрни бор эди. Ҳатто, вазн, қофияси бўлмаган асар шеър саналмас эди”²²².

Аммо радифга кенг тўхталмайди. Унинг вазифасини “такрорланиб келувчи сўз” сифатида баҳолайди, холос: “Баъзи ғазалларда ҳар мисраъдан кейин биргина сўз қайтарилиб турур. Бу сўзга радиф дейилади”²²³.

Кўринадикки, мумтоз адабиётшуносликда радифга, асосан, бир сўзнинг такрор қўлланишидан иборат формал ҳодиса сифатида ёндашилади. Унинг бадиий вазифаси кенг ва батафсил ёритилмайди. Уларда радиф оҳангдорликни ҳосил қилувчи восита сифатида баҳоланади. Тўғри, у, аввало, оҳангни яратишда иштирок этади. Аммо, унинг асосий вазифаси бу эмас. У ижодкор айтмоқчи бўлган маъно ва мақсадни намоён этувчи воситадир. Радиф Ажам шоирлари ихтироси сифатида, туркий шеърятда муҳим бадиий унсур сифатида такомилга эришди. Жумладан, у Увайсий шеърятда ҳам ўзига хос ўринга эга.

Бу, айниқса, Увайсийнинг зикр этилган ғазалида аниқ кўрилади. Эътибор берсак, ғазал радифсиз ҳам тузуккина мантиққа эга асардек тасаввур уйғотади. Ҳатто, унинг айрим байтларини вазн жиҳатидан ҳам рамали

²²¹ Аҳмад Тарозий. Фунун ул-балоға. – Т.: Ҳазина, 1996; Фитрат. Адабиёт коидалари. – Т.: Ўқитувчи, 1995; Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатларини биласизми? – Т.: Шарқ, 1999.

²²² Фитрат. Адабиёт коидалари. – Т.: Ўқитувчи, 1995, 48-бет.

²²³ Ўша асар, 49-бет.

мусаддаси солим (фоилотун, фоилотун, фоилотун; - V - - / - V - - / -V - -)вазнига тушириш мумкин:

Ох, гулрухсора жонон, **хордурман**,
Дил аро қон, сийнаси **афгордурман**.

Аммо, ҳар бир байтда радиф қўшилиши билан, оҳангдорликнинг ошишидан ташқари, шоира нутқида жуда катта мантикий ойдинлик пайдо бўлади. Ҳар бир байтнинг, ўқувчи диққатини жалб этувчи, маъновий кульминацияси вужудга келади. Ҳали қофияга тушган зарб, энди радифга кўчади:

Ох, гулрухсора жонон, хордурман **ишқида**,
Дил аро қон, сийнаси афгордурман **ишқида**²²⁴.

Мазкур ғазалда қофия билан радиф муносабати ниҳоятда мустаҳкам боғланган. Чунки улар бир-бирини тўлдириб келишга хизмат қилади. Шоира мисраларда фикрларини баён этар экан, қофия учун шундай кутилмаган сўзларни танлайдики, сўзнинг ботиний маъноларини қанчалик чуқур ҳис қилиши ва сўзнинг қудратини намоён этиш маҳоратидан ҳайратга тушасан, киши:

Мўрдек помолдурманким, саломат аҳлига,
Дард аҳлига бу дам сардордурман **ишқида**²²⁵.

Байтда “сардордурман” сўзи қофия. Сардор сўзи, кўпинча, ҳарбий жараён билан боғлиқ атама сифатида тушунилади. Аммо, мазкур ўринда, аввало, сўзнинг маъно-моҳияти янада чуқурлашади. Раҳбар раҳнамо, йўлбошловчи маъноларини англлатиб келади. Иккинчидан, мазкур сўз лирик қаҳрамон табиатидаги маҳзунлик ва пассивлик ҳолатини ўзгартириб, жасорат, журъат, қатъият ва раҳнамолик мақомига кўтариб юборади. Бу ҳақиқий маҳорат белгисидир. Байтда

“саломат аҳли” ⇨ “дард аҳли”;

²²⁴ Увайсий. Кўнги́л гулзори. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1983, 18-бет.

²²⁵ Ўша асар, 18-бет.

“помолдур” ⇒ “сардордур”

жумлалари зидлантириб параллел қўйилади. Ана шу параллелизм шоира айтмоқчи бўлган мантиқни теран қамраб олган. Инсон ҳаётининг икки қутбини – мажозий ва ҳақиқий ҳаётнинг ботиний тасвирини ифодалай олган. Ошиқнинг ижтимоий ва руҳоний ҳаётдаги мақомини белгилаб берган.

Мазкур ғазалнинг ҳар бир байти шоҳбайт даражасида яратилган. Қуйидаги мисралар ҳам Увайсий шеърлятида қофия ва радиф музайянлигининг намунаси:

Ақлу фаҳму ҳушу идроким сазовор ўлдиким,

Мижмари бардош ичинда нордурман **ишқида**.

Нор – олов маъносини англатади. Жумлада ишқ ва ўт сўзларига асосий эътибор қаратилган. “Ишқ ўти” бирикмаси мумтоз шеърлятда кенг қўлланилади. Ишқнинг олови ошиқни ёндиради. Аммо, Увайсий ана шу анъанавий талқинни янгилайди ва уни юксак чўққига кўтаради. Шоира тасвирича, энди ошиқ ишқ туфайли бардош мижмари ичидаги оловга айланади. Анъанавий талқинда олов ошиқни ёндиради. Шоира нуқтаи назарича эса, ошиқ ёндирувчи оловга айланади. Бунинг замирида чуқур ирфоний мантиқ мужассам.

Шоира шеърлярида радиф баъзан бир сўздан, баъзан бир неча сўздан иборат. Бир неча сўздан иборат бўлган радифнинг байтдаги вазифаси янада кенгайди. Бундай шаклдаги радиф ижодкор фикр-ғояларини кенгрок қамровда аниқлаштиришга, ўқувчи диққатини янада кучлироқ жалб этишга хизмат қилади.

Шоира шеърлятида анъанавий радифларни қўллаш билан бирга (бу мумтоз адабиётда салафларга эҳтиром рамзи сифатида қаралади), ўзига хос, янги сўзлардан ҳам радиф сифатида кенг фойдаланади (“Ўқу, баякногах, беҳ, таржеҳ.....”). Бу мумтоз адабиёт тасвир қамровини кенгайтиради. Янги-янги фикр – хулосалар баён этиш имконини пайдо қилади. Хуллас, шеърлятдаги янгилашиш жараёнига хизмат қилади.

Бир сўзнинг радиф сифатида такрорланиб келиши фақат шаклий стилистика эмас, балки ўзига хос семантик вазифа ҳам бажаради. Жумладан, буни “муҳаббат” радифли ғазал мисолида кузатамиз. Ғазал 8 байтдан иборат. Матлаъ байтда 2 марта радиф қўлланган. Биринчи мисрада “муҳаббат” сўзи бирикма таркибида келади. Иккинчи мисрада эса алоҳида сўз сифатида:

Билсанг мени жононими – **деҳқони муҳаббат,**

Муфлисларига айлаган эҳсони – **муҳаббат**²²⁶.

Кўринганидек, бир қараса, бир хил сўз бир хил шаклда такрорланаётгандек, оддий такрордек таассурот пайдо бўлади. Аммо чуқурроқ қаралса, ҳар бир мисрада такрор сўз ўзига хос бадиий вазифа бажаради. Айниқса, биринчи мисрада шоиранинг ўзига хослиги намоён бўлади. У маҳбубани “муҳаббат деҳқони”, яъни ишқ уруғини сочувчи, кўнгилда ишқни улғайтирувчи – яратувчи сифатида тасвирлайди. Бирор шоирда маъшуканинг бундай талқини учрамайди. Мумтоз анъанага биноан ёр ошиқни изтиробга, машаққатга дучор этувчи жафокор сифатида тасвирланади. Аммо, Увайсий маҳбубани ғазалнинг матлаъсидаёқ, ижобий фазилатли қиёфасини яратади. У – яратувчи. Саховатли ва мурувватли. Унинг эҳсони эса муҳаббатдан иборат. Бу ўринда шоира юксак мақом – камолотга ишора этяпти. Чунки ошиқни асл мақсадга етказувчи бу – ишқ. Бунинг бунёдкори эса маҳбуба. Мана биргина радиф унсури ёрдамида шоира кенг қамровли, янгича нуқтаи назар асосидаги фикр – ғояларни ифодалаш маҳорати нечоғли такрорланмас ва ноёблигини намоён этмоқда.

Қуйидаги байтда шоира янада ўзига хос, янги ифодани қўллайди:

Ногоҳ назар солса ғариблар сори ёрим,

Шахло кўзининг даврида мужғони **муҳаббат.**

Мазкур мисолда муҳаббат мужғонга хос хусусият сифатида таърифланади. Маълумки, мужгон – киприк, анъанага кўра, жароҳатловчи ва қотил. Аммо, Увайсий унга янги фазилат бахш этади. Шоира талқинича, мужгон даволовчи малҳамга, ҳаёт бағишловчи муҳаббат кўрғонига айланади.

²²⁶ Увайсий. Кўнгил гулзори. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1983, 200-бет.

Шоира анъанавий тимсол моҳиятини бундай янгилашга радиф ёрдамида эришади, албатта.

Увайсий ижодида алоҳида бир сўз радиф сифатида қўлланганда уч хил ҳолатни кузатамиз:

1. Биринчи усулда сўзнинг ўзи мустақил маъно ифодалаб келади;

2. Иккинчи усулда эса радиф сифатида қўлланаётган сўз юқоридаги мисолдаги каби сўз бирикмасининг таркибий қисми сифатида истифода этилади.

3. Учинчи усулда эса радиф қофия билан биргаликда қўшма сўзнинг ёки сўзлар қўшилмасининг унсурларидан бири вазифасини бажаради.

Юқоридаги таҳлилларда биз биринчи ва иккинчи ҳолатларни баҳоладик. Қуйида эса учинчи ҳолатни кузатиб кўрамиз. Шоира девонидаги “ўлғон” радифли ғазал худди шундай шаклда яратилган. Мазкур асар 8 байтдан иборат. Унда илоҳий ишқ талқин этилган. Асарда “хабар, сипар, шарар, гузар, беҳабар, хоки дар, зарар, калҳажар, зар” сўзлари қофия. “ўлғон” сўзи эса радиф вазифасида қўлланган.

“ўлғон” сўзи ҳозирги ўзбек адабий тилидаги “бўлган” сўзи билан маънодош. От кесимларни кесимга ҳословчи боғлама вазифасини бажариб келган. Шундай грамматик вазифа радифнинг асардаги семантик ва бадиий вазифасини ҳам белгилаб берган. Яъни, у мисраларда айтилмоқчи бўлган фикрни аниқ, тўлиқ ва тугал оҳанг ва мазмун билан бойитишга, ўтган замон маъносини англантишга хизмат қилган.

Ғазалнинг матласиёқ, ўтган замон маъноси билан боғлиқ. Асарда лирик қаҳрамон – ошиқ. Азалдан унинг қисмати ишқ ва маломат билан биргаликда яратилган. Матлаъ ана шундай лирик қаҳрамоннинг ўзи ҳақидаги хабари билан бошланади. Шу хабар эълон этилгандан кейин, еттинчи байтгача ишқнинг моҳияти Фарҳод, Мажнун, Мансур, Лайли, Ширин каби ҳақиқий ошиқлар тарихи билан боғлаб ёритилади.

Ширин дею Фарҳод ҳақиқатга уланди,

Мансур каби жонидин охир гузар ўлғон.

Тегди асаре Лайли паричехрасидинким,
Қайс эрди не учун ўзидин беҳабар **ўлғон**²²⁷.

7- ва 8-байтларда лирик қаҳрамон яна ўз туйғу ва кечинмалари шарҳига қайтади:

Эй дил, нега уммид этасан раҳм санамдин,
Аввалда ситамгар диликим, калхажар **ўлғон**.
Ул рутбайи Вайсийға жаҳон пўя урубдур,
Кимё назарим манзурида хок зар **ўлғон**²²⁸.

Сўнгги байтда, шоира ошиқ идеали – хокни зарга айлантира олувчилик, яратувчилик мақоми ҳақида сўз юритади.

Матлада тилга олинган қисмат ва уни амалга оширувчи, юзага чиқарувчи рутба бир-биридан униб чиқувчи ходисалар эканлигини шоира анъанавий тимсоллар тарихини эслаш ва қиёслаш орқали ифодалаб беради. Асарнинг шундай чуқур ирфоний мазмунга эга бўлишида, албатта, радифнинг муҳим ўрни бор.

4.2 Шоира лирикасида бадий санъатлар такомилли

Увайсий шеърятини мазмун, ғоя, ифода шакли нуқтаи назаридан ўзига хос хусусиятларга эга нодир адабий мерос намунасидир. Унинг асарлари фақат мазмун жиҳатдан эмас, балки бадий тасвир мутаносиблиги, изчиллиги, маъно билан шаклнинг уйғунлиги, тимсоллар оламининг ранг-баранглиги, бадий санъатларнинг қўлланилиш тамойиллари жиҳатидан ҳам ноёбдир. Шоира ижодининг мазкур хусусиятларини ўрганиш асарлари моҳиятини тўлиқроқ англаш имконини яратади. Шу мақсаддан келиб чиқиб, тадқиқотнинг мазкур фаслида шоира услубининг шаклланишида бадий санъатларнинг ўрни ва вазифасини белгилашга ҳаракат қилдик.

Мумтоз поэтикада 120 дан ортиқ бадий санъат ижодкорлар томонидан фаол қўлланилган. Хусусан, Увайсий шеърятини кузатганимизда, унинг ҳам

²²⁷ Увайсий. Кўнгил гулзори. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1983, 141-бет.

²²⁸ Ўша асар, 141-бет.

ташбех, тазод, тарди акс, ийҳом, тарсеъ, иқтибос, ақд, иштиқоқ, китобат каби кўплаб бадий санъатлардан унумли фойдаланганлигининг гувоҳи бўламиз. Тадқиқотда, албатта, уларнинг ҳар бирига тўхталиш ва изоҳлаш имконияти йўқ. Шу сабабли, мазкур фаслда шоира бадий услубининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга, асарларидаги мураккаблик ва маъно моҳиятни ойдинлаштиришда алоҳида вазифа бажарувчи айрим санъатлар ҳақида махсус тўхталишни маъқул кўрдик.

Ўзбек мумтоз адабиётида Жаҳонотин Увайсий адабий мероси мавзулар ранг-баранглиги, мазмун моҳиятнинг фалсафий теранлиги билан ажралиб туради. Бундай мақомга кўтарилишда эса шоира қўллаган бадий тасвир воситалари, шарқона бадий санъатларнинг хизмати беқиёс. Шоира асарларидаги ўзига хос услуб, рамзий-тасаввуфий мазмун ва ифода шакли шарқ бадий санъатларидан ўзига хос йўсинда фойдаланишини тақозо этган. Шу сабабли ҳам, Увайсий асарлари мағзини чақиш учун, бадий тимсоллар моҳиятига етиш учун, аввало, уларда фойдаланилган бадий тасвир воситаларининг қўлланилиш характерини, тамойилини аниқлаш талаб этилади. Зеро, Алишер Навоийнинг ижодий лабораториясини мукамал талқин этган М. Шайхзода ижодкор асарлари замиридаги маъно – моҳиятни билишда бадий санъатларнинг ўрни муҳим эканлигини алоҳида таъкидлаган эди: “Бадий санъатларни билиш шеърда мавжуд бўлган мураккаб образларни англашга ёрдам беради”²²⁹.

Шоира шеъриятини кузатар эканмиз, унда истиора санъати алоҳида ўринга эгаллигининг гувоҳи бўламиз. Истиорага мумтоз илмий рисолаларда сўз санъатини зийнатловчи безак сифатида юқори баҳо берилади. Ҳатто, таниқли шарқшунос А.Н. Веселовский истиора тарихини ижодкор услуби тарихи билан уйғун тушунмоқни тавсия этади²³⁰.

Шеъриятда мазмунни реал, айнан тасвирлагандан кўра, истиоравий йўсинда, кўчма маъно англаувчи бирликлар воситасида тасвирлаш

²²⁹ М.Шайхзода. Устоднинг санъатхонасида.//Қаранг: Асарлар. 6 томлик. 4-том. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972, 224-бет.

²³⁰ А.Н. Веселовский. Историческая поэтика. – М.: Высшая школа, 1989.

муҳимроқдир. Бу усул, хусусан, Шарқ мумтоз адабиёти асосини ташкил этган ирфоний маъно ва тасаввуф таълимоти ғоялари моҳиятини англаш ҳамда шарҳлаш учун қулайдир. Дин, тасаввуф ва адабиёт назарияси бўйича чуқур билимга эга Увайсий шу сабабли ҳам ўзининг кўплаб ирфоний маъно ифодаланган шеърларида бошдан охир истиоравий тасвир шаклидан фойдаланади.

Шайх Аҳмад Тарозий “Фунун ул-балоға” асарида истиорани шундай таърифлайди: “Бу санъат ул бўлурким, бир лафзени хақиқий маънодин элитиб, яна ўзга ерда орият тариқи бирла келтирурлар:

Хусн эви юзунг чироғи бирла равшандур мудом,
Топти қаддинг сарвидин боғи латофат эҳтиром”²³¹.

Атоуллоҳ Хусайний эса мазкур санъатни янада батафсилроқ изоҳлаб беради: “Истиора мажознинг бир навъидур ва мажоз ҳақиқатнинг зиддидур. Мажоз лафзни ўз ясоғидин ўзга маънода ясоғу лафз ўшул маъно орасиндағи бирор алоқаю муносабатқа асосланароқ қўлламоқтин ибораттур. Мажознинг турли навлари бордур. Жумладин, истиора улдурким, ясоқ ва ирода этилган маъно орасиндағи алоқа ўхшашлиқтур: шер лафзию юраклиғ киши маъносидағидек. Истиора луғатта ориятқа олмоқтур. Лафзни ўз ясоғидин ўзгада ишлатмоқ бир нимани ориятқа олган янглиғ бўлғани учун, ани истиора деб атаптурлар”²³².

Юқоридаги бобларда таъкидланганидек, Увайсий мутасаввуф шоира. Шу билан боғлиқ равишда, шеъриятида кўтаринкилик, эмоционаллик етакчилик қилади. Ана шу пафосни ўқувчига етказишда эса у кўпинча истиорадан фойдаланади. Шоиранинг ўзига хос услубининг шаклланишида истиора муҳим вазифани бажаради. Жумладан, “Муносиб” радифли куйидаги ғазални шу нуқтаи назардан кузатамиз: Ғазал ошиқона йўналишда. Унда 2 етакчи тимсол – ошиқ ва маҳбуб кечинмалари тасвирланади. Улар бир-бирига параллел тарзда ёритиб борилади. Бирор ўринда ёр, ошиқ сўзлари

²³¹ Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун ул –балоға. – Т.: Хазиана, 1996, 109-бет.

²³² Атауллоҳ Хусайний. Бадоеъ ус-саноеъ. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1981, 219-бет.

кўлланилмаган. Барча образлар ҳам, туйғулар тасвири ҳам сўзларни кўчма маънода истифода этиш йўли билан ифодаланади:

Эй гул, жигарим қони узорингга муносиб,
Юз порали кўксум доғи хорингга муносиб.

Биринчи мисрада “эй гул” мурожаатида маҳбубага хос гўзаллик, нафислик мужассамлашган бўлса, “Жигарим қони” бирикмасида ошиқнинг руҳияти, ишқ йўлидаги риёзату изтироблари ўз ифодасини топади. Иккинчи мисрадаги “кўнгул доғи ва хор” муносабати ошиқ руҳий ҳолатини янада аниқлаштиради. Шоира ошиқ ва маҳбуба муносабати, мумтоз адабиётдаги анъанавий ишқ риёзатларини ўзига хос, янгича тасвир шакли воситасида ифодаламоқда. Бу эса ғазалга оригиналлик, ўзига хослик бағишлайди. Шоира буни истиора санъати воситасида амалга оширади. Асар лирик киришларсиз, тўғридан-тўғри кўтаринки пафосда руҳий ҳолат тасвири билан бошланади ва охиригача шу темп сақланади. Тасаввуф таълимотида ошиқнинг асл мақсади Ҳақ васлига эришиш, вужудининг матлаб файзига фарқ бўлишидан иборат. Бунинг йўли эса олис, маърифат эгаллаш йўлидир. Мазкур ғазалда ҳам ошиқнинг худди шундай босқичларни босиб ўтиши, пир маърифатидан файзиёб бўлиб, кўнглини поклаб Ҳақ файзидан баҳмандлик мақомига эришиш ҳолати тасвирланади:

Тун соғарида шарбати бедорлиғ ичсанг,
Мастоналиғ ул чашми хуморингга муносиб.

Мазкур байтда “тун соғари”, “шарбати бедорлиғ” каби бирикмалар ёрдамида истиора санъати яратилган. Парчанинг мағзини чақиш учун, албатта, истиораларнинг моҳиятини англаш лозим. “Тун соғари” жумласи кўчма маънода. Туннинг қоронғулик, зулмат маъносидан келиб чиқиб, уни “беҳабарлик, ғафлат, дунё” тарзида талқин этишимиз мумкин. Ундан олдинги байтда келган “Сарф айлама ҳар беҳабара лаъли ҳадисинг” жумласи ҳам фикримизни ойдинлаштиради. Мисра давомида келаётган “Шарбати бедорлиғ” ичсанг жумласи ҳам кўчма маънода қўлланилиб, истиора санъатини ҳосил қилмоқда. “Бедорлик, уйғотувчи шарбат”, деганда биз

тасаввуф таълимоти ғояларидан келиб чиқиб, солиқни комиллик сари бошловчи, орифлик мақомига кўтарувчи маърифатдан баҳрамандликни тушунишимиз мумкин. Шоира байтда, “Ғафлатдан огоҳ бўлиб, маърифат шаробини ичиб, мастлик ва бехудлик, яъни ўзини унутиб, ўзига етиш мақомига кўтарилиш”дан сўзламоқда.

Кейинги байтлардаги хати райҳон, саҳаргоҳ, хусни баҳор, ашк, ғубор каби истиоралар ҳам шоира асаридаги ирфоний-рамзий маъно – моҳиятни ойдинлаштиришга хизмат қилган:

То қилди муаттар хати райҳони саҳаргоҳ,
Хушҳоллиғим хусни баҳорингға муносиб.
Манъ этма тараҳхум этибон, ёр йўлингдин,
Ашким йўларо манъи ғуборингға муносиб²³³.

Сўнги байтларда покланишнинг узун йўлини босиб ўтган солиқ кўнглидаги Ҳақ файзига бўлган умидворлик туйғулари “дил манзари, таъби узор” каби истиоравий тасвирлар воситасида ифодаланади:

Дил манзарини пок этибон мунтазир ўлдум,
Бўлғойму экин таъби узорингға муносиб²³⁴.

Қуйидаги байтда эса шоира шеъриятидаги истиоравий бирликлар муаллиф фикр-ғояларини ифодалашда нақадар кенглик ва теранлик бағишлаши намоён бўлади:

Билсанг мени жононими – деҳқони муҳаббат,
Муфлислариға айлағон эҳсони – муҳаббат²³⁵.

Маълумки мумтоз адабиётда маҳбуба – жонон бош образлардан. Уни ижодкорларимиз турли маъно ва ғояларини ифодалашда қўллашган. Шундан келиб чиқиб, китобхон ҳам ундан ранг-баранг тушунчаларни англайди. Шоиранинг мазкур байти эса, мумтоз адабиётдаги етакчи тимсолнинг моҳиятини ойдинлаштиради. Китобхоннинг турли тоифаларини бир доира атрофида бирлаштиради. Уларни тимсол моҳияти ва вазифасини аниқроқ

²³³ Увайсий. Мазмун маъдани. Шеърлар. – Т.: Академнашр, 2010, 30-бет.

²³⁴ Ўша асар, 30-бет.

²³⁵ Ўша асар, 35-бет.

англаш мақомига кўтаради. Шеърга бундай равшанлик бахш этган восита эса “деҳқони муҳаббат” бирикмаси билан яратилган истиора санъатидир. А.Хусайний “Истиора улдурким, ясоқ ва ирода этилган маъно орасиндаги алоқа ўхшашликтур...”²³⁶, деб таърифлаган эди. Кўринадики, истиоранинг мазкур хусусиятидан келиб чиқиб, шоира маҳбуба тимсолига деҳқон характери ни юклайди. Деҳқон экиб, улғайтирувчи, яратувчи зот. У моддий неъматлар бунёдкори бўлса, маҳбуба кўнгил деҳқони, маънавий олам соҳибкамоли, муҳаббат боғбони. У ўз “муфлис”ларига фақат ишқ эҳсон этувчи, маърифат, эзгуликни кўнгилларда улғайтирувчи, яхшилик уруғини экувчи севимли зот. Кўринадики, шоира қўллаган биргина ўзига хос, янгича ифода мумтоз адабиётдаги энг мураккаб, турли баҳсларга сабаб бўлувчи, етакчи образ моҳиятини аниқ ва осон англашимизга кўмаклашади.

А.Хусайний истиоранинг шеъриятдаги ўрнига юқори баҳо бериб, унинг ифода шаклида ҳам, маъно-моҳиятда ҳам муҳим зийнат бағишлашини таъкидлайди: “Истиора, балки умуман мажоз йироқ бўлмай таъбага маъқулу мақбул бўлса, сўзнинг мукамал зийнати дур ва фасоҳат балоғат арбоби қошинда ҳақиқаттин яхшироқтур”²³⁷. Увайсийнинг “Ишқида” радифли ғазали бошдан охир истиора санъати билан музайян битилган. Ҳар бир байтда бир нечта истиора қўлланилган. Энг муҳими ғазалда қофия вазифасини бажарган хордурман, афгордурман, зордурман, бедордурман, сардордурман, нолдурман, бемордурман, хуммордурман, душвордурман, зуннордурман, сўзбардордурман, бозордурман каби сўзларнинг барчаси кўчма маънода – истиора кўринишидадир:

Оҳ гулрухсора жонон, хордурман ишқида,
Дил аро қон, сийнаси афгордурман ишқида.
Кечалар кирдим чаман, вақти саҳар зор айладим,
Қумрию ҳам андалиби зордурман ишқида.

²³⁶ А.Хусайний. Бадоеъ ус-саноеъ. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1981, 219-бет.

²³⁷ Ўша асар, 219-бет.

Маълумки, қофиянинг мукамаллиги, оҳангдорлигининг ўзиёқ, шеърга жозиба бағишлайди. Ўқувчи диққатини фикр-ғоянинг авж нуктасига жамлайди. Шу билан бир қаторда мазкур сўзда, ижодкор маҳорати натижасида, яна бир санъатнинг ҳам моҳирлик билан уйғунлашиши асарни ноёб маҳсулга айлантиради. Хусусан, Увайсийнинг мазкур ғазали худди шундай асарлардан биридир. Ҳатто, ундаги қофияларнинг фақат ўзинигина кетма-кетликда такрорласак ҳам, шоира лирик қаҳрамони характерини намоён этувчи ноёб бир матн ҳосил бўлади. Чунки унда истиора санъати вазифасидан келиб чиқиб, сўзларнинг кўчма маънода қўлланилиши сўз замиридаги ҳам ўз, ҳам кўчма маънони ҳаракатга келтиради. Бу эса лирик қаҳрамон руҳиятини кенг қамровда ёритиш имконини беради. Асардаги радифдан (“ишқида”) кўриняптики, у ишқ талқинига бағишланган ирфоний ғазал. Солиқнинг бутун босиб ўтган йўли, риёзатлари, адашишлари, сабру матонатлари барчаси батафсил тасвирланган. Ижодкорнинг мақсади ҳам худди ана шу солиқнинг сурати ва сийратини чизиб беришдан иборат бўлган. Ирфоний адабиётнинг пинҳонийлик хусусиятидан келиб чиқиб, шоира мақсадини рўёбга чиқариш учун истиора санъатини етакчи бадий ашё даражасига кўтаради. Бадий ният ва ифода шаклидаги бундай уйғунлик асарнинг шоҳона услубда яратилишига имкон беради. Ижодкор ишқу ошиқнинг ноёб портретини яратишга муяссар бўлади. Буни шоиранинг ўзи ҳам мақтаб байтда таъкидлайди:

Гар киши бўлса харидори Увайсий ичра бор,
Ул матойи рамзга бозордурман ишқида²³⁸.

Кўринадики, истиора санъати шоира услубининг шаклланишида, асарлари замиридаги рамзий-ирфоний маъноларнинг ифодаланишида муҳим восита вазифасини бажарган.

Шоира истиора санъатини намоён этишда, табиат ҳодисалари, ашёларидан унумли фойдаланади. Асарлари маъно замиридаги

²³⁸ Увайсий. Кўнгил гулзори. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1983, 18-бет.

мураккабликларни ойдинлаштиришда, ўқувчига осон етиб боришини таъминлашда шоирага истиора санъати ниҳоятда қўл келади.

Увайсий шеъриятида зикр этилгани каби муҳим мисоллар жуда кўп. Уларнинг ҳар бирини тавсифлаш ишнинг ҳажмига тўғри келмайди. Ўйлаймизки, келтирилган бир нечтагина намунадаёқ, шоира ижодида истиора санъатининг ўрни ва вазифаси беқиёс эканлиги борасида хулоса чиқаришимиз мумкин.

Увайсий шеъриятида тажохул ул-ориф санъатининг ҳам муҳим ўрни бор. “Тажохул ул-ориф андин ибораттурким, сўзлагувчи бир нимани билур, аммо бир нукта билан ўзни билмагандек кўрсатур”²³⁹. Шоира шеъриятида мазкур санъат ҳам унинг ўзига хос, индивидуал услубини шакллантиришга улкан хизмат қилади. Унинг турли шаклда – баъзан алоҳида байт ёки байтлар доирасида қўлланилган, баъзан эса, асар тўлиқлигича шу санъат билан музайян яратилган намуналарини кузатамиз.

Жумладан, шоиранинг “Оё” радифли ғазалида худди шу усул қўлланилган. Шоира девонида 3 та шундай радифли ғазал бор. Уларнинг барчасида билиб туриб билмасликка олиш, яъни риторик сўроқ тарзида баён этилган фикрлар лирик қаҳрамон табиатини ёритиш ва руҳий ҳолатидаги тадрижийликни намоён этиш вазифасини бажаради:

Жонона хаёлимдин азм айласа ҳар соат,
Бошимға тушан савдо маҳшарму экин оё?
Эй ёр, нигоҳингдин қонлар дил аро жорий
Ҳар бир мижа бир хунрез ханжарму экин оё?

Лирик қаҳрамон ёрдан айрилишнинг ўзи учун энг улкан синов эканлигини билади. Аммо ўзини билмаганга солиб, риторик сўроқ ёрдамида туйғулар тадрижини янада кучайтиришга эришади. Маълумки, риторик сўроқ гапнинг ичида жавоби ҳам бўлади. Буни яхши билган шоира мураккаб, ирфоний маъноларни баён этишда шу усулдан фойдаланади. Бу эса шоирага мумтоз анъаналар қолипидан чиқиш, янги ташбеҳий тимсолларни яратиш ва

²³⁹ А, Ҳусайний. Бадоеъ ус-саноеъ. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1981, 132-бет.

ирфоний маъноларни ифодалашда сирлиликни сақлаш имконини беради. Жумладан, ёр хаёлидан айрилишнинг маҳшарга менгзалиши ноёб ва ўзига хос. Киприкнинг мумтоз адабиётда турли қиёслари, муқобиллари қўлланилган. Аммо уни, риторик сўроқ усулида, ханжарга ўхшатиш анъанавий образ моҳиятига янги ракурсдан ёндашиш имконини беради. Байтда ифодаланаётган рухий ҳолат тасвирини янада теранлаштиради. Ижодкор ва ўқувчи тасаввурларини, англамларини уйғунлаштиришга хизмат қилади. А.Хусайний тажохули ориф санъати ҳақида сўзлай туриб, унинг 5 хил кўринишини келтиради: 1) хайрат изҳори учун; 2) мадҳ муболағаси учун; 3) жамлаш учун; 4) тавбих, яъни таъна учун; 5) ҳазл учун. Юқорида келтирилган байтларда тажохули ориф мадҳ муболағаси учун қўлланилади.

Мумтоз адабиётда, кўпинча, маҳбубанинг гўзаллиги тажохули ориф санъати ёрдамида тасвирланган. У гулми, ойми, парими, ҳурми, ғилмонми каби шаклларда. Аммо Увайсий салафлари анъаналарини давом эттириш билан бирга, ишқ ва маҳбуб оламини англашнинг янги йўлларини излайди. У асарларида бошдан охир, яхлитлигича тажохули ориф санъатини қўллашнинг сабаби ҳам шу билан боғлиқ. Шоира анъана бўлганидек, маҳбубанинг ташқи зеболигини биринчи ўринга чиқармайди, балки унинг ботиний оламига сафар қилади. Ошиқ сифатида эса ўзининг ҳам руҳиятини англаб етишга ҳаракат қилади. Чунки Тангри таоло инсонни яратар экан, уни барча махлуқот ичида энг мукаммали этиб яратган. Маълумки, Аллоҳ асрорини тўлиқ англаб етиб бўлмайди. Шу сабабли, унинг тажаллиси бўлган одамизодни, умуман яратикларни ҳам мукамал тушуниш мушкул. Шоира шеъриятида, мазкур ҳолатдан келиб чиқиб кўпроқ, маҳбубининг ички оламини тафтиш этиш йўлидан боради:

Жонон соридин келмиш, ваҳ, ғамму экин оё?

Арзимни эшитмакка ҳамдамму экин оё?

Байтда шоиранинг ўзига хос услуби, бошқалардан фарқланувчи ижодкор ўзлиги намоён бўлмоқда. У анъанавий нуқтаи назардан чекинади. Маълумки, ғам ошиқнинг ишқ йўлидаги доимий йўлдоши. Шоирлар уни риёзат, изтироб

манбаи сифатида баҳолаб келишган. Аммо Увайсий бунга зид йўлдан боради. Унга бошқача ракурсдан ёндашиб кўради. Уни иккинчи мисрада “дардимни тинглаш учун келган дўстим, ҳамдамиммикин?” дея риторик сўроқ қўяди. Шу қўйилган сўроқнинг ўзида чуқур маъноли жавоб ҳам бор. Инсонни дард, ғам чархлайди, сабрга ўргатади. Ҳар бир куннинг ва ходисанинг ғаниматлигини англаш кўникмасини шакллантиради. Ошиқни ишқ риёзатларигина Асл мақсад сари йўналтира олишини, кўнглини покловчи восита бўлишини таъкидлайди. Ҳатто, инсон бошига тушган ғам ҳам унга сабоқ беришини, тарбиялашини, ҳаётнинг, яшашнинг моҳиятига етишини таъминлашини баён этади.

Тажоҳули ориф санъати шеърда фақат ташқи зийнатлаш вазифасини бажарибгина қолмайди. Балки қисқа ҳажмда кенг, чуқур ва сирли маъноларни етказиш кўламига ҳам эга. У матн ортида яширин, кўпқатламли мазмунни сирлар сандиқчаси каби ўз қобиғида сақлайди. Мазкур санъатни қўллаш Увайсий услубига хос бўлган – фикрларни батафсил эмас, тезис сифатида баён этиш хусусиятига мутаносиб. Шу сабабли ҳам, шоира ўз шеърлятида уни кенг қўллайди ва ноёб намуналарини яратади:

Жоно сифатин дерга ожиз бу забон, билмам,

Жо топти бори, кўнглум оламму экин оё²⁴⁰?

Байтнинг зоҳирий мазмуни шундай: “жононанинг тавсифини таърифлашга тил ожиз, бунинг имкони йўқ. Аммо унинг ўзи тўлиқлигича кўнглимдан макон топди”. Мазкур байтда шоира ўз кўнгил оламини тафтиш этади. Инсон кўнглининг ўзи бир ватан, бир олам эканлигидан келиб чиқиб сўзлайди. Тажоҳули орифни қўллаш унга чуқур фалсафий маъноларни ифодалаш имконини беради. Бу, оламнинг яратилиши борасидаги, тасаввуф таълимотининг бош ғояларидан келиб чиқади. Маълумки, унга кўра, Мутлак рух ўз гўзаллигини кўриш ниятида биргина “Кун” сўзи ёрдамида оламни яратди. Аниқроғи бутун дунёга ўз гўзаллигидан бахшида этди. Шоира худди шу талқиндан келиб чиқиб, ошиқ кўнглида рамзий маънодаги жононнинг

²⁴⁰ Увайсий. Мазмун маъдани. Шеърлар. – Т.: Академнашр, 2010, 24-бет.

макон топгани ҳақидаги қарашини ифодалайди. Жонон қандай кўнгилда макон тутиши мумкин. Албатта, комил инсон кўнгилда. Шу сабабли ҳам, лирик қаҳрамон – солиқ кўнгилда жононанинг макон тутиши ҳақидаги хабар унинг комил инсонлик мақомидан дарак беради. Чунки, таниқли адабиётшунос олим Н.Комилов бу борада муҳим тезисни баён этган эдилар: “Комил инсон – бир идеал, барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи Мутлақ руҳга туташ, файзу кароматдан сероб, сурату сийрати саранжом, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим покиза зот. Унинг кўнгил жомини гетинамодай (дунёни кўрсатувчи жом – қадах) етти фалак ва ўн саккиз минг оламни акс эттириб, ғайб асроридан хабар бериб туради”²⁴¹. Бу тасвир мумтоз адабиётда намоён бўлувчи кўнгил оламининг гўзаллигини, дунё қадар кенглигини англатади. Ҳар бир солиқни ўз кўнгил сари сафарга рағбатлантиради. Уни ўрганиш, англаш, поклаш сари етаклайди.

Ғазал 7 байтдан иборат. Охиригача ошиқ ва маҳбуба муносабатлари тафтиш этилади. Лирик қаҳрамон уни англаб етишга ҳаракат қилади. Баъзан иккиланади, баъзан эса қатъий муҳокама ва қарорлар эълон қилади. Аммо ғазални яхлит қарасак, шоиранинг ишқ, ошиқ ва маҳбуба муносабатлари борасидаги муҳим хулосалари ифодасининг гувоҳи бўламиз. Китобхон эса ундан ишқ риёзатларини, талабларини сабр билан енгиб ўтиш орқали мақсад ва моҳиятга етиш мумкинлигини англайди.

Шоиранинг “Оё” радибли яна бир ғазалида ошиқона мазмун замон носозликларидан куйиниш, оғриниш туйғулари билан уйғунликда ифодаланади. Бу ҳолат 7 байтли ғазалнинг дастлабки байтиданок, кўзга ташланади:

Бахтим кўзига уйқу мавзунму экин оё?

Иқболима қасд эткон гардунму экин оё?

Дастлабки байтда лирик қаҳрамон ўзининг риёзатли тақдирига сабаб излайди. Ва бунинг боисини азалий қисматдан, замондан топади. Аммо бу

²⁴¹ Н.Комилов. Тасаввуф. 1-китоб. – Т.: Ёзувчи, 1996, 143-бет.

билан келишолмайди ва кейинги байтда сабабини мажнунвор ошиқлик билан боғлайди:

Эй Лайливаш золим, десанг не бўлур бир йўл,
Хуснунгга завол ўлмас: “Мажнунму экин оё?”

Кейинги байтларда лирик қаҳрамон руҳий олами ойдинлашиб бораверади. Унинг бутун дарду ғами ишқ пўртаналари, махбуба жамолидан мосиволик билан боғлиқлиги аёнлашади. У буни тавсифлар экан, табиатдан мутаносиб қиёслар топади:

Ваҳ меҳри ниҳон ўлса, сўрма жигарим қонин,
Шом ўлса, шафақ бағри пурхунму экин оё?
Маҳрум кўзум бул кун кўп йиғлоғонидинму,
Зоҳид дема: “Бу дарё Жайхунму экин оё?”²⁴².

Ғазалнинг сўнгги байтида Увайсий ўзи ҳақидаги қатъий ҳукми эълон этади. Ҳақиқий ошиқ сифатида ишқ оташида ёниш унга азалий ва илоҳий қисмат эканлигини фахр билан эътироф этади:

Сўрма бу Увайсийдин ёнмоғи саволини,
Гар берса башорат шох, турғунму экин оё?

Бундай нуқтаи назар, ҳазрат Навоийнинг “Жонға чун дермен: не эрди ўлмаким кайфияти” мисраси билан бошланувчи машҳур ғазалини эслатади. Бу эса Увайсийнинг дунёқараш нуқтаи назаридан навоийвор мақомда турганлигини, мутаносиб кечинмаларнинг ўзига хос ифода шаклида тасвирланиши эса Увайсийнинг маҳорат миқёсини белгилашга хизмат қилади.

Кўринадикки, тажохули ориф санъатини қўллаш шоиранинг индивидуал услубининг намоён бўлишида, шаклланишида муҳим восита. Шу йўл билан у анъанавий фикрларни янгича ифода шаклларида баён этишга эришади. Мумтоз адабиётда ҳақиқий шеър олдиға қўйиладиган талаб ҳам шундан иборат эди. Жумладан, ҳазрати “Навоий назарида ҳам чин шоирона

²⁴² Ўша асар, 25-бет.

санъатнинг шарти бадиий ифодада янгилик, оригиналлик излашдан иборат эди:

Ани назм этки, тарҳинг тоза бўлғай,
Улусға майли беандоза бўлғай”²⁴³.

Увайсий шеърятини кузатганимизда ҳам муҳим ҳолатга дуч келамиз. У бадиий тасвир воситаларини ўйлаб топмайди, балки санъат ифодаланган фикр замиридан униб чиқади, улғайиб боради. Шоира санъатни яратмайди. Балки фикрларини санъаткорона ифодалайди, холос. Бу эса шоира шеърятига ўзига хослик ва оригиналлик бағишлайди. Биз бундай ҳолатни шоиранинг “Ўлдум ўхшайди” радибли ғазалининг бошдан охиригача кузатамиз. Мазкур ғазал ҳам тажохули ориф санъати билан музайян битилган. У мазкур санъат қўлланилишининг ноёб намунасидир:

Висоли ёдида дўстларға мен зор ўлдум ўхшайди,
Фироқ андуҳидин душманлара хор ўлдум ўхшайди.

Мазкур байт тўлиқлигича риторик сўроқ тарзида, тажохул ул-ориф санъати воситасида яратилган. Шунинг ўзиёқ, ғазалга жозиба бағишлаган. Аммо шоира бу билан чекланмайди. Байтдаги иккала мисра сўзларини мутаносиб тарзда тазод санъати билан ҳам безайди (висол – фироқ, дўст – душман, зор - хор). Бу эса ижодкор бадиий ниятининг янада таъсирлироқ ифодаланишига замин яратади. Ўзбек мумтоз адабиётида, одатда, қофия учун анъанавий сўз ва бирикмалар танланади. Аммо мазкур ғазал мисралари сўнгида ноанъанавий сўзларнинг радиф сифатида қўлланилиши ҳам асарга янада оҳангдорлик ва янгилик бағишлайди. Ғазал Увайсий услубига мос равишда кўтаринки пафос билан яратилган. Унда шоира лирик қаҳрамони ўзини ўзи тафтиш этади. Ишқ оламида эгаллаган мақомидан, ботиний оламидан қаноатланмаётганлигига ишоралар сезилади:

Солибдур зулфи торин бўйнима, ё бандалик тавқи,
Ваё ислом ичинда банди зуннор ўлдум ўхшайди.

²⁴³ М.Шайхзода. Асарлар. 6 томлик. 4-том. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972, 196-бет.

Байтнинг зоҳирида “Ёр бўйнимга зулфини ташладими ёки айбдорлик халқасиними, ёки исломда бўлиб туриб, христианлар белларига боғлаб юрадиган белбоғ билан боғландимми”, деган маъно мавжуд. Аммо ботинда, ошиқнинг мақомидаги номукамаллик, Илоҳий файздан баҳрамандликка кўтарила олмаслик, бу йўлдаги ўткинчи дунё ҳавасларидан узулламаётганлик ҳолатининг ифодасини ҳис этамиз. Бунинг сабабини излар экан, лирик қаҳрамон турли важлар билан ўзининг ноқис вазиятини изоҳлашга ҳаракат қилади:

Кўнгул сирин тила мазкур қилдим, кимга дод айлай?

Гила кимдин? Ўзум-ўзумга ағёр ўлдум ўхшайди.

Сабаблардан бири сифатида ошиқ ишқ талабларидан ҳисобланган, англаб етган сирларини пинҳон сақламай ошкор этганлигига боғлайди. Чунки Тасаввуф таълимотида ҳақиқий ишқнинг муҳим шартларидан бири англаб етган ҳақиқатларни сир сақлашдан иборат. Бу ҳақда Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида Жунайд Бағдодий шогирди Бистомийнинг вазияти ҳақида сўзлаб, “у англаган ҳақиқатни биз ҳам билар эдик, уни жунун ҳалок этди бизни ақл қутқарди”, дейди. Шоира ўз фикрини кейинги байтда янада авж нуқтага кўтаради:

Азалда руҳи нодоним суюбдур ёр ишқини,

Анинг-чун дарду ғам бирлан гирифтор ўлдум ўхшайди.

Увайсий кўп шеърларида ишқ унинг учун азалий қисмат эканлигини таъкидлайди. Зуваласи ишқ, дард билан қорилганига ишора этади. Мазкур ўринда ҳам, ўзининг дарду ғамга гирифторлигининг сабабини айнан шунда деб билади. Ғазалнинг сўнгги байтларида лирик қаҳрамон ишқ изтиробларини ижтимоий носозликлар, адолатсизликлар билан боғлайди. Жамиятда мувозанат бузилганлиги, илоҳий файздан узоқ кимсалар гул шоҳида, ҳақиқий ишқ, покиза кўнгул соҳиблари хор ўрнида эканликларидан оғриниб шикоятомуз мисралар ёзади:

Париваш сайри боғ этмиш, тутиб ағёр илкини

Ки, ғайр аҳли ҳама гул шоҳида, хор ўлдум ўхшайди.

Шоиранинг замон ноқисликларидан туғилган зид туйғуларини ифодалашда гул ва тикан образларини ёнма-ён тазод сифатида қўллаши ниҳоятда қўл келади. У орқали лирик қаҳрамоннинг ички фарёди намоён бўлади.

Кейинги байтда барча норозиликлардан сўнг ошиқ васл илкида жон бериш орзусига етади. Ўткинчи дунёнинг арзимас ва адолатсиз қилмишларидан сўнг, руҳоний олам сари умидворлик пайдо бўлади. Шу ўринда ғариб сўзининг қўлланилишида шоира кенг қамровли маънони – инсоннинг асл жавҳар билан боғлиқлигини назарда тутди:

Нигоро, не бўлурким, мен ғариб васлингда жон берсам,
Неча кундур фироқ илкида озор ўлдум ўхшайди.

Энг сўнгги мактаъ байтда шоира фикрлари илк байт билан доира ҳосил қилишини кузатамиз. Биринчи байтда висол – фироқ зидлигига эътибор қаратилган эди. Ҳазалнинг сўнгигача ошиқ руҳиятида ана шу иккиланиш, номукамал руҳий жараён, дунёдан узула олмаслик, руҳий оламга ўзни муносиб кўрмаслик туйғулари қуршовида изтироб чекади. Сўнгги байтда эса шоира ўзининг маромига етмаган руҳий оламини теран англаб етади ва қатъий хулосасини эълон этади:

Увайсий орзу қилмиш сенинг олдингда ўлмакни,
Тушубон мастлиғдин, эмди хушёр ўлдум ўхшайди (165).

Шарқ мумтоз адабиётида ҳусни таълил шоирнинг тасаввур қўламини, хаёлчанлик инкишофини намоён этувчи санъатдир. “Ҳусни таълил улдурким, бир ниманинг бир сифатин иқроқ қилурлар ва ул сифатни исбот қилиш учун ул ниманинг ўзига муносиб бир иллату сабабни келтирурларким, ҳақиқатда ул сабаб бўлмағай, лекин лутф эътибори била ани сабаб қилган бўлурлар”²⁴⁴. Демак ҳусни таълил шундай санъатки, унда шоир ўз фикрини асослаш учун унга алоқаси бўлмаган, чиройли далил келтириш санъатидир. Бу санъат шеърятга гўзал жозоба бағишлайди. Ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос, оригинал ифода услубини намоён этиш имконини яратади. Ҳаётни, табиатни,

²⁴⁴ А.Хусайний. Бадоеъ ус-саноеъ. – Т. Адабиёт ва санъат, 1981, 138-бет.

инсон кўнглию ижтимоий муносабатларнинг кузатувчанлик миқёсини кўрсатади. Ҳар бир шоирнинг индивидуаллигини белгиловчи воситага айланади.

Ўзбек мумтоз адабиётида мазкур санъат ғазалларнинг айрим байтларида ёки бир неча байтларида қўлланилганини кузатамиз. Навоий шеърияти поэтикасини махсус ўрганган таниқли адабиётшунос олим Ё.Исҳоқов фикрига кўра, бу санъат шоир ғазалларида 3 байт, 5 байт доирасида ҳам қўлланилган: “Навоий шеъриятида бир эмас, бирин-кетин бир нечта изчил қўлланган байтлар ҳам анчагина учрайди. Масалан, 7 байтли ғазалнинг 3 байти ана шу санъат билан битилган. ...”Наводир уш-шабоб”даги 7 байтли 161-ғазалнинг 5 байтида ҳусни таълил ишлатилган”²⁴⁵.

Увайсий шеъриятида ҳам ҳусни таълил етакчи санъатлардан. Унинг энг сара ғазаллари мазкур санъат билан зийнатланган. Шоира ижодида мазкур санъат бир ёки бир неча байтда, ҳатто, баъзан ғазал тўлиқлигича шу санъат асосида яратилган намуналари учрайди. Жумладан, унинг “Айламакни мендин ўрганди” радибли ғазали бошдан охир шу санъат билан музайян битилган. Ғазал ошиқона йўналишда, унда ишқ пўртаналарида ошиқ чекаётган изтироблар ифодаланади. Аммо шунга қарамай, биргина ўринда “ёр” сўзи тилга олинади. Ошиқ, ишқ сўзлари эса, умуман тилга олинмайди. Унда ошиқнинг ҳам, ишқнинг ҳам қилмишларию кечинмалари сифатий шарҳлар орқали изоҳланади. Руҳий ҳолатлар талқинининг аниқ ва таъсирли чиқишини ҳусни таълил санъати таъминлайди. У 2 хил шаклда қўлланилган. Биринчиси, айрим байтларда асосланувчи фикр келтирилмасдан, тўғридан – тўғри ижодкор фикрини асословчи далилнинг ўзигина келтирилади, холос:

Ки булбул нола афғон айламакни мендин ўрганди,

Вужудин шамъ сўзон айламакни мендин ўрганди.

Мазкур байтда руҳий ҳолат вазиятидаги сабаб кўрсатилмайди. Тўғридан-тўғри натижа баён этилади. Ана шу натижанинг ўзи ўқувчи тасаввурида ошиқнинг кенг қамровли руҳий ҳолат вазияти, қисмат тадрижи

²⁴⁵ Ё.Исҳоқов. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: Ўзбекистон, 2014, 301-бет.

борасида тасаввур уйғотади. Шоира “булбул нола-афғон чекишни, шамъ вужудини ёқишни мендан ўрганди”, - деган фикрни баён этиши билан бу ишқнинг қилмиши эканлиги англаб етилади. Мумтоз адабиётда булбул ишқ туфайли фўгон чекиши, шамъ вужудини ёқиши анъанавий тасвир. Аммо Увайсий ҳусни таълил санъатини қўллаб, кичкинагина шаклий ўзгартириш киритади. Аммо, бу байт ва образ моҳиятида катта ўзгариш ва туғённи вужудга келтиради. Бу тасвирнинг ўзида руҳий ҳолат таранглиги етарли намоён бўлади. Аммо шоира “шамъ ёнишни, булбул нола чекиш”ни мендан ўрганган, дейиши билан ошиқ руҳияти манзараси тасвири янада теранлашганлигини ҳис этамиз.

Иккинчи турида байтнинг биринчи мисрасида шоир айтмоқчи бўлган асосий, асосланувчи фикр, 2-мисрасида эса уни асословчи далил келтирилади:

Бориб сахроға, қон бағримдин изҳор айладим бир кун,
Фалак бағрин қизил қон айламакни мендин ўрганди.

Ҳусни таълил санъатида туйғулар тасвирини ошиқ ва табиат параллелизмида ифодалаш имкони бор. Шу сабабли, Увайсий ўзининг ҳақиқий ишқ билан боғлиқ ирфоний хулосаларини тасвирлашда шу санъатдан фойдаланишни маъқул кўради. “Бориб сахроға қон бағримдин изҳор айладим бир кун”. Бу ўринда шоира нега, айнан сахро ҳақида сўзлаяпти, деган савол пайдо бўлади. Ирфоний луғатларни кузатсак, сахро – руҳоний олам чексизлигини ўзида мужассамлаштирганига амин бўламиз. Шу ўринда шоиранинг барча фикрлари коинот жисмлари билан алоқадорликда тасвирланади. Жумладан, куёш – рамзий тимсол. У кун бўйи Ҳақ жамолини излаб, васлга етолмай шомда ўз қони билан уфқни бўяйди. Сахро эса руҳоний олам, тариқат рамзи. Кўринадикки, мазкур байтда шоира табиатнинг оддий ҳодисалари воситасида ўзининг мураккаб ирфоний нуқтаи назарларини баён этади. Бунда унга ҳусни таълил санъати қўл келади. Мазкур 7 байтли ғазалнинг 6-байтида шоира юқоридаги фикр-қарашларини янада ойдинроқ баён этишга ҳаракат қилади:

Сени изларман андоқким, куёш дийдорин изларда,
Кезиб тун-кун шитобон айламакни мендин ўрганди²⁴⁶.

Хусусан, ғазалнинг сўнги мақтаъ байтида шоиранинг кенг камровли услуб хусусиятлари ўз ифодасини топган:

Қаноат қилди Вайсий, топти дилдин гавҳари назмин,
Садаф ҳам дурри ғалтон айламакни мендин ўрганди²⁴⁷.

Байтнинг 1-мисрасида дил ва назм гавҳари, 2-мисрасида садаф ва дурри ғалтон (юмалоқ дур) иборалари мутаносиб қўлланилган. Бу мутаносибликнинг боиси қаноат. Иккала ҳолатнинг вужудга келишида ҳам қаноат ва сабрнинг ўрни бекиёс. Садафнинг бағрида узоқ тўлқинлар риёзатидан ўтиб дур ҳосил бўлади. Садафнинг мавжудлиги, қиммати дур билан. Унинг мақсади бағрида дурни улғайтириш. Кўринадики, мазкур ўринда садаф тариқат солиқи рамзи сифатида қўлланилмоқда. Дур, гавҳар эса қимматбаҳо бойлик. Инсонни ўзига жалб этиб, жилоланиб турувчи манба. Бунда биз Илоҳий жамол рамзи ифодаланганини кузатамиз. Демак, шоира садаф, гавҳар ҳақида сўзлар экан, солиқнинг асл мақсадга етиб бориш жараёнига ишора қилади. Бу йўлнинг асосий риёзатларидан бири қаноат эканлигини эътироф этади. Ижодкор ана шу табиат ҳодисасидан инсон оламининг моҳияти, яшашдан мақсадини ифодалашда фойдаланади. Шоира дил ва назм гавҳари иборасида ҳам теран маъно ифодалайди. “Навоий асарлари луғати”ни кузатсак, унда гавҳар сўзининг 5 маъноси изоҳланади. Шулардан келиб чиқиб, садаф ва дурнинг қиёсланишини ҳисобга олиб, қаноат билан дилдаги назми моҳиятини, асосини топганлигини англаймиз. Увайсий шеърининг меросининг табиатидан келиб чиқиб, шоира шеърининг асосини ҳақиқий ишқ, илоҳий файз, Ҳақ васли ташкил этиши борасидаги хулосага келамиз. Ва мазкур ғазал мақтаъсида узоқ риёзатли йўл сўнгида васлга эришганлик ҳақида сўз бораётганлигини тушунамиз. Кўринадики, Увайсий “муболағали ташбеҳ” (Ё.Исҳоқов ҳусни таълилни шундай

²⁴⁶ Увайсий. Мазмун маъдани. Шеърлар. – Т.: Академнашр, 2010, 166-бет.

²⁴⁷ Ўша асар, 16-бет.

изоҳлайди) ёрдамида ўзининг ирфоний мулоҳазаларини ошкор этганлигини англаймиз.

Шоиранинг яна бир ғазали байтида ҳам худди шундай тасвир ва маънога дуч келамиз:

Таваккул шишасин кийсамки, урсам ғўта баҳри ишқ,
Садаф батнида гўё гавҳари шахвор уйғонди²⁴⁸.

Шоира ғазаллари орасида бу каби тўлиқлигича ҳусни таълил санъати билан зийнатланган асарлар кўп учрайди.

Увайсий индивидуал услубининг намоён бўлишида тамсил санъати муҳим аҳамият касб этади. Тамсил шоира шеърятининг мазмун худудини чироғдек нурлантириб туради. Тамсил ҳам ҳусни таълил, ирсоли масал каби далиллаш санъатидир. Ҳусни таълил ҳақида юқорида тўхталдик. Тамсил билан ирсоли масал бир-бирига яқин санъатлар. Ҳатто, “Фунун ул-балоға”да тамсилни ирсоли масалнинг бир тури сифатида кўрсатилади. У алоҳида санъат сифатида ажратилмайди. Иккаласи ҳам фикрни далиллайди. Бири мақол, матал, ҳикмат келтириш йўли билан, иккинчиси, реал воқеликдан мисол келтириш йўли билан. Тамсилда ижодкор фикрини реал, ҳаётий мисол келтириш орқали асослайди. Увайсий ижодида мазкур усулдан унумли фойдаланади. Бир ғазалнинг ўзида шоира бадий ниятини амалга ошириш учун ҳам табиат ҳодисаларидан, ҳам халқ мақол ва ҳикматларидан фойдаланган ўринлар ҳам бор. Жумладан,

“Бўлдум дучор кўнгли қатиғ, бағри тошқа,
Эй дил эли, кўнгулни берингким синошқа”²⁴⁹

байти билан бошланувчи ғазалнинг деярли барча байтларида шу санъатни қўллаганини кузатамиз:

Васлингда мен ўзумни йўқотсам, ажаб эрмас,
Моҳ ёндашарда йўқ асари ҳеч куёшқа²⁵⁰.

²⁴⁸ Увайсий. Мазмун маъдани. Шеърлар. – Т.: Академнашр, 2010, 168-бет.

²⁴⁹ Увайсий. Мазмун маъдани. Шеърлар. – Т.: Академнашр, 2010, 158-бет.

²⁵⁰ Ўша асар, 158-бет.

Байтнинг биринчи мисрасида васл ва беҳудлик орасида сўз бормоқда. Солик ўзини енгиб, вужудий қафаслардан озод бўлгандагина Ҳақ файзидан баҳрамандликка эришади. Шоира мазкур ирфоний маънони ҳаётининг деталь билан асослайди. Яъни, 2-мисрада “Ой чиққанда, кўёшдан асар қолмаслигини, улар бир-бири билан учрашолмаслигини” таъкидлайди.

Кўринадикки, шоира мураккаб ва тасаввуфий қарашларини ўқувчига аниқ ва тушунарли етказишда мазкур санъат қўл келади.

У шоира шеърининг турли вазифаларни бажаради. Баъзан, мутасаввуф шоира сифатида, ирфоний маъно ва тушунчаларни содалаштириб, мавҳумликни моддийлаштириб, асар мазмунидаги англамни осонлаштиришга хизмат қилади.

Баъзан эса бу оддий, ҳаётининг тажрибалар билан боғлиқ ҳукмларига қатъийлик бағишлаш вазифасини бажаради:

Зоҳид, табоҳ ҳолима сен этма сарзаниш,
Махлуқ билмағай не келурини бошқа.

Байт мазмуни “эй зоҳид, менинг хароб ҳолимни сен танқид қилма. Бунинг айбдори мен эмасман. Яратганининг қисмати дир. Яратилмиш бошига нима келишини билмайди. У фақат белгиланган тақдирни яшайди”, деган қарашдан иборат.

Вайсий жаҳондин ўтди, муродиға етмади,
Тўймоққа расм йўқду қорин суйган ошқа (158-б.)

Мазкур байтдан шоира таржимаи ҳоли, шеърнинг ёзилиш тарихига оид айрим хулосаларга келиш имконига эга бўламиз. 1-мисрадан шеър Увайсий умрининг кейинги даврларида яратилганини англаш мумкин.

Келди муҳаббатинг кўйи, туштум юзим тубан,
Ҳар ким йиқилса, тўймади ҳаргиз қурошқа

Шоира қуйидаги байтда ошиқ қисматининг риёзатли суратини тасвирлаб беради. Унинг жафолари ва вафога етолмасликнинг сабаби сифатида муҳаббат билан азалдан кишанланганини кўрсатади:

Ета олмадим чу вафосиға, қоча олмадим бу жафосидин,

Биларам, азалда муҳаббатин оёғим сори кишан айлади²⁵¹.

Тўртинчи боб бўйича хулосалар

1. Бобда келтирилган фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, Увайсийнинг бадиий маҳорати, ўзига хослиги асарларида қофия қўллаш тамойилларида ҳам намоён бўлади. Энг муҳим бадиий унсур сифатида унга катта эътибор қаратади. Улкан бадиий вазифа юклайди. Унда шоира мақсадининг авж нуқтаси, фикрларининг ечими мужассамланади.

2. Увайсий асарларида радифдан фарқли ўлароқ, қофия сифатида кўпроқ тоқ, алоҳида сўзлардан фойдаланади. Бу эса ўқувчи диққатини асосий нуқтага жалб этиш учун хизмат қилади. У муқайяд ва мутлақ қофиянинг кўплаб турларидан унумли фойдаланган. Шоира асарларида қофия билан боғлиқ илтизом, зулқофиятайн, мукаррар, тарсеъ, ташриъ каби кўплаб бадиий санъатларни ҳам қўллайди.

3. Адабиётшунослигимиз тарихида олимларимиз радиф қўллаш шеъриятда шарт қилиб белгиланмаганини таъкидлашган бўлсалар-да, Увайсий ижодида у улкан бадиий вазифаларни бажарган. Қуйидаги миқдорлар ҳам бунинг яққол исботидир. Шоира девони қўлёзмасидаги 244 ғазалдан 196 тасида радиф қўлланилган.

4. Мумтоз адабиётшуносликда радифга, асосан, бир сўзнинг такрор қўлланишидан иборат формал ҳодиса сифатида ёндашилади. Унинг бадиий вазифаси кенг ва батафсил ёритилмайди. Уларда радиф оҳангдорликни ҳосил қилувчи восита сифатида баҳоланади. Тўғри, у, аввало, оҳангни яратишда иштирок этади. Аммо, унинг асосий вазифаси бу эмас. У ижодкор айтмоқчи бўлган маъно ва мақсадни намоён этувчи воситадир. Радиф Ажам шоирлари ихтироси сифатида, туркий шеъриятда муҳим бадиий унсур сифатида такомилга эришди. Жумладан, у Увайсий шеъриятида ҳам ўзига хос ўринга эга.

²⁵¹ Ўша асар, 162-бет.

5. Ҳар бир байтда радиф қўшилиши билан, оҳангдорликнинг ошишидан ташқари, шоира нутқида жуда катта мантиқий ойдинлик пайдо бўлади. Ҳар бир байтнинг, ўқувчи диққатини жалб этувчи, маъновий кульминацияси вужудга келади.

6. Шоира шеърларида радиф баъзан бир сўздан, баъзан бир неча сўздан иборат. Бир неча сўздан иборат бўлган радифнинг байтдаги вазифаси янада кенгайди. Бундай шаклдаги радиф ижодкор фикр-ғояларини кенгрок камровда аниқлаштиришга, ўқувчи диққатини янада кучлироқ жалб этишга хизмат қилади. Шоира шеърларида анъанавий радифларни қўллаш билан бирга (бу мумтоз адабиётда салафларга эҳтиром рамзи сифатида қаралади), ўзига хос, янги сўзлардан ҳам радиф сифатида кенг фойдаланади (“Ўқу, баякногах, беҳ, таржеҳ.....). Бу мумтоз адабиёт тасвир камровини кенгайтиради. Янги-янги фикр – хулосалар баён этиш имконини пайдо қилади. Хуллас, шеърлардаги янгиланиш жараёнига хизмат қилади.

7. Увайсий шеърларида ташбеҳ, тазод, тарди акс, ийҳом, тарсеъ, иқтибос, ақд, иштиқоқ, китобат каби кўплаб бадиий санъатлардан ҳам унумли фойдаланганлигининг гувоҳи бўламиз.

8. Хусусан, истиора санъати шоира услубининг шаклланишида, асарлари замиридаги рамзий-ирфоний маъноларни ифодаланишида муҳим восита вазифасини бажарган. Шоира истиора санъатини намоён этишда, табиат ҳодисалари, ашёларидан унумли фойдаланади. Асарлари маъно замиридаги мураккабликларни ойдинлаштиришда, ўқувчига осон етиб боришини таъминлашда шоирага истиора санъати, ниҳоятда, қўл келади.

9. Тажоҳули ориф санъатини қўллаш шоиранинг индивидуал услубининг намоён бўлишида, шаклланишида муҳим восита. Шу йўл билан у анъанавий фикрларни янгича ифода шаклларида баён этишга эришади. Увайсий бадиий тасвир воситаларини ўйлаб топмайди, балки санъат ифодаланган фикр замиридан униб чиқади, улғайиб боради. Шоира санъатни яратмайди. Балки фикрларини санъаткорона ифодалайди, холос. Бу эса шоира шеърларига ўзига хослик ва оригиналлик бағишлайди.

10. Увайсий шеъриятида ҳусни таълил ҳам етакчи санъатлардан. Унинг энг сара ғазаллари мазкур санъат билан зийнатланган. Шоира ижодида мазкур санъат бир ёки бир неча байтда, ҳатто, баъзан ғазал тўлиқлигича шу санъат асосида яратилган намуналари учрайди. Рухий ҳолатлар талқинининг аниқ ва таъсирли чиқишини ҳусни таълил санъати таъминлайди. У 2 хил шаклда қўлланилган. Биринчиси, айрим байтларда асосланувчи фикр келтирилмасдан, тўғридан-тўғри ижодкор фикрини асословчи далилнинг ўзигина келтирилади, холос. Иккинчи турида байтнинг биринчи мисрасида шоир айтмоқчи бўлган асосий, асосланувчи фикр, 2-мисрасида эса уни асословчи далил келтирилади. Ҳусни таълил санъатида туйғулар тасвирини ошиқ ва табиат параллелизмида ифодалаш имкони бор. Шу сабабли, Увайсий ўзининг ҳақиқий ишқ билан боғлиқ ирфоний хулосаларини тасвирлашда шу санъатдан фойдаланишни маъқул кўради.

11. Увайсий индивидуал услубининг намоён бўлишида тамсил санъати муҳим аҳамият касб этади. Тамсил шоира шеъриятининг мазмун худудини чироғдек нурлантириб туради. Тамсил ҳам ҳусни таълил, ирсоли масал каби далиллаш санъатидир. Шоира мураккаб ва тасаввуфий қарашларини ўқувчига аниқ ва тушунарли етказишда мазкур санъат қўл келади. У шоира шеъриятида турли вазифаларни бажаради. Баъзан, мутасаввуф шоира сифатида, ирфоний маъно ва тушунчаларни соддалаштириб, мавҳумликни моддийлаштириб, асар мазмунидаги англамни осонлаштиришга хизмат қилади. Баъзан эса бу оддий, ҳаётий тажрибалар билан боғлиқ ҳукмларига қатъийлик бағишлаш вазифасини бажаради.

ХУЛОСА

Шарқ мумтоз адабиётини кузатиб, фалсафий-бадий маъно-моҳиятнинг теранлиги, бадий ифода уйғунлиги, ҳажм жиҳатидан кўламдорлиги, бадий тасвир воситаларини қўллашдаги ўзига хослиги, бадий-эстетик диди нуктаи назаридан ўзбек мумтоз шоираси Жаҳонотин Увайсийга тенг келадиган аёл ижодкорни учратмадик. У бутун умр халқи ва юртининг қайғуси, дарди билан яшаган шоирадир. Элнинг буюклигини таъминлаш, аввало, унинг маънавий камолотига боғлиқлигини чуқур тушунган ва шу йўлда ўз асарлари билан хизмат қилишни ҳаётининг мақсади деб билган. Шу сабабли, шеъриятида замонасининг энг долзарб ижтимоий ҳолатлари ҳам, маънавий-ахлоқий муаммолари ҳам ноёб истеъдод, маҳорат ва жасорат билан ўз талқинини топган. Замондошларини маънавий мудроқликдан уйғотишга, кўнгил кўзларини очиб, ўзлигини англаш учун йўналтиришга астойдил бел боғлаб хизмат қилган.

Мустақиллик даври адабиётшунослигидаги юксалиш мумтоз адабиёт намуналарини объектив, бадий маҳорат нуктаи назаридан қайта баҳолашни долзарб вазифа этиб белгилади. Бугунги кунда Увайсий меросини ҳам дунёвий, тасаввуфий ва бадий жиҳатдан янги талқин этиш муҳим илмий натижаларга олиб келади. Шоиранинг асарларини ўрганиш, фақат ўзининг эмас, балки мазкур давр ўзбек мумтоз адабиётининг ўзига хос хусусиятларини, янгича ёндашувларни ҳам аниқлаш имконини яратади.

Маълумки, бадий ижоддаги янгиликлар анъаналар бағрида улғаяди. Шундан келиб чиқиб, биз тадқиқотимизда шоира меросининг тимсоллар олами, жанрлар такомилли, қофия, радиф, бадий санъатларнинг қўлланилиш тамойили, лирик қаҳрамон табиатининг хос хусусиятларини мумтоз анъаналар билан боғлиқликда ўрганиб, илмий яқунлар чиқаришга ҳаракат қилдик. Олиб борган илмий изланишларимиздан қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Ўзбек мумтоз адабиётининг ҳайратланарли жиҳати шундаки, у чекланган қонуниятлар ичидан ҳам ноёб янгиликлар кашф эта олган. Бири

бирини такрорламайдиган, оригинал асарлар яратилган. Адабиётимизнинг бу хусусияти, айниқса, назиранивисликда аниқроқ намоён бўлган. Увайсий ижодий тақомилида анаъананинг мақомини белгилашда, у яратган назираларнинг ўрни муҳимдир. Шоира Навоий, Амирий, Нодира, Жомий каби кўплаб ижодкорларнинг энг машҳур ғазалларига назиралар боғлаган. Шу билан бир қаторда, Увайсий ғазалларига ҳам ўзидан кейин яшаган Дилшод Барно, Анбар отин, Зокиржон Фурқат, Рожий, Нодим каби кўплаб ижодкорлар назира боғлашган.

2. Кузатувимиз шуни кўрсатадики, бир хил мавзуда, бир хил вазнда, бир хил радифда яратилган бўлишига қарамасдан, ҳар бир истеъдодли ижодкор каламидан чиққан асар ўзига хос янги ижод маҳсули сифатида дунёга келади. Унда ҳар бир ижодкорнинг тафаккур тарзи, дунёқараши, фалсафий мушоҳадалари ўз ифодасини топади. Анъанавийликнинг сақланиши билан бирга мавзуга янги ёндашув, янги тасвир тизими кўзга ташланади. Улар бир-бирига ўхшаши билан бирга, давр руҳини, унинг муаммоларини ёритиш, тасвирлаш принциплари билан фарқланиб туради. Шу сабабли, ҳар бир ижодкор яратган асардаги мазмун, фикр, ғоя, тасвир тамойилларида тараққиёт белгиларини кузатамиз. Татаббуъ, назира усуллари шунчаки тақлидчилик эмас, балки улар ҳар бир истеъдодли ижодкор учун улкан маҳорат мактаби вазифасини бажарган.

3. Ўзбек мумтоз шеъриятида лирик қаҳрамон масаласи чуқур тадқиқотни тақозо этадиган адабий ҳодисадир. Чунки лирик қаҳрамон табиатини етарли ўрганмасдан ижодкорларнинг индивидуаллиги, маҳоратини баҳолашнинг иложи йўқ. Зеро, лирик қаҳрамон бош ғояни, барча тимсол ва образларни ўзида мужассамлаштирган махсус марказ ҳисобланади.

4. Ўзбек мумтоз адабиётида лирик қаҳрамон характерини англаш, ҳар бир сўзнинг асл ва кўчма маъноларини англашдан бошланмоғи лозим. Шундагина биз унинг асл қиёфасини кўра оламиз. Табиатидаги ўзига хосликлар, кўнглидаги туйғулар пўртанаси билан ошно бўламиз. Уни

баҳолаганда, адашмаймиз. Жумладан, Жаҳонотин Увайсий шеърлятидаги лирик қахрамон характери баҳолаш ва англаш учун ҳам худди шу мезондан фойдаланиш тақозо этилади.

5. Увайсий лирик қахрамон характери ёритишда табиат ҳодисалари, ҳаётий воқелик билан муқоясалаш йўлидан боради. Хусни таълил, тамсил каби бадиий санъатлардан унумли фойдаланиб, тасаввуф ва ҳақиқий ишқнинг мураккаб назарий масалаларини китобхон тасавбурида содда, тушунарли намоён бўлишига эришади.

6. Увайсий ижодида қўлланилган ҳар бир тимсол унинг фалсафий дунёқараш қамровини, оламни англаш мезонини, фикрлаш тарзини, ижодий тамойилини, йўналишини аниқлашимизда муҳим аҳамиятга эга. Увайсий мужгон, бозор, май, соқий, булбул, парвона каби юзлаб поэтик тимсолларнинг янги маъновий сарҳадларини кашф этиб, ўзбек мумтоз адабиёти образлар тизимини бойитишга, янада мукаммаллаштиришга беқиёс улуш қўшди.

7. Халқ тили бойлигидан унумли фойдаланган шоира ижодида сўзларнинг маъно қўлами янада кенгаяди. Увайсий уларнинг маълум маъноларидан ташқари, ирфоний-фалсафий маъносидан ҳам кенг фойдаланади. Ўзигача бўлган мумтоз асарлар анъаналарини ўрганган ва муносиб тарзда янада такомиллаштириб давом эттирган. Шоира анъанавий поэтик тимсолларга ноанъанавий маъноларни юклайди. Уларни янги рамзий маъноларда қўллайди. Янги маъно қирраларини кашф этади.

8. Увайсий меросида ғазал турларининг ноёб намуналари кўп. Жумладан, девонида 6 та ҳарора ғазал учрайди. Ҳарора шеърлар, истилоҳнинг луғавий маъносидан ҳам англашиляптики, руҳий жўшқинлик, руҳий ғалаён, пафос маҳсули сифатида майдонга келган. XX аср бошларигача яратилган қофиясиз шеър ҳақида гапирилганда, фақат Увайсий ижодидан мисоллар келтирилган. Унинг ҳам биргина "Кўнгил доғ ўлди, доғ

Ўлди" радифли ғазалигина тилга олинган. Аммо, биз шоира девонининг Ўзбекисон ФА Беруний номидаги ШИ қўлёзмалар фондида 1837-инв.рақам остида сақланаётган қўлёзма нусхаси билан танишиш жараёнида унда олтига харора усулида яратилган ғазал мавжудлигининг гувоҳи бўлдик.

9. Увайсий ижодий фаолияти давомида жанрлардан фойдаланишда турли-туман, ноёб тажрибалар қилиб кўради. Мумтоз адабиётда кам қўлланилган жанрларда ҳам шоира ўзининг такрорланмас истеъдодини намоён эта олган. Мумтоз адабиётда жанр нуқтаи назаридан ноёб ҳисобланган Увайсий мусалласи бетакрор истеъдод маҳсулидир. Мазкур асар ҳам шоиранинг бошқа асарлари каби чуқур мазмун, мутаносиб ифода шаклига эга. Теран мантиқ асосида яратилган, соҳир туйғулар билан музайянлаштирилган. Шоира мазкур мусалласи билан Шарқ мумтоз адабиётида ноёб бир жанрни қайта жонлантирган. Уни келажак авлодларга етказишга, асраб қолишда ўзининг муҳим ҳиссасини қўшган.

10. Шоира муухаммасларида ҳам салафлари ғояларини янада такомиллаштиради. Тимсоллар тизимини, бадий тасвир воситаларини бойитади. Уларнинг ўзига хос, янги қирраларини кашф этади. Дунёқараш, туйғулар, тимсоллар ва бадий тасвир воситаларидаги уйғунлик тахмисларнинг равонлик ва яхлитлик касб этишига боис бўлган. Сўз танлашдаги ўзига хослик, бадий ифодадаги нодир топилмалар уларни мукамал, янги асарлар мақомига кўтарган. Шоира боғлаган тахмислар, яратган мустақил мухаммаслар ҳам унинг дунёқараши, ҳаётга, инсониятга муносабати каби масалаларни ойдинлаштиришда муҳим ўринга эга. Уларда шоиранинг бадий ифодадаги ўзига хослиги ҳам намоён бўлади.

11. Фард жанри Увайсий ижодида муҳим мавқеда турган. Борлиқ ҳақида ўзи англаган ҳақиқатларни ифодалаш, чуқур фалсафий, ҳикмат даражасидаги фикрларни баён этишда қўл келган. Фардлар яратганда, Увайсий мумтоз адабиёт анъаналарини чуқур ўрганиб, улардан илҳомланиб, янада ривожлантириб, румиёна ҳикматлар даражасида яратишга эришган. Шоира

фардни жанр сифатида такомиллаштирган. Барча намуналарни тажнис асосида қофиялашга ҳаракат қилган. Зоҳирий, ботиний маъноларни назарда тутиш билан бир қаторда, шоиранинг фикрлари матн ортида ҳам давом этишини таъминлаган.

12. Ўзбек мумтоз адабиётидаги чистоннинг тарихий такомилида Увайсий ижодининг беқиёс аҳамияти бор. Шоира уни мазмун-мундарижа жиҳатидан ҳам, бадиий маҳорат ва шакл хусусиятлари нуқтаи назаридан ҳам юксак босқичга кўтаришга эришган. Увайсийнинг, чистон яратишда ўзига хос маҳорат соҳиби эканлиги маълум бўлади. Шоира ўз услубига эга. У ҳажман қисқаликка интилган. Шу сабабли, чистонлари, асосан, 2, 4 ва 6 мисрадан иборат.

13. Шоира Навоий чистонларидан таъсирланган. Ундан маҳорат сирларини ўрганган. Шу билан бир қаторда, шоиранинг ўзи ҳам чистон жанри тараққиётига маълум янгиликлар киритган. Навоий чистонлари учун танланган вазн оҳанги вазминроқ (ҳазажи мусаммани солим), Увайсий чистонларининг барчаси эса нисбатан енгилроқ оҳангга эга рамали мусаммани маҳзуф ва рамали мусаддаси маҳзуф вазнларида яратилган. Бу шоира услубининг халқ оғзаки ижодига монандлигини кўрсатади. Шоира чистонларда ўзига хос образлар галереясини яратади. Тимсол яртишда халқ оғзаки ижоди маҳсулларидан, ҳикмат ва нақлларидан унумли фойдаланади. Бу борада ноёб истеъдодга эга эканлигини намойиш эта олади. Шоира чистонларида зоҳирий ва ботиний мазмунни мужассамлаштириб ифодалашга ҳаракат қилади. Предмет ва ижтимоий муаммолар назарда тутилади. Шоира чистонларида ташбеҳ, истиора, муболаға каби бадиий санъатлар ҳам маҳорат билан қўлланади. Баъзан киноя, баъзан юмор сингдирилади.

14. Увайсий яратган учта достони билан достоннависликда ҳам ўзининг ноёб истеъдодга эгалигини намоеън эта олган. Шоира асарларида Шарқ мумтоз достончилиги анаъаналари ва халқ достонларига хос ифода йўсини мужассамлашганининг гувоҳи бўламиз. Муаллифнинг “Қиссайи Имом

Ҳасан”, “Қиссайи Имом Ҳусайн”, “Воқеоти Муҳаммадалихон” дostonлари шу мавзудаги бошқа дostonлардан кўплаб ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Дostonда шоиранинг вазн танлаш, бадиий тасвир воситаларидан фойдаланиш тамойиллари ўз ифодасини топган.

15. Увайсийнинг бадиий маҳорати асарларида қофия қўллаш тамойилларида ҳам намоён бўлади. Энг муҳим бадиий унсур сифатида унга катта эътибор қаратади. Унда шоира мақсадининг авж нуқтаси, фикрларининг ечими мужассамланади. Кўпроқ содда сўзлардан фойдаланади. Бу эса ўқувчи диққатини асосий нуқтага жалб этиш учун хизмат қилади. У муқайяд ва мутлақ қофиянинг кўплаб турларидан унумли фойдаланган. Шоира асарларида қофия билан боғлиқ илтизом, зулқофиятайн, мукаррар, тарсеъ, ташриъ каби кўплаб бадиий санъатларни ҳам қўллайди.

16. Адабиётшунослигимиз тарихида олимларимиз радиф қўллаш шеъриятда шарт қилиб белгиланмаганини таъкидлашган бўлсалар-да, Увайсий ижодида у улкан бадиий вазифаларни бажарган. Қуйидаги миқдорлар ҳам бунинг яққол исботидир. Шоира девони қўлёзмасидаги 244 ғазалдан 196 тасида радиф қўлланилган. Ҳар бир байтда радиф қўшилиши билан, оҳангдорликнинг ошишидан ташқари, шоира нутқида жуда катта мантикий ойдинлик пайдо бўлади. Ҳар бир байтнинг, ўқувчи диққатини жалб этувчи, маъновий кульминацияси вужудга келади. Шоира шеъриятида анъанавий радифларни қўллаш билан бирга ўзига хос, янги сўзлардан ҳам радиф сифатида кенг фойдаланади (“Ўқу, баякногах, беҳ, таржеҳ.....). Бу мумтоз адабиёт тасвир қамровини кенгайтиради ва янгиланиш жараёнига хизмат қилади.

17. Увайсий шеъриятида ташбеҳ, тазод, тарди акс, ийҳом, тарсеъ, иқтибос, ақд, иштиқок, китобат каби кўплаб бадиий санъатлардан ҳам унумли фойдаланган. Хусусан, истиора санъати шоира услубининг шаклланишида, асарлари замиридаги рамзий-ирфоний маъноларнинг ифодаланишида муҳим восита вазифасини бажарган.

18. Тажоҳули ориф санъатини қўллаш шоиранинг индивидуал услубининг намоён бўлишида, шаклланишида муҳим восита. Шу йўл билан у анъанавий фикрларни янгича ифода шаклларида баён этишга эришади. Увайсий шеърлятида ҳусни таълил ҳам етакчи санъатлардан. Унинг энг сара ғазаллари мазкур санъат билан зийнатланган. Шоира ижодида мазкур санъат бир ёки бир неча байтда, ҳатто, баъзан ғазал тўлиқлигича шу санъат асосида яратилган намуналари учрайди. Рухий ҳолатлар талқинининг аниқ ва таъсирли чиқишини ҳусни таълил санъати таъминлайди. Ҳусни таълил санъатида туйғулар тасвирини ошиқ ва табиат параллелизмида ифодалаш имкони бор. Шу сабабли, Увайсий ўзининг ҳақиқий ишқ билан боғлиқ ирфоний хулосаларини тасвирлашда шу санъатдан фойдаланишни маъқул кўради.

19. Увайсий индивидуал услубининг намоён бўлишида тамсил санъати муҳим аҳамият касб этади. Тамсил шоира шеърлятининг мазмун ҳудудини нурлантириб туради. Тамсил ҳам ҳусни таълил, ирсоли масал каби далиллаш санъатидир. Шоира мураккаб ва тасаввуфий қарашларини ўқувчига аниқ ва тушунарли етказишда мазкур санъат қўл келади. У шоира шеърлятида турли вазифаларни бажаради. Баъзан, мутасаввуф шоира сифатида, ирфоний маъно ва тушунчаларни соддалаштириб, мавҳумликни моддийлаштириб, асар мазмунидаги англамни осонлаштиришга хизмат қилади. Баъзан эса бу оддий, ҳаётий тажрибалар билан боғлиқ ҳукмларига қатъийлик бағишлаш вазифасини бажаради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: O'zbekiston, 2016. – 32 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураамиз. – Тошкент: O'zbekiston, 2017. – 483 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017 йил 4 август.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: O'zbekiston, 2017. – 32 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги Фармони // Халқ сўзи. – 2017 йил 8 февраль.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарори // Халқ сўзи. – 2017 йил 21 апрель.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи. – 2017 йил 20 сентябрь.

II. Матн ва манбалар:

8. Абу Наср Форобий. Шеър санъати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – 66 б.
9. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Тошкент: Фан, 1968.
10. Алишер Навоий. МАТ.7-том. Бадойеъ ул-васат. – Тошкент: Фан, 1990.

11. Алишер Навоий. МАТ. 18-жилд. Девони Фоний. – Тошкент: Фан, 2002
12. Алишер Навоий. МАТ. 13-жилд. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент: Фан, 1997. – 284-б.
13. Алишер Навоий. МАТ. 16-том. Мезон ул-авзон. – Тошкент: Фан, 2000.
14. Алишер Навоий. МАТ. 4-жилд. Наводир уш-шабоб. – Тошкент: Фан, 2007.
15. Алишер Навоий. МАТ. 6-том. Фавойид ул-кибар. – Тошкент: Фан, 1990.
16. Алишер Навоий. МАТ. 5-том. Хазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. – Тошкент: Фан, 1990.
17. Алишер Навоий. МАТ. 7-том. Ҳайрат ул-аброр. – Тошкент: Фан, 1991.
18. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983.
19. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Асарлар, 15 томлик, 15-том. – Тошкент: Фан, 1968.
20. Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. 4 жлидлик. 1-4-жилдлар. – Тошкент: Фан, 1959-1960.
21. Амирий. Девон. – Тошкент: Фан, 1972.
22. Арасту. Поэтика. Ахлоқи каби. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – 194 б.
23. Аҳмад Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға. – Т.: Хазиана, 1996. – 212 б.
24. Доктор Саййид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. – Техрон, 1279 ҳ. –813 с.
25. Кошифий Ҳусайн Воиз. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. – Тошкент: Халқ мероси, 1994. – 110 б.
26. Лутфий. Девон. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1965.

27. Машраб Б. Мабдаи нур. – Тошкент: Ношир, 2008. – 294 б.
28. Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот. Жилди II. – Душанбе: Адиб, 1988.
29. Румий Ж. Учмоққа қанот йўқ вале учгайман. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994. – 48 б.
30. Тарозий Шайх Аҳмад ибн Худойдод. Фунун ул-балоға. – Тошкент: Хази́на, 1996.
31. Увайсий. Девон. – Тошкент: Фан, 1959.
32. Увайсий. Девон. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1963.
33. Увайсий. Девон. Ўзбекистон ФА ШИ кўлёмалар фонди. Инв. 1837.
34. Увайсий. Кўнгил гулзори. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983.
35. Увайсий. Мазмун маъдани. Шеърлар. – Тошкент: Академнашр, 2010.
36. Увайсий шеърятдан. – Тошкент: МКнашр, 1980.
37. Уч шоира. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1958.
38. Фазлий. Мажмуаи шоирон. Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги ШИ кўлёмалар фонди. Инв. 358.
39. Фарҳанги забони тожики. Жилди I. – Москва: “Советская энциклопедия”, 1969.
40. Фарҳанги забони тожики. Жилди II. – Москва: Советская энциклопедия, 1969.
41. Фузулий. Асарлар, 1-жилд. – Баку: Азернешр, 1944.
42. Фурқат. Танланган асарлар. 2 томлик. 1-жилд. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1959.
43. Юлдуз Бакир. Карбало фожиаси. Тарихий-бадиий қисса. Русчадан Собир Ўнар тарж. – Тошкент: Чўлпон, 1993. – 80 б.
44. Ўзбек адабиёти. III жилд. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1959.
45. Ўзбек адабиёти хрестоматияси. II жилд. – Тошкент: Фан, 1945.
46. Ўзбек поэзияси антологияси. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1948.
47. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 2006.

48. Ўзбек шоирлари баёзи. Увайсий. Нодира. – Тошкент: Фан, 1993.

III. Илмий-назарий адабиётлар:

49. Абдувоҳидова М. Ўзбек адабиётида мунозара. – Тошкент: Фан, 1984. – 120 б.

50. Адабиёт назарияси. 2 томлик. 1-том. Адабий асар. – Тошкент: Фан, 1978. – 415 б.

51. Адабиёт назарияси. 2 томлик. 2-том. Адабий-тарихий жараён. – Тошкент: Фан, 1979. – 445 б.

52. Адабий тур ва жанрлар. III жилдлик. II жилд. Лирика. – Тошкент: Фан, 1982.

53. Адизова И. Увайсий ижодида жанрлар такомилли. – Тошкент: Мухаррир, 2011. – 52 б.

54. Акбарова М. Алишер Навоий ғазалларида қофия. – Тошкент: Фан, 1997.

55. Акрамов Б. Шеърят гавҳари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979.

56. Алишер Навоий: қомусий луғат. 1-2-жилдлар. – Тошкент: Шарқ, 2016.

57. Аннемарие Шиммел. Жонон менинг жонимда. – Тошкент: Шарқ, 1999. – 172 б.

58. Афоқова Н. Жадид лирикасида мусаммаат. – Тошкент: Фан, 2005. – 25 б.

59. Афоқова Н. Жадид ғазалиёти. – Тошкент: Фан, 2005. – 35 б.

60. Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика. – Москва: Наука, 1989.

61. Бартольд В.В.. История культурной жизни Туркестана. Сочинения. Т. II, Ч. I. – Москва: Просвещение, 1963.

62. Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. – Москва: Наука, 1960. – 554 с.

63. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Низами и Физули. – Москва: Наука, 1962. – 552 с.
64. Бертельс. Избранные труды. Навои и Джами. – Москва: Наука, 1965. – 500 с.
65. Бертельс Е.Э. Избранные труды. История литературы и культуры Ирана. – Москва: Наука, 1988. – 560 с.
66. Бобоев Т. Шеър илими таълими. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 344 б.
67. Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб. – Тошкент: Фан, 1992. – 120 б.
68. Болтабоев Ҳ. Мумтоз сўз сеҳри. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2004.
69. Болтабоев Ҳ., Маҳмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2016. – 476 б.
70. Борев Ю. Эстетика литературы. – Москва: Наука, 2003. – стр. 400.
71. Вадуд Маҳмуд. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 2007.
72. Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – Москва: Высшая школа, 1989. – 406 с.
73. Восточная поэтика. Специфика художественного образа. Под редакции П.А. Гринцера. – Москва: Наука, 1983. – 263 с.
74. Гадамер Г.Г. Актуальность прекрасного. – Москва: Наука, 1982. – стр. 300.
75. Гегель. Эстетика. В 4-х томах. – Москва: Наука, 1968.
76. Жабборов Н.А. Закон мезон шеърият. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2015. – 302 б.
77. Жабборов Н.А. Маърифат надур. – Т.: Янги аср авлоди, 2016.
78. Жалолов Т. Ўзбек шоирлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980.
79. Жирмунский В.М. Избранные труды. Теория литературы Поэтика Стилистика. – Ленинград: Наука, 1977. – 408 с.
80. Жузжоний Абдулҳаким Шаръий. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент: Адолат, 2001. – 190 б.

81. Жумахўжа Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 222 б.
82. Жумахўжа Н., Адизова И. Ўзбек адабиёти тарихи (16-19- аср 1-ярми). – Тошкент: Ношир, 2019. – 430 б.
83. Жўракулов У. Худудсиз жилва. – Тошкент: Фан, 2006. – 203 б.
84. Зехни Т. Санъати сухан. – Душанбе: Дониш, 1979. – 324 с.
85. Зоҳидов Л. Алишер Навоий ижодида муаммо жанри. – Тошкент: Фан, 1986. – 65 б.
86. Иброҳимова Э. Увайсий. Монография. – Тошкент: Фан, 1963
87. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980.
88. Имомназаров М. Мумтоз форс шеърляти бадииятшунослиги ва жанрлар типологияси. – Тошкент: ТошДШИ, 2015. – 280 б.
89. Истеълomий М. Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий. – Техрон: 2001. – 88 б.
90. Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Халқ мероси, 2002. – 122 б.
91. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – 320 б.
92. Исҳоқов Ё. Навоий ва Хусрав Дехлавий. – Тошкент: Фан, 1968.
93. Исҳоқов Ё. Навоийнинг илк лирикаси. – Тошкент: Фан, 1979.
94. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983.
95. Кароматов Ҳ. Куръон ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Фан, 1993.
96. Комилов Н. Тасаввуф. 2-китоб. – Тошкент: Маънавият, 1999.
97. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996.
98. Комилов Н. Тафаккур карвонлари. – Тошкент: Маънавият, 1999.
99. – 277 б.
100. Комилов Н. Хизр чашмаси. – Тошкент: Маънавият, 2005.
101. Конрад Н.И. Запад и Восток. – Москва: Главная редакция Восточной литературы, 1972. – 496 с.
102. Кор Оглы. Узбекская литература. – Москва: Высшая школа, 1976.

103. Куделин А. Б. Классическая арабо-испанская поэзия. – Москва: Наука, 1973.
104. Куделин. А.Б. Средневековая арабская поэтика. – Москва: Наука, 1983. – 262 с.
105. Литература народов Востока в средние века. Составитель доц. А.З. Хабибуллина. – Казань: 2007. – 35 с.
106. Литературный энциклопедический словарь. – Москва: Наука, 1987. – 752с.
107. Лосев А.Ф. Проблема символа и реалистическое искусство. – Москва: Наука, 1976.
108. Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста. Структура стиха. – Ленинград: Просвещение, 1972. – 130 с.
109. Мир Жалал. Фузули санаткарлиғи. – Баку: Азернешр, 1958.
110. Мирзаева Н. Метафорик образ муаммоси. – Тошкент: Фан, 2006.
111. Мирзаға Гулузаде. Фузулинин лирикасы. – Азарбайжан: Елмлр академиясы, 1965. – 475 б.
112. Муллахўжаева К. Алишер Навоий ғазалиётиси тасаввуфий тимсол ва бадий санъатлар уйғунлиғи. – Тошкент: Академнашр, 2019. – 204 б.
113. Мусулмонкулов Р. Асрори сухан. – Душанбе: Ирфон, 1980. -150 б.
114. Мусулмонкулов Р. Назарияи чинсҳо ва жанрҳои адаби. – Душанбе: Маориф, 1987. – 88 б.
115. Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика (X-XV вв.). – Москва: Наука, 1989. – 240 с.
116. Муҳаммад Истеълумий. Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий. – Техрон: 2001.
117. Навоий ғазалиёти талқинлари. Тўплаб нашрга тайёрловчи Н. Жумахўжа. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 384 б.
118. Норматов У. Ижодкорнинг дахлсиз дунёси. – Т.: Мумтоз сўз, 2008.
119. Огоҳ Сирри Левенд. Девон адабиёти: калималар ва рамзлар, мазмунлар ва мафхумлар. – Истанбул: 1984.

120. Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. 19 томлик. 13-том. – Т.: Фан, 1979. – 513 б.
121. Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. – Т.: Фан, 1976.
122. Османов М-Н.О. Стиль персидско-таджикской поэзии IX-XXвв. – Москва: Наука, 1974. – 267 с.
123. Парандовский Ян. Алхимия слова. – Москва: Наука, 1972.
124. Пирназаров М. Поэтик жанрлар типологияси (XIX ва XX аср бошлари туркий халқлар поэзиясида ғазал). – Тошкент: Фан, 1989. – 125 б.
125. Расулов Т.. Бадиий асар қанотлари. – Тошкент: Фан, 1977.
126. Розанов М.. Современное состояние вопроса о метрах изучения литературных произведений. – М.: Русская мысль, 1900. – стр. 171-182.
127. Румий Ж. Маснавий ҳикояларига шарҳлар. – Тошкент: Мухаррир, 2011. – 401 б.
128. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – 216 б.
129. Рустамов А. Қофия нима? – Т.: Фан, 1976.
130. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент: Фан, 2004. – 128 б.
131. Серикова Л. Н. Малые формы лирики Алишера Навои (кытъя, рубаи, фард). – Тошкент: Фан, 1981. – 95 б.
132. Сирожиiddинов Ш.С. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – 200 б.
133. Стеблева И.В. Изучение тюркских литератур в России: 20 век. – Москва: Восточная литература, 1998. – 55 с.
134. Стеблева И.В. Поэтика древнетюркской литературы и её трансформация в ранне-классический период. – Москва: Наука, 1976. – 213 с.
135. Стеблева И.В. Развитие тюркских поэтических форм в XI веке. – Москва: Наука, 1971. – 300 с.

136. Стеблева И.В. Семантика газелей Бабура. – Москва: Наука, 1982. – 327 с.
137. Стеблева И.В. Тюркская поэтика: этапы развития: VIII-XX вв. – Москва: Восточная литература, 2012. – 200 с.
138. Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 392 б.
139. Теория жанров литератур Востока. – Москва: Наука, 1985.
140. Теория литературы. Том первый. Теория художественного дискурса. Теоретическая поэтика. – Москва: Академия, 2007. – 510 с.
141. Теория литературы. Том второй. – Москва: Академия, 2007. – 359 с.
142. Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. – Москва: Просвещение, 1976. – 548 с.
143. Тожибоева М. Жадид адиблари ижодида мумтоз адабиёт анъаналари ва маҳорат масалалари. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2017. – 260 б.
144. Томашевский Н. Традиция и новизна. – Москва: Художественная литература, 1981. – 286 б.
145. Тронский И.М. История античной литературы. – Москва: Высшая школа, 1988. – 463 с.
146. Тухлиев Б. Вopосқ поэтики “Кутадғу билиғ” Юсуфа Хас Хаджиба. – Т.: Фан, 2004. – 120 с.
147. Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадиийлик мезонлари ва уларнинг маромлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – 508 б.
148. Умар Форук Сайдо ал-Жазарий. Тасаввуф сирлари. – Тошкент: Мовароуннахр, 2004. – 150 б.
149. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Тошкент: Истиклол, 1999. – 177 б.
150. Файзиев Т. Зебуннисо. – Тошкент: Фан, 1991. – 40 б.
151. Фитрат. Адабиёт қоидалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – 112 б.
152. Фитрат. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2000.

153. Хализев В.Е. Теория литературы. – Москва: Высшая школа, 1999. – 398 с.
154. Чалисова Н.Ю. Персидская поэзия на весах поэтики. – Москва: Восточная литература. – 465 с.
155. Четиндоғ Юсуф. Алишер Навоий ва усмонли шеърятти. – Тошкент: Муҳаррир, 2011.
156. Шидфар Б.Я. Образная система арабской классической литературы (VI-XII вв.). – Москва: Наука, 1974. – 256 с.
157. Шоалиева Н. Сухроб Сипехрий шеъряттида ирфон ва инсон. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2012. – 143 б.
158. Эшонкул Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини. – Тошкент: Фан, 2011.
159. Юсупова Д. Алишер Навоий”Хамса”сида мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлиги. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2011. – 144 б.
160. Юсупова Д. Темурийлар давридаги арузга доир рисолаларнинг қиёсий таҳлили. – Тошкент: Таълим-Медиа, 2019. – 262 б.
161. Яссавий ким эди (Мақолалар ва “Ҳикматлар”дан парчалар). Тўплаб нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Б.Дўстқораев. – Тошкент: Халқ мероси, 1994. – 80 б.
162. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик, 4-жилд. – Тошкент: Фан, 1978
163. Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. – Тошкент: Фан, 1961.
164. Қодирова М. Зебуннисо. – Тошкент: Фан, 1982. – 32 б.
165. Қуронон Д. Адабиётшуносликка кириш. Тошкент:Фан, 2002. - 227 б.
166. Қуронон Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 287 б.
167. Гафуров И. Лириканинг юраги. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1982.
168. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. Тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашр. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – 328 б.

169. Ҳамдам У. Янгилашиш эҳтиёжи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007.
170. Ҳаққулов И. Камол эт касбким. – Тошкент: Чўлпон, 1991. – 240 б.
171. Ҳаққулов И., Очилов Э. Ишқ ва ҳайрат олами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 304 б.
172. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърият. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – 184 б.
173. Ҳаққулов И. Увайсий шеърияти. – Т.: Фан, 1982.
174. Ҳаққулов И. Ўзбек адабиётида рубоий (Жанрнинг поэтикаси ва тарихи). – Тошкент: Фан, 1981. – 98 б.
175. Ҳилми Ёвуз. Ёзув, тил ва санъат. – Истанбул: 1996, 122 б.
176. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ, 1999. – 240 б.
177. Ҳожиаҳмедов А. Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 158 б.
178. Ҳожиаҳмедов А. Ҳусни таълил санъати. – Тошкент: Фан, 2006. – 288 б.
179. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1983.
180. Ҳусаинова З. Ўзбек топишмоқлари. – Тошкент: Фан, 1983.
181. Раҳимжон Р. Кипригим оғирлик қиларди // Тафаккур. – Тошкент, 1999. – № 3.
182. Чўлпон. Увайсий // Ёрқин турмуш. – Тошкент, 1933. – № 3.
183. Ҳаққул И. Олимлик маъно излаш демак// ЎзАС. – Тошкент, 2008, 30 май.
184. Раззоқов Ҳ., А.Сайдалиев. Шоира Увайсий // Коммунист. – Тошкент, 1959.

IV. Диссертация ва авторефератлар:

185. Акбарова М. Алишер Навоий ғазалларида қофия: Филол. фан. номз. дис. ...автореф. – Тошкент, 1997. – 20 б.

186. Бакиров М.Х. Генезис и древнейшие формы общетюркской поэзии. Автореф. дисс. на соискание ученой степени докт. филол. наук. – Казань, 1999. – 96 б.

187. Давлатов О.Д. Алишер Навоий шеърятисида Куръон оятлари ва хадисларнинг бадиий талқини: Филол. фан. бўйича фал.докт. (PhD) дисс. ...автореф. – Тошкент, 2017. – 45 б.

188. Жўраева Н.Г. Ўзбек мумтоз шеърятисида байт ва унинг поэтикаси: Филол. фан.номз. дис. ... автореф. – Тошкент, 2004. – 24 б.

189. Жўракулов У. Фитратнинг таджикотчилик маҳорати (ўзбек адабиёти тарихига оид таджикотлари мисолида). Филол. фан. номзод... дис. автореферати. – Тошкент, 1998. – 26 б.

190. Куделин А.Б. Концепция канона в средневековой арабской поэтике. Дисс... на соискание докт. филол.наук. – Москва, 1984. – 386 с.

191. Мамажонов З. Ўхшатиш асосидаги шеъринг санъатларининг назарий тавсифи ва таснифи. Филол. фан. бўйича фал.докт. (PhD) дисс. ...автореф. – Тошкент, 2017. – 48 б.

192. Мардони Т.Н. Влияние арабской поэзии на творчество таджикских-персидских поэтов 9-12 веков. Дисс. ...на соискание докт.филол. наук. – Душанбе, 2006. – 344 с.

193. Мусульманкулов Р. Атауллах-и Махмуд-и Хусайни и вопросы таджикско-персидской классической поэтики. Авт.дисс. ...докт.филол. н. – Душанбе: 1980. – 42 с.

194. Очилов Э.З. рубоий таржимасида шакл ва мазмун бирлиги: Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Тошкент, 1994. -26 б.

195. Пардаев Қулдош Узақович. Муқимий шеърятининг матн тарихи, таҳрири ва талқини: Филол. фан. докт. дисс. ... – Тошкент, 2020. – 223 б.

196. Рамазонов Н.Н. Алишер Навоий ижодида фақр талқини ва фақир образи: Филол. фан. номз. дисс. ... – Тошкент, 2019. – 168 б.

197. Сирожиддинов Ш.С. Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV-XIX асрларда яратилган форс-тожик манбалари (қиёсий-типологик,

текстологик таҳлил): Филол. фан. докт. дисс. ...автореф. – Тошкент, 1998. – 45 б.

198. Султонов Т.И. Алишер Навоий ва Озарбайжон адабиёти: тарихий илдизлар, анъаналар, ворисийлик (Кишварий ва Содиқий асарлари мисолида): Филол. фан. номз. дисс. ... – Тошкент, 2019. – 167 б.

199. Тожибоева М.А. Жадид адиблари ижодида мумтоз адабиёт анъаналари: Филол. фан. докт. дисс. ... – Тошкент, 2018. – 269 б.

200. Хамраев А.Т. Древний книжный стих и проблема тюркского аллитерационного стиха. Автореф. дисс. ... докт. филол. н. – Алматы, 2002. – 58 с.

201. Шокириён М. Малые лирические жанры в поэзии Рудаки и его современников. Дисс. ... на соискание учёной степени канд. филол. наук. – Душанбе, 2018. – 183 с.

202. Эркинов А.С. Алишер Навоийнинг пейзаж яратиш маҳорати (“Садди Искандарий” достони мисолида): Филол. фан. номз. дисс. ... – Тошкент, 1990. – 121 б.

203. Эркинов А.С. Алишер Навоий “Хамса”си талқинининг XV-XX аср манбалари: Филол. фан. докт. дисс. ... – Тошкент, 1998. – 220 б.

204. Юсупова Д.Р. Темурийлар давридаги арузга доир рисолаларнинг қиёсий таҳлили: Филол. фан. докт. дисс. ... – Тошкент, 2019. – 249 б.

205. Қобилова З.Б. Амирий ва унинг адабий фаолияти: Филол. фан. номз. дисс. ... – Тошкент, 2007. – 134 б.

206. Гаффорова З. Алишер Навоий ҳамд ва наът ғазалларининг ғоявий-бадий таҳлили. Филол. фан. бўйича фал. докт. (PhD) дисс. ... автореф. – Самарқанд, 2018. – 48 б.

V. Интернет сайтлари:

207. <http://WWW.philology.ru>.

208. <http://WWW.Ziyonet.uz>

209. <http://WWW.Literarytheory.narod.ru>

210. <http://WWW.reader.boom.ru>

211. <http://WWW.uza.uz>

212. <http://WWW.hordiq.uz>